

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

# ДАРД

*Қисса*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2007

84 (5У)6-4  
A15


**Абдуллаев, Абдумутал.**

Дард: (Қисса) / А.Абдуллаев. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. — 176 б.: порт.

ББК 84 (5У)6

Инсон боласи борки, вояга етиб, бир илоҳий дардга мубтало бўлади. Бу "дард" юракларни ўртайди, туйғуларни жунбушга келтиради, кишини изтироблар уммонида синовдан ўтказиб, дилларга чексиз фараҳ ва ҳузур бахш этади. Қалбимизда у яшар экан ҳаётимиз маъно-мазмунга тўлади.

Муҳтарам китобхон, қўлингиздаги асар — муҳаббат қиссаси. Унда қаламга олинган воқеалар, севги туфайли қаҳрамонлар бошига тушган қувончу ташвишлар Сизга ҳам бегона эмаслигига "Дард"ни ўқиб ишонч ҳосил қиласиз, деган умиддамиз.



ISBN 978—9943—06—055—5

№ 498—2007

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.

# Д а р д

Биринчи қисм

Неъмат Солиевичнинг кайфияти анчадан буён ҳозиргидай кўтарилмаган эди.

Кечки таомдан сўнг, дастурхонга дуо қилгач, у одатдагидай хонасига шошилди. Шу пайт беш ёшли набираси даҳлиздан меҳмонхонага югуриб кирди.

— Опоқдада, қаранг, чиройлиманми? — деди у устидаги либосига ўзиям маҳлиё бўлиб.

Профессор фарзандларига қаттиққўллик қилса-да, шу кенжа набираси раъйига ҳеч қарши боролмасди. Юзи оппок, гапга чечан, сергайрат қизалоқ оиланинг булбулигўёси ҳисобланарди.

— Ўҳ-ҳў, сарполар муборак! — Неъмат Солиевич астойдил севинди, дум-думалоқ, кўзлари чарос қизчани бағрига чорлади. Аммо, Нозима нозланиб, жойидан қимирламади. Жажжи лабини буриб, кўз қири билан хонтахта тўрида ўтирган "бош дирижёри" — катта бувисига қаради. Унинг ишорасига кўра мусиқа янгради, Нозима худди раққосалардай буралиб-буралиб ўйнай бошлади. Боланинг нозик хатти-ҳаракатлари, мусиқа оҳангига мос тебранишлари, яна кўшиқни лабида пичирлаб такрорлаши опоқдадасини лол қолдирди.

— Баракалла, она қизим. Боғча опангга ҳам раҳмат, — деди набирасини қўлидан тутиб. Нозима яна бийрон тиллари билан бидирлай кетди.

— Бу, менинг ўртача ясанганим. Наврўз байрамида янаям зўр кийинаман.

— Э-ҳа! Дарвоқе, тез орада баҳор байрами — я... — Неъмат Солиевич шундай қутлуғ айёмни хотирасидан чиқараёзганига афсусланди. Дилида оилавий сайлга чиқишни мўлжаллаб, хотини Ўктамхонга юзланди. Унинг нимадир демоқчилигини сезган онахон сергакланди. Аммо дилдаги ният тилга кўчмай, қўл телефони жириглади. Профессор кафтдай аппарат қопқоғини очиб, қулоғига яқинлаштирди.

— Эшитаман!

Ўктамхон Нозимага "телевизор овозини паслат" дегандай кўз ташлади. Зийрак бола бу ишорани англаб, "ойнаижаҳон" томон чопди.

Неъмат Солиевич телефондаги одамга дағдаға қила кетди.

— Сизга юз марта тушунтирганман. Мени беморнинг мансаби

ёки ижтимоий мавқеи қизиқтирмайди. Муҳими умумий ҳолатини айтсангиз, бас, қайси бўлимда, ички касалликлардами, клиникадами... Муолажа қилдингизларми? Нафи бўлмадимми?.. Жуда қизиқ-ку... Яхши, ҳозир етиб бораман.

...Бемор шаҳардаги энг катта қўшма корхона бошлиғи Ботир Аҳмедович экан. Профессор ҳозир шунақа йирик фабрика борлигини билса ҳам, у ерда қандай маҳсулот ишлаб чиқарилади, раҳбари ким, қизиқмаган экан. Маълум бўлишича, 45 ёшлардаги дуркунгина йигитнинг клиникага ётқизилганига бир ҳафтадан ошибди. Шу вақт мобайнида аниқ ташҳис қўйилмабди. Энг ёмони, шифохонага ўз оёғи билан юриб келган бемор, икки кундирки, тўшакка миҳланиб қолибди. Иштаҳаси йўқ, чеҳраси нурсиз, кўзлари маъюс. Кундан-кунга сўлиб борапти.

Неъмат Солиевич касалнинг кайфиятини кўтаришга уринди.

— Алпомишдай йигит экансиз, асли сизга кўз тегибди, шекилли, — деди у ҳазиллашиб.

Ботир Аҳмедович базўр жилмайди. У донғи кетган олим қаршисида чўзилиб ётганидан хижолат чекаётганиди.

— Қаерингиз оғрияпти, деб сўрамайман, — деди профессор унинг билагини ушлаб, томир уришини эшитаркан. — Барибир ўзингиз ҳам нима безовта қилаётганини билмайсиз.

У тўғри гапирди. Чиндан ҳам бемор ўзининг ҳозирги ҳолатига ҳайрон эди. Бирон жойи оғримайди, боши айланмайди, оёғи қалтирамайди, фикри чалғимайди. Аммо... Ўша аммо нелигини билолмай боши қотган. Гўёки юрагини тун каби зулмат қоплаган, сира ёришмайди. Гоҳида шу даражага борарди-ки, ўша заҳм еган жойини омбур билан суғуриб ташласа. Жуда қизиқ, руҳий хотиржамлик етишмаса, кўнгил ҳира тортса, худди ичингни каламуш кемираётгандай юрак-бағринг эзилиб кетаркан.

— Ишда ишқаллик йўқдир, — докторнинг бу саволи шунчаки беморни чалғитиш, хаёлини бўлиш илинжидаги мусоҳаба эди.

— Шукр, корхонамиз яхши, — деди бемор кўзларини ярим очиб.

— Оилавий шароит-чи?

— Шикоят йўқ. Турмуш ўртоғим ҳам анчадан буён бетоб, ўғлим мактабда... Умуман, оиламиз унча катта эмас.

Энди Неъмат Солиевич касаллик варақасини синчиклаб ўқий бошлади. Қон ташҳиси яхши, босими бироз паст. Лекин кўрқинчли эмас. Ўпка, жигар, буйрак фаолиятида деярли ўзгариш йўқ. Электрокардиограмма таҳлили ўртача. Тўғри, юракда бироз шовқин бор, бироқ, бу, ўткинчи ҳолат. Эҳтимол бирон нарсадан кўрққан

ёки ваҳимага тушганмикин? Ёки... Нима ёки? Наҳотки руҳий зўриқиш симптомлари сезиляпти. Йўқ, бу, мумкин эмас. Асаб қаттиқ чарчаганида ҳамма аъзо фаолияти меъёридан четга чиқади. Бу ерда бошқа гап бор. Бу сабаб беморга маълум, лекин, кўнглини очишни истамаяпти.

— Биласизми, сиз мутлақо соғсиз!

Ботир Аҳмедович яна кўзини зўрға очди.

— Агар соғлигим шундай кечса, касаллигимни тасаввур этолмаяпман...

Профессорнинг оппоқ, бўлимли юзига табассум ёйилди.

— Мана бу бошқача гап. Ҳазилга мойиллик хасталикни енгишга ҳаракат белгиси... Хуллас, фикримни ҳозир очиқ айтмайман. Аниқроғи, миямда икки-уч хил ташҳис туғилди. Яна бир-икки кундан кейин қўшимча кузатувларим асосида муолажага киришамиз. Унгача, вужудни тетиклаштирувчи дори-дармонлар қабул қиласиз. Муҳими, аввало Худо, қолаверса, менга ишонаверинг!

## 2

Халқаро симпозиум иштирокчиларига пойтахтдаги "Дедоман" меҳмонхонасидан жой ажратилибди.

Чет эликлар билан ҳамкорликда қурилган бу кошона чинакам қасрнинг ўзи эди. Ойнаванд эшик ёнидаги соқчиларни ҳисобга олмаса, шундай маҳобатли бино наҳотки махсус қўриқчиларга эга эмас, деб ўйлаш мумкин. Биринчи навбатда швед таомхонаси, биллур қандилли кенг ресторан, фойеда мусиқа бурчаги, бошқа хизмат бўлмалари дарҳол эътиборингизни тортади. Дид билан безатилган лифт меҳмонларга мунтазир. Ичкарига оёқ босиб, тутмачага қўл чўзсангиз, бир зумда юқори қаватларга олиб чиқиб кўяди.

Ботир учун ажратилган жой икки хонадан иборат экан. Эшиқдан кираверишда ювиниш бўлмаси, кийим — кечак солинадиган ёғоч жавон, дам олиш ва меҳмон кутиш хоналари... Айниқса, оҳорланган чойшабли кенг ўрин унга маъқул тушди.

Неча кунки мириқиб ухлаганини билмайди. Бир томони, ярим йиллик ҳисоботларига тайёргарлик, иккинчидан, хотини Олиянинг ҳеч соғайиб кетолмаётганлиги... Ёлғиз ўғли Қодирга ҳам қарайдиган одам йўқ. Яхшиямки, бола бечора дадил, ўзини ўзи эплайди.

Ботир илиқ сувда роҳатланиб ювинди. Чойшабга ўралиб, ўзини ўринга ташлади... Бир пайт эшик чертилганидан чўчиб уйғонди. Эгнига спорт костюмини кийиб, калитни буради. Ташқарида...

сочлари елкасига тушган, қади-қомати келишган, хушрўйгина мовий кўз аёл кулимсираб турарди. У хона соҳибига қараб, ҳайратланди.

— Кечирасиз, мен дугонамни излаб келгандим, адашибман, шекилли...

Ботир ҳам беихтиёр каловланиб қолди. У умри бино бўлиб бундай соҳибжамолни кўрмаганди.

— Чиндан ҳам қаватини унутганга ўхшайсиз, — деди у бошқа ақллироқ гап тополмай. Аммо, нотаниш гўзал кўлидаги қоғозга қараб, айнан шу хона ёзилганлигини билдирди. Ана шундагина йигит дарров эсини йиғиб, чеҳраси ой каби тиниқ паривашни ичкарига таклиф қилди.

— Марҳамат, бироз дам олинг. Кейин ўша йўқолган дугонангизни биргаликда излаймиз. Ахир, сўраб-сўраб Маккани топибди, деганлар.

Аёл уялиб, икки қадам ортга чекинди.

— Йўт-е, бемаҳалда... Яхшиси мен қайта қолай. Безовта қилганим учун узр.

— Нималар деяпсиз, аксинча сизга ёрдам беролмаётганимдан таассуфдаман. Ҳа, айтмоқчи, дугонангизнинг исми-шарифини айтинг, мен ҳозир пастга қўнғироқ қиламан.

— Қандай бўларкин?... Биласизми, у чет тили ўқитувчилари учун уюштирилган танловда қатнашаётганди. Асли Фарғонадан, исми Маҳлиё, фамилияси Муродова. Биз у билан институтда бирга ўқиганмиз. Жуда ажойиб қиз...

Ботир кечки таом пайтида узун столни тўлдириб овқатланишаётган йигит-қизларга кўзи тушганди. Улар чиндан ҳам инглиз, немис тилларида суҳбатлашишарди. Ўртада семиз, қора кўзойнак таққан ажнабий ҳам бор эди. Демак, танлов ташкилотчиси ўша.

— Қани, йўлақда турмайлик. Мен ҳозир дугонангизни топиб бераман.

Аёлнинг юзи ёришди.

— Ростданми, қандай яхши. Мен уни кўрмаганимга беш-олти йил бўлди. Анча ўзгариб кетгандир. Доим телефонда сўрашиб тинчлигимизни биламиз-у, аммо юзма-юз учрашишга ҳеч имкон тополмаймиз.

Меҳмон тортиниб, йўлақдаги креслога омонатгина ўтирди.

Ботир стол устидаги "фанта"ни очиб, фужерга қуйиб узатди. Сўнг сўраб қўйди.

— Эҳтимол, танни қиздирадиганидан ичарсиз? Айтмоқчи, танишиб олайлик. Менинг исмим Ботир, сизники-чи?

Аёлнинг юзлари дув қизарди. Уялиб нигоҳини пастга туширди.

— Баҳор, — деди оҳистагина.

— Кечирасиз, янглиш эшитмадимми, — телефон дастагини қулоғидан узоқлаштириб қайта сўради йигит.

— Адашмадингиз, исмим Баҳор.

— Бир гап айтайми? — Ботир бутун эътиборини қаршисидаги сулувга қаратди. — Исмингиз жисмингизга мос экан. Сиз кирдингиз-у, хона ичини кўклам ҳавоси эгаллагандай туюлди. Ҳатто, ишонасизми, вужудимда ғайрат уйғонди. Ҳолбуки, ўн дақиқа илгари бошимни ёстиқдан кўтариш катта муаммо эди.

Баҳор йигитга ташаккур билдирди.

— Илтифотингиз учун раҳмат, тилингиз бийронга ўхшайди. Лекин, мақтовни бироз ошириб юбормадингизми?

— Очиги, чиройли қизлар ёнида тилимнинг тугуни ечилишини ўзим ҳам сезаман. Ҳатто, баъзан хушомад қилишгача бораман. Лекин, бутун айни рост сўзладим. Ахир, гўзаллик қаршисида даҳолар ҳам лол қолганлар-ку.

Боядан буён ийманиб, тезроқ ташқарига чиқишни кўзлаган Баҳор ёқимтой йигит билан беихтиёр баҳсга киришганини англамай қолди.

— Билишимча, ҳамма ҳамд-сано, бағишлов "рост айтяпман", деган ибора билан бошланади, шекилли. Чунки ҳар қандай гап эгаси ҳам ўз фикрига шубҳа туғилмасин, деб хавотирланса керак-да.

Ботир қизнинг осонгина чақиладиган ёнроқ эмаслигини фаҳмлади, заковатига қойил қолди. Кулимсираб, телефон рақамини теришга киришди. "Мен ҳозир..." дея ниҳоят нариги тарафдан жавоб эшитилди.

— Кечирасиз, Маҳлиё Муродова қайси хонада жойлашганлигини билмоқчи эдик.

Кутилмаганда Ботир телефон дастагини Баҳорга узатди.

— Вой, Маҳлиёми?

Даста "ичидаги" қизнинг ингичка товуши эшитилиб турарди.

— Сизга нотўғри маълумот берганлигимиз учун меҳмонхона маъмурияти томонидан уэр сўраймиз. Дугонангиз қайси хонада эканлигини бироздан сўнг аниқ айтамыз. Бизни маъзур тутасиз.

Қиз телефон дастагини жойига қўяркан, деди:

— Сизни ҳам безовта қилдим, уэр. Яхшиси, мен ташқарида кутиб тураман. — У шундай деб, ихчамгина сумкасини нозик билагига илди.

Ботир икки қўлини кўксига қўйиб, меҳмонни тинчлантирди.

— Агар йўлакка чиқсангиз, мен яна бир бор сизни йўқлашимга



тўғри келади. Модомики, шу ерга қўнғироқ бўлар экан, ҳечқиси йўқ. Бирга кутамиз, баҳонада дилбар аёлнинг малоҳатли дугонасини ҳам кўриш бахтига муяссар бўламиз экан...

Баҳор девордаги натюрморт ва расмларни кузатаркан, ўзига-ўзи гапиргандай "Маҳлиё курсимизда энг жозибали қиз эди", деб кўйди.

Ботир бу лутфни шунчаки камтарликка йўйди. Унинг назарида қаршисидаги гул юзли хонимдан-да муниса, назокатли аёл йўқдай эди.

— Ҳозир адашдингиз, — деди у Баҳорга ер остидан мўралаб, — назаримда, гўзаллар ўз устунлигини билган ҳолида доимо дугоналарини мақтайдилар...

Меҳмон бу фикрга қўшилмади.

— Гапимнинг исботини ҳозироқ кўрасиз. Маҳлиё ёруғ жаҳоннинг мўъжизаси, зўр қиз.

Йигит унинг юз-кўзларидан уфураётган самимиятга заррача шубҳа қилмаса-да, у билан мулоқотни чўзиш пайида яна "исён" кўтарди.

— Бу гапларимни хушомадга йўйманг-у, назаримда, шу ташбеҳлар ўзингизга нисбатан айтилса, худди узукка кўз қўйгандай, мос тушарди.

Баҳор бу сафар бошини эгиб, сукут сақлади.

— Зерикмадингизми? — сўради Ботир яна телефонга қўл чўзар экан.

Айни шу пайт эшик қаттиқ тақиллади.

— Ана, келишди, — ўрнидан ирғиб турди Баҳор.

— Шошманг, ўзим очаман.

Йигит йўлакка яқинлашмасидан қуюндай ёпирилиб уч қиз кириб келди.

— Вой, Баҳор, жоним!

— Маҳлиё, ўзингмисан. Сира ўзгармабсан, дугонажон.

Хона ичини фаранг атри ифори тутиб кетди. Худди шом тушиши олдидан сайраган бир гала қуш мисоли қизлар бир-бирларига гап бермай сўрашишаркан, ташқарига чиқа бошлашди. Ботир уларни дастурхонга таклиф қилди. Бироқ, ҳаяжон ва эҳтирослари босилмаган, неча йиллик соғинч ҳис-туйғулари жунбушга келган дугоналар унга ташаккур билдириш билан чекланишди. Улар йўлак охирига етишганида, Ботир ўзига келди. Ўзига келди-ю, қизларнинг ортидан чопди.

— Баҳор!

Ўртоқлари даврасида гул-гул ёнган соҳибжамол кўзларини катта очиб, ортига ўтирилди. Ботир унга яқинлашди.

— Кечирасиз, Баҳор, хафа бўлмасангиз, бир илтимосим бор эди.

— Бемалол, қулоғим сизда...

— Агар такаллуфсизликка йўймасангиз, телефон рақамингизни сўрамоқчи эдим...

Баҳор қирмизи лабларини хиёл очиб, жилмайди.

— Шу холосми? — У шундай деб сумкасидан ихчам ташрифномани чиқариб узатди.

— Марҳамат. Ҳа, айтгандай, меҳмоннавозлигингиз учун ҳам раҳмат.

Энди Ботирда бояги сўзамоллик ва қувноқлик ўрнини аллақандай безовталиқ эгаллаганди.

— Баҳор, — деди у қорозга қўл чўзаркан. — Барибир мен ўз фикримда қолдим. Дугонангиз сизга етолмас экан.

— Шунақами, меңдан аввал уни кўрганингизда эҳтимол бу лутф унинг қулоғига тушармиди. Хўп, майли, яхши қолинг.

— Сиз ҳам яхши боринг. Мен, албатта, қўнғироқ қиламан.

— Бўпти, кутаман.

— Ҳар куни...

— Розиман, агар шу ерда бўлсам.

Лифт эшигини ёпмай кутишаётган қизлар Баҳорни чақиритиб, суҳбат узилди.

Ботир хонасига қайтди-ю, дилига чўғ тушганини тушунди.

### 3

Аслида у чўғ эмас, олов экан. Шундай оловки ич-этини қиздириб, жизфанагини чиқаргудай. Илгари бундай дардга мубтало бўлмаган, ҳар қандай аёл олдида ўзини бемалол сезадиган йигит ёши ўттизга яқинлашганида оромини йўқотди. Андижонга қайтганида ҳар доим кўзига ловуллаб кўринадиган кўркам шаҳар бирам совуқ туюлди. Бунинг устига ёмғир майдалаб қуяр, тоғлардан эсган шамол эндигина барг ёзган узун-узун тераклар шохларини эгиб, қийин-қистовга оларди. Шу тобда у на ҳаяжонли ўтган машваратни, на касал ётган турмуш ўртоғини ва на шириндан-шакар фарзандини ўйлар, хаёлида Баҳорнинг беғубор кўзлари чарх ураверарди.

Қўш қанотли дарвозасига келиб тўхтаганларида, анчагача машинасидан тушгиси келмай ўтирди. Ҳайдовчи уни ухлаган, деб гумонлаб, орқасига ўтирилди.

— Ботир ака, келдик!

Орқадан ўқтам овоз эшитган йигит бошлиғи уйғоқлигини фаҳмлади.

— Қани, салон чирогини ёқиб юбор-чи?

Машина ичи хира ёришди. Ботир ён дафтардаги телефон рақамига кўз ташлади. Кўз ташлади-ю, қувончдан юраги энтикиб кетди. Не бахтки, телефон Андижонники эди. Демак, Баҳор ўз ҳамшаҳари. Нега бу ҳақда меҳмонхонада сўрамади? Сир босдим, ёки гўзаллик қаршисида лол бўлиб, эс-жушини бутунлай йўқотдимми?.. Шу ёшгача аёлларга менсимай боққан, уларга нисбатан меҳр туймаган йигит тўсатдан чўғ ушлаган бўлса-я? Ушлаш ҳам гапми, худди чўғ ютгандай деяверинг. Э йўқ, бунақаси кетмайди. Яхшиси, ўзини қўлга олиши керак. Бундай ҳавойи истакларга суст кетса, кўнгил не кўчаларга етакламайди. Қолаверса, хотини неча йилдирки дардан фориг бўлмайпти, бир кун соғ-у, икки кун бетоб... Энди олисларда қолиб кетган, ушаламайдиган орзуларга умид боғлаш ўрнига, фарзандининг истиқболи ҳақида бош қотириши керак.

Ботир Аҳмедович ҳеч қачон уйи олдида машинадан тушмай ўтирмасди. Бу ҳол ҳайдовчини ташвишлантирди. У раҳбарига юзланди.

— Бирон жойингиз оғримаяптими, Ботир ака?

Ботир Аҳмедович хаёлини йиғиб, деди:

— Оғрияпти, жудаям оғрияпти...

Фарруҳ сергакланди.

— Қаерингиз?..

Раҳбар ҳайдовчи йигитга тикилиб қолди.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Лекин, азобли, жуда оғир, шекилли...

У шундай деб Фарруҳнинг елкасига қўл ташлади.

— Ҳа, майли. Ҳадемай, тонг отади. Бориб дамингни ол...

— Қачон келай?

— Шошилма. Ўзим қўнғироқ қиламан. Ишқилиб, сотканг ишляптими?

— Албатта, Ботир ака!

— Унда хайр. Даданга салом айт.

— Ботир Аҳмедович, аввал қўнғироқни босай, кейин...

— Хавотирланма. Бу ишнинг урдасидан чиқа оламан.

"Нексия" бир зумда шаҳарнинг ёп-ёруғ кўчаси бўйлаб кўздан узоқлашди.

Дарвозани Олия очди. Ҳадеб дард тортавериш рангги синиққан, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, озингина жувон ёшига нисбатан анча каттароқ кўринарди.

— Нега ўзингиз турдингиз, Қодирни уйғотмадингизми? —  
Одатдаги салом-алиқдан сўнг сўради у хотинидан.

— Қодиржон ярим кечагача сизни кутиб, энди ухлади. Безовта қилгим келмади. Нозима ҳам келишингизни билиб, дарс тайёрлаб ўтирди. Нега кечикдингиз, телефон ҳам қилмадингиз? — Ўпкалади Олия очиқ айвондан меҳмонхонага киришганида.

— Тинчмисизлар, ишқилиб, — саволга савол билан жавоб қайтарди хонадон соҳиби.

— Шукр, кечадан буён ҳийла яхшиман. Овқат ейсизми?

— Қорним тўқ, ювиниб ёта қолай. Анча чарчадим.

Олия ҳаммомга кириб кетган эрининг ҳар сафаргидан бошқача эканлигини сизди. Сизди-ю, буни сафар чарчоғига йўйиб, ортиқча мулоҳазага берилмади. Секингина иссиқ ўрнига кириб, бошини ёстиққа қўйди.

#### 4

Ботир ишни Баҳорга телефон қилишдан бошлади. Аммо, омади чопмади, қўл телефони ўчирилган эди.

Эртасига яна умиди пучга чиқди. Шундан сўнг бу рақамни ўчириб ташлади. Ўзини иш билан овутди. Ўринбосари Ҳамиджон ўтган уч кун ичидаги барча янгиликлардан хабардор қилди. Яхшики, мижозлар панд беришмабди. Олиб кетилган маҳсулот пулини белгиланган муддатда ҳисоб рақамига туширишибди. Бошқа масалаларда ҳам деярли муаммо йўқ эди.

Тушликка яқин дил яна ғашланди. Юраги орзиқиб, қўли стол устидаги телефонга югурганини сезмай қолди. Телефон хотирасидан "чизилган" рақам қалбдан ўчмаган экан. "Барибир Андижонга қайтмагандир", деган хаёлда қўнғироқ қилган йигит ниҳоят даста "ичидан" қулоғига таниш товушни эшитиб, гапини йўқотиб қўйди.

— Алло, ассалому алайкум!

Асли "сим" қоқувчи сўрашмоғи жоиз эди. Аммо, унинг тилига калима келгунича, Баҳор саломлашиб улгурди.

— Баҳор, келдингизми? — деди овози қалтираб Ботир.

— Вой, баҳор тапшириғига неча кун бўлди-ку, — сўз ўйини қилди қиз.

Йигит энди имкониятни бой бермади.

— Баҳор келганини энди билдим. Тузукмисиз?

— Раҳмат, Ботир ака. Пойтахтдаги ишларим битди. Дутонам билан Фарғонага қайтдик. Ишонсангиз, ҳозиргина уйга кириб турибман. Ўзингиз яхшимисиз?

- Бир нави!
- Ие, тинчликми?
- Ҳа, фақат сизни тополмай...
- Вой, нега ундай дейсиз? Мен йўқолганим йўқ-ку, — дея

Баҳор қиқирлаб кулиб юборди.

Ботир Аҳмедович хатога йўл қўйганини сезди. Ҳали бирон марта суҳбатлашмаган, кўнглини овламаган аёлга дарров дил қулфини очиб одобдан эмасди. Шу боис, ўзини қўлга олди.

— Барибир одамда ҳамшаҳарлик туйғуси устун тураркан. Тошкентдан тез қайтмаганингизга хавотирландим.

Баҳор миннатдорлик билдирди.

— Эътиборингиз учун ташаккур! Аммо, бекорга шунча азият чекибсиз. Хавотирланманг, мен ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган аёлларданман...

— Тушунмадим.

— Демоқчиманки, бизнес билан шуғулланаман, асосийси, умрим йўлда ўтади.

— Шундайми? Бундай ҳаётга хўжайинингиз индамайдими?

Баҳор гапнинг лўндасини айтиб қўя қолди.

— У киши бизга бутунлай эрк берган... Хуллас, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортгани маъқул, деганлар.

Ботир берган саволидан ўзи хижолат чеқди.

— Мени маъзур тутасиз, билмабман.

— Зарари йўқ. Барибир шу ҳақда сўрашингизни билардим. Шунинг учун... Умуман, бир кам дунё дегани шу-да...

— Фикрингиз тўғри. Лекин ўша камликни, кемтикликни ҳам ўзимиз тўлдирамиз-да. Фақат умидсизликка тушмаслик керак. — деди Ботир Аҳмедович аёлнинг ярасини тирнаб қўйганидан ўнғайсизланиб.

— Ў, бу борада анча мустаҳкамман. Ростини, шу қадар бандман-ки, бўлмағур хаёлларга вақт йўқ.

— Аммо, мен билан учрашишга бир соат вақт ажратарсиз?

— Нега?

— Нега деганингиз нимаси. Одам одам билан тирик, дейдилар.

— Шундайку-я... Барибир, бу, огир жумбоқ...

— Сабаб?..

— Боиси, оддий. Мен жуда бандман.

— Ишонмайман, бандлик ўзини-ўзи зиндонбанд этиш эмас-ку.

— Топдингиз. Мен айнан шу мавзуда гапирмоқчи эдим. Аниқроғи руҳим ва туйғуларим эркин-у, лекин...

— Ҳар қандай лекин инсонда шубҳа уйғотади. Бу шундай шубҳаки, муваффақият калитини топишга ишонч ҳиссиёти... Шундай экан, "бандман" деган бир оғиз лутф ила ўзингизни жиловлаб олманг. Мени фалсафа тўқияпти, деманг-у, ахир, дунёда дўстлик, биродарлик деган тушунчалар ҳам бор.

Баҳор иложи борича одоб доирасида суҳбатлашар, унинг сўзларидан самимият ва соддалик уфуриб турарди.

— Бандман, деган сўзим нисбий маънода. Энди, очигини айтмасам кўнмайдиганга ўхшайсиз. Хуллас, мен оилали йигитлар билан дўстлаша олмайман. Эркак ва аёл ўртасидаги дўстлик худди портловчи модда устида ўтириб сулҳ тузишга ўхшайди. Бизнинг ёшимизда ақл билан Худони таниган афзал...

Ботир суҳбат шундай яқунланишини кутмаганди. У воқеаларни жадаллаштириб, тезроқ қиз илтифоти ва ҳурматига эришмоқ ҳақида орзулаганди. Ҳатто мақсадга жуда яқинлашаётгандай туюлганди. Аммо, Баҳор битта гапи билан осмонларда учиб юрган йигитни ўз мақомига тушириб қўйди. У дарров ён берди. Бундай вазиятда пайт пойлашдан ўзга нажот йўқлигини кўнгли айтиб турарди.

— Ҳар ҳолда телефон қилишимга қарши эмасдирсиз?

— Бу борада илгари айтганман. Мен иш юзасидан жуда кўп одамлар билан гаплашаман. Шундай шериклар биттага кўпайса, нима қипти.

Ботир Аҳмедовичнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, руҳи чўқди. Баҳор эса ҳамон бояғидек эди. У худди шу кайфиятда хайрлашиб, телефон дастагини ўрнига қўйди.

## 5

Ботир роппа-роса қирқ кун Баҳорга телефон қилди. Гарчи суҳбатлари расмий мавзудан четга чиқмаса-да, у асло чекинмади. Аксинча маълум муддатда, сира кечикмай ёки вақтдан ўзмай, сабр бардош ила қизнинг қалб қўрғонига "хужум" қилаверди. Аммо, тош эриси эридики, Баҳордан бундай мурувватни кутиш бефойдалиги ақлга ишора бўлиб қолди. Ниҳоят, қирқ биринчи мартасида соҳибжамол аёл телефони миқ этмади. Ҳолбуки, хонадон соҳиббаси мулоқотни узоқ чўзмаслиги учун айни шу маҳал қўнғироқ кутиб турарди. У аввалига ҳайрон бўлди. Сўнг, "иши кўпайгандир" деган хаёлда кўчага чиқиб кетди. Не ажабки, эртаси ҳам уни ҳеч ким йўқламади. Аксига олиб, виза масаласи чўзилганлиги важдан чет эл сафари ҳам ортга сурилаётганди. Бирдан хаёлига келган фикрдан чеҳраси ёришди. "Агар Ботир Аҳмедовичдан сўраса-чи? Ахир

каттагина фирма бошлигининг милицияда танишлари топилар". У, йигит билан боғланмоққа чоғланди. Аксига олиб, унинг телефон рақамини қайси дафтарига ёзганини эслай олмади. Бутун бошли уйни титиб ташлади, варақланмаган ён дафтарча қолмади: Йўқ, Худди ёзувлар эриб кетгандай. Шундагина у бу ҳайҳотдай домда, дом нима, ёруғ оламда нақадар ёлғизлигини англади. Ота-онаси пойтахтда. Ака-укаси йўқ, ҳаттоки яқин дугона ҳам орттирмапти. Эридан ажралганидан буён турмуш жароҳатларини унутиш учун ўзини бизнесга урди. Бормаган мамлакат, қадами етмаган юрт қолмади чоғи. Кўзи тушган манзилга оёқ босди, эшитган жойига қанот қоқди. Ҳаётда анчагина мол-дунё, бойлик орттирди-ю, аммо боши ёстиққа етганида пешонасини силайдиган кўнглидагидек ёр топилмади. Бу ҳақда ўйлашга вақти ҳам етмади. Не-не йигитлар ортидан чопа – чопа чарчади. Билганлар уни осмондаги ойга қиёслаб, умид боғлашмасди. Билмаганлар бир-икки дилини овлашга чоғланишардию, кейин ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини силтаб кетишарди. Асли Баҳор сутдан оғзи куйган, биринчи рўзгоридан панд еганлиги учун эркакларга кўнгли қуявермасди. Ҳар ишда фақат ўзига ишонарди. Мана энди ёлғизлиги сезилмоқда. Аммо, бу, ҳали ҳолва...

Юмшоқ креслода ўз хаёлларига андармонлигича ўйга толган аёл беихтиёр ўзини жуда ёлғиз ҳис қилди. Тушкунликка тушмаслик учун залга кириб, телевизор қўймоқчи эди, йўлақдаги узун ойнада ўзини кўриб, тўхтади.

Оппоқ юзларида губор йўқ. Кўзлари катта-катта, дудоқлари нафис, бурни хушбичим. Сунбул сочлари елкасини тўлдириб турибди. Елкаси кичик, хипча бел, оёқлари сутга чайилгани каби мрамар ранг. Шундай париваш ҳилқат ёстиғининг ярми бўш. Энг муҳими, у ҳеч қачон бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Югуриб гўшакни кўтарди.

— Алло, эшитаман!

— Яхшимисиз, мен Ботирман!

Баҳор севинчини яшира олмай "Вой, бормисиз, Ботир ака, нега ғойиб бўлиб кеттиз?" деб юборди.

Йигит ҳам кўнгли тўлди шекилли, титроқ овозда деди:

— Ўйлабманки, сизни зериктирдим, жонингизга тегдим деб...

Аёл туйғуларини ошкор этганидан уялиб дарров мақсадга кўчди.

— Мен сиздан ёрдам сўрамоқчи эдим...

— Бажонидил, қанақа хизмат экан.

— Милицияда, аниқроғи ОВИРда танишингиз йўқми?

Гўшак ичида енгил кулги эшитилди.

— Таниш бўлмаса топамиз-да, шу ҳам муаммоми?

— Раҳмат, Ботир ака. Бошим кўкка етди. Эртага ёнингизга бораман.

— Яхши, кўзларим тўрт бўлиб кутаман.

Баҳорнинг иши тез ечилди. Фуқароларни четга чиқиш ва киришини ҳисобга олиш бўлимидаги зобит Ботирни танир экан. Қисқаси, уч кунда паспортга виза қўйилди-ю, Баҳор Малайзияга кетди. У ердан қайтиб, Бирлашган Араб Амирликларига йўл олди. Сафар оралигидаги муддатда тижорат ишларини жонлантирди. Шаҳар ташқарисида битадиган юмушларига Ботир билан бирга борди. Неча марта учрашсалар-да суҳбат расмий тусдан нарига ўтмади. Бу соддадил, аммо, ўзига мустаҳкам аёл қалбини олиш осон эмаслигини аллақачон англаган йигит арғамчини узун ташлади. Ҳатто одатдаги хушомадлардан ҳам тийилди.

Баҳор Амирликдан икки контейнер мебель келтириб, тижорат дўконларига тарқатди. Бу иш роса бир ҳафтага чўзилди. Шу муддат ичида Ботир доимо унинг ёнида турди, ҳатто улгуржи мижозлар топди.

Савдо-сотик ниҳоясига етганида, фойда кўзланганидан-да ортиқ тушганлиги аёнлашди.

— Ботир ака, — деди Баҳор бир куни Қўқондан қайтишаётганида.

— Менда бир таклиф бор эди, нима дейсиз?

Кўзларини йўлдан узмай келаётган йигит бамайлихотир жавоб берди.

— Нима ҳам дердим, розиман.

— Нимага розисиз?

— Ўша таклифингизга...

— Ие, ҳали эшитмадингиз-ку.

— Барибир. Эшитмай туриб бир марта рози бўлсам, эшитгач ўн карра кўнаман.

— Сиз доим ҳазиллашасиз.

— Аксинча, ҳамиша жиддий гапираман. Ўзингиз ҳазилга бураверасиз.

— Хўп, майли. Унда тингланг. Мен билан Сурияга бормайсизми? Харажатингизни тўлайман.

— Нега бормас эканман, бораман.

— Аввал ўйла, кейин сўйла, деганлар.

— Сизнинг таклифингизни ҳеч қачон рад этмайман, деб ўзимга сўз берганман. Шундай бўлгач, бекорга вақтни бой беришга не



ҳожат?

Баҳор ҳайрон бўлиб Ботирнинг сокин юзига тикилди.

— У ердан нима олиб келишимизни ҳам сўрамадингиз-ку.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Ҳар ҳолда гиёҳванд моддалар билан шуғулланмасангиз керак.

Аёлнинг капалаги учиб, кўзларини катта очди.

— Нималар деяпсиз, Худо сақласин.

— Ана кўрдингизми, бошқа нарсага шериклик қилавераман.

Баҳор қувониб кетди.

— Мунча яхшисиз, Ботир ака!

Йигит жилмайиб, секингина қўлини ҳамроҳининг қўли устига босди.

— Яхшилигимни билганингиз қандай яхши-я.

Баҳор дарров қўлини тортиб олди.

— Унда келишдик. Бир ҳафтадан кейин жўнаймиз. У ердан тивувчилик фирмаси учун газмол олиб келамиз. Харидор тайёр.

Ботир Аҳмедовичнинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. У корхонага хотинининг укаси Азизбекни масъул қилиб, сафарга отланди. Аввал Тошкентга учдилар. Тивувчилик фирмаси раҳбарлари анча миқдорда чет эл валютасини бердилар. Пулни Баҳор иккаласи бўлиб, божхонадан ўтиб кетишди. Сурияда икки кун тинмадилар. Юкларини чартер рейсга уришиб, ўзлари йўналишдаги тайёрада қайтишди. Тошкентда яна икки кун ушланиб қолишди. Кейин бир-биридан нафис, майда гулли матоларни мижозга топширишиб, Андижонга қайтишди. Тошкентда Баҳор ота-онасининг уйида, Ботир эса меҳмонхонада тунади.

Андижонга кириб келишганида, Баҳор йигитга ўтирилди.

— Эртага уйимга меҳмонга чақирмоқчиман, келасизми?

Ботирнинг юраги энтикди. У ҳали-вери ниятимга етолмасам керак, деб ўйлаганди. Нафсиламбрини айтганда, кейинги жумла шу фикри тўғри эканлигини исботлади.

— Нега индамаяпсиз, келасизми?

Йигит хаёлини жамлаб, бош ирғади.

— Таклиф қилган ердан ҳеч қолмаганман.


— Унда икки шартим бор.

— Нега учта эмас.

— Учтинчисига эҳтиёж йўқ.

— Қулоғим сизда.

— Биринчидан, меҳмонга келасиз-у, мен айтган пайтда оғринмай, гина қилмай туриб кетасиз.



– Иккинчиси-чи?

– Менга қўл теккизмайсиз...

Ботир бу масалада мунозарага ўрин қолмаганлигини тушунди.

– Розиман!

– Яхши, унда кечки пайт сизни кутаман.

– Хўп, эртагача...

Улар тезда хайрлашдилар.

## 6

– Дадаси, ҳадемай тонг отади.

Неъмат Солиевич қалин муқовали китобнинг очилган саҳифасига ингичка қаламини қўйиб, оҳиста ёқди. Кўзойнагини стол устига ташлаб, Ўктамхоннинг уйқудан шишган қовоқларига тикилди.

– Хоним, буйрагингиз безовта қилмаяптими?

Ая, эрининг одатини билгани учун хотиржам жавоб берди.

– Худога шукр, соппа-соғман. Аммо...

Профессор оқ оралаган қалин сочларини орқага қайириб, турмуш ўртоғига юз бурди.

– Хўш, ўша "аммо" нима экан?

Ўктамхон ая эликка яқинлашганлигига қарамай ҳалиям малоҳатини йўқотмаган, хушрўй аёл эди. У умр бўйи мана шу инсонни севиб келяпти. Гоҳида сайёҳлик варақаси ёки саёҳатгоҳга анкета тўлдиришга тўғри келиб қолса, касбингиз деган жойига ҳазиллашиб, дўхтирни севиш, деб ёзиб қўярди. Дўхтир эса унинг назарида кўпроқ касбига эътиборли туюларди. Баъзан сизга мендан кўра беморлар аълороқ, деб гина-кудуратини тўкиб солганида, Неъмат Солиевич кулиб: – Билмайсизми, эркаклар ишу лавозим учун, хотинлар севги, муҳаббат учун яшайдилар, – дерди.

Шу тобда Неъмат Солиевич гарчи ўзига тикилиб турган эса-да, хаёли қайсидир касали муолажаси билан бандлигини билиб, уни чалғитишга уринди.

– Аммо шуки, назаримда, кўнглингиз ғашроқ, ишқилиб шу ёшда бирон ойимтиллага илашиб қолмадингизми?

Профессор ўрнидан туриб, аёлниг бўлиқ қоматини бағрига олди.

– Ажойибсиз-да хотин, агар ёруғ дунёда сиздан гўзал, сиздан латофатли инсонни учратганимда, эҳтимолки, ҳадингиз ўринли бўлар эди. Не бахтки якка-ю, ягона ҳурилиқо ўзингизсиз!

Ўктамхон бошини кўтариб, оппоқ юзли, кўз остилари бирозгина салқиган, кечаси илм, кундузи амалиёт дардида ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиққан эрига қараб, унга ачинди. Бироқ, аёллар бир

нарсани фикрлаб, иккинчи мавзуда гапиришга одатлангани боис, у ҳам нозу филогини давом эттиришни афзал кўрди.

— Биласизми дадаси, — деди у жуфти ҳалолнинг бўйнидан маҳкам кучиб. — Мен сизнинг келишган қад-қоматингиздан унчалик хавфсирамайман, аммо...

Хонадон соҳиби унинг сўзини бўлди.

— Яна аммо... Шу сўз тилингиз устида эркаланиб ётади шекилли.

Ўктамхон луқмага эътибор бермади.

— Аммо лафзингиздан қўрқаман. Бир оғиз гап билан тошни эритасиз, хушомадни ёқтирмайдиган аёлларнинг ҳам юрагини ўртаб юборасиз.

Неъмат Солиевич уни ўз тилидан илтирдди.

— Аввало хушомадни хушламайдиган аёл ҳали тутилгани йўқ. Хушомадни суядиганларни эса биз суймаймиз.

Ўктамхон кулиб юборди.

— Ҳазрат Навоий бўп кетинг-е!

— Ие, бобомиз ҳам шунақа дебмиди?

— Бундан ҳам зўрини айтган.

— Қани эшитайлик-чи?

— Наҳотки, ўша машҳур байтни билмайсиз. Мени алдамаяпсизми?

— Қизиқмисиз, эр ҳам хотинини алдайдими? Ё алдамаса...

— Бас, суюлманг. Яхшиси байтга қулоқ тутинг.

— Бажонидил, фақат қулоқ эмас, бутун борлигим ихтиёрингизда.

Ўктамхон қўлларини эрининг бўйнидан бўшатиб, столга кўндаланг қўйилган юмшоқ диванга чорлади. Иккалалари худди ёш келин-куёв каби бир-бирларининг пинжига суқулишиб жойлашгач, байт ўқилди:

Мени мен истаганлар суҳбатига аржуманд этмас,

Мени истар кишилар суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Неъмат Солиевич чиндан ҳам ушбу ҳикматни эшитмаган эканми ёки аёлининг дилини чоғлаш учунми, ҳарқалай, гул юзли моҳитобонига қараб ҳитоб қилди:

— Офарин! Қандай пурмаъно ташбеҳ.

У шундай дея Ўктамхоннинг чеҳрасидан кўз узмаган ҳолда кўксига бош қўйди.

— Назаримда энг заковатли одамлар адабиёт муаллимидан чиқишса керак, адашмадимми?

— Тўғри айтасиз, — бошини кўтармай тасдиқлади Ўктамхон. — Худди энг бебаҳо эрлар дўхтирлардан чиққанидек.

Бу мақтов эр томонидан битта ўпич билан сийлангач, Ўктамхон

қаддини ростлаб, мақсадга кўчди.

— Энди ростини айтинг, нима гап? Нега уч кундан буён тинчингиз йўқ. Худди тўрвасини йўқотган девона каби паришонсиз.

— Нима, шунчалар ўзгарибманми? — соддадиллик билан тан олди профессор.

— Мени қўйинг, анави муштдай Нозимангиз ҳам ҳайрон. Опоқдадам мени эркалатмаяпти, дейди хўрсиниб. Ишқилиб бирон жойингиз оғримаяптими?

Неъмат Солиевич жилмайди.

— Шу саволни беравериб, ҳамманинг жонига теккан эдим. Энди сиз ҳам қўшилдингизми, дейман, хоним.

— Ахир ўхшатмагунча учратмас, дейдилар. Сениқдан бошқаси юқади-да. Ҳа майли, мени чалғитманг, нима бўлди? Фақат касалларингизни айтиб баҳона кўрсатманг?

Профессор индамай дераза ёнига борди. Осмонда сон-саноқсиз юлдузлар жимирлайди. Тўлин ой йўқотган жавоҳирини қидираётгандай...

У деразанинг бир қанотини очган эди, тунги салқин ҳаво хонага кириб келди.

— Яхшиямки тун бор, — деди у ўйчан. — Одам кечаси ўзи билан ўзи тиллашишга вақт топади, юрагига қулоқ тутаяди. Лекин бу ҳаммаси эмас. Тун сукунатида аллақандай сеҳр бор. Тўғри, бироз ваҳимали, ҳадикли, аммо билган одам учун оромбахш, ҳузурбахш. Ана шу тун алласи бутун чарчоқни ёзади.

Ўктамхон бу шунчаки муқаддима эканлигини сезди. Чурқ этмай мурдаони кутди. Ниҳоят, "сир" очилди.

— Ўзингизга маълумки хоним, мен эгнимга оқ ҳалат кийганимдан буён беморлар ҳаётига масъулман, аниқроғи, шу ҳаёт ичида яшайман. Улар йиғласа, мен дод соламан, улар кулишса, мен қаҳ-қаҳ отаман. Мана, уч кундирки, бир навқирон эркак худди офтобдаги гул каби сўлиб бораяпти. Мен эса ҳанузгача ташҳис қўёлмай доғдаман...

— Тунов куни чақириб кетишган эди. Ўша бемор эмасми?

— Худди ўша. Неча йиллик иш фаолиятимда бунақа жумбоққа учрамагандим.

— Устозингиз Патиддин Қулсинович билан маслаҳатлашмадингизми?

— Афсуски, профессор ҳозир Тайванда. Яна бир ойдан кейин қайтади.

— Телефонда боғлансангиз-чи?

– Бу сафар фикри ожизимча у ҳам ёрдам беролмайди.  
– "Тиб қонунлари" да йўл-йўриқ йўқми?  
– Кечадан буён бир бошдан ўқияпман, сира яқин келадигани чиқмаяпти.

Аёл аёллигига борди:

– Кўпам куюнаверманг, дадаси, бугун чиқмаса, эртага топилар.  
Ташқаридан фир этиб кирган эпкин хонани айланиб, оланинг шу ёшгача кўркини йўқотмаган майин сочларини эркалаб чиқиб кетди.

– Масала шундаки, беморнинг бутун ички аъзолари сусайиб бормоқда. Ҳали буни ҳеч ким сезгани йўқ. Агар яна беш-олти кун ичида ечимини аниқламасак, кеч қоламизми, деган ҳадикдаман. Қандай ёқимтой, ажойиб йигит. Ёши қирқ атрофида. Нима жин урганига ҳайронман. Ўпка, юрак, буйрак, жигар – борингки қора талоғигача яхши... Лекин, сустлашяпти. Биласизми, бутун аъзонинг тенг панд бериши иш тажрибамда илк бор учраши.

– Эҳтимол, бирон хавфдан ёки тафтишчилардан қўрққандир.

– Бу тарафдан ишқаллик йўқ.

– Бўлмаса оиласи нотинчмикан?

– Суриштирдим. Битта ўғли ўқувчи, оиласи ҳам анчадан буён касалванд экан, аммо қўрқинчли даражада эмас.

– Наркоманлар таъсирига тушганмикан-а? – Энди ая ҳам бемор ҳолига қизиқа бошлаганди.

Неъмат Солиевич деразани ёпди.

– Қарасам, сиз ҳам ташвишга тушиб қоляпсиз. Менда битта таклиф бор, нима дейсиз?

Ўқтамхон ҳайратланиб, эрига нигоҳ ташлади.

– Ярим кечаси яна қанақа таклиф, дадаси?

Профессор айёрона кўз қисди.

– Сиз ҳақсиз! Ҳудди ярим кечаси айтиладиган таклиф-да.

Ўқтамхон қочиримни тушиниб, келинчак каби юзлари лов-лов ёнди.

– Ҳа одам бўлмай кетинг...

## 7

Ботир белгиланган вақтда Баҳорнинг уйи қўнғироғини босди. Хиёл ўтмай, қора дуб ёғочидан нақшинкор услубда дид билан ясалган оғир эшик очилди. Меҳмон таклиф кутиб, одоб юзасидан йўлақда бир муддат туриб қолди.

– Вой, киравермайсизми!

Ботир остона ҳатлаб ичкарига қадам ташлади-ю, беихтиёр ўзини йўқотиб қўйди. У илгари ҳам шаҳардаги кўпгина кўпқаватли уйларга ташриф буюрган, не-не казо-казоларнинг азиз меҳмони бўлган, аммо, бундай ёруғ ва файзиёб хонадонни илк бора кўраётган эди. Гўё бу истиқомат жойи эмас, ноёб музейнинг ўзи. Одатда у ҳар куни пайпоғини янгиларди. Келаётиб кийиб олган пайпоғи оёғи остидаги палос устидан тўшалган ҳарир мато олдида оҳори хиралашгандек туюлиб, бироз ўнғайсизланди. Унинг ҳолатини даров пайқаган уй бекаси юмшоқ шиппак келтириб қўйди.

— Мана буни кийиб юринг, панел уйлар зах бўлади.

— Чамамда, бу, иморат фиштли, шекилли.

— Барибир саратон қуёшини кўрмагунча салқини тураверади.

Оёғига шиппак кийгач, Баҳор унга ваннахонани кўрсатди.

— Қўлингизни ювиб олинг, титан жўмрагини бурасангиз, иссиқ сув ҳам тушади.

Бу, ванна, деганлари худди атторлик дўконидай хушбўй ҳидларга тўла эди. Деворга хилма-хил сочиқлар илинган. Чор-атрофдаги кўзгудан аксингиз кўриниб туради.

Меҳмон кенг йўлакка чиқиб, қай тарафга юришини билмай тарадудланди. Шунда қия очиқ эшиқдан ётоқхона жиҳозлари кўзга ташланди. Қалин эман ёғочидан ишланган икки кишилик диванга турк чойшаблари тўшалган. Дераза пардалари минг хил товланиб кўзни олади. Деворга илинган суратлар анчагина қимматбаҳо бўлиб, машҳур мусаввирнинг асл нусха асарлари эди.

Ошхонадан чиқиб келган Баҳор меҳмонни айвонга чорлади. Бу ер анчагина кенг-мўл экан. Тўрига рангли телевизор қўйилибди. Унинг қарама-қарши томонига газ плитаси, ошхона жиҳозлари жойлаштирилган. Афтидан уй бекаси телевизор кўриб, овқат тайёрлашни ҳуш кўрса керак-да.

Айвон ўртасига айланма стол ўриятилган. У ойнаванд ром ёнида бўлганлигидан, худди бутун олам кафтда кўринган каби кўз ўнгингда намоёнлашади.

— Маъзур тутасиз, меҳмонхона тезда исиб кетади, ўтиришга қулай ва ёруғ деб айвонга дастурхон ёзавердим.

Ботир меҳмонхона билан айвон ўртасида очилган арк тарафга қараб қўйди. Бу ердан кенг залнинг ярми бемалол кўзга ташланарди, ичкаридаги испан, немис ва итальян мебель жиҳозлари Баҳорнинг бадавлатлигидан ташқари уй безатишга иштиёқи баландлигидан ҳам далолат берарди.

Уйга кирганидан буён илк бора хонадон соҳибасига нигоҳ

ташлаган Ботирнинг юраги зирқираб кетди. Баҳор ҳар қачонгидан ҳам гўзал ва маъсума эди. Оппоқ, кулча юзлари ўн тўрт кунлик ойдек сулув, кўзлари худди кўрингувчини эркалаётгандай хумор боқарди. Ҳаворанг қимматбаҳо яшил гулли матодан тиктирган кўйлаги қоматини яширмоққа ожиз, боз устига мрамар каби таранг кўкраклари, оппоқ бўйни, кўйлаги енгини ёриб юборгудек билаклари, ҳаммадан ҳам юрганида турфа рақсга тушаётган майин сочлари ҳар қандай эркакни ақдан оздиргудай даражада жозибали эди. Ботир уни Тошкентда кўрганидаёқ юрагига ўт тушганди. Мана, энди яқиндан танишиб ҳам олдилар. Лекин, ҳамон бу аёл қаршисида ўзини йўқотиб, тили айланмай қолаверар, токи ўзини қўлга олгунича анча фурсат ўтарди.

— Қорнингиз ҳам очгандир, қани, дастурхонга қаранг.

Меҳмон кўлига санчқи ушлаб, анча ўйланиб қолди.

— Ботир ака, тинчликми, — кулди Баҳор унинг шу туришидан завқланиб. Ўтган муддат ичида бу соддадил, кўнгли очиқ аёл йигитга ўрганиб улгурган, кўп ҳолларда тортинмай юмушини айтаверар, худди туғишган акаси каби эркаланар эди. Ботир эса аксинча, у ўзини қанчалик дадил ва хотиржам тутса, шунчалик даражада уялиб, кўзига тик боқолмасди. У бу ҳолатини қалбида ниш урган муҳаббат туғёнига менгзарди. Баҳорнинг ҳайиқмаслиги, бемалол муносабатини кўнглида гард йўқлигидан, поклигидан деб биларди.

— Эсим қурсин, кўнглингиз бирон нарса тусайдими? — Гўё муҳим нарсани унутгани учун ҳижолат тортгандай шошиб сўради хонадон соҳибаси. Ботир унга ер остидан мўралади.

— Менга шерикликка ярайсизми?

Аёлнинг ингичка қошлари пир-пир учди.

— Мени энди кўряпсизми?

— Шундайлиги аниқ, ҳар ҳолда ўз уйингиздасиз-ку.

— Ишонсангиз, мен умримда спиртли ичимлик ичмаганман. Умуман аёлларнинг маст юриши энг ёмон гуноҳ, деб биламан. Ўзини ва яқинларини ҳурмат қилган аёл ҳеч қачон бундай одобсизликка йўл қўймайди.

— Рост, — дарров тасдиқлади меҳмон. — Аёл киши нафақат ўзи, балки вужудида бош кўтаражак мурғак фарзанди учун ҳам масъул. Ахир, она қорни чақалоқнинг ошёни эмасми. Агар шу кўрғонга чанг қўнса, ёмонлик аралашса, туғилажак боладан кейин қандай эзгулик кутиш мумкин. Аслида айрим оилалардаги кўнглисизликларнинг боши худди шу ердан бошланади деб, ўйлайман.

Баҳор чой қуйиб, ўрнидан туриб такаллуф ила узатди. Бироқ, ўз ҳиссиётлари қозонида қайнаётган йигит бу ҳазилни тушунмади, индамай пиёлани стол четига қўйди.

— Ботир ака, — деди бека унга астойдил тикилиб. — Ишқилиб гинеколог эмасмисиз?

Меҳмон каловланиб қолди, оғзидаги қазини чала-чулла чайнаб ютиб юборди.

— Нега сўраяпсиз, мен иқтисодчиман, Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатганман.

— Алдаманг, — бўш келмади мезбон унинг саросимага тушганлигидан завқланиб. — Ҳозирги сўзларингизни тинглаган одам ҳеч иккиланмай аёллар духтири дейди. Ўзиям бирам берилиб гапирдингизки...

— Кечирасиз, ўзим сезмабман. Тўғриси, бизнинг корхонада ишчиларга бирон ишни тушунтириш анча қийин. Битта мисолга ўнта масала келтирмасангиз, аммамнинг бузоғидай бақрайиб туришаверади.

— Ие, ҳали аммангиз бузоқ боқадими? — Бояги қувноқлик уни тарк этмаганди.

Ботир яна ҳижолатдан терга ботди.

— Йўғ-е, шунчаки омади гап-да. Бу ёғини суриштирсангиз, аммамнинг ўзи йўқ.

— Менинг аммам бор-у, лекин узоқда...

— Узоқ деганингизни қандай тушунмоқ керак?

— Бу сизнинг тасаввурингизга боғлиқ...

— Қани, бир тусмоллаб кўринг-чи?

— Қўйсангиз-чи, телепат эмасман.

— Майли, барибир тафаккурингизни синамоқчиман.

— Тафаккур алдамчи, яхшиси, ўзимни имтиҳон қилиб кўринг.

— Ҳозир адашдингиз. Билсангиз, инсоннинг сиртидан баҳолаш қийин. Тафаккурнинг эса пўсти йўқ, борлигини дарров айтиб қўяди.

— Очиғи, тилингиз бийронга ўхшайди.

— Дил очилса, тилга иш топилаверади. Акс ҳолда тил ҳам дилга калит бўлолмайди.

Ботир ҳушёр тортди. Яйраб кулди.

— Шукр, тилингиз дилингизга тилмочлик қиляпти.

— Яширмайман. Бугун негадир бахтиёрман. Аммо билиб қўйинг, аёлларнинг табиати баҳор ҳавосидай ўзгарувчан.

— Буни биламан.

— Демак, уларнинг суҳбатидан баҳраманда экансиз-да?



— Унчалик эмас, аммо, томчида қуёш акс этганидай...

Меҳмон иссиғининг борида тилини тийди. У уйдаги хотинининг феълидан ҳаммаси аён, демоқчи эди. Яхшики, қаерда, ким билан ўтиргани лоп этиб миясига урилди-ю, даҳанага қопқоқ ёпди.

— Раҳмат сизга! — Баҳор кулимсираб миннатдорчилик изҳор этди. Бу ташаккур боисини билолмай йигитнинг боши қотди.

— Нега энди...

Унинг лафзи лабида қолди.

— Негаки мени ҳурмат қилиб, аёлингиздан гап очмадингиз.

Ботир бу соҳибжамолнинг ақли расолигига яна бир бор тан берди. Аммо, вазиятни юмшатиш учун бирон калима айтолмади.

— Эсим қурсин, меҳмонга чақирдим-у, бир сирдан воқиф этмадим а? Йигит ҳайронлиги ортиб аёлга ҳавотир-ла кўз ташлади.

— Яна қанақа сир?

— Бу, менинг сирим. Яъни ҳар куни берилаётган сериални ўтказиб юбормай кўраман.

— Ҳайрият-э, шумиди... Мен эса...

— Вой, кўрқиб кетдингизми?

— Ҳа энди, оддий гапни ҳам шундай ваҳима билан айтасиз-ки, тўғриси, шу гунчадай лаблардан қандай янгилик чиқаркин, деб ҳадиксираб қоларкансан.

Баҳор юракдан кулиб, ўзини зўрға тўхтатди.

— Мени кечиринг-у, "олиб қочишда" сиз ҳам бировдан қолишмас экансиз.

— Шуни айтадиларда, ўрик ўрикни кўриб ола бўлади деб. Ҳа майли, сиз "Қақнус"ни назарда тутяпсизми?

— Шундай, сиз ҳам кўряпсизми?

Ботир ўйланиб қолди. Мабодо кўрмаётганини тан олса, унда сизни кузатиб қўяй, дейиши тайин, томоша қиялпман деса, бирон нарсани сўраб мулзам қилиши мумкин.

— Доим етти ўйлаб бир сўзлайсизми?

— Доим эмас, фақат сизнинг суҳбатингизда.

— Сабаб?

— Чунки, жудаям синчков экансиз. Сал фикрдан қияласам, ўтга тушяпман.

— Буни қаранг-а! Унда чинакам ўт нималигини билмас экансиз.

— Сизчи? Билсангиз айтинг.

— Майли, фақат фильмдан кейин. Айтмоқчи, залдаги телевизор яхшироқ. Сиз кираверинг, мен қаҳва тайёрлаб, кейин ўтаман.

Залдаги биллур қандилни кўриб, меҳмоннинг оғзи очилди. Юздан ортиқ жажжи чироқчалар ҳудди бургутнинг кўзидай чарақлаб, хонани чароғон этганди. Тўридаги телевизор экрани дераза ўрнича келади. Кираверишга кенг диван қўйилган. Ён томонда чет эл мебеллари... Муҳими, бирон жойга гард қўнмаган, ҳаммаёқ чиннидай топ-тоза.

Хонадон соҳибаси сиёҳдондай идишларда қаҳва келтириб, сирти ойнаванд, столга қўйди. Ўзи бошқа креслога жойлашди.

Бир ярим соат ичида у бутун борлиқни унутиб, экрандан кўз узмади. Ҳатто Ботирнинг шу ердалиги ҳам хаёлидан кўтарилди. Ниҳоят, фильм тугади. Баҳорнинг қоп-қора киприклари орасидан ёш оқарди. У чурқ этмай, ваннага кириб кетди. Ўн дақиқаларда жилмайиб кирди.

— Жуда оғир картина, тўғрими?

Ботир бошидан кўрмагани учун нима дейишни билмади.

— Дастлаб бош қаҳрамон қиз ёққанди. Энди Ми Ран билан Чо Минга ачиняпман. Биласизми нега? Бу ёруғ дунёда жавобсиз муҳаббатдан ёмони йўқ. Худо шунисидан асрасин.

Меҳмон шу хонадонга кирганидан буён ўтган вақт ичида ҳар дақиқада Баҳорнинг янги қиррасини кашф этаётгандай, унинг табиатидаги хислатлар чашма каби муттасил мавжланиб, сира адоғи кўринмагандай туюларди.

Уй бекаси бу сафар меҳмоннинг ёнига — диванга ўтирди.

— Ниҳоят, ўзимиз тўғримизда гаплашгани фурсат келди, — деди у кўзларини катта-катта очиб. — Аввал ўзимдан бошлай. Гарчи сиз билан тўрт-беш ой таниш бўлсак-да, бу ҳақда сира кўнглимни очмагандим. Доимо югур-югур, савдогарчиликнинг қамчиси ўзи билан, деганлари рост экан-да. Энди бир юртдан келсанг, иккинчи мамлакатга йўл чиқиб туради... Вой, бошқа томонга ўтлаб кетдим шекилли.

Меҳмон унинг алвон ранг чеҳрасига, қирмизи лабларига тикилганида юрагининг туб-тубида чуқур орзиқиш зуҳурланар, қани мавриди келса-ю, неча йиллардан буён қалбида тўпланган энг ардоқли, энг оромбахш туйғуларини қаршисидаги моҳипайкарга бахшида этса. Аммо севган аёлга қўл узатиш илоннинг инига панжа суқиш билан баробар, у ердан тилла топасанми ёки оғу, биров билмайди.

— Ўрта мактабни томонлаб, тиллар педагогика институтига ўқишга кирдим. Бироқ, ўқитувчилик қилолмадим, мактабда тўрт-беш йил ишлаб тижоратга ўтиб кетдим. Касбимни севаман, бироқ, катта

мақсадларни орзулаган одам учун ойлик маошга қаноат қилиб яшаш ниҳоятда оғир. Аёл киши яхши кийиниш, ўзига қараш, рўзгорни бутлашни хоҳлайди. Буларнинг барчаси пул...

Ҳиндистон, Эрон, Амирликлар, кейинчалик Хитой ва Таиландга қатнадим.

— Кечирасиз, турмушингиз бузилишига шу тижорат сабабчи эмасми?

— Йўқ, эрим билан табиатимиз мос тушмади. Мен уни ёқтирмаганлигим баробарида у ҳам мени хушламади. Бир куни "Баҳор, нима дейсан, умрбод азобда яшайверайликми ёки келишиб олаимизми?" деб сўради. Мен: "Келишиш деганда нимани назарда тутяпсиз?" дедим. У бўлса, "квартирамда" деб жавоб қайтарди. Шунда оғзимга шу гап келибди:

— Яхши, сизга квартира, менга Элёр! — Бечора шуни кутиб турган экан, дарров розилик билдирди. Ўша куни ўзимнинг кийим-кечақларим, айрим юкларимни саралаб, ижарага уй олиб чиқдим.

— Ота-онангизникига қайтмадингизми?

— Уларга ортиқча ташвишнинг нима кераги бор, деб ўйлабман. Аммо, ойим билан дадам эртаси топиб келишди. Роса таъзимимни беришиб, уйга олиб кетишди. Уч йил иноқ яшадим. Мактабда дарс бердим. Кейин боя айтганимдай тижоратга қўл урдим.

Ота-онам асли тошкентлик эди. Озиқ-овқат технологияси институтини томонлаб, йўланма билан Андижонга келишган эди. Дадам қандалатчилик цехида, ойим эса касбини ўзгартириб қурилиш ташкилотида ишлаб, фахрийликка чиқишганди. Бутун фикри-зикри пойтахтга қайтиш эди. Охири Яккасарой туманидан уч хонали уй сотиб олди. Кетишди.

— Нега сиз қолдингиз?

— Ўзим ҳам ҳайронман. Биринчидан, Чорғузарда туғилганим учунми, эски шаҳарни ёқтираман. Иккинчидан, топиш-тутишим яхши, уйим бинойидай.

— Барибир, ота-онангиз сизни ёлғиз қўйишмайди.

— Ўзим ҳам шу фикрдаман. Элёр бешинчи синфда ўқияпти. Эҳтимол, тўққизинчини тугатса, биз ҳам Тошкентга кетармиз. Яна ким билади, тақдирга таваккалчилик кетмайди.

— Элёр ҳозир қаерда?

— Бир ҳафтадан буён Тошкентда, опоқдадаси билан. Таътилни ўша ерда ўтказмоқчи.

— Бир ўзингиз зерикмайсизми?

Баҳор йигитга қаради.

— Тижоратчи зерикиш, деган терминни тан олмайди. Зерикиш эмиш... Билсангиз, бундай оёқни узатиб дам олгани зормиз. Айтдим-ку, тайёрадан-тайёрага чиқиб, учиб кетаверамиз. Асосий умр осмонда ўтяпти.

— Учиб юрибмиз, денг.

— Шундай! Аммо, ишингиз юришиб турса, чарчоқ ҳам сезилмайди...

Баҳор Ботирнинг тиззасига уриб, деди:

— Энди сиз ҳам қулфу дилингизни очинг. Гапира бериб оғзим толиб кетди-я... Хўш, қаердансиз, қайси подшоҳлик фуқаросисиз, қайси манзилга борасиз?

Баҳорнинг эркалиги йигитга ҳам юқди. У ҳазилга ўраб асл муддаони айтди-қўйди.

— Борар манзилим... Кошки шу макон бўлса...

Аёл бу қочиримни англамади.

— Тушунмадим.

Ботир жиддий тусда гап қотди.

— Дейдиларки, тўрт фаслнинг ўзига хос гашти бор. Мен эса сизни кўргандан буён қалбимда ҳамиша баҳор яшнаса, дея орзулайман...

Шу чоққача фақат корхонани, оилани ўйлардим. Энди бу тушунчалардан ҳам қудратли туйғулар борлигини англаб етдим. Очиғи, сизни севиб қолдим. Ўша "Дедоман" меҳмонхонасида учратганимдан буён ўз ёғимга ўзим қовирилиб юрибман. Муҳаббат одамни қийнаб юборар экан. Эрта-ю кеч кўз ўнгимдасиз. Ўйламай дейман-у, сира бунинг уддасидан чиқолмайман. Бир кун овозингизни эшитмасам ёруғ жаҳоним зулматга айланади. Телефон жонивор "жиринг" этса ҳар сафар сизмикин, деган умид билан гўшакка қўл чўзаман. Шу кунгача севгига ишонмай келардим. Энди эса ишондим, чунки у бағримни куйдирди, вужудимга титроқ солди.

Авваллари юқори раҳбарлардан илиқ фикр эшитсам бошим осмонга етиб, беҳад қувонардим. Энди ягона қувончим фақат ўзингизсиз. Сизнинг гоҳида ёш боладай соддадиллигингиз, баъзан чуқур ўйга ботиб ўтиришингиз, бир пасда кулиб, яна бир нафасда жиддий қиёфага киришингиз, хуллас, ҳамма-ҳаммаси хаёлимга кино тасмасидай муҳрланиб қолган. Бу тасма бир кунда минг бора олдига ва орқасига айланишини билсангиз эди. Баъзан шунақа хурсандликка бериламан, нега кайфиятим офтоб мисол чарақлаётганини тушунмай ҳам қоламан. Гоҳида сўнгсиз хаёллар гирдобида мағрибдан-машриққа учаман. Баҳор, севги шундай қудратлими?

Ботир умрида бунчалар таъсирланиб сўзламаганди. Қараса, Баҳорнинг оппоқ юзларида ёш чизилиб оқяпти. Унинг жиловланган меҳри жунбушга келиб, қирғоқдан тошган дарё мисоли куч-қудратга тўлди, бутун вужудини титроқ босди. Баҳорнинг майин соч толалари ёшли юзига ёпишиб қолганди. Йигит чап қўли билан қиз чеҳрасига парда ёпмоқни ихтиёр этган сочни силамоққа журъат этди. У бутунлай ихтиёрсиз, мақсадсиз шу жасоратга қўл урди. Ҳаттоки, қарши тарафдан қандай акс чора қўлланишини ҳам ўйлаб кўрмади. Бу идрок эмас, туйғу таъсиридаги ғайри табиий ҳаракат эди. Ва ҳаётда айнан ғайри табиий ҳаракатлар учун ё жазо кўрилган, ёки инъом олинган. Бу сафар тақдир бечора ошиқни шундай ёрлақадикки, ҳатто бу каби сийловни етти бор ёстиққа бош урганида тушида ҳам кўролмасди.

Баҳор беихтиёр аввал Ботирнинг қайноқ пешонасига бош қўйди, кейин худди ҳушини йўқотган киши каби унинг кучоғига сингиб кетди.

## 8

...Ботир бағри тўлиб уйғонди. Оний бир фурсат қаерда ётганлигини билолмай ўйланди. Аммо, кучоғида тўлин ой каби сокин ухлаётган сулувни кўриб, тунги фароғат ёдига тушди. Во ажабо эрта тонг нафаси гўё хонани нурга чўмгандай туюлди. Бошини кўксига қўйиб ором олаётган соҳибжамол сиймосида гўзаллик ва файзиёблик жилоси уфураётгандай эди. Яна ҳам ҳайратланарлиси, у одатда биринчи марта хиёнат кўчасига оёқ босган эркаклар дилида ғимирлаб қоладиган кўнгил ғашлигини ҳам, танасини бахшида этган аёлга нисбатан ижирғаниш туйғусини ҳам сезмасди. Аксинча, кўзидан уйқу қочиши баробарида, худди она қўйнидан ҳаловат излаган бола мисол, тинчгина ухлаётган суюкли санамига нисбатан тийиқсиз соғинч туйди. Бу ҳиссиёт ғулусидан ўзини босолмай тунги ҳарир либосдаги дилбарни меҳр билан кучоқлади. У шу ғаройиб истаги боис ой юзли дилбарнинг тинчини бузишдан ҳижолат ҳам тортганди. Ҳар нечук баҳордай Баҳор гўёки дунё тапвишлари қалбини тарк этган каби бамайлихотир туш кўрарди.

Йигит англадики, бу учрашув шунчаки тасодиф ёки оддийгина изоҳланадиган жисмоний яқинлик эмас. У яна уқдики, ҳар иккисининг тупроғи минг йиллар илгари бир хамиртурушдан қорилган ва унга муҳаббатдан зеб берилган, соғинч нури ила суғорилган, меҳрдан либос кийдирилган. Акс ҳолда гуноҳга қўл

урилган кеча худди гуноҳдан фориғ бўлган каби қалбда энгиллик уйғотмас эди. Бу ерда инсон тафаккуридан ташқарида мавжланувчи сир-синаот зуҳурланганди. Лекин бу ҳилқат номи ва моҳияти мағзини чақмоққа ҳозир ҳар иккиси ҳам қодир эмасди.

Ботир Баҳорнинг нозик бўйнидан ўтказган қўлини суғуриб олаётганида унинг кўзлари пориллаб очилди. Тунни бегона эркак билан бедор ўтказгани ёдига тушиб, юзи шафақ рангини олди. Ўрнидан туришдан илгари энгил чойшабни йигитнинг бошига тортди.

– Қарамай туриг!

У ваннага кириб кетди. Анчадан сўнг эшикни қия очиб, саломлашди.

– Хайри тонг, Ботир ака!

– Ўзингизга ҳам...

– Ишга борасизми? – у шундай дея хона деразасини қия очди. Ташқаридан салқин ҳаво эпкени юзга урилди.

Йигит юмшоқ ўриндан кўзғалиб, стул суйанчиғидаги ички кийимларидан тортиб кўйлак ва пайпоқларигача ювиб, дазмол босилганини кўрди. Во ажабо, бунга қачон улгурди экан? Тезда кийиниб, хайрлашмоқчи эди, айвондан таниш овоз эшитилди.

– Нонушта қилиб олинг!

Баҳор гўзаллигидан ташқари саранжом-саришта ва меҳрибон аёл эканлигини ҳам намойиш этаётгандай туюлди. Бироқ, унинг табиатида ясамалик, мўлтониликдан асар ҳам йўқ эди. Содда тушунтирганда, ичи ҳам, таши ҳам, суврати-ю сийрати бир инсон эди.

Остона ёнида кузатаётганида йигитнинг кийинишига бошдан-оёқ қаради, бўйинбоғини тўғрилаб қўйди, кулранг костюмининг елкасини қоқди.

– Ожизлигимни ёмонликка йўйманг, Ботир ака! – деди у кўзларини ерга тикиб.

Ботир унинг нозик белидан авайлаб қучди.

– Бу ожизлик иккимизга тегишли.

– Биласизми, эрталаб уйғонди-му, дилимда энгиллик туйдим...

– Мен ҳам!

– Рост айтяпсизми?

– Сиз қандай туйғуларни бошдан кечираётган бўлсангиз, мен ҳам шу кайфиятдаман. Муҳаббатимизнинг қудратига ишонаман.

– Айтганингиз келсин. Тўғри, не-не юлдузни бенарвон урадиган йигитлар юрагимга йўл топишолмаган эди, сиз сездирмай ичимга кириб, қалбимга ўт ёқдингиз.

- Ўт ёқмадим, – деди Ботир унинг жовдираган кўзларига боқиб.  
– Юрагимдаги оловни туташтирдим, холос.  
Баҳор йигитнинг кенг кўксига бош қўйиб, анчагача қўйвормади.

## 9

Саратон чилласи авжига чиққанида, Ботир севгилисини йўқлади. Баҳор Намангандан келаётган экан. Тўғри қўшма корхона дарвозаси ёнида машинадан тушди. Ташқарида тартибни сақловчи норғул йигит йўгон бўйнини базўр қимирлатиб, унинг қўлидаги сумкасини очишга мажбурлади.

Ҳозир ҳар қандай хусусий фирма ва офисларда шундай эҳтиёт чораси кўрилаётгани боис, у эътирозсиз сумкасини кўрсатди. Шу пайт ичкаридан раҳбарнинг ёрдамчиси Акмал чиқиб қолди. У Баҳор билан "шефи" ўртасидаги муносабатни зимдан сезарди, шу туфайли ҳар сафар кўрганида, ҳушмомалалик билан қаршилаб, хурматини жойига қўярди.

– Ринат, опани қўйиб юбор! – деди у ойнаванд эшик саҳнида туриб. Сўнг югуриб меҳмон қаршисига пешвоз чиқди.

– Лифтни чақирайми, опа, – деди одатига мос равишда жилмайиб.

Баҳор унга миннатдорлик билдирди.

– Раҳмат, Акмалжон, иккинчи қават унчалик баян эмас – ку.

Ботир кенг ва ёруғ хона тўғрисидаги катта чарм креслода ким биландир телефон орқали суҳбатлашаётган экан.

– Кечирасиз, котибангиз бир ўзи деганига такаллуфсиз эшикни очаверибман.

Ботир тезда хайрлашиб, гўшакни жойига қўйди. Ўрнидан туриб маъшуқасини қучоқлади.

– Сизга бу даргоҳ эшиги ҳамиша мунтазир.

Баҳор уни сўроққа тутди:

– Эшигимиз ёки соҳибимиз?

Ботир ҳам бўш келмади.

– Шу эшик ортида кўзлари йўлингизга нигорон маҳбуби.

Улар узун столнинг икки ёнидан жой олдилар.

– Яхши келдингизми?

– Раҳмат, миждоғларим кутиб туришган экан, ишим битди.

– Жуда соз. Ўзингизга уч-тўрт кунлик таътил эълон қила оласизми?

Аёл ҳайрон бўлиб суҳбатдошига қаради.

– Тинчликми?

– Ҳа, бир маслаҳат чиқиб қолди. Хуллас, Москвадан меҳмон

келяпти.

— Корхонангизгами?

— Йўқ, шахсий меҳмон, аниқроғи, бирга ўқиган курсдош дўстим. Баҳор ҳеч нарсага тушунмади.

— Дўстингизнинг ташрифига менинг борлигим монелик кўрсатмайдими?

— Аксинча, сизнинг ёрдамингиз керак.

— Менинг ёрдамим. Агар қўлимдан келса, минг марта розиман.

— Қўлингиздан келиши ҳам гапми?

— Унда одамни қийнамай очиқроқ айтинг?

— Очиғини эшитинг. Дўстим ҳозир докторантурада ўқияпти, бир таниши Фарғона водийсини томоша қилмоқчи экан. Эртага тушлиқдан кейин Андижон тайёрагоҳига кўнишади.

— Таниши аёл киши эмасми?

— Ҳамма гап шунда-да. Агар бир ўзи бўлганида уйга жой ҳозирлатиб қўярдим... шериги билан қандайдир ноқулай.

Баҳор Ботирнинг пешонасига нозик кафтини босди.

— Бор-йўғи бир оғиз гап экан-ку, роса чўзвордингиз-а. Шу ҳам муаммоми. Элёр ҳалиям Тошкентда, бизникига келишаверсин.

Ботирнинг елкасидан тоғ ағдарилди.

У айнан шу таклифни кутганди.

— Тўғриси, роса бошим қотган эди. Корхонамиз профилакторийси таъмирланияпти, шаҳардаги меҳмонхоналарда иссиқ сув йўқ. Руслар ёзда бир кунда уч марта ювинишмаса баданига торвоқ тошади.

— Ие, дўстингиз ҳам русми?

— Йўқ, аммо уч йилдан буён Россияда яшаб европалашиб кетгандир, дейман-да.

Бирдан аёлнинг юзига ҳавотир соя ташлади.

— Ботир ака, уйимиз ёқмаса-чи?..

Ботир ўрnidан туриб кетди.

— Нималар деяпсиз, ёқмас эмиш-а. Мен эсам бу хонадонга ўзга одамларни таклиф қилгани қизғонаман. Назаримда, бу уй фақат иккаламининг пирли ва сирли паноҳгоҳимиздай. Қолаверса, сизнинг саранжом-саришталигингизни улар қадрлай билишармикан?

Жувон уни тинчлантирди.

— Меҳмон отадай улуғ, сира хавотирланманг.

— Яхши, демак, бу масалага маҳси кийдирилди. Энди асосийсига ўтамиз.

Баҳорнинг ҳайрати ортиб, у ҳам жойидан қўзғалди.



– Бугун нуқул фақат топишмоқ айтяпсиз - а. Яна "асосийси" нима экан.

– Эҳтимолки уч кунга Шоҳимардонга боришга тўғри кеп қолар. Ишингизни шунга қараб режалаштирсангиз, яъни бояги таътилингизга ўзингиз имзо чексангиз.

Баҳор бир муддат ўйга чўқди. Кейин дераза ёнида саволига жавоб кутаётган севгилисининг елкасига бош қўйди.

– Ботир ака, сиз туфайли ишқ шаробини тотдим. Осмондаги қўл етмас юлдуз эдим, энди сизнинг ҳамроҳингизга айландим. Сиз нима десангиз, шунга розиман.

Тўсатдан телефон жириглаб, унинг туйғулари бўлинди. Кабинет соҳиби гўшакни кўтарди. Қисқа савол - жавобдан сўнг у маҳвашига юзланди.

– Эртага барвақт келишар экан.

Эртасига Ботир меҳмонларни Андижон тайёрагоҳидан уйга бошлаб келди. Баҳор уларни йўлақда қаршилади.

Ўрта бўйли, тўладан келган, қизғиш сочлари сийрак, бодом қовоқ, табиати қувноқ кишини Анвар Чориевич деб таништиришди. Ёнида новча, кўзлари кўм - кўк, ранги оппоқ қирра бурун, ингичка қошлари бўялган аёл Аня экан. Аня хушрўйлигидан ташқари, одам билан тез киришиб кетаркан. Унга бир пасда Баҳор ёқиб қолди. Сайёҳлар сумкасини очиб, фаранг мушкани совға қилди.

Кечки овқат пайти яхшигина ичиб олган Анвар ҳеч кимга гап бермагач, аёллар зерикиб қолишди, шекили, узр айтишиб, ётоқхонага кириб кетишди.

Икки дўст ҳоли қолишгач, меҳмон қувлик билан деди.

– Дидинг чакки эмас, бунақасини қайдан топдинг?

Ботир жиддий жавоб қайтарди:

– Худо берди.

– Унда ароқдан қуй. Тўлдириброқ қуй. Қани, мана шу мўъжиза учун олайлик.

У сўзи охирига етиб - етмай бир силтишда қадаҳни бўшатди.

– Аммо, қойилман. Мен сени лол қолдирмоқчи эдим, сен мени ҳайратга солдинг. Хотининг биладими?

Йигит хомушгина бош чайқади.

– Унда ҳушёр бўл. Яна икки ўт орасида ёниб кетма. Завжангнинг феълини биламан, жаҳли чиқса отасини ҳам аямайди.

Анвар аввал ҳам насиҳатга ўч эди. Ботир уни шу ҳолича – содда, самимий ва беозорлигича яхши кўрарди. Беш йил таҳсил кўришиб, бирон марта сен - менга боришмаган, бирининг нарсасини

иккинчиси сўраб-сўрамай ишлатаверишган. Аслида уч ўртоқ ўқишнинг бошидан-охиригача бир ёқадан бош чиқариб юришганига баъзиларнинг ҳасади ҳам келарди. Бу дўстлик ришталари ҳамма ўз ўрнини топганидан кейин ҳам узилмади. Доимо телефонда ҳол-аҳвол сўрашиб туришади, йилига уч-тўрт марта учрашишади. Агар Ботир Тошкентга борса, албатта Анварга қўнғироқ қилиб қўяр, у эса Қашқадарёдан Нормуродни чақириб — уч дўст бир-икки кун талабалик ҳолатига қайтишиб, кайфларини чоғ қилишарди. Тақдир ҳар учаласининг бошига турли қисматларни ёғдирди. Муҳаббат бобида Анварнинг омади чопмади, Нормурод эса кечикиб бўлса ҳам бахти учун охиригача курашди. Институтнинг иккинчи босқичидаёқ уйланган Ботир севги-муҳаббат туйғуларига унчалик ишонмасди. У чинакам оилапарвар ота эди. Айниқса, хотини касалваддигига қарамай қўчқордай ўғил туғиб бергач, бутунлай уларга боғланиб қолди. Фақат ишни ўйлади, шахсий ҳаётига эрк бермади, маишат, ичкиликбозликдан нари юрди, аёлларга қизиқмади.

— Аммо-лекин, — яна маърузасида давом этди. Анвар, кўзларини зўрға очаркан. — Истаганингча юр, мазангни қил, уқдингми? Бироқ, ҳаргиз севиб қолма. Севги — сароб! Шу сароб одамни алдайди, ишонтиради, кейин кимсасиз дашту саҳрога етаклаб келиб, ўзи қумга синган ёмғир каби йўқликка равона бўлади. Сен эса тешик тоғоранг билан "Боғ аро"ни куйлаб қолаверасан. Бу шунчаки қўрқитиш эмас, бор гап. Между прочем, ҳамма воқеадан хабардорсан, у дамларни эслашга ҳожат йўқ. Мен алақачон унутиб юборганман. Рост айтяпман, зиғирдай эсламайман... Ие, ҳалиям ичмадингми. Қани, қуй, э йўқ, менга қуй, ўзингникига қўл тегмабди-ку. Бу, дейман, ҳалиям кам тортасанми? Яхшимас, эркак киши "стресни снимат" этиб туриши керак. Бу Фёдорнинг ўгити. Фёдорни танийсанми? Ҳа, ўша машҳур хирург. У чинакам ўғил бола чиқиб қолди. Тўқсон ёшида ёш аёлга уйланди. Мана шу Анянинг дугонасининг таниши экан. Йўқ, Углов эмас, ҳалиги ёш хотини. Аммо, мен Назокатни бутунлай унутганман. Юрагим ачишмай қўйган. Икки фарзанди билан эрининг кўзига чўп суққан хотин тилга олишгаям арзимаydi. Ҳозир Аня билан апоқ-чопоқман, ярим йилдан ортди. Москвада, халқ банкида бўлим бошлиғи, меровой аёл. Лекин... бояги гап. Сен Баҳорингни севиб ўтирма. Майли, ўйна, юр, кул, аммо, юрагингни берма. Ҳусайн Бойқаронинг ноласи ҳаёлингдан кўтарилмагандир. Нимаydi, шошма, ўзим топаман. Ҳа, "қалбимни семурғга бериб қўйдим..." Мен эса Назокатга берибман-а. Шошма, яна битта қуй. Бу охиргиси. Сен учун кўтараман. Меровой

йигитсан! — Энди ўрнингдан тур, бир ташқарини айланиб келайлик.

Анвар анча ичганига қарамай, ҳушёр эди. Кўчага чиқиб, сигарет тутатгач, бир пасда ўзига келди-қолди. Улар Навоий шоҳкўчаси бўйлаб, истироҳат боғига, ундан Бобур майдони орқали, Нефттрест бекатигача сайр қилишди. Уйга киришганида, икки сулув худди қадрдон дугоналар каби бир-бирининг пинжига суқилиб ширин суҳбат қуришарди.

— Анвар Чориевич, ювинсангиз, ванна тайёр! — деди Аня бироз кескин товушда.

— Хўп, хоним. Айнан шу таклифни кутиб тургандим-да.

У итоатгўй ўқувчидай ваннахонага кириб кетди. Тезда ювиниб чиқди-ю, балконда қолган очиқ ароқ томон талпинди. Бироқ ётоқхонани бўшатишган санамлар бу ерни ишғол қилиб улгуришганди. Тарвузи қўлтиғидан тушган меҳмон барчага хайрли тун тилаб, ўринга чўзилди. Ундан сал илгарироқ, эртага Шоҳимардонга боришга келишган эдилар. Чунки Андижоннинг жазирама иссиқ ҳавосига россиялик ойимқизнинг бардош бериши маҳол эди.

...Нонуштадан сўнг Ботир ишхонага келиб учта ўринбосарига тегишли топшириқлар берди. "Юқори"га чиқиб уч кунга рухсат сўради. Сўнг уйига борди. Хотини телевизор кўриб ётган экан. Ўғли мактабга кетибди. Уни кўриб, онаси Саломат хола ошхона тарафдан чиқиб келди.

— Меҳмонларингни кузатдингми, болам?

— Олия қандай? — у саволга жавобни унутиб, хотини томонга ишора қилди.

Онаизор уни тинчлантирди.

— Шукр, анча яхши. Кечқурун сени йўқлаганди, Москопдан меҳмонлар кепти, дедим. Кир, сўрашиб чиқ.

Анчадан буён тўшақдан турмаган Олиянинг ранг-рўйи олинган, сочлари тўзғиган эди. Эрини кўриб, жойидан қўзғалмоққа чоғланди. Лекин, урдасидан чиқолмади.

Ботир хотинининг ўриндиги четига ўтириб, пешонасига қўлини босди.

— Тузикмисиз? — деди секин.

Олия бош ирғаб, яхшилигини билдирди.

Ботир хотинини шу аҳволда ташлаб кетаётганига дили ғашланди. Бироқ нима қилсин, ахир бу уч-тўрт кунлик дард эмаски, олдидан жилмай ўтирса.

Қарийб уч йилдан буён аҳволи шу. Бечора янаям фил экан,

чидайди. Икки-уч ой оёқда юради-ю, яна бир-икки ҳафта тўшакка михланиб қолади. Юрагида шовқин бор, буйраги ҳам заиф. Шу муддатда кўрсатмаган табибу шифокор қолмади. Рости Олиянинг ўзи ҳам касалхоналардан зерикди.

Яхшики, қайнонаси, эри меҳрибон, доимо эътиборида тутишади. Синглиси Нозима ҳам шу ерда. Барча дори-дармонларни ўзи ичкизади, муолажаларини кузатиб боради.

— Нозимахон мактабдами? — ҳовли тарафга қараб сўради Ботир.

— Ҳа, эрталаб кетди. Тезда қайтади. Меҳмонларингиз келишдими?

— Ҳа, улар билан уч-тўрт кун юраман. Сиз хавотирланманг, телефонда боғланиб тураман.

Олия миннатдорчилик билдирди.

— Раҳмат, Ботир ака! Яхшиям дастингиз узун экан, акс ҳолда шу чоққача совуқ ерда ётган бўлармидим?

Бу гапдан Ботирнинг бадани музлаб кетди. Хотини сира тушкунликка тушмасди. Наҳотки, кўнгли бирон нарсани сезиб қолган.

— Сиз бемаъни хаёлларга берилманг? Москваликлар билан яқинроқ танишиб, керак бўлса, Россияда, Германияда даволатаман. Мен бор эканман, ҳеч қачон сизни бу аҳволда қолдирмайман.

— Аввало, Худо, кейин, албатта, сизга суянаман-да, дадаси.

Ботир хотинининг киприклари орасидан сизиб чиққан ёшни артиб жойидан қўзғалди.

— Раҳмат сизга! Ҳозир мен анча кучга кириб қолдим. Сиз бемалол меҳмонларингизни кузатаверинг. Қанийди, тузук бўлсам, уйда дастурхон ёзардик...

— Ҳали бу кунларга ҳам етамиз, ноумид — шайтон.

Олиянинг пешонаси ва қовоқлари атрофидаги майда чизиклар қуюқлашди.

— Менинг ёлғиз умидим — Сиз. Ахир эрта, хазон бўлишимга йўл қўймасиз. Сизни кўрсам, кўнглим тоғдай кўтарилади, яшашга завқим ошади. Дардим чекингандай, вужудимда куч-райрат уйғонади. Аллоҳга шукр, мени сиздай олижаноб, меҳрибон инсонга йўлиқтирибди.

Ботир бу изҳори дилни хотиржам тинглашга қийналарди. "Ё қудратингдан, — ўйга чўмди у. — Шу ҳамд-саноларни атиги ярим йил илгари эшитсайди. Келиб-келиб кўнгилдаги ёрга йўлиққанида, қўйнингдаги ёрнинг ҳам меҳригиёси товланиб турибди-ку. Неча йилдан буён кутган, умидини узмаган ва ҳатто кейинчалик орзуламай қўйган ширин лутф энди қулоғига қуйиляпти". У хотинининг дағал

сўзлари, терс феълига кўникиб, пешонамга битгани шу экан-да, дея тақдирига тан берганида, бирданига вазият бутунлай ўзгариб кетса-я. Ёки Олия Ботирнинг хатти-ҳаракатини зимдан пойлаб юрибдимикин? Наҳотки, илондай майин эшилаётган тилининг тагида тил бўлса... майли, энди ортга қайтиш йўқ. Кўнгил ишига биров аралашолмайди. Ўттиздан ортганида, чинакам севги сеҳрига дуч келди. Унинг ўтли эҳтиросларидан боши сархуш айланди. Вақт ўтгани сайин бу туйғулар мустаҳкам илдиз отиб бормоқда. Мабодо Олия жанжал кўтарадиган бўлса, шак-шубҳасиз енгилади. Фақат ҳозиргидай ўз анъанасига хилоф равишда, латиф суҳанлик қилмаса, бас. Бошини эгиб турган аёлнинг кўксидан итариш эркакликка номуносиб. Агар шармандаликни бўйнига олиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишга бел боғласа, унда Ботир сўнгги нафасигача муҳаббатига паноҳ излайди, ишқига хиёнат қилмайди.

Унинг ўйга чўмганини ўзича идроклаган Олия жойидан кўзгалиб, эрининг елкасига қўл узатди, авайлабгина силади.

— Сиз мендан хавотирланманг. Биласиз, дардга сўз бергувчилардан эмасман. Диққатингизни чалғитмай, меҳмонларингизни кўнгилдагидай кузатинг, сизни кутаман.

Ботир Олиянинг яноғидан ўпиб, хайрлашди. Саломат буви ҳовли саҳнида яхна чой тутиб турганди, ўғлини кўриб, пахта гулли пиёлани узатди.

— Ма, ичиб ол, ёзнинг кувида юрак ёниб туради...

Онаизор кошки боласининг юрагигина эмас, бутун вужуди жизғанақ бўлиб, ўз ёғида ўзи қовурилаётганини тушунса. Аммо, ҳозирги луқма жуда нишонга теккан эди.

Ботир дарвоза олдидаги "Нексия"га чиқди.

— Баҳор опангнинг уйига ҳайда!

У файзли хонадонга кирганида, Анвар Аняга нималарнидир уқдираётган, Баҳор эса ўз бўлмасида сафар тадоригини кўраётганди.

— Хотинингиз жудаям ёқди, — деди сунбул сочли меҳмон майин табассум ила.

Анвар дарров луқма ташлади.

— Худди шу фикрни дўстимга нисбатан айтсанг, ҳаётда биринчи марта ҳақиқат руҳсорини очган бўлардинг.

Аня шеригининг елкасига беозоргина шапатилади.

— Файласуфларда ҳамиша муқобил фикр тайёр туради. Ахир Баҳорни алқагани Ботирга хуш ёқмайdimи?

— Албатта, эр учун аҳли аёли ҳақида яхши гап эшитишдан кўра қувонч йўқ.

Аня ҳозиргина лаб бўёқ суртилган лола янглиғ дудоқларини чўччайтириб Анварга қаради.

— Аня, кўрдингми, Ботир чинакам жентелмен экан.

Шу пайт торгина йўлакка Баҳор ҳам чиқиб, сафга қўшилди. У энги калта сариқ майка, пойчасига зар жияк тикилган яшил шим, оёғига оплоқ красовка кийиб олганди. Майин сочига гулли сочтурмак қадабди. Шу туришида кўпроқ талаба қизларни эслатарди.

Анварнинг эси оғиб, Аняга гап қотди.

— Жоним, рус гўзалига мен тан берганман, ўзбек соҳибжамоли пойига эса, Искандар Зулқарнайн йиқилган. Ишонмасанг, ёнингдаги парига боқ.

Баҳор табиатан ёш болалигини йўқотмаган, мақтовлардан тортинадиган фаройиб аёл эди. Ҳозир ҳам ширмон юзлари дув қизариб, бошини ерга эгди.

— Анвар ака, — деди у жилмайиб. — Ёнингиздан оққан сувнинг қадри йўқ экан-да. Дугонамнинг чиройи икки дунёни ёритади-я.

Чиндан-да Аня келишган жувон эди. У банк ходими эмас, худди спортчи қизларга ўхшарди. Оппоқ юзи, кўм-кўк кўзлари эркакларни бефарқ қолдирмайдиган даражада жозибали эди.

— Энди гап бундай, — деди Анвар мавзуни ўзгартириб. — Ҳайдовчинга дам берасан. Беш киши сиқилиб-қимтиниб юргандан кўра, ўзимиз хотиржам бориб-келганимиз яхши.

Аслида Ботир ҳам шу фикрда эди. Баҳор-ку, доимо севгилисининг рул бошқаришини ёқтирар, ўзи эса олис йўлларда ёнига ўтириб, гоҳ тўхтамай сўйлар, гоҳо ўйга ботар, баъзида елкасига бош қўйиб, секин ухлаб қоларди. У Ботир билан ўзини мутлақо хотиржам сезарди.

Анвар Аня билан машинанинг орқа ўриндигидан жой танлаганди. Бунга жазмани кўнмади.

— Биз аёлларнинг ҳам ўзимизга яраша сиримиз бор, қолаверса, дўстлар неча йилда энди учрашдинглар, хулласи калом, эркаклар олдинга, биз орқага чиқамиз.

"Нексия" шаҳарни ортда қолдириб, Асака йўли бошланганида, Ботир Анвардан докторлик ишлари қандай кетаётганлиги тўғрисида сўз очди.

— Гап бундай, — деди Анвар негадир Ботир қолиб, орқасига ўгириларкан. — Бутун сайр давомида ишдан гапириш йўқ. Ҳар мавзунинг ўз ўрни бор.

— Унда, нима ҳақида баҳслашамиз, — деди Аня шеригининг доимо баҳсталаблигига нозик шама қилиб.

— Шу ҳам муаммоми? — у бодом қовоқларини қисиб аёлларга тикилди. — Айни пайтда таомдан сўз очиш фурсати етди, деб ўйлайман.

— Худого шукр, — деди "мовий кўз" шарақлаб кулиб. — Қўрқувдимки, "юз грамм" тўғрисидаги қасидангизни ўқийсизми деб...

— Ё тавба, ахир тушлик таомни ўшал қасидасиз тановвул қилиш мумкинми?

Аня бўш келмади:

— Ботир рудда, бир ўзингизга ноқулай эмасмикан?

— Нега бир ўзим... Сизлар-чи?

— Мен сира ичган эмасман, — дарров ўзини оқламоққа киришди Баҳор.

Аммо бу таъкид меҳмонга таъсир қилмади.

— Жуда соз. Ҳаётингизда биринчи марта биз билан отасиз. Демак, ҳали, замон тарихий воқеа рўй беради. Бу масалада жанобингизнинг тушунчаси қандай?

Ботир ёнига ўгирилиб, жилмайди.

— Бизда демократия.

Анвар хурсандлигини яширмай чапак чалди.

— Яшавор, дўстим!

Йигит сўзида давом этди:

— Аммо...

— Аммони қўя тур. Аммога бало борми?

— Ҳар ҳолда, билиб қўйганинг яхши. Бизда демократия. Аммо оддий эмас.

— Яъни?

— Яъни, шарқона.

— Хўш, нима қипти?

Мулоқотга Баҳор қўшилди.

— Гап шундаки, шарқона демократиянинг ўзига хос жиҳатлари бор.

— Аниқроғи? Нима бало, сизлар топишмоқли гапларни хуш кўрасизларми?

— Ҳаётнинг ўзи топишмоқ-ку.

— Бўпти, мени қийнаманглар. Мен учун Фарб билан Шарқ бир қадам.

Аня луқма ташлади.

— Бир қадамми ёки бир қадаҳ?

Анвар бу пичингдан ранжимади. Қисқагина жавоб берди.

— Униси ҳам, буниси ҳам!

— Менга қара! — Ботир дўстининг эътиборини ўзига жалб этди. — Агар бироз сабр қилсанг, Фарғонада овқатланардик. Баҳонада хониминг шаҳарни томоша қиларди.

— Умуман, фикринг ёмон эмас. Унақада ҳолироқ жойда тўхтаб қўйсанг.

— Чарчадингми?

— Йўқ, жаҳоншумул иш бор.

— Тушундим, ҳозир бирон дарахт ёнида секинлайман.

— Секинлашинг нимаси, ахир, мен тўхтаб қўй, деяпман.

Қуванинг қоқ белидан ўтган магистрал йўл қирғоғида тўхташди.

Ботир Анварга маъноли боқди.

— Чиқавер, биз кутиб турамиз.

— Юкхонани оч.

Ботир юкхонадан қўл ювгани сув олса керак, деб ўйловди. Анвар битта шиша кўтариб, машинага ўтирди.

— Э-ҳа, гап бу ёқда, дегин.

— Ма, қуй. Шу чоққача ўзим учун ўзим қуймаганман.

Ботир пиёлага бир қулгум қўйди.

— Устимдан куляпсанми, ахир, бу томоқни ҳўллашга ҳам арзимайдми-ку. Чизигидан тўлатиб қуй. Ҳа, бу, бошқа масала.

Анвар пиёлани тез бўшатди. Чап қўлида, озгина кесилган қази бор эди, нафасини ичига ютиб, секин гўшт тишлади.

— Ана энди истаган жойингга кетавераман. Ҳар ҳолда нафсининг жағини босдим.

— Мадомики нафсинг ором олибди, энди бизнинг гурунг сенга ҳалал бермаса керак?

Анвар Аняга қарамай ҳитоб қилди:

— Бажонидил, жоним! Куйла, юрагимга ором бағишла, токи кўнгилга алам чўкмасин.

Аслида у бундай демоқчи эмасди. Беихтиёр тилига шу ибора чиқди. Ҳозир тилни айблаш ҳам ноўрин. Чунки тил бамисоли бир чўмич, дил эса тафаккур қозони. Қозонда неки бор, чўмичга чиқади. Яхшилар иллатни чўмичдан эмас, қозондан қидирадилар. Қозон эса, ҳалиям армонли эди.

Уни хиёнат ўти қорайтирганди. Орадан неча йиллар ўтса-да, у ҳамон тинмабди, фақат қозон тагига чўкиб турибди, холос.

Қизиқ, ўша воқеалардан Аня хабардормикан? Умуман уларнинг дўстлиги қай даражада? Бу яқинлик муддаоси руҳга озуқа беришми ёки баданга... Бу, жумбоқ. Нафсиламбрини айтганда буниинг аҳамияти йўқ. Айни чоқда улар азиз меҳмон мақомида. Меҳмонни муҳокама



қилмайдилар, аксинча кўнглини хушлайдилар.

Ўртадаги жимликни табиат манзараларидан завқлана бошлаган Аня бузди.

— Қаранглар, боғларнинг адоғи кўринмайди. Ўзбеклар нафақат меҳнаткаш, шунинг баробарида бой-бадавлат ҳам эканлар.

Анварнинг кўзлари юмилиб, уйқуга кетди. Баҳор индамай атрофни кузатарди.

"Мовий кўз"нинг таассуротларига Ботир ойдинлик киритди.

— Сиз ҳозир моддий бойликни назарда тутяпсиз. Ўзбекларнинг маънавий бойлиги янада бисёр.

— Эҳтимол. Тўғриси, Ўзбекистон ҳақида жуда оз биламан. Сизларнинг очиқкўнгил, меҳмондўстлигинлар ҳақида кўп эшитганман. Аммо миллий адабиёт ва санъат намуналари билан таниш эмасман.

— Наҳотки, ўзбеклардан чиққан биронта шоир ёки ёзувчининг асарини ўқимагансиз?

— Нега энди, биламан. Алишер Навоий, Амир Темур тўғрисида ўқиганман. Яна Смирнова-Ракитинанинг "Абу Али ибн Сино" тарихий романини ўқиганман, Умар Хайём тўғрисида ҳам китоб бор.

— Умар Хайём ўзбеклардан чиқмаган, у форс-эрон миллатига мансуб.

— Мирзо Бобур-чи, мўғилми?

Ботир меҳмонни мулазим қилмаслик учун сукут сақлади. Унинг жонига Баҳор аро кирди.

— Биласанми, Бобур асли Андижонда туғилган, бизнинг ҳамшаҳримиз.

Аня астойдил қизиқиб қолди.

— Ростданми, Ҳиндистонда Тожмаҳални қурдирган подшони айтяпсанми?

— Тожмаҳални Бобурнинг эвараси Шоҳжаҳон севгилиси Аржумандбонуга бағишлаб барпо этган. У дунёдаги етти мўъжизанинг бири.

Анвар ухламаган экан, бошини кўтармай деди.

— Бу оламда бир эмас, ўнта Тожмаҳалга арзийдиган не-не зеболар бор. Шунинг қаторида битта вайрона кулбага ҳам арзимайдиган маккоралар топилади.

Баҳор Анварнинг сўзларидаги ўкинчни пайқади.

— Анвар ака, севги бобида адашган кўринасизми?

Бу беозор аёл бехосдан йигитнинг жон жойини оғритди. Аслида

ҳам у муҳаббатдан куйганлардан эди ва бу аламли хотиралар яраси ҳали тамоман битиб кетмаганди. Бу ҳол Ботирга ойдин эди. Шу боис тезда гурунг пайновини бошқа томонга бурди.

— Азизлар, шоирлар мадҳидаги гўзал Фарғонага кириб келдик.

Гарчи йўллардаги қучоқ етмас чинорлар кесилиб, сийраклаштирилган бўлса-да, барибир тоғлар қуршовидаги кент соя-салқин ва ҳавоси тоза эди.

Гулларга бурканган хиёбонлар, равон йўлақлар, чор-атрофда қўлтиқлашиб юрган ёшлар Аняга ёқди. Айниқса, у соқоли қордай оппоқ чолларга нигоҳи тушганида, ҳайратини яширолмасди. Машина тўхтаган жойда ихчам яктагига чорси боғлаб, узун пичоқ таққан оқсоқол меҳмонни ўзига ром этди. У сумкасидан кафтдай аппаратини олиб, ўша нуронийни суратга туширди. Кейин ўша матоҳини Ботирга бериб, қария билан бирга эсдалик учун муҳрлаб қўйишини сўради. Кайвони чол ҳам ёшларнинг илтимосини ерда қолдирмади, ҳатто пичоғини қинидан суғуриб, Аняга кўрсатиб турди. Кутилмаганда "фотомодел чол" русиялик ёқимтой қизнинг яноқларидан ушлаб, ўзига қаратди-да, пешонасидан чўлп этиб ўпиб олди.

Ушбу манзарани кузатиб турган Анварнинг қош-қовоғи уюлди, кенг пешонаси тиришиб, шўх "йигит"га хўмрайиб қаради. Ботир билан Баҳор кулгудан ўзларини тиёлмай, тескари ўгирилишди.

Аня эса ҳайратдан узун киприкларини пирпиратиб, қотиб турарди.

— Водийнинг чоллари шунчалик, йигитларига тўзим берсин, — деди Анвар ўзига келиб.

У табиатан оқ кўнгил, тез ёниб, тез ўчадиганлар тоифасидан эди. Бир оёғини гўр тортган мўсафиддан рашк қилгани учун ўзидан хижолат чекиб, базўр илжайди. "Рақибининг ёнига келиб, оҳиста белидан қучиб, даст кўтариб яна авайлаб туширди. Қария қўлларини дуога очди:

— Илоҳим, қўшганинг билан қўша қаригин!

Машинага жойлашишгач, барибир Аня ҳайратини тилига кўчирди.

— Шустрий старичок!

Анвар унга тасалли беришнинг антиқа йўлини топди.

— Бекорга ранжияпсан. Водийда кекса одамнинг ўпичи энг юксак эҳтиром рамзидир. Афсуски, сен унга миннатдорлик билдирмадинг? Бундай пайтларда ўзбек қизлари пайтдан фойдаланишиб, яноғидан ҳам бўса олдиришади.

Меҳмон ишонқирамай, Баҳорга савол назари билан боқди. Бироқ,

у нима дейишини билмай кулиб қўя қолди.

— Ана, Баҳор тасдиқламади-ку бу гапни, — деди у ўжарлиги тутиб. Анвар қулоққа лағмон илишда устаси фаранг эди.

— Албатта индамайди-да, у сенга ҳавас қилаяпти. Оқсоқоллар ўзига ёққан қизларгагина шундай илтифот кўрсатишади, деб айтдим-ку.

Ботир бу пайтда "Нексия"ни Водил томон учириб борарди. Йўл бўйларидаги томи-томига тегиб турган иморатлар, ҳар бир дарвоза ёнида ўйнаётган уч-тўрттадан болалар меҳмонда қизиқиш уйғотди.

— Шу кичкинтойлар битта оила фарзандларими?

Яна Анвар тилга кирди.

— Албатта, сен нима деб ўйловдинг?

— Битта хонадонда шунча фарзанд... уларни тарбиялаш оғир эмасми?

— Асло, муҳими бола туғилиб қолса, бас, ўзлари бир-бирини етаклашиб улғаяверишади.

— Битта оилада қанча бола бор?

— Ҳар хил, озида учта, кўпида ўн учта.

— Ҳазиллашяпсанми?

— Ахир, ўзинг кўриб кетяпсан-ку. Бу болалар ҳали кичик. Катталари ўз юмуши билан банд.

— Болалар ҳам ишлашадими?

— Ишлаган тишлайди-да.

— Улар қандай иш билан шуғулланишади?

— Масалан, мол, қўй боқишади, томорқага қарашади, экин экишиб, ҳосилини бозорда сотишади.

— Унда қачон дарс тайёрлашади?

— Мактабда! Энг қулай йўли шу.

Аня жавоблардан қониқмади. У Анварнинг гап-сўзларига ишониш-ишонмасликни билмай лабини тишлади.

Машина Водил марказидаги кўприқдан ўтаётганида меҳмон яна Анварни сўроқ-саволга тутди.

— Буни қара, анови дарёдаги сувми?

Шоҳимардон суви оппоқ эди.

Энди Ботир ҳазилга мойиллик сезди.

— Аня, бу оддий сув эмас, сут. Ўзбекистонда айрим дарёлардан сут оқади.

Бу лофни Анвар янаям шиширди.

— Лекин, мойли эмас, ёғи олинган. Мойли сой Андижонда, адашмасам, Маданият қишлоғида.

Бу сафар Аня йигитларнинг гапига чиппа-чин ишонди.

— Ботир, тормоз бер! — деди у чап қўли билан унинг елкасига уриб.

— Нима қилмоқчисан?

— Дарёга тушамиз. Қара, қандай гўзал! Худди мўъжизанинг ўзи. Кўп мамлакатларга бордим-у, аммо, сут оқадиган дарё кўрмагандим.

Ботир рулни чап тарафга бурди. Дарё ўзани ям-яшил ўт-ўланлар билан қопланган кенг сайхонликдан иборат эди. Қирғоққа яқинлашганларида яйдоқ кум-шағаллик бошланди.

— Қаёққа кетяпсан, ахир, бу қайиқ эмас-ку? — капалаги учиб оёғида "тормоз" босди Анвар.

Ҳаммалари ташқарига чиқишди. Шарқираб, шўх оқаётган дарё "нафаси" юзга урилди. Ҳаводаги озон шундай ўпкага кириб борар, нафас олиб тўймайдиган даражада иқлим мусаффо эди. Дарёнинг нариги қирғоғида осмонўпар тоғ ястаниб ётибди, унинг тўшини писта, бодом ва яна арча дарахтлари эгаллаган.

Баҳор сершоҳ арча остидаги кўм-кўк майсалар устига тўшакча ёзиб, Аняни ёнига чақирди. Бироқ сунбул соч бошини сарак-сарак қилганича дарёга яқинлашиб борарди. Анвар ҳам ноилож унинг ортидан чопди.

— Жоним, бу сенга Москва-река эмас, эҳтиёт бўлишинг керак. Аня атайлаб унинг жаҳлини чиқарди.

— Гапини қаранглар, Москва-река олдида бу чувалчанг-ку.

— Тўғри, — дарров тан олди йигит. — Лекин бунинг ваҳми аждаҳо даҳшатидан қолишмайди.

— Мен сут ичмоқчиман, — сўзида қатъий туриб олди меҳмон.

— Нималар деяпсан, бу сут эмас, сув-ку.

— Демак, мени лаққиллатибсан-да.

— Асло, сут сал пастликда эди. Бу ердан муздай сув чиқади, тошдан, тошга урилиб, сутга айланади.

— Майли, сувга ҳам розиман.

Чиндан ҳам оқим жуда тез эди. Бу ердан идишга сув олишнинг иложи йўқлигини била туриб, қиз оёқ тирашини қўймасди.

— Яхши, — деди Анвар туфлисини ечаркан. — Ҳозир сув ичасан. Фақат ҳовучимда, бошқа йўли йўқ.

Шу пайт от чоптирган йигитлар уларга яқинлашиб, бир нималар дейишди. Бироқ дарё шовқинида гап эшитилмасди. Отлиқлардан бири эгардан ерга сакраб, Анварнинг орқасидан етиб олди.

— Ака, Шоҳимардонсой ҳазилни ёқтирмайди, қирғоққа яқинлашманг.

Анвар энгашиб йигит томон қаради-ю, беихтиёр мувозанатини йўқотиб, дарёга тушиб кетди.

Аня жон ҳолатда қичқириб юборди. Баҳор нима гаплигини билмай, ирғиб ўрнадан туриб, ўша тарафга чопди. Ботир машинасини яланглиқдан йўл бўйига қайтараётганлиги туфайли фалокатни сезмай қолди.

Яхшиям, чўпон йигитлар эпчиллик кўрсатишди. Анварга гапираётгани унинг ортидан ўзини сувга отди. Бошқаси юз метр нарига бориб, дарё ёйилиброқ оқадиган жойга оти билан тушди. Икки қиз ҳам қирғоқ бўйлаб, ҳой-ҳойлашиб югуришарди.

Анвар ўзини йўқотиб қўймади. У болалигидан тоғ дарёсидан чўмилиб улғайганди. Шу боис, ўзини оқим ихтиёрига ташлаб, фурсат пойлади. Фақат уйдай ҳарсанг тошларга урилишдан эҳтиётланди. Шу алпозда анча оқиб борди. Қуйида бешта отлиқ унинг "йўлини" пойлаб туришарди. Дарё шиддати пасайган жойда чўпонлар унинг белидан тортишиб, худди янги улоқ каби отга ўнгаришди. Кўп ўтмай, у ўзини машина олдида кўрди. Отлиқлар раҳмат эшитишгач, қирга қараб ўрлашди.

Аня кўркувдан қалт-қалт титрарди. Анвар эса совуқдан кўкариб кетганди. Ботир уни машина ичига чорлади.

— Дарров уст-бошингни алмаштир, акс ҳолда шамоллаб қоласан.

— Янгиларини қаерга қўйди экан, — деди "сузувчи" оппоқ, садафга ўхшаш тишларини шаққиллатиб.

Бу пайтда "сунбул соч" спорт сумкасидан унинг қуруқ кийимларини топиб, Ботирга узатди.

— Шу холосми? — деди Анвар уст-бошини алмаштиргач.

— Яна нима керак? — сўради Ботир ҳўл кўйлак-шимнинг сувини сиқиб ташларкан. Баҳор унинг қўлидан кийимларни олиб, қайтадан сиқиб, арча шоҳларига илиб қўйди.

— Бироз шабадада турсин, селгийди, кейин йиғиштириб оламиз.

— Шоҳимардонда сувда оққанларга ҳеч қандай имтиёз йўқми? — Ботирга қараб томоғини чертди Анвар.

Баҳор ўзи танлаган баҳайбат арча остига кичик дастурхон ёзиди. Биттадан помидор, бодринг, булғор қалампирини бўлак-бўлак қилиб кесди. Аня гўшт ва колбасадан газак тайёрлади. Уст-бош қуриши баҳона салкам бир соатча дарё қирғоғида ҳордиқ чиқардилар.

— Ҳалиям шу одатинг бор экан-да, — сўради Ботир бундан ўн икки йил илгари рўй берган воқеани эслатиб.

Ўшанда апрелнинг сўнгги куни эди. Иккинчи майда Андижонга таклиф этилгандилар. Боиси, Ботирнинг фотиҳа тўйи шу кунга

белгиланганди.

— Аввал бизникига, Самарқандга борамиз, сўнг водийга қайтамиз, — таклиф киритди Анвар. Улар билан Нормурод ҳам бор эди.

Анвар поёнсиз қир-адирлар оралиғидаги мўъжазгина қишлоқда яшаркан. Ҳар бир ҳовли оралиғи ярим чақиримдан зиёд. Девортош деган тўсиқнинг ўзи йўқ. Уйлар ҳам айвонсиз, пахсадан қурилган. Шу боис, ташқарида 50 даража иссиқ бўлса ҳам, ичкари муздай, роҳатбахш.

Талабаларнинг оёғига қўй сўйилди.

Кўз очиб-юмгунларича қишлоқнинг катта-кичиги ҳовлига тўпланди.

— Хўш, сафар муддати қанча, — саволни кўндаланг ташлади маҳалла оқсоқоли.

— Уч кун, холос.

— Шундайми? Жуда оз чиқар-у. Демак, ўн саккизта жойда икки соатдан кўноқ бўласизлар. Бугун шу ерда гурунглашамиз.

Ботир ҳайрон қолди. Меҳмон ҳурмати учун ҳатто қўшни ҳам ўз уйига чиқиб ётмади, бутун қишлоқ кўноқда қолди.

У пайтлар Ботир ичкиликдан узоқда эди. Тўрт-беш хонадонда зиклаб кўришди, аммо, ичишга кўндиришолмади.

Навбат Анварнинг амакиси Маҳмуд муаллимга етиб келди. Қишлоқдаги ягона олий маълумотли зиёли шу одам эди. Оқ сариқдан келган, ўрта бўй, қўй кўз, доимо кулиб турадиган бу одам Ботирнинг таваллосини тан олмади.

— Хотин! — деди у бир уй одам орасида ўтириб. — Ташқаридан юзини енги билан биров яшириб, янга кириб келди.

— Хотин, манови уканг эркаклар билан ичмаяпти. Эҳтимол, сен билан улфатчилик қилар. Мана шу мусаллас тоза узумдан сузилган, қани, қўлингга ол-чи.

Худди шундай сопол косадаги шароб Ботирга тутқазилди. Аёл ортиқ куттирмади:

— Онг, ука, эркакнинг лабзи ерда ётмасин!

У шундай деб, косани бўшатдию, май сузаётган соқий одамга қараб отди. У ҳам усталик билан идишни илиб олди.

Умида бунчалик изза тортмаган Ботир кўзини чирт юмиб, косадаги мусалласни сипқорди. Чор-атрофдан "қойил", "бор экансиз-ку" деган хитоблар янгради. Нормурод эса оғзининг танобини қочириб куларкан, "Дардинг шу экан-ку, дўст" — деб қўйди.

Кўп ўтмай, Ботир еру осмон чир-чир айланаётганлигини сезди.

Дастурхонга оёқ босиб, ташқарига отидди. Адирнинг муздай шабодаси ҳуш ёқди-ю, бироқ, кўнгил беҳузурлигига барҳам беролмади.

— Шошманглар, уни дўхтирга олиб бораман, — негадир мотоцикл миниб чиқди Анвар. Ботир ўзини ёмон сезарди. Лекин, мотоцикл кажавасига ўтириш бундан-да оғир оқибатларга дучор қилишини кўнгли сезди.

Анвар мотоциклни Тентаксой кўпригидан олиб ўтаётганида рулни бошқаролмай, сувга қулаб тушди. Худди ҳозиргидай, яп-янги либоси шалоббо бўлди. Таассуфки, шу куни Андижонга қайтишлари, фотиҳа тўйини ўтказиб, Тошкентга келишлари керак эди. Қўштерак қишлоғи аҳолисининг деярли барча эркаклари маст, оёқларида зўрға туришарди. Шундай бўлса-да, пойтахтлик талабаларни кузатиш маросими халқ сайлига айланиб кетди. Ҳатто аёллар, чилласи чиқмаган келинчаклар, эшак минган қари-қартанг чоллар ҳам бекатга ўхшаш майдончани тўлдириб олишганди. Ҳеч ким бировга гап бермайди. Қани энди, тупканинг тагидаги тоғли қишлоқ йўлидан автобус ёки йўловчи машина ўтса.

Ниҳоят, мутолишда шалоғи чиққан эски "Жигули" кўринди. Чамаси эликдан зиёд одам унга қўл кўтариб "ҳой-ҳойлади". Ҳайдовчининг эсхонаси ўйнаб, оломонга яқинлашганида, тезликни оширди. Кейин бир чақирим жойдан қайрилиб, ортга қайтди.

— Миймонми эй?...

Худди симфоник оркестр хори каби бир овоздан ҳайдовчи сўроғига "миймон, миймон" деган жавоб янгради. Қорни сузма халтадай осилган, шоп мўйловли одам машина юкхонасини очди. Ботир билан Нормурод орқа ўриндиққа ўзларини уришганди, "шоп мўйлов" уларни тўхтатди.

— Эй, қаёққа буйтиб шошасан? Аввал гарддак гурунги бермайсанларми?

У шундай деб, қўлидаги ароқни Маҳмуд акага узатди.

— Муаллим, дадилроқ қуйинг, меҳмонлар шарофатига бир отайик.

Талабалар қолиб, ўзлари об-ҳаво, чорванинг аҳволи, қўзилатиш ва яна бир балолар тўғрисида гапга тушишди.

— Халойиқ, устидентлар ўқишга кеч қолишади! — деди инсофлироқ бир амаки.

— Ўчир, — деди қишлоқ райси қўлини пахса қилиб. — Нима, сенга миймонлар ортиқча кўриняптими?

— Ҳар ҳолда болларнинг билим олуви сиёсат. Сиёсатминан ҳазиллашиб бўлмайди.

Бу фикр ҳаммани ҳушёр торттирди.

— Тўғри айтасан. Қани, гузарга кетдик. У ердан Работга машиналар кўп қатнайди.

Шундай қилиб, талабалар олдинда, орқада қўштерақлилар тоғ йўлини тўлдириб, ашулани баланд айтишиб, юқорига ўрлашди.

Ярим соатдан мўлроқ вақт юришгач, эшакда келаётган кўса чол маслаҳат солди.

— Эй биродарлар, бу кетишда ҳализамон қош қораяди. Буларни "Жигули"га ўтиргизмайликми, улар кетаверишмайдами?

Шопмўйловли ҳайдовчи гердайиб рулга ўтирди.

— Қани, ҳамманг чиқ машинага.

Ҳайтовур, Анварнинг дадаси билан Маҳмуд муаллим ва уч талабадан бошқа ҳеч ким машинага сиғмади. Хайрлашув чоғи кимдир сўкинди, кимдир бақирди. Йўловчилар туман марказидаги бекатга етиб келишганида, "Икарус" энди кўзгалаётган экан. Ҳой-ҳойлашиб уни тўхтатишди. Автобус бўм-бўш эди. Уч талаба уч жойга ўтиришди. Навбатдаги шаҳарчадан учта спортчи чиқди. Анвар уларнинг гашига тега бошлади. Ботир уни тинчлантиргани орқасидан борганида, тўсатдан чап кўзида ўт ёнди. Кейин юз-кўзига дўлдай мушт ёғилди. Спортчи йигитлар мусобақага тайёргарликни ширакайф талабалар билан ўтказишаётгандай эди. Нормурод дўстларига ёрдамга шошилди-ю, иягига мушт еб, ўриндиқлардан бирига йиқилди. Калтак зарбидан мастлиги тарқалгач, Анварнинг ҳирсдай кучи иш берди: спортчи йигитларнинг ингичка белидан ушлаб, тоғликларга хос кураш усулини қўлаб, ерга ота бошлади. Вазият тенглашганини сезган Нормурод ҳам ўз рақибини чапақай зарбаси билан эсанкиратди. Ботир ўзига иш қолмаганлигини кўриб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўради. Автобус яна гавжум жойда тўхташи билан йўл бўйида турган беш-олтита милиция ходим кўринди. Улар воқеани суриштиришиб, спортчиларга ҳеч нарса дейишмади-ю, уч талабани милиция хонасига қамаб қўйишди. Бу пайтда вақт анча кеч эди.

Тор ва заҳ хонада чурқ этмай ётган дўстларни қоқ ярим кечаси кўчага ҳайдаб юборишди. Яхшики, пули ва сумкаларига тегишмади.

Улар юк машинасига ўтиришиб, Самарқандга тонг ёришаётганида етиб келишди.

— Шу аҳволда Андижонга боролмайман, — деди Анвар моматалоқ юзига ишора қилиб.

Нормуроднинг аҳволи нисбатан дуруст эди. Фақат оғзини тўла очолмасди. Ботирнинг бир кўзи шишиб, бутунлай кўрмай қолганди.



— Барибир фотиҳа тўйида кутишади, — деди Нормурод узок ўйлаб. — Ҳеч йўқ Ботир иккаламиз йўлга тушамиз. Сен Анвар Тошкентга етиб олгач, ётоққа кирмай, Назокатнинг квартирасига бор. Ҳар ҳолда бироз муолажага муҳтожсан.

Шундай қилиб, Ботир ўзининг фотиҳа тўйига "бир кўз" да кириб келди. Онаси Саломат ая ўшанда роса йиғлаганди. Қудалар эса йигитга нигоҳ ташлашиб, тўйни бузиб юборишларига оз қолганди. Аммо пешонага ёзилгани шу эканки, у Олияга уйланди.

## 10

— ... Қани кетдик, — деди Ботир нафс бироз ором топгач. Биринчи бўлиб Анвар машина томон юрди.

Аёллар "дастурхон"ни йиғиштириб, арча шохидаги кийимларни ҳам олишиб, сўнгра ўз жойларини эгаллашди. Йўл бўйи Аняни лақиллатган Анвар энди бутунлай жим бўлиб қолганди. Ботир ҳам ўз хаёллари билан банд. Аня билан Баҳор шундайгина пешонасида осилиб турган қоялардан кўз узишмай, табиатдан завқланиб келишарди.

Шоҳимардон маркази одамларга лиқ тўлганди. Дам олувчилар сой соҳиллари бўйлаб чўзилган чойхоналарни эгаллашган, чорпояларда эркак ва аёллар бир-бирларига гап бермай суҳбат қуришади. Очиқ майдонга дор тикилган.

Машҳур полвон Турсун Али шогирдлари билан зиёратчилар хизматида. Ҳамзанинг қабр-мақбараси томонда ҳам кишилар оқими узилмасди. Ёзнинг иссиқ тафтидан қочган водий аҳлининг аксарияти шу ердан паноҳ топганди.

Ботир қаерга қўнишларини тусмоллаб, машинани секин ҳайдарди. Ҳадемай гала-говур марказ ортда қолди. Улар дарахтлар қуршовидаги пастқам йўлдан тоғ тарафга чиқиб боришарди. Ниҳоят, асфальт йўл тугаб, осма йўл бекати рўпарасида тўхташди. Худди шу ерда Фарғона тумани ҳокимлигининг оромгоҳи жойлашганди. Атрофи манзарали бетон девор билан ўралган дачанинг ёғоч дарвозаси берк эди. Ботир машина тумшугини кўприкка тўғрилаб, сигнал чалди. Кўп ўтмай, ичкаридан кафтдай соқолли, кўзлари мулойим, чеҳрасидан хуш табиати уфуриб турган олтишиш ёшлардаги новча киши чиқди. У меҳмонлар истиқболига югураркан, бепарво қолгани учун узор сўраб, таъзим қилди. Яна иккита йигит пайдо бўлди. Улар индамай "Нексия" юкхонасидаги озиқ-овқат, ичимликларни ичкарига ташишди.

Шоҳимардонсой ирмоғига қўйилган кўприкка машина сизмасди.

— Калитни беринг, — деди ўспирин йигит Ботирга қараб. —  
Машинангизни осма йўл тарафдан олиб келаман.

Шоҳимардоннинг энг шимолий қисмидаги охирги дам олиш қароргоҳи бўлганлиги учун бу ерларда одам сийрак эди. Оромгоҳ ҳовлиси кўм-кўк майсалар билан қопланган. Бурама толлар остидаги чорпоёга янги гилам, тўшаклар солинган. Ҳаво салқин ва роҳатбахш. Андижоннинг димиқ иқлимидан сўнг бу жой худди жаннатнинг ўзи эди. Ўзбекистонга ташрифидан буён енгил кийиниб юрган Аня Анвардан сўраб, эгнига спорт костюмини кийди. Баҳор шиддат билан оқаётган сувдан кўз узмай, тамоша қиларди.

Оромгоҳ мутасаддиси — Усмонали ака меҳмонларни чорпоёга таклиф этди. Машина ҳам ҳовли этагидаги ёпиқ айвонга қўйилди. Ёшлар тезда ўчоққа ўт ёқишди.

Анвар одатига мос равишда ортиқча такалүфсиз чорпоё тўрисиغا ўтиб, ёстиққа ёнбошлади. Бу одат уни болалигидан тарк этмасди. Аня унинг бош тарафига ўрнашди. Ботир билан Баҳор ёнма-ён ўтирдилар.

— Қани, ноз-неъматларга марҳамат! — деди Усмонали ака чой келтириб.

— Биз билан бирга гурунглашмайсизми? — деди Анвар хиёл қаддини ростлаб.

Мезбон узун қўлини кўксига босди.

— Сизлар бемалол, биз хизматдамиз.

У шундай, деб ошхона тарафга кетди.

— Қандай гўзал манзара, — ҳиссиётини босолмай завқ-шавқ билан гапирди Баҳор. Умуман, бу аёл ўзини жуда сипо тутар, ортиқча ҳазилларга аралашмас, айти чокда Хатти-ҳаракатлари, кўз қарашлари билан барчага бирдай меҳрини билдирарди.

— Қирғизистон чинданам хуштабиат экан, — деди Аня виқорли тоғлардан кўз узмай. Бу луқма Ботирнинг ҳамиятига тегди.

— Биз ўтирган жой Ўзбекистон, деб аталади.

Аёл бепарвогина деди.

— Йўлда Қирғизистон чегарасига киргандик-ку.

— Тўғри, киргандик. Аммо, уларнинг йўлагидан ўтдик, холос.

Анвар ёнбошлаб ётиб қазига қўл чўзаркан, жазманини ёқлади.

— Э, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Ахир бу қаерда Қирғизистон-у, қаери Ўзбекистон, қандай билсин. Муҳими, мириқиб дам олиб кетсак, бас, шундайми, — у Аняга ер остидан қаради. Ҳозирги гап ўзбек тилида айтилгани учун "сунбул соч" тушунмай кулиб қўя қолди. Умуман бу аёл анчайин дадил ва қатъиятли

эканлиги хатти-ҳаракатидан билиниб турарди. Ҳатто Анвар устидан ҳукмронлигини, айтгани-айтган, дегани-деганлигини, сўз билан бўлмаса ҳам ўзини ўктам тутиши, ёқмаган нарсаси ҳақида дарров зътироз билдириши, фикрини дадил ҳимоя қилиши билан сездириб қўярди. Шунинг баробарида, Анвар учун икки дунё бир қадамга ўхшарди. Муҳими, у вақтини чоғ, кўнгилли, ширин суҳбатлар билан ўтказса, бас. Қолгани вазиятга қараб ечилади.

Суҳбат негадир кўр олмасди. Ботир Баҳордан нигоҳини узмас, унинг ҳар бир кўз қараши, лутфи-каломи, ҳаракатларидан завқланарди.

Усмонали ака ярим косадан қайнатма шўрва тортди. Кейин бир товоқ пиширилган қўй гўшти дастурхонга қўйилди.

— Ботир иним, — деди Анвар қаддини ростлаб. — Алоҳида таклиф кутаясанми, қўймайсанми?

Шу ёшгача ичкиликка қизиқмаган Ботир чиндан ҳам бу "ноёб кашфийёт" борлигини ёдидан чиқарганди. Аниқроғи, шундай ширин кислородга бой ҳавода ичкилик истеъмол қилишни бориб турган нодонлик, деб ҳисобларди. Аммо, меҳмоннинг таклифи вожиб.

Қўлига қадаҳ тегиши билан Анварнинг кайфияти қаршисидаги тоғлар каби кўтарилиб, қулфи-дили очилди. У басавлат қоматини ростлаб сўз айтмоққа чоғланди.

— Азизларим, — деди у атрофдагиларга бирма-бир сузилиб қараб. — Жаннат фақат чин дунёдагина эмас, мана шу ёруғ оламда ҳам бор. Шу дийдорлашувимизнинг ўзи жаннат. Афсуски, ганимат дамларни беҳуда ўтказиб, умр деб аталмиш ноёб неъматдан унумли фойдаланишни билмаймиз. Мана шу қадаҳни курраи заминдаги энг сулув аёллар ҳисобланмиш Аня ва Баҳор учун кўтарайлик.

Аёлларга шампан виноси қўйилганди. Улар оз-оздан ҳўплаган бўлишди.

Ботир бир қизиқ ҳолатда эди. Ёнидаги севгилиси унинг бутун вужудини ўзига жалб этгандай. Йўқ, бу тавсиф ҳам ўринсиз. Ҳозир у илк бора чимилдиққа кирган куёв йигит каби ҳаяжон ва титроғини босолмасди. Ҳатто кўллари оҳиста қалтираётганини ҳам сезиб, ўнғайсизланарди.

Наҳотки, севги шу қадар қудратли! Ҳар гал ёнбошига ўтирилиб, ўша нузли чехрага қараганида юрагида ширин орзиқиш бош кўтарар, ўзини бахтиёр ҳис этар, осмонўпар тоғларга қараб ҳайқиргиси келарди. Шу ёшгача аёл зотига бу қадар меҳр қўймаган, ҳаётда шунақанги ҳолатлар ҳам юз бериши мумкинлигини билмаган йигитга гўёки бахт-саодатининг чек-чегараси йўқдай эди.

У бамайлихотир гўшт тишлаётган Анварга нигоҳ бурди. Ҳайрати яна ортди. Қизиқ, ахир бир пайтлар Анвар ҳам ўзи каби Мажнун қиёфасига кирмаганмиди? Назокатнинг ишқида куйиб, бир ҳовуч кулга айланмаганмиди? Энди эса... Бу қанақа сир-синоат экан. Севги деганлари худди қуюн каби ёпирилиб келиб, борлигини яксон этиб, яна ўз йўлида парвоз этаверармикан? Ахир, бирининг нафасидан иккинчисида ҳаёт жонланган пайтлар рўёмиди? Муҳаббатни тушуниш шунчалар қийинми? Бугун жонини бермоққа қодир инсон эртага ўша зотнинг жонини олмоққа бел боғлаши замирида қандай ғайри-табиий куч ётади. Кечагина ҳаёти ўзанида оқаётган дарё каби сокин ва хотиржам эди. Бугун Баҳор келиб бу дарё сувини жунбушга солмоқда. Орадан кўз очиб юмгунча фурсат ўтди-ю, борлигини шу вужудсиз тасаввур этолмай қолди. Гўёки бутун коинот Баҳор номи билан аталаётгандай, гўёки дунёнинг нурафшонлиги шу чеҳрадан таралаётгандай.

— Азизим дунёга бевақт келибмиз, қуйилган шаробни ичиб қўйибмиз, — Анвар ўзи ўқиган байтдан таъсирланиб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Ботир хижолат чекиб, яна қадаҳни тўлдирди. Ва тўсатдан англадики, дўстининг бу савилга майли асносида, эҳтимолки, хиёнат вулқони ўтини босмоқ, ўша дардни унутмоқ, безовта қалбига халоват истаги ётандир. Муҳаббатнинг томири узун, хиёнатники эса унданда чуқурроқ ботади. Агар Баҳор ундан юз ўтурса ёки хиёнатга қўл урса, Ботирнинг ҳоли не кечаркин? Дўсти каби дардини шаробга айтадими? Йўқ! Ҳозир бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшат! Баҳор ундай енгил фикрловчи аёл эмас. У ўз қадрини билади. Ботир унинг қалбидан жой олгунича озмунча заҳмат чекдими?

Қаёқдан ҳам шу хаёллар миясига ўрнашди? Эҳтимол, Анварнинг ичиши шунчаки кўнгилхушлиги, маишатга мойиллиги учундир. Назокат билан ажрашганига уч йил бўляпти. Ҳар нарсанинг давоси вақт дейдилар. Ёнида Назокатдай чиройли, эркатой жазмани турибди-ку. Агар уни унутмаганида бошқа бир аёл висоли кўнглига сизармиди?

— Ҳой йигит, — деди Анвар яна ҳамманинг диққатини жалб қилиб. — Нега жимсан? Талабалик кезларингда бировга гап бермасдинг, оғзингни ёпсак, қулоғингдан гап чиқарди. Жуда ўзгариб кетибсан. Бунақада қизларни зериктириб қўямиз-ку.

— Анвар ака, — деди Баҳор яна боягидай табассум билан. — Зерикмаяпмиз, тўғриси айтсам, Сизнинг ичинингизнинг ўзи ажойиб санъат экан.

— Шуни айтаман-да, — дарров гапни илиб кетди у. — Ботир эса

оммани шундай ноёб санъатдан жудо қилмоқчи. Қани, шишани буёққа узат. Асли зар қадрини заргар билади. Бу кам ичади, кўп ичадиганлар қадрига етмайди.

Атрофни қоронғулик чулғаб, баҳайбат тоғлар энди салобатли кўрина бошлади. Шу аснода бурама тол ва арча шохига илинган иккита лампочка пориллаб ёниб, атрофни кундуздай ёритди.

– Эҳ аттанг, Усмонали ака бироз шошди-да. Қоронғулик – ёшларнинг дўсти, деган гапни эшитмаган эканда.

Унинг гапи тугамай, чарх товоқда палов олиб келишди. Аня бунақа гуручни умрида кўрмаган экан, ҳайратини яширолмади.

– Намунча йирик бу, гуручми ёки...

Баҳор унга девзира гуручнинг хусусиятлари, шифобахшлиги, парҳез овқатлар сирасига киришлиги ҳақида батафсил тушунтирди. Шунга қарамай, у беш-олти қошиқ еб, дарров ўзини тийди.

– Бунақада семириб кетаман, – деди чорпоя четига сурилиб. – Яна Москвада дутоналарим танимай қолишмасин.

Ботир уни тинчлантирди.

– Қўрқманг, эрталаб тоққа чиқамиз, бунинг учун куч керак.

– Куч кераклиги тўғри, лекин, ортиқча вазн эмас-да. Умуман, семизлик аёлларнинг энг хавfli душмани. Тўғрими, Баҳор?

Баҳор бош ирғаб унинг фикрини тасдиқлади. Сўнг илк бора Ботирга ўтирилиб сўради:

– Ботир ака, бизни қаерга олиб чиқмоқчисиз?

– Сизни осмонимга олиб кетаман...

– Вой, унақа деманг, ахир, ерда ҳам юрибмиз-ку.

– Ерда бизга кун йўқ, жоним!

– Муҳаммад Юсуф! – олма арчаётган Анвар бошини кўтармай писанда қилди.

– Ким у? – Аня қизиқиб сўради.

– Ботирнинг дўсти, зўр шоир.

– Шоирларни яхши кўраман, рус тилида ҳам ёзадими?

– Ижодкор фақат она тилида шеър битади. Таржимонлар хоҳлаган тилига ўтиришади.

– Демак, ўша Муҳаммад Юсуфнинг ҳам рус тилида асарлари бор экан-да.

– Бўлмасамчи? Айтдим-ку у буюк шоир деб.

– Пушкиндайми? – Баҳсга киришиб кетди Аня. Боядан буён индамай ўтириб зерикканлиги энди билинди.

– Айтиш мумкин-ки, шу қатори. Сизларда Пушкин, бизларда Муҳаммад Юсуф.

- Ұх-хў, қойилман. Ұша шоир билан таништириб қўёлмайсанми?
  - Бунинг иложи йўқ, — дўстининг ўрнига жавоб қайтарди Ботир. Аня кўзларини катта-катта очиб қаради.
  - Нега энди?
  - Негаки у ўтган йили оламдан ўтган.
  - Наҳотки?
  - Ҳа, буюклар узоқ яшашмайди.
  - Неча ёшида вафот этди?
  - Эликка ҳам бормаганди.
  - Эссиз... Барибир шеърларидан топиб берасизлар. Ростки, мен ҳам оз-оз машқ қилиб тураман. Битта шеърим "Московский банкир" газетасида босилган.
  - Шунақами, — деди Анвар унга олма бўлагини узатиб. — Шуни сал аввалроқ айтмайсанми?
  - Нима, бу билан бирон нарса ўзгарармиди?
  - Албатта, рус шоираси қалбини ишғол қилганлигимдан гурурланардим.
  - Ҳали ҳам кеч эмас.
- Ботир билан Баҳор бу мунозарага жимгина қулоқ тутиб ўтиришарди.

Бир тарафдан анҳор шабадаси, иккинчи томондан салқин ҳаво, бунга йўл чарчоғи қўшилишиб, ҳаммалари дам олиш учун кўзгалишди.

## II

Оромгоҳ меҳмонхонаси анҳордан сал нарида, тоғ ёнбағридаги баланд бўйли дарахтлар орасида қад ростлаганди. Чорпоядан ётоққа қадар энсиз йўлак чиқарилган, қолган ҳудуд ям-яшил майса билан қопланган. Ўт-ўланлар ва гиёҳлар шу қадар беғубор, шунчалар тиниқ эдики, бехосдан оёқ босгани кўнгил чопмасди. Яна бир тарафи ҳовли кенг ва баҳаво бўлиб, иқлими мўътадил ҳисобланаркан. Жуда ажойиб, ўша бир тегирмон ўйноқи сув шовуллаб оқаётган жойга яқинлашсангиз, шундай саратонда ҳам баданингиз жунжикади. Агар йўлак бўйлаб ётоқ тарафга ўрласангиз, енгил шабода юз-кўзларингизни сийпалаб, вужудингизга ҳузур бағишлайди.

Анвар анчагина ичиб қўйганди. Ҳамма билан қучоқлашиб хайрлашди. Ҳаттоки Усмонали ака билан ҳам. Баҳорга навбат келганида нозик кафтини қўлига олиб ўшиб қўйди. Бу ҳол шунчалар тез рўй бердики, бечора оғиз очгани ҳам улгуролмай, уялиб Ботирнинг орқасига яширинди.

Меҳмонхона ичида кенг фойе бор экан. Ҳар бир ётоқхонага иккитадан диван-каравот қўйилган. Тўшак ва чойшаблар янги, пастак столда салқин ичимликлар қатор терилганди. Хона ним ёритилганидан дам олишга қулай эди.

Анвар хонага кирибоқ ечинмай ўзини диванга ташлади. Ботир унинг кўйлагини ечишга ёрдамлашмоқчи эди, Аня шаштидан қайтарди.

— Тегманг унга, — деди у оёғи остига яна бир чойшаб тўшаб. — Бироз мизғисин, ҳали-замон ўзига келиб, ечиниб ётади.

Аёллар даҳлиздаги телевизор қаршисидан жой олишиб, ўзаро суҳбатга тушишгач, Ботир бу ерда ортиқчаллигини сезди. Унинг ҳолати Баҳорнинг эътиборидан четда қолмади.

— Сиз ювиниб, дам олаверинг, мен ҳозир чиқаман.

Ботир ўзларининг хонасига кирди. Ёнма-ён қўйилган каравотлардан биридаги чойшабни очди. Аммо, тўшакка чўзилишга шошилмади, беихтиёр барчалари меҳмонхонага йўл олишган пайтда Усмонали аканинг бошқача нигоҳ билан кузатиб турганини эслаб, кўнглида рашлик уйғонди. У бу нигоҳ маъносини тушунмаганди. Ва бу нигоҳ шунчаки қизиқиш туфайли ҳам эмасди.

Йигит туфлисини қайтадан кийиб, ташқарига чиқди. Осмонда сон-саноксиз юлдузлар жилваланар, улар орасида тўлин ой ўзига йўл ахтариб тентирарди.

У даставвал чироғи ўчмаган ошхонага қаради. Ҳеч зог кўзга ташланмади. Афтидан, хизматдаги ошпазлар ҳам кетишганди. Унда меҳмонхона мутасаддиси ҳам жўнаб қолдимикан? Йўғ-е, шундай бино ва жиҳозларни меҳмонларга ишониб ташлаб кетишмас.

— Уйқу қочдим, меҳмон!

Ботир чўчиб тушди. Анҳор бўйидаги бояги чорпоя томондан Усмонали ака юриб келди.

— Келинг, бироз гурунглашамиз.

Йигитнинг муддаоси ҳам шу эди. У бу сирли одамнинг юрагига қўл солмоққа аҳд қилганди.

Чорпоядаги хонтахталар олиниб, ётиш учун жой солинган экан. Усмонали ака устига ёпадиган якандозни чорпоя қирғоғига тўшади.

— Қани, ўтирсинлар. Бундай ҳавода ухлаш гафлатга ён бериш билан баробар. Қаранг, қандай ажойиб кеча. Кун билан тинмаган шаҳарча энди ором оляпти.

— Ҳа, Шоҳимардон юртимизнинг энг хушманзара гўшаси, шунинг учун ҳам одамлар бу ерга интилишади.

— Фақат хушманзара эмас, азизларнинг қадами етган табаррук

жой. Бундай зиёратгоҳларда инсон ақл билан иш тутгани яхши. Акс ҳолда... Эшитгандирсиз Шоҳимардонни тошқин босганини.

Ботир бош ирғаб тасдиқлади.

— Ҳа, ёмон офат келди-да. Андижонлик дўстларимиздан беш-олти кишининг яқинлари чўкиб кетишди.

Усмонали аканинг қалин қошлари чимирилди.

— Ҳаммасига ўзимиз сабабчи, ука. Ҳайлаб кўринг, шундай азиз қадамжоларни топгаб юборишди-ку. Ким кўнглига нима хуш келса қилаверди. Бизга ўхшаганларнинг насиҳатларини назарига илишмади. Ҳа, энди одамни бузадиган иллат, бу — пул, нафс... Ишқилиб, бу ёғига Аллоҳ асрасин.

— Айтганингиз келсин... — Ботир суҳбатдошининг ўғитлари худди ўзига айтилгандай хижолатда қолди. Демак, боя бекорга кузатмаган экан-да. Албатта, ҳар кимнинг эрки ўзи билан, бироқ, назардан қолган ёмон.

— Дўстингиз сал кўпроқ ичарканми? — ўсмоқчилади мезбон.

— Шундай, — лўндасини айтди Ботир. — Чиндан ҳам мўлроқ отади. Талабалигимизда унчалик эмасди. Лекин, билишимча, алаmidан ичади.

Усмонали ака муштдай чойнак устидаги сочиқни суриб, жўмрагини очди. Чой қуйиб узатди. Кейин суҳбатга қўр ташлади.

— Шундай азамат йигитнинг ҳам ташвиши борми?

Одатда кам гапирувчи Ботир тилининг жилови ечилиб кетди. У қаршисидаги сирли, имон-эътиқодли одам билан гурунглашмоққа ўзида рағбат сезди.

— Ташвиш эмас, дард деяверинг!

— Ҳа, бу дунёда ғамсиз одамни ҳали учратмадим. Сир бўлмаса, дўстингизнинг изтиробини нимадан, эҳтимол, ёрдамим тегиб қолар?

"Ёрдамим тегиб қолар! Қизиқ-ку, тупканинг тагида, бировларнинг хизматидан бўшамайдиган, бир қўлида капгир, иккинчи қўлида сочиқ тутган одам қандай қилиб ўзгалар корига яраши мумкин? Ёки қасидахон, қори, ёхуд экстрасенсмикан? Кўринишидан юқорида санаб ўтилганларга ўхшамайди. Майли, Анварнинг муҳаббат қиссасини айтиб кўрсин-чи. Эҳтимол, ҳанузгача Назокатдан кўнгили узолмаётган дўстининг қалб кўзи очилар".

Шу мулоҳаза билан Ботир бир муҳаббат қиссаси ҳақидаги ҳикоясини бошлади.



— ...Курсимизда бор-йўғи тўртта қиз бор эди. Шулардан бири — Аломатни Нормурод ёқтириб қолди. Анвар бундай савдолардан ҳоли юришни афзал, деб биларди. Уни кўпроқ спорт ўйинлари, меҳмондорчилик, муштлашувлар қизиқтирарди. Гоҳо талабалар шаҳарчасида жанжал бўлса, уни тополмай қолардик. Кейин ярим кечада бош-кўзи ёрилган ёки пешонасига ғурра қўндириб келарди.

"Кўча боласи"нинг ўқишлари яхши-ю, лекин, бу хилдаги қилиқларнинг қийиғи чиқиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Уни бу йўлдан қандай қайтарсак экан? — маслаҳат солдим Нормуродга. У биздан биров катта эди, шу важдан ўзини бошқалардан кўра ақллироқ, деб ҳисобларди. Шуниси таажжубланарлики, кўпинча унинг айтгани башорат каби тўғри чиқарди-да.

— У севиб қолиши керак! — Жиддий оҳангда таклиф киритди у. Мен ҳайронлигимдан бақрайиб унга қарадим.

— Юракка буйруқ бериш мумкинми?

— Албатта, — деди яна ўз қарорида қатъий туриб.

— Яхши, кимни севади? Бутун бошли курсда атиги тўртта қиз бор. Унинг ҳам бирини сиз туфаккаладингиз. (Қизиқки, биз то институтни битиргуниimizча бир-биримизни сизлар эдик. Дил яқинлиги тил яқинлигига кейин йўл очган эди.) Учтасидан иккитасини биров севиши тошга жон киришидай ишончсиз. Демак, ҳисобда фақат Назокат қоляпти. Унга Анвар каби тўпори йигитлар ёқмаслиги аниқ. Чиройлиман, деб нуқул юқори босқичдаги замонавий кийинадиган, олифталар атрофида ўралашиб юради.

— Тем более, — деди у шу иборанинг ўзбекчасини топишга эриниб.

— Айтишга осон, — дедим унинг гоясига аввалдан ишонмай. Бироқ, Нормуроднинг хаёлига келган фикр чиндаҳам антиқа ва умидбахш эди.

— Хуллас, ҳаммаси вазифангизни сидқидилдан адо этишингизга боғлиқ, — деди у топқирлигидан руҳланиб.

— Қандай? — ҳайронлигим ортди.

— Бу, жуда жўн. Йигитлар кўзи, қизлар қулоғи билан севади...

Нормурод шу топда ўзини Арастудан кам сезмаётганди. Узун киприклари орасидаги тим қора қорачиғлари бир нуқтага тикилган эди.

— Бердисини айтмайсизми? — уни шоштирдим.

Аммо, у ноёб кашфиёти лаззатидан завқланиб, анор донасидай сочилган хаёлларини ҳадеганда жамлай олмади. Сўнг ял этиб менга

қаради.

— Яхши гап билан илон инидан чиқади, шундайми?

— Шундай.

— Шунақа эмас, орий рост. Демак, сиз Назокатнинг ёнига бориб, Анвар уни ёқтириб қолганлиги, кечалари уйқусида номини тилдан қўймай алаҳсираётганлиги, аммо, юрагини очишга қўрқаётганлигини тушунтирасиз.

Мен ундан жўяли таклиф кутгандим. Ҳафсалам пир бўлиб, қўл силтадим.

— Шу иддаога илоннинг ёғини ялаган Назокатдай қиз ишонармиди? Ахир, иккаласининг бир-бирини кўрарга кўзи йўқ-ку!

Нормурод кафтларини бир-бирига уриб, хушчақчақ ҳолда кулди.

— Ҳа, ана!.. Кўнгли борлиги учун қўпол гапиради, денг. Ахир даштда ўсган бўз боланинг севгиси ҳам ўзига ўхшайди-да.

Табиатимга мос равишда ортиқ тортишгим келмади. Нормурод сўзида давом этди.

— Кейин Анварнинг қулоғига лағмон иласиз. Айтасизки, Назокат Аломатга дилини очибди, курсимизда шу йигит бошқача, ҳеч кимга ўхшамайди, дебди, дейсиз. Ҳозирча шу кифоя. Асли бу тутантириқ, кейин шундай аланга ёнсинки...

Гарчи бу маслаҳатдан иш чиқмаслигига ишонсамда, азбаройи дўстинг учун заҳар ют, деганларидай унинг айтганларини қойилмақом қилиб бажардим.

Аввал Назокатни "тутдим". У Аломат билан университет ҳовлисидаги қаҳвахонада музқаймоқ еб ўтирган экан. Мени кўриб севиниб кетишди. Тезда суҳбатга қўшилдим ва гурунг орасида Анварнинг муносабати тўғрисида таъсирчан оҳангда гапириб бердим.

Назокат оқ сариқдан келган, кўзлари кўм-кўк, доимо жилмайиб турадиган очиқ қиз эди. Негадир бирданига ўйчан бўлиб қолди. Аломат уни уялтирди.

— Ҳа, Нози, ноз қиляпсанми?

У шу топда мени унутгандай эди.

— Тўғриси, кўнглим сезарди. Аммо...

У шундай деди-ю, тўсатдан ётоқхона томонга чошиб кетди. Аломат менга қаради.

— Шу гап ростми?

Ёлғонни ямламай ютдим.

— Ишонмасангиз, Нормуроддан сўранг. Гений алдамайди-ку.

Аломат шарақлаб кулди.

— Билмасангиз, билиб олинг. Ҳар бало доҳийлардан чиқади. Дунёга ўт қўядиганлар ҳам шулар, одамни бузадиганлар ҳам.

— Жа, оширвордингиз-ку, қайси доҳий қаерга ўт ёқибди?

— Мана, ҳозир Назокатнинг юрагига ўт ёқиб қўйдинглар-ку. Бу, Нормуроднинг лойиҳаси эди, шундайми?

Кутилмаганда унинг "пушка"сига нишон бўлибман.

— Сизга ҳам тиш ёрувдими?

### 13

...Бошида ишончсиздай туюлган режа кутилмаганда ўзини оқлади. Икки, уч бор "ишлов"дан сўнг, менга ҳожат қолмади. Энди Анвар Назокатнинг сумкасини кўтариб юрадиган, йўлини пойлайдиган, ётоғига қадар кузатиб қўядиган одат чиқарди.

— Эҳ, аттанг, — деди бир куни Нормурод ётоқхонада шахмат сураётганимизда.

— Яна нима ишқаллик? — сўрадим кўзимни доналардан узмай.

— Анварни айтаман-да, — деди у ҳам алфозини ўзгартирмай. — Биз уни ёмғирдан қутқариб, дўлга тутиб берибмиз.

— Тушунмадим?

У тахтадан бош кўтариб, менга астойдил тикилди.

— Нимасини тушунмайсиз, қаранг соат неча бўляпти?

Девордаги соатга кўз ташладим.

— Ярим кечадан ўтиб қолибди-ку, қани, ётдик, акс ҳолда биринчи парани "еб" қўямиз.

— Мен боғдан келсам, сиз тоғдан сўз очасиз-а... Анвар қани?

— Ҳа, эсим курсин, у қизларнинг олдига бораман, деганди.

Нормурод узунчоқ иягини узоқ силади, кейин тиззасига сочиқ ёзиб, қалин сочидаги кепакни қоқишга тушди. Сезяпман, ҳозир асабийлашяпти. Аниқроғи, Анварнинг қўлга ўргатилган бургут каби ювош тортганидан сиқиялпти.

— Яқин, орада талабалар шаҳарчасида муштлашув бўлмадими? — деди у машғулотидан бир нафас тўхтаб.

— Нега энди, бўлди.

— Қачон?

— Ўтган куни!

— Ким, ким билан?

— Жисмоний маданият билан техника университети.

— Ким енгди?

— Биров "ноль иккига" қўнғироқ қилиб қўйибди. Омончилар

"жанг" ни бузиб юборишди.

— Анвар ҳам бормиди?

— Жуда қизиқсиз-да. Анвар урушса, Назокатдан айрилиб қолмайдими.

Нормурод сочиқни ўраб, сув ютгичга (раковина) қоқди. Юз — қўлини ювиб, индамай чойшабни очиб, узала тушиб ётди.

— Чироқни ўчирайми?

— Э, ўчираверинг, бу бола айниди.

Мен ҳам ўринга чўзилдим.

— Асли сизга иссиқ ҳам, совуқ ҳам ёқмайди, шекилли. Анварни "йўлга соламан" деган ким эди?

— Мен уни йўлга соламан деб, йўлдан урибман. Туппа-тузук йигит, энди Назокат аксирса, "лаббай" деб қўл қовуштириб турадиган "ойим супурги"га айланиб қолса-я. Илгари боши ёрилиб, юзи пачақланиб келганида қайтанга ҳурмати баланд эди. Энди қулбаччага ўшаб, бор-йўқлиги сезилмайди. Мулла минган эшак ҳам афзал ундан.

Нормурод ёнбошига ағдариларкан, юракдан сўкинди.

Шу пайт оғзи қулоғида Анвар кириб келди.

— Э-ҳа, катта даҳага тушиб кетибсизлар-ку, — деди у қувончдан энтикиб. — Дунё гўзаллигидан беҳабар, ғафлатда ётмай туринглар, Ботир, мусиқани қўйинг, ўйинга тушгим келяпти.

Нормурод устидаги чойшабни иргитиб, дўстига совуқ нигоҳ ташлади.

— Бу, қанақа байрам?! Чамаси, Назокатнинг сумкасини бешикаст жойига элдингиз, шекилли!

Бу, оғир пичинг эди. Оламни сув босса тўпиғига чиқмайдиган Анвар кулиб, уни қучоқлади.

— Тоқдингиз, сумкасини авайлаб, ардоқлаб, жавон устига қўйдим. Аммо, бу, муҳим эмас.

Нормуроднинг энсаси қотди. Иягини асабий силашга тушди.

— Ие, ҳали ундан-да муҳими борми?

Анвар қоматини ростлаб, кенг елкаларини кериб, қўлларини ёзди.

— Эй, анжонлик йигит, мусиқани чалинг, алёр айтинг, Анвар чарчагунча ўйнасин...

Энди бу шодлик руҳи бизга ҳам юқди. Магнитофонни баланд овозда қўйдим, у тор жойда полни тепкилаб, ўйинга тушди. Бир маҳал ҳамсояларимиз эшикни очиб, бақирингга тушишди.

— Жинни-пинни эмасмисизлар?

— Э, ахир ярим кечаси тўс-тўполонга бало борми?

Кўпроқ оғиз кўпиртиргани ҳуқуқшуносликдаги барзангидай талаба Отаназар эди. Қолганлари унга жўр бўлишди.

Бирдан Анварнинг авзои бузилди.

— Нега хонага сўрамай кирдиларинг?

— Таққиллатдик, аммо, ҳеч ким эшитмади, — деди қўқонлик кумуш тишли Холмат иржайиб. Хоразмлик "ҳуқуқшунос"га Анварнинг муомаласи ёқмади.

— Ҳей бачча, қани, бу ёққа чиқ.

Вазият қалтис эди. Отаназар ҳам, Анвар ҳам ётоқхонанинг "кузири" ҳисобланишар, аммо, шу пайтга қадар мутлоқ голибликни таллашишмаганди.

Анвар мушакларини ўйнатиб, йўлакка чиқди.

— Нима дейсан?

Отаназарнинг гўштли юзи оҳак тусини олган, дўрдоқ лаблари гезариб, қисик қовоқлари асабий учарди.

— Ке, орани очиқ қилайлик.

Фойе талабаларга тўлди. Ҳар иккиси ўртага чиқишиб, Тайсон билан Холифилд каби кўз уриштиришни бошлашди. Шунда "доҳий" ўз тафаккурини яна бир бор намойиш этди.

— Йигитлар, — деди у ҳар иккаласининг ўртасига тушиб. — Аввал мақсадни ойдинлаштириб олайлик. Муддао ким кучлилигини аниқлашми?

— Ҳовва, — деди Отаназар пишқириб. Анвар эса мутлақо хотиржам эди. У ҳатто енгилса-да, пинаги бузилмайдигандай туюлди.

— Модомики, ният шу экан, келинлар гладиаторлар каби қон тўкмай, масалани ечишнинг енгилроқ йўлини топайлик.

— Не дейсан? — Отаназар Нормуродга юз бурди.

— Соғломлаштириш хонасида тош бор. Шу ерга кирайлик, тош кўтарайлик, ким кучлилиги дарров аёнлашади. Агар муштлашув бошланса, орага бошқалар ҳам қўшилади, тўс-тўполонга айланади, эртага уч-тўрттамыз ўқишдан ҳайдаламиз.

— Тўғри! — бу таклифни "томошабин" ва тарафкашлар бир овоздан маъқуллашди. Хоразм полвони ҳам ўйламай-нетмай розилик билдирди. Ҳолбуки, у бокс билан шуғулланар, Анвар иккаламиз эса оғир атлетикани ёқтирардик.

Зал лим тўлди. Ўртада битта бўйрача жой очиқ қолди. Тарози палласи шак-шубҳасиз биз томонга оғанини фаҳмлаган Анвар энди Отаназарни калака қилишга ўтди.

— Полвон, — деди у рақибининг алп қоматига урғу бериб. — Сен

аввал кичик вазндаги шогирдимни енгиб ол, кейин мени майдонга таклиф қил!

— Ёшулли, ҳолитдан қўрқяпсанми?, — рақибни овозини қўйиб кудди. — Аммо менга барибир. Истасанг бутун факултетинг билан чиқмайсанми?

Анвар менга имо қилди. Ўша кезлари жуссам бундан ҳам озгин, кўримсиз эди. Хоразмликнинг кўзи менга тушди-ю, ғазабдан кўкариб кетди.

— Ҳой жўра, устимдан куляпсанми?

Анвар қўл қовуштириб турарди.

— Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни.

— Нима, оғзингни иштонбоғи узилибдими, "нонхонангни" ёп. — жазавага тушди у.

Аммо кўча муштлашувларида дийдаси қотган Анвар турқ-тароватига жиддий тус бериб, хотиржам сўзларди.

— Синамаган отнинг сиртидан ўтма, дейдилар. Агар Ботирдан чўчиётганинг рост бўлса, уялма, айтавер.

Томошаталаб талабаларнинг уйқуси ўчиб, бу даҳанаки жанг нима билан тугашига қизиқиш ортганди.

Отаназар ўртадаги икки пудди тошни бир силташда елкасига чиқарди. Ана шунда тош кўтариш ҳадисини билмаслигини тушунди. Унинг қўллари узун-узун эди. Бу муштлар турли масофадан кучли зарб беришга қодир эди-ю, оғир тошларни кўтариш машқини олмаганди. Аммо ҳирсдай кучли йигит бир амаллаб гирни боши узра озод кўтарди. Сўнг елкасига тушириб, яна ҳаволатди. Шу тахлит 32 киллограммик тош беш марта "парвоз" қилди.

Навбат менга келди. Отаназар атайлаб тошни оёқлари остига қўйган, ўзи эса мўмиқдай гўдайиб турарди. У ўз кўнглида мени "бу ишнинг" урдасидан чиқолмай, пойида ўрмалашиб юради, деган хаёлга борганди. Ўртага чиқиб, гирни бир силтаб юқорига кўтардим. Қўлларим калта ва кучли, қолаверса машқим бор эди. Аввалига ачиниш ва хавотир билан қараётганлар энди руҳланиб, санашга тушдилар:

— Тўққиз, ўн бир, ўн беш... ўн олти, ўн етти...

Отаназар ёнидаги иккита болани туртиб, саф орасидан қочиб кетди. Бироқ, йўлак охирига етмай ўз хатти-ҳаракатидан уялиб, орқасига қайтди.

— Анвар! — деди у ҳўмрайиб. — Эртага Эски Жувадаги чойхонада кутаман. — Сўнг менга ер остидан қараб қўшиб қўйди. — Ботир полвон, сизни ҳам...

Хонага кирганимизда, Анвар мени алқашга тушганди, Нормурод жеркиб берди.

— Агар вақтида топқирлик қилмаганимда, ҳозир синган суюкларингизни санаб ўтирган бўлардим. Яхшиси, менга раҳмат айтинглар.

Тезда ётдик. Бояги сўроқ жавобсиз қолганди, уни такрорладим:

— Бутунги хурсандлигингиз боисини билдирарсиз энди?

Анвар чуқур оҳ тортди.

— Азизларим, тарихий воқеа юз берди.

Нормурод луқма ташлади.

— Назокат қўлини ўптирдими?

Бечора ошиқ аввал икки оёғини баланд кўтариб, сакраб, ўрнидан турди.

— Қўлини эмиш -а, дудоғидан ўлдим, дудоғидан!

...Ўша ўпич йигитни бутунлай маст қилди -қўйди. Энди у юрса ҳам, турса ҳам фақат Назокатни ўйларди. Қиз ҳам унинг ёнидан асло силжимасди, гўёки иккаласи қўш кабутардай. Бу севги достони бутун билим даргоҳига тарқалди. Чунки, Назокат истеъдодли қиз эди, айниқса, замонавий технологиялар лойиҳасини яратишда унга тенг келадигани йўқ эди. Анвар эса, курс бошлиғи, фаол талаба сифатида танилган. У амалиётдан кўра назарияга кўнгили қўйганди. Шу боис, ҳамма амалиётни йирик саноат корхоналарида ўтказса, у илмий-текшириш институтларида қолишни хуш кўрарди. Ва энг қизиғи, ҳар иккаласи доимо бир жойда бўлишга ҳаракат қилишарди.

Охири босқичда ўқиётганимизда Назокатнинг Япония ва Корея автомобилсозлик саноати тўғрисидаги рисоласи босилиб чиқди. Шу рисола диплом иши сифатида юқори баҳоланди. Анвар эса, Ўзбекистон саноати тарихига қизиқиб, касб йўналишини ўзгартириб юборди.

Ўқашни тамомлаш арафасида Анварнинг ранг-рўйи сомондай сарғайиб, кескин озиб кетди. Аввалига буни дарсларнинг оғирлигига йўйдик. Ана шундай пайтда Аломат янги гап топиб келди.

— Эшитдингларми, — деди у катта танаффус пайтида хонада ёлғиз қолганимиздан фойдаланиб. — Назони бошини боғлаб қўйишибди.

— Нима, наҳотки биз билмай...

— Шуни айтаман -да, — деди Аломат кўзлари жовдираб. — Энди Анварнинг аҳволи нима кечади?

Нормурод бизни тинчлантирди.

— Ваҳимага ўрин йўқ. Яхшиси, дарсдан кейин тўпланамиз.

Машгулотлар тугагач, Талабалар шаҳарчасидаги "Чашма" қаҳвахонасига йўл олдик. Суҳбат асносида бу воқеадан Анварнинг хабардорлиги, ўз ёнига ўзи қовурилиб юрганлиги, Назокат ҳам онаси раъйига қарши чиқолмай, боши қотиб, аламини йиғидан олаётганлиги ойдинлашди.

— Нега шу чоққача бизга сездирмадингиз? — Анварга гинамни тўқдим мен.

У бошини кўтаролмасди.

— Айтганим билан бирон нарса ўзгариб қолармиди, — деди ўзини оқлаб.

— Вой, топган гапини қаранглар, ахир қиёматлик дўстсизлар-ку, — Аломат уни уялтирди. — Ахир дўст бошига иш тушганда синалади-да.

— Куёв ким экан? — сўрадим қоним қайнаб.

— У ҳам талаба, СамДУда ўқиркан. Айтишларича ёшлигида бешиккерт қилинган эмиш.

— Наҳотки эскилик сарқитига қурбон бўлиб, индамай қолаверамиз?

Менинг бу хитобим — юрак ҳайқириғи эди.

Боядан буён иягини силаётган Нормурод ниҳоят жўяли фикр топди:

— Йўл битта, ўша йигит билан учрашиш керак.

— У ҳам Назони севса-чи? — қарши мулоҳаза билдирди Аломат.

— Бу аёлларга хос асоссиз гап? — чўрт кесди Нормурод. Унинг қўпол гапи қизнинг ҳамиятига тегди.

— Намунча бизани ёмон кўрасиз, гопивузадан доим нуқсон қидирасиз?

Йигит устомонлик билан ўзини оқлаб олди.

— Мен аёллар ҳақида гапиряпман, сиз эса бокира қизсиз!

Бу лутф, айниқса "бокира" сўзига ўзгача урғу берилгани Аломатга мойдай ёқиб, шўх қараш билан кифояланди.

— Ботир, эртага ҳарбий кафедрага борасизми? — Нормурод қўлидаги пиёлани тақ этказиб столга қўяркан, менга савол назари билан қаради.

— Ҳа, эртага сўнгги машгулот.

— Анвар, сиз-чи?

У аразлагандай юзини тескари ўтирди.

— Бошим қотган, билмайман!

Нормурод армия хизматида дахлсизлиги учун ҳарбий машгулотларга қатнашмасди.

— Аза тутишга вақт эрта. Яхшиси, ақл билан иш тутайлик.



Индинга Ботир иккаламиз Самарқандга учамиз, ўша йигитни топиб гаплашамиз.

— Мободо қўполлик қилса-чи? — Анвар шу топда гапининг маъносини ўзи ҳам англамас, фирт гаранг эди.

— Шуни билиб қўйинг, биз меҳмонга эмас, музокарага кетяпмиз. Қандай салом берса, шундай алик олади.

Орага жимлик чўқди. Сўнг Анвар бу маслаҳатга қўшилмади.

— Бу масалани ўзим ечишим керак!

Аломат ҳам унинг фикрини маъқуллаб туриб олди.

— Унда, сиз билан Ботир боради.

Анвар кескин бош чайқади.

— Фақат ўзим...

Анвар тайёрага улгуролмай, кечки поездга ўтирди. Икки кун бетоқатлик билан йўл пойладик. Ниҳоят, учинчи куни чошгоҳ пайти Анвар ётоқхонага кириб келди. Якшанба бўлганлиги учун, деярли барча хоналар берк, талабаларнинг ярми уйига, қолганлари сайрга чиқиб кетишганди. Фақат Нормурод иккаламиз бекорчиликдан, аниқроғи, чорасизлигимиздан хуноб бўлиб ётардик.

Анвар салом бериб, биз билан кучоқлашиб кўришди. Унинг чеҳраси жуда ҳорғин туюлди. Демак, масала равшан, "куёв" йигит ён бермаган.

— Самарқанд сутида оғзингизга қатиқ ивитганмисиз, мундай очилмайсизми?

Анвар ўз жойига чалқанчасига ташлади.

— Э жўра, ишлар пачава.

— Хўш?

— Улар оқсуяк эканлар.

Нормуродга бунақа узиқ-юлуқ гап ёқмасди.

— Очиқроқ сўзланг: одамни хит қилвордиз-ку.

— Назокатлар эшон авлодидан экан. Кейин ўша йигит ҳам.

Нормурод бўш келмади.

— Тошкентдан Самарқандга бориб, шу бир оғиз гапга ишониб қайтавердингизми? Асли кимлар билан учрашдингиз?

Анвар тирсагига тиралиб ўтирди. Агар сал қўйиб берса, йиғлашдан ҳам тоймайдиган ҳолатда эди.

Аmmo биз унинг аҳволига ортиқча урғу бермадик.

— Назокатнинг акаси Баҳодир билан учрашдим. У мени тўғри тушунди.

— Ёрдам бераман, дедими?

— Бу ҳақда оғиз очмади. Англаганим шу бўлди-ки, дадаси жуда

чўрткесар, қайсар одам. Хуллас, дўстлар, мен Назокатни қўлдан чиқардим.

У шундай деб юзига пар болишни босди.

— Ўзингизни тутинг, — дедим елкасига қўл ташлаб. — Ҳали имконият ҳам, вақт ҳам бор.

Дўстимиз табиатига мос муносабатни танлади.

— Ие, бу қанақа қилиқ. Қўйинг-е, шу топгача кўз ёши бирон муаммони ечмаган. Айниқса йигит йиғиси. Қани, туринг, ақлни пешлаб олинг.

Анвар индамай йўлакка чиқди, умумий ошхонага кириб, юз-кўзини совуқ сувда ювиб қайтиб чиқди. У хонага кирганида, Нормурод патини ҳурпайтирган хўроз мисол стул суянчиғига бағрини бериб кутиб турарди.

— Энди бир бошдан сўзланг. Самарқандда даставвал кимникига кўндингиз, биринчи ким билан суҳбат қурдингиз, Баҳодирни қаердан топдингиз?

Анвар Самарқанднинг Работидан эди. Ўнинчи синфни тамомлаган йили СамДУга ҳужжат топширганди. Ўшанда фалакнинг гардиши билан Баҳодир исми йигит билан дўст тутинган экан. Алал-оқибат у Назокатнинг акаси бўлиб чиқди. Аммо шундай ўқимишли, маданиятли йигит ҳам серзарда дадасининг раъйига қарши боролмабди. Эшонлар фақат ўз авлодларини тан олишаркан.

— Нега оғзига нос пуркалган илон каби тўлғонасиз, бўлажак кувёв бирон фикр айтгандир?

Анварнинг кўзларида алам ва азоб ёлқинланди.

— У ҳам ота-онаси лаънатига учрашдан қўрқар эмиш.

Кутилмаганда генийдан ғалати таклиф чиқди.

— Ҳа, майли, ҳозир шаҳар айлангани чиқамиз. Қолган гапни оқшом давом эттирамиз. Сиз эса кўнглингизни тўқ қилиб, ухланг. Уйқу мияни озиқлантиради.

...Кечкурун ҳам маслаҳатга махси кийдиролмадик. Сабаби, Анвар бутунлай эс-ҳушини йўқотиб, тушқун кайфиятга берилганди. Иккинчи тарафдан Аломат билан Назокат "аза" тутиб кунни кеч қилишди.

Шу орада менинг тўйим бошланиб қолди. Ҳамманинг эътибори ана шу маросимга қаратилиб, дилисиёҳликлар бир тарафга сурилди. Тўй ўтгач, роса бир ойдан сўнг ўқишга бордим.

— Самарқанддан янгилик борми? — деб сўрадим Анвардан. У кулиб жавоб қайтарди.

— Масалага ўзим нуқта қўйдим.

– Қандай, тушунмадим?  
– Энди биз ҳам сиз каби оилалимиз! Аммо, бу янгиликдан ҳеч кимнинг хабари йўқ.

– Нормурод билладими, ишқилиб?

– Э, ҳозир у ҳам ўз ёғига ўзи қовурилиб юрибди.

– Сабаб?

– Гап шундаки. Аломатнинг дадаси "қизимни қишлоқига бермайман", деб совчиларнинг оғзига урибди.

– Ие, бу қанақаси? Ахир Нормурод уни еру-кўкка ишонмасди-ку.

– Таътилда ҳаммамиз гафлатда қолдик.

– Бу ёғи нима бўлади.

– Ўқишни ташлаб бўлсаям, Аломатни олиб қочиб кетмоқчи.

– Мана бу сенсация!

Анвар мени тузатди.

– Сенсация эмас, буни севги дейдилар. Ҳамма сизми отасининг чизган чизигидан чиқолмай севгисиз уйлангани?

Мен эътироз билдирдим.

– Нима қилай, шу чоққача бировга кўнгил қўёлмадим.

– Барибир, шошилмаслик керак эди.

– Мен афсусланмайман. Хотиним ўзимга маъқул.

Анвар бўш келмади.

– Ҳозир шундай. Эртага ақл-идрок тиниб, ўрнини ҳис-туйғуларга бўшатиб берганида, билмадим, нима дер экансиз.

– Мен турмушимни ҳеч қачон бузмайман.

Дўстим кўзойнагини қўлига олиб, ёнидаги сочиқ билан обдон артди. Кейин менга қаттиқ тикилди.

– Кошки орзулар доимо рўёбга чиқаверса. Яхшиси, Аллоҳдан тиланг-ки, бу ёғига сизга севги азобини солмасин.

Мен ҳам бўш келмадим.

– Бошида бермади-ку, энди муҳаббатдан сўз очмасам ҳам бўлаверади.

– Шуни билиб қўйинг, севги қаримайди, у кутилмаганда юрагингиздан ўрин олади-ки, худди совуқ дард каби, эгаллаган жойини бомон қўймайди.

– Мен тушунолмаяпман, сиз менинг ҳам ишқ савдосига дуч келиб, ақл-ҳушимни ўғирлатишимни истаяпсизми?

Анвар жиддий тортди, ётоқхона деразасидан сон-саноқсиз порлаган чироқларга термулиб, ўйчан гап қотди.

– Биласизми, ҳар бир одам умрида бир марта қизамиқ хасталигига йўлиқади. Биров оғир, биров енгил ўтказади. Ҳатто

касаллигини сезишга улгурмай қоладиганлар ҳам бор. Севги ҳам айнан қизамиқнинг ўзи, кутилмаганда бош кўтариб, бутун вужудингни оловдай ёндиради.

Аммо у қанчалар қийноқли, изтиробли ва оғир бўлмасин, лаззати ҳам шунга яраша.

Мен оҳиста бош чайқадим.

— Билмадим.

— Билмаганингиз яхши, бироқ, уни кутинг, у албатта келади... Эҳтимол, жуфти ҳалолингизга шундай кўнгил қўйиб қоларсиз. Ў, унда чинакам бахтли сезасиз ўзингизни. Бу дунёда севганинг билан яшашдан ортиқ бахт борми?

— Анвар, — дедим унинг ёнига яқинлашиб. — Яхшиси гапни чалғитманг. Энди Назокатнинг ота-онаси сизни тан олишармикан?

Бу саволимга у кескин жавоб қайтарди.

— Дадаси ўлса ҳам фикридан қайтмайди, аммо акаси билан онаси биз томон. Хуллас, тўйни ҳам Тошкентда ўтказамиз. Айтмоқчи, тўйга хотинингизни албатта таклиф қиламиз.

— Бу турган гап, — дедим дўстимнинг фикрларидан қониқмай. Назаримда у бу мавзунини тезроқ ёпишга уринаётгандай туюларди.

— Назокат ўша "иши" дан афсус чекмаяптими?

Кутилмаганда Анвар кулиб юборди.

— Ботир, яқинда олий маълумотли муҳандис бўласиз-у, ҳалиям ёш болалардай фикрлайсиз. Ахир, бўлар иш бўлди, энди бошини тошга урганида синган чинни жарангламайди-ку. Қолаверса, мен қочиб кетмаяпман, аксинча тўйни тезлаштиряпмиз. — Худо хоҳласа, ҳаммаси яхшилик билан тугайди.

...Анвар ҳақ экан. Чиндан ҳам яхшилик енгди, ёшлар бир ёстиққа бош қўйдилар.

Орадан беш ой ўтиб, яна ташвишга дуч келдик. Назокат оғир хасталикка чалинди. Уч дўст дарсдан сўнг уни етаклаб, пойтахтдаги барча клиникаларга олиб борардик. Бир томонда давлат имтиҳонлари, иккинчи тарафда кундан-кун сўлиб бораётган Назокатнинг сиҳат-саломатлиги икки оёғимизни бир этикка тиқиб қўйганди. Ўзаро маслаҳатлашиб, Назокатни академик таътилга чиқаришга кўндирдик. Кейин Анвар ҳам шу йўлни тутмоқчи бўлди. Аммо биз бу фикрга "тиш-тирноғимиз" билан қаршилик билдирдик.

— Мен ҳаминша унинг олдида туришим керак, — деди Анвар кўзларида ёш билан... Шу кунларда у ҳам ярим этини йўқотганди.

Нормурод уни жеркиб ташлади.

— Бекор айтибсиз. Дипломга бир қадам қолганида ортга

чекинманг. Ахир сиз ёлғиз эмассиз-ку.

Анвар бутунлай карахт аҳволга тушиб қолганди. Ҳадеб бир гапни такрорларди.

— У мени деб шу аҳволга тушди. Мен уни йўлдан ургандим, энди азобини бир ўзи тортяпти.

Энди мен уни тинчлантиришга киришдим.

— Бу, оддий васваса, холос. Ҳар ким пешонасига ёзилганини кўради. Назокатнинг хасталигида сизнинг заррача гуноҳингиз йўқ. Начора, ёзуғида шу синов бор экан, худо хоҳласа, дард берган шифосини ҳам дариг тутмайди. Мана, кўрасиз, бу кунлар ёдингиздан ҳам чиқиб кетади.

Аммо, Назокатнинг ташҳиси кўнгилга таскин берадиган даражада эмасди. Уни ўпка раки деб гумон қилишаётганди. Анвар ҳам худди шу фикрга ёпишиб олганди.

— Агар у ... ўлса мен ҳам ўзимни осаман, — дерди нуқул.

Шу орада Аломатнинг дадаси инфарктка учраб, тўсатдан вафот этиб қолди. Бу воқеадан ҳаммамиз ларзага тушдик. Шўрлик Аломат кўзлари қизариб, йиғидан тўхтамас, дадасининг ўлимида ўзини ҳам айбдор ҳисобларди.

Ниҳоят, Назокатнинг хасталиги аниқланди. Хайриятки, у рак эмас экан. Мана шунинг ўзи катта қувонч эди. Аммо, у узоқ даволанди. Анвар бечора ҳам имтиҳонларини топшириб институтни тугатди, ҳам Назокатга қаради. Асосий фанлар бўйича синовларга тайёргарликни хотини ётган палатада кўрди.

Бир куни Нормурод иккаламиз касалхонага бордик. Таниш палата эшигини секин очдик. Не кўз билан кўрайликки, у полда ўтирибди, боши Назокатнинг оёғида. Шу аҳволда ухляпти.

Мен ўшанда илк бора муҳаббатнинг қудратини англадим. Кейин бунақа воқеаларга кўп учрадик. Анвар қийин, энг машаққатли дамларда севгига садоқатини намойиш этди. Энди ўйлаб қоламан, эҳтимолки Назокатни жаҳаннам дарвозасидан қайтарган Анварнинг Аллоҳга илтижолари-ю, пок муҳаббатидир.

... Ҳаёт оқар сув каби ўтаверар экан.

Биз ҳам унинг ўркачига ўтириб, неча йилларни ортда қолдирганимизни сезмай қолибмиз. Хуллас, дастлабига Анвар билан Назокатнинг ҳаёти чиройли кечди. Улар бир-бирларини севиб, ёмон кўзлардан қизғаниб яшардилар.

Нормурод ҳеч вақт эҳтиросларга берилмасди. Шу боис у Аломатнинг қайғусига шерик бўлиб, туйгуларини жиловлаб узоқ кутди. Аломатлар дадасига йил оши бергач, яна совчи қўйди. Бу

сафар элчилари ноумид қайтишмади. Ҳамма курсдошлари юртларига тарқаб кетгач, Аломат билан ширингина турмуш қуриб, севгилисини ўз шаҳрига олиб кетди.

Мен ҳам ўз ҳолимча бахтиёр эдим. Аммо, битта ўғил кўрганимиздан сўнг, Олиянинг соғлиғи анча ёмонлашиб, тинчлигимиз бузилди. Гарчи хизмат пиллапоясидан тез кўтарилсам-да, ҳаётда бахтим бус-бутун деб айта олмасдим. Бўш вақтим асосан дорихоналарда янги чиққан дориларни қидириш-у, касалхоналарда юриш билан ўтарди. Шунга қарамай, Олияга ғамхўр эдим, унга раҳмим келарди. Шу боис, тоби қочиб, ранг-рўйи пасайган пайтлар оромимни йўқотиб қўярдим. У бир бора кулса, мен ўн марта яйраб кетардим. Минг қилса ҳам кўз очиб кўрганим, ёлғиз фарзандимнинг онаси-да.

Шу ташвишлар гирдобиди ўраллашиб юрганимда, тўсатдан Анвар телефон қилиб қолди. Агар имкони топилса, Тошкентга келиб кетишимни ёки иш юзасидан борсам ҳам, албатта, уни йўқлашимни илтимос қилди.

Ўша кунлари Тошкентда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан халқаро симпозиум ўтказилиши керак эди. Бу пайтда қўшма корхонада бош менежер бўлиб ишлаётгандим. Раҳбарнинг топширигига кўра, анжуманга мен жўнатилдим.

Анвар мени тайёрагоҳда кутиб олди. Тўғри уйига қараб йўл олдик. У Профессорлар шаҳарчасида яшарди. Талабалигимиз ўтган кўчалар тамоман ўзгариб кетганди. Янги йўллар, янги кўприклар чиқарилибди.

Чорсу бозорига тушиб, паловга кетадиган масаллиқлар харид қилдик. Девзира гуручни Андижондан — Эски шаҳар бозоридан олгандим.

— Менга қара, — деди Анвар бозордан чиқаётганимизда. — Дабдурустан сенлашга ўтиб. — Аввалдан огоҳлантириб қўяй, уйга кирганимда хушингдан кетма!

Бу огоҳлантириш боисини тушунмадим.

— Нима, шунчалар бойваччамисан?

Дўстим хандон отиб кулди. Бироқ, бу бахтиёрлик заминиди чинакам шодлик ифори камроқ туюлди. Ишқилиб, тинчликмикан?

— Тўғри топдинг, ҳозирча ҳаётимга менман деган бойваччалар ҳам ҳавас қилишади.

У тўртинчи қаватда яшарди. Йўлақдан юқорига кўтарилаётганимизда, япон телевизорини зўрға кўтариб тушаётган ўрта яшар одамга йўлиқдик. Дарров унга йўл бердик.

У бизни кўрди-ю, негадир ранги оқариб, пешонасини майда тер босди. Қўллари қалтирагандек туюлди. Ҳайладимки, ҳозир қўлидаги матоҳни тушириб юборса керак деб. Ҳартугул чайир экан, мувозанатини сақлаб қолди.

У Анварга бош ирғаб салом берди. Кейин беихтиёр:

– Телевизорнинг бунақа оғирлигини билмаган эканман, – деди биздан хижолат тортгандай. Дўстимнинг жавоби ғалатиноқ чиқди.

– Ҳа, бировнинг юки елкани эзиб юборади, ҳали буниси ҳолва, – деди дағал оҳангда.

Бояги одам индамай пастликка шўнғиди.

Тўртинчи қават майдончасига чиқиб, ҳайронлигим яна ортди. Бундан уч ой илгари кўрган уй ҳозир эшиклари ланг очик, худди ўғри урган тегирмондай ҳувиллаб ётарди.

Шу топда саволлар қуюн каби ёғилиб келаётганига қарамай, Анварнинг ўзи тиш ёришини кутдим. Аммо, кўнглим нохушликни сезиб турарди.

Елим халтадаги майда-чуйдаларни қаерга қўйишни билмай, аланглай бошладим. Анвар буни сезди. Қўлимдаги масалиқларни олиб, шип-шийдам опхона полига ташлади. Зал ҳам худди шу тахлит "безатилган" эди. Яхшики, деворга суяб қўйилган эски диван, бир оёғи пачоқ стол, иккита табуретка, эшиги ёпилмайдиган жовон хонанинг бутун "зеб-зийнати" шундан иборат эди. Ҳа, айтмоқчи, бурчақдаги болалар манежи Анварнинг эски кийим-бошлари ташланадиган сандиқ вазифасини ўтаётган экан.

– Энг қисқа гап шу, – деди у диваннинг ўртасига ўтириб. – Назокат билан ажралишдик.

У қўлларини бошига гиров солиб, анчагача миқ этмади. Кейин чопиб балконга чиқди, қўлида битта шишанинг "оғзи" дан ушлаб қайтиб кирди. Чап қўлида иккита пиёла ҳам бор экан.

У шишанинг орқасига шапатилангани, қопқоғи ўқдай учиб, ароқнинг бир қисми полга тўкилди.

– Майли, заҳари чиқиб кетди, – деди у ўзига тасалли бергандай. Кейин пиёладаги ичимликни бир силташда тугатиб, енгини ҳидлаб қўйди.

Мен карахт аҳволда эдим. У тиззамга турткилади.

– Қани, совимасин, ҳозир ўзим андижонча палов дамлайман.

– Ие, қозон бошига бормас эдинг-ку?

Бу саволим мутлақо самимий эди. Бироқ, гоҳида бехосдан айтилган сўз отилган ўқ каби юракни тешиб ўтади.

– Ҳа, беш йил фақат сен овқат пиширгандинг, уйлангач, Назокат

соғайгунча бу юмушни ўзим уддаладим. Ҳозир "Шератон" меҳмонхонаси бош ошпазидан қолишмайман.

У сабзи тўғрашни менга топшириб, ўзи газ печкасини ёқди. Токи палов пишгунча мақсадга қўчмади. Мен ҳам сабр – бардош билан ўша фурсатни кутдим. Овқатдан кейин аччиқ кўк чой устида гурунг бошланди. Аниқроғи, у кейинги воқеалар ҳаётини чархпалак каби айлантириб юборганини айтиб берди.

Хуллас, Назокат бир йил даволанибди. Кейин худди дард кўрмагандай асл қиёфасига қайтибди. Ўртада бир ўғил, бир қиз бор эди. Ўғли Бектош асосан Самарқандда — ота-онаси қўлида тарбияланыпти экан. Қизи яйловга боришга кўнмабди, пойтахтда қолибди...

Аслида булар мен учун янгилик эмасди. Чунки ҳар икки-уч ойда пойтахтга келиб, бу хонадонда меҳмон бўлиб кетардим.

... Бир куни меҳмонхонадан туриб телефон қилдим. Гўшакни Назокат олди. Анварни сўрадим. Оқшом қайтишини айтиб, мени уйга таклиф қилди, гап орасида дўстингиз ҳам сиқилиб қолди, албатта, келинг, деб қистади.

Кечки пайт эшик қўнғироғини босдим. Остонада ял-ял ёниб Назокат турарди. Негадир бироз ҳаяжонланаётгандай туюлди.

— Нега ёт кишилардай тортиниб турибсиз? Ичкарига марҳамат!

Устки кийимимни йўлақдаги ёғоч илгичга илиб, залга ўтдим. Анвар кўринмасди.

— Дўстингиз сал ушланиб қолибди, сиз бемалол дам олаверинг.

Назокат телевизорни қўйиб, дастурхон тузашга киришди. Гаплашиб ўтириб чой ичдик, талабалик йилларини эсладик. Шу орада овқат ҳам пишди. Бироқ, хонадон соҳибидан дарак йўқ эди. Ноилож ўзимиз тамадди қилдик. Овқатдан сўнг Назокат Анварнинг тамомила ўзгариб кетганлиги, кўп ичаётганлиги, рўзфорга қарамаётганлиги, ҳатто чакки босаётганлиги — қўйингки, бир аёл эри елкасига қўйиши мумкин саналган барча айбларни эринмай тахлаб чиқди.

Очиғи, дўстиннинг ичишидан бошқа нуқсонларига ишонмадим. Аммо, эркак зоти ўз-ўзидан ичкиликка берилмаслигини ҳам оҳиста таъкидлаб ўтдим.

Хуллас, ўша куни кўнглимда оғир бир тош пайдо бўлди. Лекин бу ҳақда Анварга оғиз очмадим. Ҳар ҳолда нодон одам эр-хотин ўртасига тушади, деб ўйладим...

— Назокат бир артистни ёқтириб қолибди! — Анвар бу гапни худди "яна ичасанми?" дегандай оҳангда айтди. Билдимки, сиртдан



ўзини хотиржам тутса-да, ботинида ғам-ғусса ичини каламушдай кемиряпти. Тўғри-да, кўйнингдаги ёр кутилмаганда бошқа бировга кучоғини очса... Яна қанақа ёр, бутун вужуди билан севган, керак бўлса, жонини беришга тайёр маҳбуб бўла туриб, жуфти ҳалоли кўзига чўп санчса-я. Бундай фожиани душманингга ҳам раво кўрмайсан. Агар Анвар жонини жабборга бериб елиб-югурмаганида Назокат бутун соғ-саломат қолармиди?!

Ахир Анварнинг муҳаббати эмасми уни яна ҳаётга қайтарган?! Майли, эрга хиёнат қилсин, майли, севган ёрини ташлаб кетсин, аммо ўз халоскорига нисбатан бундай бағритошлик қилиш соғлом ақл шгурига сизмайди. Билмадим, Анвардан қандай хатолик ўтди? Бироқ, у кечиришга лойиқ садоқатли, бағри кенг, меҳр-муруввати беқиёс инсон эмасмиди? Жуда қизиқ-ку, нега ҳаёт бунчалар бешафқат? Нега кўза синдирган азиз-у, сув келтирган хору зор? Нега садоқатнинг қисмати оғир, нега яхшилик баҳосини топиши қийин? Нега? Нега?..

Мана шу саволлар қийин-қистовга олаётган дамда Анвар воқеани батафсил тушунтирди: тасодифан бир йирик амалдорнинг тўйида танишган анчагина машҳур артист Анварга ёқиб қолади, уни уйига таклиф қилади. Эркаклар ўртасидаги муносабат мустаҳкамланиб, оилавий дўстликка айланади. Деярли барча байрам, шодиёна кунлар, юбилейларни бирга ўтказишади. Навбатдаги сайр Чорвоқ дам олиш гўшасига уюштирилади. Одатда зиёфатларда ўзини эркин тутадиган Анвар тезда кайфи ошиб, палаткага кириб кетади. Ярим кечаси томоғи қақраб уйғонади. Қараса, Назокат ёнида йўқ. Дарров ҳушёр тортади. Қўшни палаткага мўралайди. У ерда фақат артистнинг хотини чойшабга бурканиб, туш кўраётган экан. У тоғ йўлидан секин юриб, Чирчиқ дарёси қирғоғигача тушиб боради. Беихтиёр қалин ўсган ўт-ўланлар орасидан Назокатнинг овозини таниб, тўхтайди.

— Бундай ўғирлик жонимга тегди, қачон масалани ҳал қиласиз? Артистнинг овози қалтираб чиқади.

— Азизим, менга озгина муддат беринг. Аввал анови кампиримнинг паттасини қўлига тутқазай, кейин...

— Бу артистнинг қасамими ёки эркак сўзи?

— Жоним, кошки бу ёруғ дунёда фақат сизни деб яшаётганимни билмасангиз? Сизни кўрди-му, бутун борлиғимни унутдим, чинакам ишқ савдоси бошимга тушди.

Назокат Анварга дадил гапирарди. Артистни ҳам ўз измига солиб улгурибди.

У дастлаб ҳар иккаласини ўлдириб, дарёга отиб юборишни дилига тугибди. Аммо, шу заҳоти кекса ота-онаси, фарзандлари ёдига тушиб, ўзини босибди. Зотан, Аллоҳнинг қаҳрига учраганини, энди кўкларга кўтариб юрган, ҳаддан зиёд ардоқлаган муҳаббати заволни кўриши муқаррарлигини тушунибди.

Пастликдан артистнинг овози эшитилибди.

— Агар изн берсангиз, мастлигидаёқ гум қилардим, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверарди.

Назокат эркаланиб кулибди.

— Унга сизнинг кучингиз етмайди, жудаям бақувват. У бу оламда фақат мендан кўрқади, мен унинг жиловдориман.

Анварнинг чўяндай муштлири қисилибди. Аммо, ҳозир хотини ҳақ фикр айтганлигини тан олибди. Афсуски, ўн йил Назокатнинг соясидай яшади, не ёруғлик кўринса, уни рўбарў қилди, не зулмга учраса, кўксини тутди. Уни деб илмий ишидан, севган касбидан воз кечди. У дунёда фақат Назокатни кўрди, уни эъзозлади, унинг ҳаётида яшади, ҳатто ўзлигини унутди. Энди эса...

— Шунақа таниқли артистми? — сўрадим мен газабимни босолмай.

— Ҳа, анча-мунча мухлиси бор. Дарвоқе, сен уни кўрдинг-ку.

Ҳайронлигим ортиб, елка қисдим.

— Йўт-е, қаерда кўрибман?

— Ҳалигина менинг телевизоримни кўтариб кетаётган аблаҳ — да.

— Шунақами? Вой пасткаш-ей. Бу уйга қандай кирди экан?

— Назокат калитни берганда...

— Ё тавба, ахир унинг сендан қаери ортиқ?

— Биласанку, эркаклар ақл-заковат билан, аёллар ҳис-туйғу билан ёқтиради.

— Ўткинчи туйғу худди довул каби кўнгилни вайрон этиб кетаркан-да... Хўш, энди нима қилмоқчисан?

Анвар бироз ўйга чўмди. Кейин бодом қовоқлари ортидаги кўзларида ўт чақнади.

— Тошкент менга торлик қиялпти. Боиси, доим менга уни эслатади. Мен ўзлимни у билан қориштириб юборган эканман. Ҳозир ўзимни танишим қийин кечаяпти... Ўйлаб-ўйлаб Москвага кетишга аҳд қилдим.

— Москвага... У ерда нима бор сенга?

— Илмий ишимни давом эттирмоқчиман. Кейин, юракдаги ўтни ўчирмоқчиман.

— Анвар, — дедим унинг биллагига қўл ташлаб. — Битта аёл учун

ўзингни қийнама, фарзандларни, ота-онангни ёлғиз қолдирма.

Эссиз, шу сўзларни айтмаслигим керак эди. Бу таскин унга бошқача таъсир қилди, кўзларидан ёш оқди. Шунда Шералининг "Эркак йиғламасин дунёда" деган кўшиғи гўёки бир наърадай қулоқларим остида жаранглади.

— Ботир, бир жиҳатдан сен ҳақсан, яқинларим учун керакман. Аммо, бир жиҳатдан ноҳақсанки, ҳозир мен ўзимда йўқман. Йўқ одам борларга қандай далда бўлиши мумкин? Аксинча, ўз дарду ташвишим билан бошқаларга ортиқча юк бўлиш ниятим йўқ. Ахир менга кимнинг кўзи учиб турибди. Қолаверса, ҳамманинг менга ачиниб қарашини истамайман. Аввало, ўзимни топай, кейин яқинларимни ҳам топиб оламан... Муҳаббат худди қиздирилган ёғ, тушган жойида, албатта, чандиғи қолади. Майли, армон қолсин, ўкинч қолсин, аммо, қалбимдан унинг қиёфаси бутунлай ўчсин, бети қурсин.

— Тушундимки, бошингда бошпана бор.

— Ҳа, шу карвонсарой меники, яна Бектош ҳам. Қизим онасининг этагидан тутишди. Аввалига ўғлимдан ҳам воз кечмоқчи эдим. Аммо, у масалани чўрт кесди. "Мен қишлоқда ўсдим, қишлоқда яшайман", деди. Онаси унга нималарни ваъда қилмади. Машина, институтда ўқитиш, чиройли қизга уйлантириш...

Бектош шу гапларни охиригача ҳам эшитмади. Менга ҳам, унга ҳам қиё боқмай, секингина энамнинг қўлидан етаклаб, пастга тушиб кетди. Ростини, шу барабар уни кўрмадим. Энди, Москвага кетиш олдидан қишлоққа бораман, ота-онамдан дуо оламан.

— Анвар, — дедим ҳамон маҳзунлик сиртмоғидан чиқолмай, — айт-чи, асли Назокатта уйланаётганинда ота-онангдан розилик сўраганмидинг?

Анвар қалқиб кетди. Менга бошқача тикилди. Кейин бошини ерга тикиб деди:

— Ҳамма гапни ўзинг биласан-ку!..

Мана шу суҳбатдан сўнг Анвар Москвага кетди, Назокат ўша артистга турмушга чиқди. Ҳозир дўстим фан номзоди, доцент. Илмий ишини давом эттиряпти. Тез орада докторлик диссертациясини ёқлайди. Аммо, ҳанузгача уйланмади, "аёллар фақат кўнгилхушликка ярайди, умрдошликка чидамайди", — дейди.

#### 14

Бир муҳаббат тарихи ҳақидаги ҳикоя шу ерда тугади. Бу пайтда тоғлар орти оқаришиб, янги тонг кўз очаётганидан шаҳодат берарди. Меҳмонхона томон ҳалиям қоронғу, чироқлар ёруғида зулмат тафти

у қадар сезилмасди.

Орага жимлик чўқди. Мезбон ёстиққа ёнбошлаганича чуқур ўйга толганди. Ботир анчадан буён ўзини бу қадар тетик сезмаганди. Гарчи кечаси билан мижжа қоқмаганлигига қарамай, вужудини бардамлик тарк этмаганди. Аксинча муздай ҳаво, ғир-ғир эсаётган шабада, ичкарида ухлаётган суюкли ёрини ҳали-замон кўнгилга ором бағишловчи дийдори кўзларидан уйқуни тортқилаб кетгандай эди.

Ниҳоят, мезбон тилга кирди.

— Ўша Назокат деганингиз асли отасига оқ бўлмаганмикан?

Очиғи, масаланинг бунақа дангал ва қалтис қўйилишини кутмаган йигит бир неча сония эсанкираб қолди. Кейин бу тўғрида ҳеч қандай гап эшитмаганлигини айтиб, ёстиқдан бош кўтарди.

Мезбон ортиқ чурқ этмай, ўрnidан кўзгаларкан, яна юракни зирқиратувчи луқма ташлади.

— Хиёнат билан падарига оқ бўлишлик орасида фарқ йўқ ука, бири иккинчисига йўл очади, бири иккинчисининг елкасидан суяб, опичлаб юради. Эҳ, аттанг, дўстингизнинг бошига оғир савдо тушган экан-да.

У шундай деб ошхона тарафга юрди. Бироздан сўнг бамдод намозига жойнамоз ёзди. Ибодатини тугатиб, яна меҳмоннинг оддига келди. Ботир ҳам муздай сувда юз-кўзларини ювиб, чорпоядаги тўшаклардан жой ҳозирлаётганди.

— Сиз уринманг, мен ўзим, — уни тўхтатди қори ака. — Нима қилай, нонуштага мастава яхшими ёки бошқа овқат тайёрлатайми?

Ботир биринчи таклифни маъқуллади. Худди шу аснода ичкаридан гулли халат кийган Баҳор чиқиб келди. У ям-яшил майсалар орасидаги мрамар йўлакдан юриб, қирғоққа келди, хотиржам ўтириб ювинди. Сўнг ичкарига кириб, ўзига оро бериб чиқди. Шунда ҳам эркаклар оддига келмай, узоқдан саломлашиб, меҳмонхона орқасидаги малиназорга йўл олди. Ботир суҳбатдошига узр айтиб, санамига пешвоз чиқди.

— Ташқарида совқотмадингизми? — меҳрибонлик билан сўради Баҳор.

Ботир эрталабдан қалби нозик ҳис-туйғуларга лиммо-лим тўлган, бир кечалик айрилик юрагига бир йиллик соғинч азобини солган эди. Сарвқомат дилбарининг момиқдай қўлларидан ушлади.

— Йўқ, совуқ емадим, — деди нигоҳини қизнинг хумор кўзларига қадаб. — Ахир Баҳорсиз-ку, аммо сизда ёз ифори, саратон ҳарорати бор. Шулар кечаси билан менга ҳарорат бағишлади.

Баҳор нозланиб, ингичка қошларини учирди.

— Яхшику, ҳароратимни бир чақирим наридан ҳам ҳис қиларкансиз.

— Бир чақирим яқин-ку, Мағрибда турсангиз, Машриқда ўтириб сезаман.

— Ёлгон ярашмас экан, энди оширвордингиз.

Ботир ўзини оқлади.

— Асло, шоирлик мажнунлик, демақдир. Ишқ савдоси Мажнуннинг вужудини доимо оташ ичида сақлайди. Ҳали бирон ошиқ совуқдан ўлган эмас.

Баҳор ёввойи малиналар мевасини териб, Ботирга узатди. Кейин гина аралаш сўз қотди.

— Нега ошиқлар доимо ўз ҳолатини баён этишга уринадилар? Маъшуканинг изтироби уларни камроқ қизиқтиради.

— Сиз ҳақсиз, — кутилмаганда енгиланини тан олди йигит. — Ёдингиздами, Фарҳоддан Хисрав сўрайди:

Деди: Қайдин сен эй мажнуни гумроҳ?

Деди: Мажнун, Ватандан қайда огоҳ.

Деди: Қай чоқдин ўлдинг ишқ аро маст?

Деди: Жон эрмас эрди, танга пайваст.

Баҳор бир зум Ботирнинг оғзига тикилиб, ҳайрон бўлди. Кейин секингина чапак чалиб, уни олқишлади.

— Мен сизни қўшма корхона раҳбари десам, ширин забон актёр ҳам экансиз. Қойилман. Жуда таъсирландим. Тўғриси, Навоийни тушуна олмаганимдан хижолат тортаман. Биз Драйзерни, Гюгони, Гётени, Альбер Камьюни, Байрон, Стендални биламиз, Пушкинни, Лермонтовни, Тургеневни ёд қилиб юборганмиз, аммо, Навоийни жуда кам ўрганганмиз. Ўқитувчимиз Израиль Лаңдсман: Курраи заминдаги шоирлар орасида сўз бойлиги жиҳатидан Ҳазрат Навоийга етадигани йўқ, деганида жуда ғурурланган эдим. Аммо, буюк даҳонинг биронта ғазалини муфассал шарҳлашга ожизман. Сиз ҳозир "Фарҳод ва Ширин" дostonидаги байтларни шундай чиройли ўқидингиз-ки, чин юракдан ҳавасим келди.

Улар битта-битта босишиб, тоғ ёнбағрига чиқишди. Бу ердан юқорига ёлғиз оёқ йўл бор эди.

— Қизиқ, тепада нима бор экан? — Баҳор гапидан тўхтаб, йигитнинг эътиборини куёш нурлари ёғилаётган қояларга жалб этди.

— Ўйчи ўйлагунча, таваккалчи ишини битирибди, қолаверса, ўзбек бирон нарсани кўзи билан кўриб, қўли билан ушламагунча

ишонмайди. Юринг, айланиб келамиз.

Баҳор меҳмонхона тарафга қаради.

— Меҳмонлар туришса-чи?

Ботир унинг билегидан маҳкам ушлаб, юқорига тортди.

— Шаҳарликлар тушликкача кўз очишмайди. Айниқса, бундай мусавфо, беғубор ҳавода.

— Шошманг, Ботир ака, сиз ётиб дам олдингизми?

— Ҳа, мезбон билан анча дардлашдик.

— Нега мени ёлғиз қолдирдингиз?

— Кутдингизми?

— Ўринсиз савол! Мен сизни ҳамиша кутаман. Хўш, нега ташқарида ётдингиз?

Ботир бу саволга қандай жавоб беришга ҳайрон эди. Очиги, у нега шундай қилганини ўзи ҳам билмасди.

Билгани шуки, мезбондан тортинди. Гарчи у водийликларга хос тавозени жойига қўяётганлигига қарамай, меҳмонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб юрибди. Бунинг сабаби ҳам аниқ. Шоҳимардон — азизлар макони. Бундай табаррук қадамжолар пок ниятли, ҳалол, кўнгли тоза одамларни бағрида кўтаради. Аммо, ичкиликбоз, маиший бузуқ, фикри бузуқ кишиларни ёқтирмайди. Ёқтирмагани учун ҳам бир йил илгари қанча одамни сув ютиб юборди, ёмонларга қўшилиб қанча яхшиларнинг ёстиғи қуриди?.. Ҳозир бу мулоҳазаларни Баҳорга айтгани билан у тўғри тушунармиди? Модомики, шунақа ўйлар экансиз, у ҳолда мен билан юришга бало бормиди, демасмикан?

Хайриятки, юқорига кўтарилишгани сайин тоғ бағридаги ўтлоқлар, турфа гуллар, ям-яшил ўт-ўланлар, майса-ғиёҳлар, игна баргли арчалар Баҳорнинг бутун эътиборини жалб этган эди. У ҳатто ёнидаги йигитни ҳам унутган каби, табиат гўзаллигидан ҳайратланиб борарди.

Қир унчалик баланг эмасди. Юқорида катта сайҳонлик бўлиб, теварак-атроф турли дов-дарахтлар билан қопланганди. Энг чеккадаги дарахтлар орасига кимдир ҳашаматли, чор-атрофи очиқ айвон қурдирибди. Айвон ичига айлана шаклида ўриндиқлар ўрнатилганди. Бу ердан бутун Шоҳимардон қишлоғи кафтингизда тургандай яққол намоён эди.

Тонги елвизак Баҳорнинг вужудида титроқ уйғотди. У халатининг ёқаларини кўтариб, маҳкамроқ ўранди. Ботир индамай яқинлашиб, унинг белидан кучди. Баҳор ҳам йигитнинг пинжига суқулиб кириб олди. Худди шу кўйи ўтиришди.

— Раҳмат, Ботир ака, — деди Баҳор унинг кўксидан бош кўтармай. — Агар сиз таклиф қилмасангиз, бизнес оқимидан чиқолмай юраверардим. Одам тез-тез табиат кучоғида дам олиб туриши зарур экан. Умуман айтганда, шаҳар муҳити инсонни дағаллаштириб юборади, шекилли.

Ботир аёлнинг майин сочларини авайлабгина силаркан, севиш ва севилиш нақадар бахт эканлигини қалбан туйди. Бекорга "Севги — Аллоҳнинг туҳфаси" дейишмас экан-да. Жуда қизиқ, кечагина Андижонда шундай аёл яшаётганлигини ҳатто тушида ҳам кўрмаган йигит, бугун унингсиз ҳаётини тасаввур ҳам қилолмаслиги моҳиятини англашга қодир эмасди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади-ю, лекин, мана шу — сўзлари самимий, юраги тоза, барчага бирдай ишонувчан санамга бутунлай боғланиб қолса-я. Авваллари кўпроқ ишини, хаста хотинини, оиласини ўйларди. Энди уларнинг барчаси тарозининг битта палласида-ю, Баҳор ташвиши алоҳида паллада. Куни кеча битта оқ қоғозга бир неча тилда "Баҳорни соғиндим" деб ёзиб чиқди. Ўринбосари кўриб ҳайрон қолди. "Ахир, баҳор узоқлашмай, дарров қўмсаяпсизми?" — дейди у жумла мағзини чақмай.

Баҳорнинг майин, титроқ овози унинг хаёлини бузди.

— Мен сизни узоқ кутдим, — деди у худди ўзига-ўзи гапираётгандай. Шу топда бу товуш энтиктирувчи кучга эга эди.

— Мен ҳам! — Ботир ҳали тафаккур қилмасдан шу жумла дилидан тилига кўчди.

— Ҳаётимга сокингина кириб келдингиз-у, бутун борлигимни остин-устун қилиб юбордингиз. Авваллари ўзим хон, кўланкам майдон эди. Энди эса оромимни йўқотдим. Доимо сизни ўйлайман, кўнгирогингизни кутаман, агар бир кун йўқламасангиз ўзимни қўйгани жой тополмайман. Севги шунақа кучлими? У қўлсиз, оёқсиз одамни таъқиб қиларкан, ипсиз боғлаб қўяркан. Мен бировга "ҳисобот" беришни сира ёқтирмасдим. Энди эса қаерга бордим, ким билан суҳбатлашдим, эртага режаларим қандай, шуларни сизга айтмагунча кўнглим тинчимайди.

Ботир ҳам нозик туйғулар оғушида сармаст эди.

— Менинг дардим мутлақо бошқача, — деди у қаршисидаги балаң қояларга ўйчан тикилиб.

Баҳор бошини кўтариб, йигитнинг кафтига иккала қўлини қўйиб, сўради:

— Қанақа дард экан, билсак бўладими?

— Бу шундай дард-ки, айтсам тилим, айтмасам дилим ёнади.

Аёлнинг қоп-қора киприклари катта очилди, кўзларида хавотир зуҳурланди.

— Мени кўрқитманг!

— Унда, эшитинг. Мен доимо бир ҳадиқда яшайман. Назаримда, менинг севгим сизникидан кучлироқдай туюлади. Бу эса қалбимда ҳадиқ уйғотади. Худди бир кунмас-бир куни мени ташлаб кетиб қоладиғандайсиз. Ў, бу даҳшатни идрок этмоқнинг ўзи қанчалар оғир, қанчалар азобли.

Баҳор пешонаси билан Ботирнинг елкасига туртди.

— Толган гапингизни қаранг. Одамни ҳам чўчитиб юбордингиз. Ҳеч маҳал муҳаббат ўлчовга сигармиди? Агар шу ишнинг уддасидан чиқолсангиз, айтинг-чи, ишқингиз қанча тош босади?

— Шоҳимардон тоғларича салмоғи бор, — жиддий туриб деди йигит. — Хўш, сизники-чи?

Баҳорнинг жавоби ўзи каби гўзал чиқди.

— Мен севгимни тарозига қўймайман!

Йигит энгилганини тан олди. Қизнинг яноғидан ўпиб, ўрнидан қўзғалди.

— Етар, яна меҳмонлар етим қўзидай жовдираб қолишмасин.

Гарчи Ботир шу гапни айтганига қарамай, пастликка тушишга шошилмади. У теварак-атрофдан оқ, қизил, пушти сафсар гуллар териб, чиройли гулдаста ясади.

— Вой, мунча чиройли, бу гуллар менгами? — Баҳор югуриб унинг қўлидаги гулдастани олди.

— Ана энди тушсак бўлаверади.

— Йўқ, шошилманг, — Баҳор йигитнинг билагидан тортиб тўхтатди.

— Яна нима кўргулик? — Ботир орқасига ўтирилди.

— Аняга ҳам гул терайлик.

— Нега энди, яхшиси, бу масалада Анвар Чориевич бош қотирсин.

— Йўқ, аёл кишини хафа қилиш яхшимас, ёки мен шу гулдастамни бериб юборишимни хоҳлаяпсизми?

— Асло! Бу гуллар ердан эмас, қалбимдан узилган ва фақат сизга аталган. Меҳмон учун биров вақт сарфласак зарари йўқ.

Ботир шундай деб гуллар барқ уриб очилган сайҳонликка ўзини уради.

## 15

Анвар Чориевич қовоқлари шишиб, писта кўзлари зўрға очилган ҳолатда уйқудан уйғонди. Боши худди ари уясидай ғувилларди.



Бунинг устига томоғи қақраб кетибди. Оғзини очмоқчи эди, чиппа ёпишган лаблар бир-бирини қўйиб юбормади. Ўз аҳволдан кулгуси қистаб, лабининг ярмида жилмайди. Яхшики, шу тобда кўзгута кўзи тушмади. Акс ҳолда қиёфасидан юраги орқасига тортиб кетарди.

У ҳузурланиб ётаркан, тезроқ бош оғриғига малҳам топишни истади. Бунинг учун ўрнидан қўзғалиш керак. Ҳаётда энг жини суймайдигани эрталаб туриш. Қанийди иш вақти пешиндан бошланса, то ярим кечагача ишлар эди. Фақат тонг саҳарлаб уйғотишмаса, бас.

У Аня ётган каравотга эринибгина ўтирилди. Ўрин бўм-бўш, кўрпа-ёстиқлар теп-текис. Демак, энди оромини бузмаса чатоқ, бу москвалик хоним ҳазил кўтармайди. Димоқ-фироғи бурнининг учида туради. Яна феъли айниб, кетаманга тушиб қолмасин.

Шу ваҳима билан қандай спорт костюмини кийиб, қачон йўлакка чиққанини сезмади. Ўзиям биринчи кўзи тушгани жазмани бўлди. У сочларини ёзиб, тонгги қуёшда қораймоқда эди. Юзини сариқ шляпаси билан обдон беркитибди, кофтаси йўқ, эгнида кенг юбка.

— Яхши ётдингми, малагим!

Аня қимир этмади. У худди мумиёлангандай қотиб қолганди. Анвар ёнига яқинлашганида, "яна беш дақиқа", — деб машғулотида давом этаверди. Йигит ҳам "худого шукр" айтиб, анҳор бўйига югурди. Йўл-йўлакай чорпоя устидаги тўкин дастурхонга қараб, бир нафас тўхтади. Ўйланди, сўнг ортига қайтиб, кечкурун шишада қолган "шайтон суви"дан пиёлага қуйди.

Аввал ён-верига қаради. Ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, пиёлани бир ҳамла билан бўшатди. Газагига маъданли сувдан ҳўплаб, юзини ювгани сал наридаги қияликка энгашди. Кеча сувга ағдарилгани ёдига тушиб, бир қўли билан ёш қайрағоч танасини ушлаб олди. Энди юзини момиқ сочиққа артаётганида, меҳмонхона орқасидаги пастқам йўлдан қўл ушлашиб, Ботир билан Баҳор тушиб келишди. Уларга қараб, Анвар ўзининг Назоқат билан ўтказган гўзал дамлари ёдига тушди. Кўнгли бузилди. Эрталабки ароқ таъсирида қисик кўзларида аччиқ ёш думалади. Миясига урилган фикр қалбини тўлқинлантирди: севги худди шаробга ўхшаркан. Аввал ўзига тортади, сўнг сархуш ҳаётга етаклайди. Кейингиси фақат бош оғриғи... Ишқилиб, Ботирнинг омади чопсин, — оққўнгиллик билан орзулади у. Аммо, бу ниятига ўзи ҳам унча ишонмади. Оила деб аталмиш пойдевори мустаҳкам қўрғон ичида асрай олинмаган муҳаббат уч киши орасида кўкарармиди?

Дўстининг ҳозирги қувончи худди сув сиртига қурилган иморатга

ўхшайди. Четдан маҳобатли ва жозибадор, ҳақиқатда эса, омонат. Майли, асли дунё шундай яратилгач, бошқаси чикора. Тўрт кунлик умрининг бир сониясини хуш ўтказгани қанча. Барибир тугал бахт ҳақидаги умид ҳаёлий хилқатга ўхшайди. Ойнинг ўн беши қоронғи экан деб, қолганидан воз кечиш бориб турган нодонлик. Аксинча, шундай умргузаронлик қилмоқ керакки, ўша ёруғ кунлар ортидаги зулматни-да ўзидан узоқлаштирсин, бир ойлик саодат завқини берсин.

— Анвар ака, ассалому алайкум, яхши дам олдингизми?

Баҳорнинг жавдираган нигоҳи, файзиёб чеҳраси, ёш болаларга хос беғуборлиги меҳмоннинг кайфиятига таъсир этмай қолмади.

— Ботир, бу саломми, каломми ёки булбул хониши? Ўлай агар, бу овозни эшитган Шоҳимардон қушлари уялиб, жанубга қанот қоқишади. Бу мусиқа ўликни тирилтириб, тирикни ўлдиради. Ё худо, дунёдаги чирой, қадди-қомат ва ширин забонни атиги бир маҳлиқога бериб, қолганларини камситишингдан не наф кўрдинг-а?

Баҳорнинг юзлари лола янглиғ қизарди, уялиб бошини Ботирнинг елкасига яширди. Бу ўринда Анвар Чориевични сўзамолликда айбсйтиш, хушомадга мойиллигини писанда қилиш ортиқча. Илло, чиндан ҳам ул париваш ҳусни-жамоли гунгнида сайратиб, соқовни сўйлатадиган даражада таърифу таҳсинга лойиқ эди.

Кўм-кўк майдон этагида қўлида патнис кўтарган мўйсафид Аняни кўриб, таққа тўхтади, дарров юзини тескари бурди. Шу куйи бу тарафга қарамай, ошхонадаги ўспиринни чақирди. Мўйлови сабза урган новча йигитча ота қўлидаги патнисни олиб, тезда дастурхон устига қўяркан, меҳмонларни нонушпага таклиф қилди. Бу манзарани кузатиб турган Баҳор битта-битта босиб, москвалик аёлга яқинлашди, қулоғига бир нималарни шивирлади. Меҳмон юзидаги шляпани олиб, Баҳорга нигоҳ бурди. Сўнг нозик табассум ила "пусть" деб, яна бояги ҳолатига кирди.

Қуёш чўққига миниб олган, унинг нурлари ерга найза каби ёғилаётгандай эди.

— Аня, — деди Баҳор янги дугонасини мезбон тарафдан пана қилиб. — Ҳозир қуёшда ультрабинафша нурлари кучайган пайт, эҳтиёт бўл, кейин баданингни фаранг косметологлари ҳам "суваб" кетолмайди.

Шу гапни эртарақ айтиши керак экан. Рус оймқизи худди оёғи остига ўт ёқилгандай жилпанглаб, меҳмонхонага қочди. Тахминан ўн беш дақиқаларда ўзига оро бериб чиқди. Унинг қомати худди фотомоделларникидай хушбичим ва таранг эди. Ёши ўттиздан

ортганига қарамай, қизлардай кўркини йўқотмаганди.

Шу нафосатию назокатига монанд эркалиги ҳам бир олам эди.

Баҳорнинг бўйи ундан бироз пастроқ, гавдаси хиёл тўлароқ туюларди. Юзидаги ҳаё пардаси унинг табиий чиройини ўн чандон ортиқ кўрсатарди. Бир сўз билан таърифлаганда, бириси шамсу, иккинчиси қамар, бири нақш олмаю, иккинчиси Наманган нокидай тиниқ фаришта эдилар.

Аня узун оёқларини букиб ўтиролмай қийналгани боис ёнбошига иккита ёстиқ тахлаб қўйдилар. Тонгги субҳ сабоси қизларнинг сумбул кокилларини тортқилаб ўйнаб, тинимсиз тегажоқлик қилаётгандай.

— Яхшики, болиш бор, йўғи иккита, — деди Баҳор бошини кўтармай.

— Аксинча, ёмон, — унга қарши фикр билдирди Ботир. — Агар яна бўлганида, сиз ҳам суяниб олардингиз.

— Мен болишга эмас, сизга суянишни хоҳлайман, — деди Баҳор ер остидан йигитга қараб. Анварга бу луқма маъқул тушди.

— Офарин, синглим, чиндан ҳам топиб айтдингиз. Ҳақиқий эркак севгилиси учун мустаҳкам қоядир.

Ботир ҳам бўш келмади.

— У ҳолда хонимингизнинг ёнбошидаги болишларига не ҳожат?

— Ҳожати бор, — жиддий тус олди Анвар. — Ҳожати шуки, қоя тошдай қаттиқ. Аня момиқдай юмшоқ, билсангиз ҳазрат Атойи: Ул париким, сув яқосинда паридек ўлтирур, гоёти нозиклигидан, сув била ютса бўлур, деб бизнинг ойсулувларни таърифлаган-да. Тўғрими, Аняхон?

Аня ўзбекча ибораларни тушунмаганлиги боис, бу сўроққа зътибор бермай, ҳусайни узумини доналаб, уруғини териб, бемалол ейишда давом этди.

Нонушта тутади. Маставани алқаб тановул қилдилар.

— Пешинга қадар Кўли қуббон зиёратига чиқамиз, — тақлиф киритди Ботир. Сўнг бу кўлнинг тарихи, гўзаллиги, сувининг ложувардлиги ҳақида меҳмонларга сўзлаб берди. Тақлиф бир овоздан маъқулланди.

— Шарт шуки, ҳамма спортча кийиниб олиши керак. Кўлнинг ярмигача осма йўл билан борамиз. У ёғи тоғлик, ҳарсанг тошлар кўп.

Дуога меҳмонхона мутасаддисини тақлиф қилишди. Баҳор ҳамма ўрнидан турганида, дастурхонни йиғиштирмоқчи эди, мезбон кўнмади.

– Сизлар ҳордиқ чиқаргани ташриф буюргансизлар, хизматни йигитларимга қўйиб бераверинглар.

Баҳор раҳмат айтиб, хонасига йўналди. Ботир ҳам унинг ортидан кетаётганида, қори ака уни тўхтатди:

– Ботиржон болам, айбситмасангиз, сизда икки оғиз гапим бор эди.

Йигит сал нарида кетаётган Баҳорга "бераверинг" дегандай ишора қилиб, ўзи яна чорпояга келиб, омонатгина чўқди.

Мезбон калта мошгуруч соқолли, қарашлари ўткир, лутфи кескир, гаплари анчайин ўктам киши эди. Бир кечалик мулоқот унинг бу сифатларини англаш учун Ботирга кифоя қилганди. Ҳозир мавзу кечки овқат масаласидадир-да, деган ўйдаги йигит биринчи саволдан кейиноқ адашганлигини фаҳмлади.

– Менинг қизиққонлигимни маъзур тутгайлар, – гапни узоқдан бошлади мезбон. – Агар малол келса, мен дил очмадим, сиз эшитмадингиз, маъқулми?

Меҳмон индамай қуллуқ қилди.

– Айтинг-чи, шу аёлда кўнглингиз борми?

Ботир ялт этиб, суҳбатдошига қаради.

– Шундай, тақсир.

Сўроқ давом этди:

– Ҳойнаҳой, никоҳингиз йўққа ўхшайди.

Йигит мулзам тортди. Бироқ, кўнгли оғримади. Қайтанга устози қаршисидаги мурид каби бош эгди.

– Шундай, тақсир!

– Ўзим ўйлагандай-а! Ё тавбангдан кетай, Аллоҳим. Биз ожиз бандаларни ўзинг кечиргайсан. Шу мулоқотдан сўнг қори ака яна савол берди.

– Модомики, ишқингиз тушибди, нега шу пайтгача ҳалоллаб олмадингиз?

Ботир пиёлага чой қуйиб, қўлига ушлади. Аммо, ичишга шошилмади.

Мўйсафид ҳақ эди. Нега бу тўғрида илгарироқ фикрламади? Қўрқдимми? Кимдан? Нимадан? Илгари замон бошқа эди, энди – чи? Эҳтимол қўш хотинлик залвори ва гап-сўздан ҳадиксирагандир, одамлардан чўчигандир? Эл-юрт маломатидан ҳавотирланишга етган ақли нега Худодан қўрқишга етмади? Ахир кўнгил кўнгилга пайвандлиги зино гуноҳига кафорат эмас-ку. Икки қалбнинг бир-бирига орзиқишида мислсиз ҳаловат ётади. Аммо беникоҳ қовушмоқлик ўша ҳаловатни ҳабадага чиқармайдими?

Бундай яқинликдан эришилган вақтинча ҳаловат ортида интиҳосиз ҳаловатсизлик, то қиёматга чўзилгувчи хавотир кутмаяптими?...

Унинг дилидаги ички кечинмаларни суҳбатдоши "ойнаи жаҳон"да кўриб тургандай, энг оғриқли жойидан ушлаб, қисти — қафасга соларди.

— Муҳаббат — илоҳий ишқнинг қаноти, дебочаси. Уни аввал — бошдан покиза сақламоқ жоиз. Ахир, қайси инсон ўз севган одами юзига қора чаплайди? Аксинча, ҳозиргина бошига гулчамбар, дастига гулдаста тутқазиб қўйибсиз. Бу, зоҳирий илтифот. Ботинда эса дилига лой суртяпсиз, қалб кошонасини топтаяпсиз, чиннидай тоза жойга ахлат ташлаяпсиз. Афсуски, буни оддий кўз билан илғаш маҳол. Бироқ, қалб кўзи чароғон кимсаларга ҳар нарса кундай равшан.

— Очиғи, маҳбубам бу таклифга кўнмасмикин, деган иштибоҳда эдим...

Ботирнинг асоси заиф туюлди. Ҳатто бу далилига ўзи ҳам ишонмади. Қори ака илк бора мийиғида кулиб қўйди.

— Яна севган кишингизга туҳмат тошини отаяпсиз. Ҳеч қачон ҳақиқатдан юз ўгирманг, аксинча, унинг руҳсорига тик боқинг. Ана шунда йўл қўйилажак гуноҳлар халтаси дарров тўлиб қолмайди, ҳидоят йўли тўсилмайди.

Сиз мenden ранжиманг. Яхшиси, қори ака нега бизнинг тақдиримизга аралашаяпсиз, деб сўранг. Сўраёлмайсиз, андиша жиловидан ушлайсиз. Ҳолбуки, дўппи тор келганида, андиша бошга соябон бўлолмайди. Ҳа, майли, гап кўпайса, мазаси қочади, мағзига путур етади. Хуллас, гап бундай, менинг безовталигим асносида бир ҳикмат зоҳир. Ҳикмат шуки, ўша аёлнинг дилида фаришталар бор. Хайрият-ки, улар бу маконни тарк этишмабди. Бунинг сир-синоатини мен тавсиф қилолмайман, фақат Ўзига аён. Айтинг-чи, бирор марта шу аёлингиз доимо иши юришавераётганини айтганми, ёмонлик йўли кесилгани ҳақида оғиз очганми?

Ботир бир муддат ўйга чўмди. Кейин Баҳорнинг:

— Ботир ака, ҳамма божхонадан қийналиб ўтади, мен эса худди у хонадан, бу хонага чиққандай хавотир сезмайман. Дилимда бир ишонч ётади. Фурсати етганида, кимдир энди йўл очиқ, дейди. Гоҳида бирон ишқаллик юзасидан божхонага киришим чўзилади, асида бу "хавф"дан асраш бўлиб чиқади, — деганларини айтиб берди.

— Ҳа, баракалла! Шундай аёлни залолатга бошлаш кечирилмас

хатолик эмасми?

— Ҳа, албатта! Сиз кўзимни мошдай очиб қўйдингиз.

Қори ака яна жиддий тус олди. Унинг серсоқол чеҳрасида ажиб файзиёблик зуҳурланди.

— Ҳали бу ҳаммаси эмас. Бу аёлдаги хислат ёғдуси танангизга мадор, сийратингизга нур бағишлайди. Сиз бу кучдан доимо кудрат топурсиз. Аммо вақт-соати келиб ундан айрилсангиз, бу йўқотиш даражоти биласизми нимага тенг келади?

Ботирнинг кўзлари катта-катта очилди. Ҳайронлиги кучайди.

— Йўқ, қори ака, мутлақо ғофилман.

— Бир умрга эслаб қолинг, бу айрилиқ сизга қимматга тушиши мумкин.

— Тўшунмадим?

— Яхши, унда қулоқ солинг. Уйни чироқ чароғонлаштиргай. Маҳбубангиз сизнинг йўлчи юлдузингиздир. Юлдуз учса — умр сўнгай. Энди англагандирсиз. Маслаҳат шуки, мабодо бу зоти олияларини ҳифзи-ҳимоянгизга олсангиз, охирига қадар қўша-қаришлик тадоригини кўринг. Агар бунга кўзингиз етмаса, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолгани яхши.

Ботир икки ўт орасида ёнарди. Аввалига суҳбатдошининг гапларини шунчаки насиҳат ўрнида кўраётганди. Энди масала анча жиддийлашганини англади. Ҳозир-ку битта "хўп" билан қутилиши мумкин. Кейинчалик чиндан ҳам мўйсафид огоҳлантирганидай аросат йўлда қолса-чи? Ёки Баҳорнинг фикри ўзгариб, ўзини олиб қочса-чи? Эҳтимол, бу хавотирларида асос камдир. Унда Олиянинг, ўғли Қодирнинг тақдири не кечади? Ҳа, майли, вақт олий ҳакам. Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Гарчи, бошқача ўйлаганида ҳам, барибир Баҳорни ҳаётидан, ёзуғидан чиқариб ташлай олмайди. Бу масаланинг бир жиҳати. Шу билан бирга, никоҳига ўтгани розилик берармикан? Эркин қушнинг қўлга ўрганиши оғир машаққат. Эҳтимол, унга ҳозирги ҳаёти ёқар. Яна ким билади?

— Қўрқяпсизми, болам?

Ботир ҳижолат тортиб, сохта жилмайиш билан суҳбатдошига қаради.

— Одам севганидан ҳам чўчирмиди? Лекин, унинг раъйини билмасдим, шунга нима дейишга ҳайронман.

— Қизиқ гапирдингиз-ку, эркак билан бир тўшақда ётишга ройиши бор аёл ҳалол яқинликка хоҳиш билдирмайдими? Менимча, сиз адашяпсиз. Қани, иссиғининг борида маслаҳатлашинг иш пишса, ўзим никоҳлаб қўяман. Кейин менинг ҳам, сизларнинг ҳам

кўнглингиз равшан тортади.

Ботир ичкарига кирганида, Баҳор ойнага қараб лабларини бўяётганди. Уни кўриб, машгулотини тўхтатди. Худди ўнинчи синф қизларидай жойида сакраб, бир-икки айланди.

— Кўринишим яхшими, Ботир ака?

Йигит ҳазиллашди.

— Йўқ, мутлақо яхшимас!

Баҳор бир зумда шамдай қотди.

— Вой, нега? Бирон жойимда ишкалик борми?

— Айтдим-ку яхшимас, деб. Яхши дейиш билан баҳоингизни пасайтирган бўламан, аслида жуда зўр.

Баҳор йигитнинг бўйнига осилиб, яноғидан ўпди.

— Шунақаям ҳазиллашасизми, қўрқиб кетдим. Ҳа, тинчликми, ўйланиб қолдингиз?

— Биласизми, Баҳор, шу топда миямга бир фикр қўнди.

— Хўш, эшитайлик-чи, қандай янгилик экан?

— Янгилик шуки, мен сизнинг қўлингизни сўрамоқчиман?

Қиз нозланиб ўнг қўлини узатди.

— Нафақат қўлим, қалбим ҳам сизнинг ихтиёрингизда.

— Шу қарорингиз қатъийми?

— Ҳали шубҳангиз бормиди? Унда мени тушунмас экансиз-да.

Йигит қизнинг қўлидан маҳкам ушлади.

— Келинг, шу аҳдимизни исломий йўл билан мустаҳкамлайлик.

— Тушунмадим?

— Шу муқаддас қадамжоларда никоҳ ўқитайлик, гуноҳга йўл қўймайлик. Барибир, бизни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ажратолмайди.

Баҳорнинг кўзларида қувонч порлади. Киприклари намланди. Индамай бошини йигитнинг кўксига қўйди.

— Шу таклифни қачондан буён кутаётганимни билсангиз эди...

Иккаласи етаклашиб чиқишганидаёқ, мўйсафид улар ўзаро келишганлигини тушунди. Никоҳ маросимида Анвар билан Аня, яна бир ошпаз киши қатнашди.

Қори ака ёшларни исломий оила қурганлиги билан қутлаб, эр — хотинлик ҳуқуқ ва бурчларини тўла адо этишга чақирди.

— Қизим, — деди у Баҳорга юзланиб. — Бугундан эътиборан Ботиржон сизнинг шаърий эрингиз. Ўйлашимча, анча зукко аёлсиз, ҳеч қачон шу йигит измидан чиқмасликка ҳаракат қилинг.

Баҳор ял-ял ёниб, худди илк бора чимилдиққа кирган келиндай бошини кўтаролмасди.

— Хўп, тоға, — деди у сокин овозда.

— Сиз эса, — энди мезбон йигитга ўтирилди. — Шу аёлнинг барча камчилиги, рўзғори ва истакларини бажарасиз, асло камситмайсиз, хорламайсиз.

— Жоним билан, — деди Ботир ҳаяжонланиб.

Қори ака ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди.

— Тўй ошини кечқурунга тайёрлаб қўяман. Энди бемалол сайр — томошага чиқишинглар мумкин.

... Бир ҳафта кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Меҳмонлар қори ака, ошпазлар билан хайр-хўшлашиб, машинага ўтирдилар. Қишлоқдан узоқлашаётганда Баҳорнинг чеҳрасига хомушлик соя ташлади.

— Сизга нима бўлди? — меҳрибонлик билан сўради Ботир йўлдан кўз узмай.

— Назаримда, Шоҳимардон мен учун онамдай азиз жойга айланиб қолгандай. Уни тарк этиш кўнглимда соғинч ва ташналик туйғуларини уйғотмоқда... Мен сизга танимни бағишлаган эканман, энди бутун вужудим, борлигим ихтиёрингизда. Мен тул хотинлик либосини ечдим, бошимда сиздай суюкли эрим бор. Илагари ёш эканман, бу каби таассуротларни илғамабман. Ҳозир эса бахтимдан энтикиб, ўзимни сиғдиrolмаяпман.

Ботир ўнг қўли билан Баҳорнинг елкасидан кучиб, ўзига тортди. Қиз ҳам шундайгина у тарафга эгилди.

— Ҳой ёшлар, бу нима қилиқ, — орқадан Анварнинг ваҳимали ҳайқириғи янгради.

Жавоб ҳам ёнидан эшитила қолди.

— Уларни тинч қўй, буни ишқ, дейдилар.



# **ИККИНЧИ ҚИСМ**

Неъмат Солиевич вилоят прокурори ўринбосари Мамоқовни синчиклаб кўздан кечиргач, столи устидаги ёзувларни эринмай қараб чиқди. Доимо одамларни даҳшатга солган таниқли қонун посбони шу тоғда профессорнинг бир оғиз гапига маҳтал эди. Унинг қорамағиз юзи анча синиққан, бургут кўзларидай нигоҳи сўниқ, бурун атрофидаги ажинлар анча чуқурлашган эди.

Ниҳоят, шифокор қоғозлардан бош кўтариб, Мамоқовга назар ташлади. У одатда гапнинг индаллосини айтиб қўяр, беморнинг ҳолатини сира яшириб ўтирмасди.

— Айтинг-чи, Қосимжон Мамоқович, яшашни хоҳлайсизми?

Прокурор муовинининг овози ўзгарди. Шубҳасиз, бу таъкид унинг юрагига ботмаганди. Ҳозир сиҳат-саломатлигигина эмас, жони шу одамнинг қўлида. Агар ўз дардини билмаганида, бунақа муомала учун, албатта, ҳисоб-китоб қилишдан тоймасди. Дилидан не ўтса ўтди, лекин, тилида бошқа лутф янгради.

— Албатта, Неъмат Солиевич, ҳар ҳолда ҳали ёшмиз, олдинда режалар бор.

— Ҳа, Аллоҳдан умидим кўп денг...

Мижоз бу фикрни астойдил маъқуллади.

— Шундай. Айни ўйнаб — куладиган вақтимизда "мотор" устук бериб турса-я.

Профессор кулиб қўйди.

— Очиғи "устук" бергани сизнинг фойдангиз. Негаки кўкрак қафаси ичида муштдай тирик жон борлиги ёдингизда туради. Одамзод буткул ишни ўзим бажардим деб, катта кетаверади. Ҳолбуки оғирлик шу митти аъзо зиммасига тушади. Хулмас, гап бундай. Агар яшашни истасангиз ишдан бўшайсиз.

— Нима?!!

Мамоқов жон ҳолатда тик туриб кетганини пайқамади.

— Юрагим шунақа заифми?

Неъмат Солиевич уни тинчлантиришга уринди.

— Агар сизнинг фикрингизни тасдиқласам, жуда оширворган бўламан. Бироқ, юрак чиндан ҳам муолажага муҳтож. Қанча тез даволансангиз, шунча яхши.

Мижоз оғир тин олди. Жойига чўқди.

— Хўп яхши, клиникангизга ётаман. Аммо, ишдан узоқлашиш шартми? Бугун масъулият менинг елкамда турибди, вазият ҳам

қалтис...

Профессор бўш келмади.

— Мен амалдор эмасман, бор-йўғи саломатлик посбониман. Агар юракка дам бермасангиз, кейин ҳордиққа ҳам унамай қўяди. Сиз ҳозир ўзингизни ўйланг, иш бўлса қочмайди.

Қосимжон Мамоқович индамай қўзғалди. Эшик ёнига борганида, хона соҳибига базўр илжайди. Аммо, ташқарига чиқиб кетолмай, орқасига қайтди.

— Розиман, фақат ўзингиз даволайсиз.

— Бу, бошқа гап. Камида бир йиллик таътилни мўлжаллайверинг. Ўшанда яна отдай кишнашингизга кафилман. Ҳозир ҳар бир стресс асабингизни зговлайди, бошқа аъзоларга хунук таъсир кўрсатади.

Мана, еттинчи палатада қўшма корхона раҳбари Ботир Аҳмедович, деган йигит ётибди. Сизнинг-ку ташҳисингиз аниқ. Бир ҳафтаки унинг дарди қоронғу. Чунки у ҳам оила, корхона, ҳокимият, деб касаллик бош кўтарганида, писанд этмаган. Юриб енгвораман, деб ўйлаган. Алаҳусус, ҳозир аҳволи оғир. Кеча водийлик ҳамкасблар иштирокида консилиум ўтказдик, аммо, аниқ фикрга келолмадик. Сизга ҳам маслаҳатим шу, тезда амал курсисини топширинг.

Қосим Мамоқович эрталаб келишга ваъда бериб, касалхона ҳовлисига чиқди. Неъмат Солиевич яна Ботир ҳақида ўйга чўмди. Касаллик варақасини қўлида ушлаб, унинг ҳар бир сатри ёд бўлиб кетганлигини эслади. У ўз оёғи билан келиб, шифохонадан "темир от" да кетган касалларни кўп кўрган. Бундай воқеа ҳамиша шифокор қалбида чандиқ қолдиради, кайфиятини бузади.

Ўтган бир ҳафта мобайнида Неъмат Солиевич Ботирни худди ўз ўғлидай ёқтириб қолди. Ҳамиша катта-катта кўзларини шифтга қадаб, ўйчан ётадиган бу йигит юрагида катта жароҳат борлиги аниқ. Лекин, у қандай яра, қандай касаллик?! Нега у юзини кўрсатмайди, денгиз тубидаги йиртқич жонивордай беркиниб тишини қайрайди?

Ҳар кунги ташриҳлар, ташҳислар сира ўзини оқламаяпти. Қаранги, ҳамма аъзо соат каби бир маромда ишляяпти, лекин, соғлиқ кун сайин орқага чекиняпти. Кеча Патидин Кулсинович ҳам бемор билан анча гаплашиб, охири бир қарорга келолмай, бош чайқаб чиқиб кетди.

Ҳаётда чорасизлик энг оғир қисмат. Тиббиётда эса фожианинг ўзи. Кўзлари жовдира ётган беморга ёрдам кўрсатолмаган духтир ҳолатини фақат бошқа ҳамкасбигина тўла тушуниши мумкин.

Шу пайт Неъмат Солиевичнинг қўл телефонида "Ёлғиз чўпон" мусиқаси янгради. У столи устидаги кафтдай матоҳ қопқоғини очиб, қулоғига яқинлаштирди. Устози Патидин Кулсинович экан. Бу жонсарақ профессор уйига бориб ҳам тинчимабди-да.

— Неъматжон! — Устознинг ўқтам овози тиниқ эшитилди. — Анови германиялик ошнангиз ким эди? Ҳа, ўша билан боғланмайсизми? Тўғри, уларда назария оқсайди, аммо, амалиётда биздан анча илгарилаб кетишган. Манзилгоҳи борми? Жуда яхши, электрон почта орқали барча тапшиқларини жўнатинг, эҳтимол, чиқмаган жондан умид, деганларидай бирон янгилик топилиб қолар. Иложи бўлса, шу буғуноқ боғланинг. Хўп, сизга муваффақият...

Неъмат Солиевич вақтни бой берадиганлар тоифасидан эмасди. Боз устига, беморнинг жони қил устида, агар озгина ҳаялласа, виждон азобида қолиши аниқ. У монитор ёнига ўтиб, компьютерини очди, мюнхенлик кадрони, асли Россияда ўқиган Давид Васильевич Неберидзенинг электрон почтасини топди. Ботирнинг касаллигига оид энг муҳим ташриҳ ҳамда бошқа тиббий хулосаларни қисқача баён этиб, манзилга жўнатди. Ҳар эҳтимолга қарши ўз почта қутисини очиқ қолдирди.

"Ишқилиб тезроқ кўзи тушсин-да, — ўйланди у. — Давид Васильевич бундай мураккаб вазиятларда доимо ёрдам қўлини чўзган".

Асли улар бундан уч йил муқаддам халқаро кардиологлар конгрессида танишган эдилар. Ўшанда юрак хуружининг руҳиятга боғлиқлик муаммолари хусусида баҳс-мунозарали чиқишлар бўлганди. Ўзбекистондан таклиф этилган олимлар ичидан Неъмат Солиевичга маъруза учун сўз берилди. Очиғи, у бу чиқишга роппароса уч ой тайёргарлик кўрган эди. Шу боис, дунёнинг турли бурчакларидан келган кардиологлар унинг илмий маърузасини қизгин олқишладилар. Танаффусда америкалик машҳур олим, Нобель мукофоти совриңдори Леонардо Игнарро ўзи ёнига келиб, самимий муборакбод этди.

— Менга, айниқса, таклифларингиз маъқул, — деди у ёқимли жилмайиб. — Билсангиз, азизим, фан қутилмаган таклифлар асосида ривожланади. Олимнинг хато фикридан ҳам натижа чиқиб қолиши мумкин. Ахир, фаранглар бекорга "хато фикр ҳам фикр", дейишмайди-да.

Неъмат Солиевичга профессорнинг самимияти жуда ёқди. Улар қўлтиқлашиб, ойнаванд залнинг охиригача суҳбатлашиб бордилар. Ортга қайтишаётганида, уларга баланд бўйли, қомати тик, тепакал,

сап — сариқ киши қўшилди. У ўзини Давид Васильевич, деб таништиради, америкалик ҳамкасбига унча аҳамият бермай, ўзбек олимини гапга солди.

— Маърузангизда ноёб фикрлар кўп. Шу боис, мен сизга илмий ҳамкорлик таклиф қилмоқчиман. Гап шундаки, кўпчилик шифокорлар юрак фаолиятига у хасталикка дуч келганидан сўнг эътибор қаратадилар. Ҳолбуки, юрак асло оғримаслиги, аниқроғи, оғришига йўл қўймаслик зарур. Сиз мени тушуняпсизми? Аммо, бу масаладаги мушоҳада кўламини бойитиш мақсадга мувофиқ. Сиз ўз чиқишингизда руҳиятга таъсир этувчи манбалардан асосийсини унутиб қолдирдингиз!

Неъмат Солиевич ҳурмат юзасидан жаноб Игнаррога қаради. Афтидан, у рус тилини ҳам яхши билади шекилли, индамай суҳбатга кулоқ тутарди.

— Хўш, қайси манбани назарда тутаяпсиз? — Неъматжон ўрнига савол берди Нобель мукофоти соҳиби.

Давид Васильевич холерик тоифадаги кишилардан бўлиб, бутун куч-ғайрати юз-кўзидан яққол сезилиб турарди.

— Қайси бўларди, муҳаббат таъсири-да.

Энди улар маҳобатли меҳмонхонанинг доира шаклидаги фойесига — баҳайбат фаввора олдида келиб қолишганди.

— Фикрингиз тўғри, — деди Неъматжон Солиевич босиқлик билан. — Ишқ, севги юракка нечоғли изтироб берса, худди шу миқдорда руҳий ҳузурланиш, роҳат ва таскин ҳам бағишлайди. Ҳали ўттиз йиллик иш фаолиятимда ишқ дардидан ўлган одамни учратмадим.

Тепакал Давид Васильевич баҳслашганида, худди урушиб кетадигандай ҳолатга кирар, тез-тез гапирар, суҳбатдошининг далилларини охирига қадар эшитмай, ўзиникини маъқуллашга тушарди. Шунга қарамай, у, шак-шубҳасиз, ўз касбининг чуқур билимдони эканлиги ҳар бир ташбеҳ ва муқоясасидан билиниб турарди.

— Азизим, — деди у энди америкаликнинг ҳам эътиборини қаратиб. — Сиз ишқ дардидан узлатга чекинганларни учратмаганлигингиз мутлақо табиий. Негаки, бундай беморлар ўлса ўлади, аммо қандай қилиб шу аҳволга тушиб қолганини айтмайди ёки ўзи ҳам билмайди. Биз эса буни стресс, деймиз, зўриқиш деймиз, жигар, буйрак, ўт пуфаги, деймиз, асло чин "айбдор"ни билолмаймиз. Мен сизга айтсам, муҳаббат хасталиги худди инфаркт, инсулт каби оғир асоратли дард.

Муסיқа янграб, баҳс шу ерда узилиб қолди. Бу конференция залига таклиф ишораси эди.

Шундан кейин ҳам таниқли кардиолог билан ўзбекистонлик олимнинг ўзаро дўстона алоқаси узилмади. Улар аввалига халқаро симпозиумларда, конференцияларда учрашиб турдилар. Бу яқинлашув ижодий ҳамкорликка айланди. Андижон Тиббиёт институти билан Санкт-Петербург олийгоҳи ўртасида телекўприк ўрнатилганда, биринчилар қатори Давид Васильевич андижонлик талабаларга масофадан туриб маъруза ўқиб берганди. Аммо орадан бироз муддат ўтгач, у Германиянинг Мюнхен шаҳридан кўним топди. Ўша йирик шаҳардаги ҳарбий госпиталда лаборатория мудири вазифасида иш бошлади.

Ўтган йили у Неъмат Солиевични Мюнхенга таклиф қилди. Бу шунчаки меҳмоннавозлик эмас, илмий-амалий алоқа эди. Профессор икки ҳафта немис талабаларига тиббий кашфиётлар, Ўзбекистон олимларининг юрак-қон томир касалликларини даволашдаги муваффақиятлари, буюк Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобининг моҳияти хусусида қатор маърузалар ўқиди.

Қайтишида Давид Васильевич, табиатига хилоф равишда, хотамтойлик кўрсатди. Меҳмонга сал ишлатилганлигига қарамай, чиннидай ярақлаб, кўзни қувонтирадиган "BMW" машинасини тақдим этди.

Неъмат Солиевич оёқ тираб, бундай катта совғани оломаслигини ўқдиришга уриниб кўрди. Аммо, қайсар кардиолог "гаҳ" деб айтганидан қайтмади. Машина эвазига Неъмат Солиевич Мюнхен ҳарбий госпитали билан қисқа муддатли шартнома ҳам имзолади. Хуллас, бировнинг ҳақи бошқасида қолмади.

У машинани ҳайдаб, юртга қайтаётганида, иккита қизиқ воқеа рўй берди. Биринчиси, Германия билан Польша давлатлари божхона масканида содир бўлди.

Немислар "BMW"ни индамай ўтказиб юборишди-ю, бироқ, Польша божхона ходимлари анча тихирлик қилиб туриб олишди. Боз устига, бунақа транзит автомобиллар икки юзга яқин эди. Неъматжон Солиевич нима қилишини билмай, боши қотиб турганида божхонанинг ихчам биноси ари уяси каби ғужғон урди. Бошига узун айвонли, цилиндрсимон кепка кўндирган божхона ходимлари "пан бошлиқ хушидан кетди", дея ўзларини ўтдан чўққа уришарди.

Профессор мўъжазгина бинога суқилиб кирди. Ичкаридаги хона эшиги очиқ, шифокорлар жон-жаҳди билан полда узала тушиб ётган одамга ёрдам беришарди. Йўлак бўйлаб югуриб келаётган тиббиёт

ходими қаршисидаги нотаниш кишини кўриб, фигони фалакка кўтарилди.

— Бу қанақаси, сиз бу ерда нима қилиб турибсиз? Қани, тезда ташқарига чиқинг!

Неъмат Солиевич ярим поляк, ярим англизча талаффузда сўзлаётган ҳамкасбига индамай гувоҳномасини кўрсатди. Аввалига хушламайгина гувоҳномани ўқиган дўхтирнинг тунд юзи хиёл ёришди:

— Ў, пан профессор. Марҳамат!

— Ўзи нима гап? — вазиятни билмоқчи бўлди меҳмон.

— Инфаркт, пан бошлиқ юрак хуружига учради.

Поляклар профессорга ишонишди. Неъматжон беморни синчиклаб кўздан кечирди. Юрак ва томир уриши, кўз қорачиғи, қон босими, нафас олиши, хуллас, дала шароитида ўрганиш мумкин бўлган барча ташрихларни ойдинлаштирди. Сўнг қаддини ростлаб, атрофини ўраб турган ҳамкасблари фикрига қарши чиқди.

— Но инфаркт!

Шошилинч ёрдам шифокори мулзам тортиб, пешонасини ушлади.

— Тезда иситадиган бирон нарса топинглар!

Аммо, бундай матоҳни келтиришолмади.

— У ҳолда дазмол бордир?

Хайриятки, божхона масканида дазмол бор экан. Неъмат Солиевич беморнинг кўксига қиздирилган дазмолни босди. Ҳамма ҳайрон, бироқ, ҳеч ким унга эътироз билдирмасди. Орадан ўн дақиқа ўтгач, божхона бошлиғи кўзини очди. Тепасида турган шифокорларга кўзи тушиб, ҳайрон қолди. У ўрнидан қўзғалмоқчи эди, шифокорлар гуруҳи раҳбари "қимирламанг" дегандай бош чайқади. Шу пайт Неъматжон унга қўл узатди.

— Бемалол тураверинг, хавф ўтиб кетди.

Ҳаёти сақлаб қолинганидан боши кўкка етган божхона бошлиғи пан Подольски ўзига нима кор-ҳол бўлганлиги билан қизикди. Неъматжон ташҳисни айтди.

— Кўжрак қафаси мушаклари ўткир яллиғланиши туфайли инфарктсимон ҳолат юз берган.

Пан Подольски Неъматжонни ўлиб, бағрига босди. Ёнидан пул чиқариб узатди. Аммо, меҳмон бу мулозаматга эътибор бермади.

— Унда қандай хизмат бор? — сўради Пан Подольски.

Неъматжон Аллоҳ ёрлақганини тушунди.

— Мени чегарадан қўйиб юборсангиз!

Бу илтимос катта дабдаба билан адо этилди. Ҳаттоки, Белоруссия

чегарасига қадар уни кузатиб қўйишди.

Машина ниҳоятда енгил, ҳайдаш учун қулай эди. Икки кун деганда Вурцен — Липецк — Гданск — Варшава — Брест — Саратов — Уфа — Челябинск шаҳарларини босиб ўтиб, Қозоғистоннинг Қўстанай вилоятига кириб келди. Бу орада Қозоғистон чўлларини қалин қор эгаллаб ётганди. Қор ёруғида тўғри йўлда кетаяпман, деб хаёллаган Неъмат Солиевич тез орада қор уюми исканжасига тушиб қолганини тушунди.

Теварак-атроф бийдай саҳро, қор бўралаб уряпти. Бир, пасда атрофни қоронғулик босди. Шунда унинг юрагини ваҳима эгаллади. Наҳотки бу "тузоқ" да қолиб кетса? Ҳадемай, машина гилдираклари қор остида кўринмай қолди.

У фикрларини жамлаб улгурмай қаршисида чироқ ёнганига кўзи тушди. Инсон доимо нурга талпинади. У машинасидан базўр тушиб, ёруғлик чиқаётган тарафга юрди. Тиззасидан келадиган қор қадам босишни қийинлаштирар, шундай довулда ҳам аъзои-бадани терлаб кетганди.

Нур анчагина маҳобатли ўтов туйнугидан таралаётган экан. Пайпаслаб бориб даричасимон қалин ғилофни четга суриб, ичкарига кирди. Даставвал кўзи ҳеч нарсани илғамасди. Бир оз ўтгач, ним чироқ ёруғида ўтов тўрида инқиллаб ётган мўйсафид кўринди. Ўтовдан ҳайвон ёғи иси анқиса ҳам ҳийла покиза эди.

— Қўноқмисан? — чол оғир инграб сўради.

Неъматжон салом бериб, устки кийимларини ечди. Оҳиста яқинлашиб беморнинг пешонасини ушлади. Унинг иситмаси анча балаңд эди. Бахтга қарши аптечкаси машинасида қолибди. Бир оз иккиланиб турди-ю, яна изига қайтди. Ўн қадам наридаги машина ойна чизигига қадар кўмилиб қолган эди. Бир амаллаб олд эшикни очди, орқа ўриндиқдаги асбоблари, дори-дармонларини олиб, ўтовга кирганида чол ҳамон соат каби бир меъёрда инграб ётарди.

— Сени Худо етказди, — деди у кўзларини очмай. — Акс ҳолда ўлиб қолсам ҳам биров билмасди.

Меҳмон чолнинг қари тут танасини эслатувчи тор пешонасига ҳўл сочиқ босиб, дори тайёрлашга киришди. У аввал баданини чарчатаётган ҳароратни туширмоқчи эди. Бироқ, бемор инжиқ чиқиб қолди, игна санчишга қаттиқ қаршилиқ билдирди.

— Барибир куним битган, бекорга жонимни қийнама, омонимда калима келтирай.

Шу тобда профессор ўз бошига тушган мушкулликни унутган, бутун фикри-хаёли мезбонга ёрдам беришга қаратилган эди.



— Аввал иситмангизни қувиб ташлай, кейин калима келтирасиз,  
— деди у ҳазиллашиб.

Орадан бир пиёла чой ичгудек вақт ўтди. Ташқарида бўри "ув" лай бошлади.

— Бечора, оч шекилли, — пичирлади қозоқ чол. — Агар она бўри оч қолса, ўтовга ҳужум қилишдан ҳам тоймайди.

— Нима қилиш керак? — юрагидаги ваҳимани босиб хиёл "чеҳраси очилган" мижозига қаради меҳмон.

— Нима ҳам қила олардик, — такрорлади бемор яна инқиллаш кераклиги ёдига тушган каби. — Аллоҳдан нажот тилаймиз - да.

— Милтигингиз йўқми? — Неъматжон бу саволни бермоқчи эмасди, аммо беихтиёр дилдан тилига кўчди.

Қария ялт этиб оқ-сариқ юзли, кўзлари тийрак, чеҳраси сипо меҳмонга ўтирилди.

— Бўлганида нима, — деди у яна оғир нафас олиб. — Бўри қутирмасин, акс ҳолда ўтовни тилка - порасини чиқариб ташлайди.

Энди теварак - атрофда "ув" лаган овоз кўпайиб, чиндан ҳам ваҳима кучайди. Аммо, мезбон бутунлай хотиржам, худди чўян каби қизғиш, камсоқол юзини ўтов учига тикиб ётарди.

— Наҳотки, Дуйсунбой келишга улгурмаса? — унинг товушида чуқур ҳадик бор эди. — Агар жон берсам, овулдагиларга қийин бўлади. Шундай совуқда гўр қазиш осонми?

Неъматжон иситмаси тушиб, тил-жағи анча ечилган мўйсафиднинг томирини ушлади.

— Асли қаерингиз оғрияпти?

Чолнинг хира кўзлари нурсиз ва шунга яраша файзсиз йилтиради.

— Қон кетяпти, назаримда, ичакларим ириганга ўхшайди.

— Нега шундай деб тусмоллаяпсиз?

— Чунки қорним гуддирыпти, ичим бураяпти, яна бунинг устига бояги гап.

— Яхши, кеча бирон нарса тановул қилибмидингиз?

— Ҳа, ўтовда қазидан бўлак луқма йўқ. Сабаби ўзим ҳам ёқтираман. Аммо, овқатда не айб.

Професор ичида кулиб кўйди. Содда чол қонни кўриб қаттиқ кўрқиб кетибди, шекилли. Аслида йўгон ичак шамоллаган. Ичакларни ювиш, парҳез қилиш ва яна антибиотик бериш билан уч кунда даволаш мумкин. Бунинг учун бемор унга ишониши керак.

— Мен ўзбекистонлик шифокорман. Худо хоҳласа, 3-4 кунда одек бўб кетасиз.

Хаста одам жилмайса, худди йиғламсираганга ўхшайди. Чолнинг

қиёфаси ҳозир ундан-да аянчли кўринди.

— Ўзбекистондан дегин... Сортлар азалдан ҳазилкаш бўлади. Ҳа, майли, шунисига ҳам шукр.

Шу пайт ўтов атрофига жимлик чўқди. Бўрилар нола чекишиб, тобора узоқлашишаётганди.

— Қари туллақда нон қолмаганлигини ҳатто йиртқичлар ҳам пайқашди, энди хотиржам ухласак ярашади, — деди мезбон бошини қимирлатишга уриниб.

Профессор уй шароитида бажариш имкони бўлган муолажаларни бажаришга киришди. 2-3 соат мобайнида беморнинг ҳолати бироз яхшиланди. У ишни тугатиб, қалин матони қайириб, машинаси ботган тарафга тикилди. Машина оппоқ қор оғушида бутунлай кўринмасди.

"Эрталабга қадар дам олаверай-чи, тонг отгач, бир фикрга келарман", деб мулоҳаза юритди. Сўнг қалин матрас устига катта сочиғини ёзиб, уйқуга чўқди.

Тонг ёришганида, қулоғига ғала-ғовур эшитилди. Ирғиб туриб очиқ ҳавога чиқди. Ўтовдан йигирма қадамча нарида 3-4 одам гурунглашиб туришарди. Афтидан қор остидаги "BMW" қаердан келиб қолганига қизиқишаётганди.

Неъматжон бемор ётган томонга кўз ташлади, бироқ, унинг ўрни бўш эди. Бошига телпагини кийиб, ташқарига югурди. Чиндан ҳам мезбон одамлар орасида уларга нималарнидир тушунтирарди.

Ўтовдан йўлакка қадар масофа энсиз кураб қўйилган эди. Овулдошлар меҳмонни илиқ қаршилашди. Биринчи масала машинани "асирлик"дан қутқариш мавзусида кечди.

— Ҳозир қўлимиздан ҳеч иш келмайди, — деди ўтов эгаси барчанинг эътиборини ўзига қаратиб. — Ҳали-замон Дуйсунбой менадан бирров хабар олар, ўшанда гишт қолипдан кўчади. Ҳозир кўноқни сийланглар...

\*\*\*

Неъмат Солиевич компьютер мониторидан кўз узмай хаёлга берилиб ўтирғанди. Дафъатан унинг хатига Мюнхендан жавоб келди. У ҳозиргина жўнатган мактубини ҳамкасби "очиб" ўқийди, деб ўйламаганди. Севиниб кетди. Мониторда қуйидаги жумлалар ёзилганди:

— Азизим, Неъмат! Беморингнинг ташрихларини кўриб чиқаман. Жавобини эртага жўнатаман. Сени қучиб, Давид!

Неъмат Солиевичнинг елкасидан тоғ ағдарилгандай туюлди. Демак, касалик сири очилса, муолажа тезлашади. Асли шундай

навқирон йигит умри бемаҳал хазонга айланиши адолатдан эмасди. Унинг кўнгли хотиржам тортиб, яна бояги тассуротларга берилди. Оқсоқолнинг ўғли Дуйсунбой ўша куни келмади, эртаси ҳам биров йўқламади. Унга қадар қария соғайиб, йигитлардай ғайрат камарини боғлаб олганди. У ёш профессорга қайта-қайта миннатдорлик билдирар экан, ўғлининг бағритошлигидан нолиб қўйишни қанда қилмасди. Ўғил эса 30 минг гектарлик чорва хўжалигининг раҳбари экан. Ниҳоят, Дуйсунбой "вездеход"ида ташриф буюрди. Остонадаёқ 2-3 қамчи билан сийлангач, отасидан астойдил узр сўради. Қор қалин ташлаб, сурув ва отарларда безовталиқ кучайганлигини, шу боис хабар олиши кечикканлигини айтиб ўзини оқлади.

Натижа шу билан тугади-ки, "BMW" ни 10 тонналик кран билан КамАЗга юклашиб, то Чимкент чегарасига қадар олиб келиб беришди. Жамбулда қор сийраклашиб, Чимкентга кириб келганида, бутунлай кўринмай кетди...

## 2

Орадан беш йил ўтди. Севишганлар учун беш йил нима, гўё кўз очиб юмгунча ўтган вақтда.

Бу муддат Ботир Аҳмедович ҳаётидаги энг лазиз, энг ҳаяжонли дамлар эди. У севги деб аталмиш туйғулар оғушида ўзини сармаст сезар, муҳаббат асли фақат бир фасл — фақат баҳордай туюлар ва бу кўкламдайин фараҳбахш онлар сира-сира тутамаслигини дилидан хоҳларди. Ажаб ҳолки, Баҳорга қанчалик яқинлашса, унга нисбатан ишқи янада ортиб, аланга олаётганини ҳис қилар ва қалбидаги бу ўйноқи, ҳузурбахш туйғулардан боши кўкка етиб, мағрур яшарди.

Унинг кунда ёки кун аро уйга келмаслигига хотини ҳам кўниқди. У эридан гумон қилмас, пойқадами қандалигини фақат иш кўплигига йўярди. Ҳар ҳолда Ботир ўзича шу фикрда эди. Чунки эрининг хиёнатидан хабардор ҳар қандай аёл бундай ноҳақликка, албатта, қайсидир кўринишда норозилик билдириши аниқ. Ахир, эр бермоқ, жон бермоқ деб бежиз айтишмаган-ку.

Бу ўринда Ботир Аҳмедовичнинг ўз фалсафаси борлигини айтиб ўтмоқ жоиз.

У қил устида юраётганини, агар озгина эҳтиётсизликка йўл қўйса, шунча йиллардан буён мисқоллаб топган обрў-эътиборидан ажралишини, ҳеч бўлмаганда, одамлар назаридан қолишини яхши тушунарди. Эл-юртнинг ёзилмаган қонун-қоидалари расмий ҳужжатлардан кўра кучлироқ таъсирга эга. Ахир шу чоққача бирон киши ўзга аёлни ёқтириб қолганлиги учун оқланганми? Севги

йўлида амалидан, оиласидан, ёр-оғайниларида ажралган бечора ошиқлар дардини ким ҳам тушунарди? Бу дард залворини на табиб, на шифокор ва на фолбин аниқлаб бероллади. Шу боис ҳам ишқ савдоси бошига тушган эркак ва аёлнинг қисмати фақат Яратганнинг марҳаматига боғлиқ. Холиқ эгам ёрлақаса, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолади, ёки икки қалб бир-бирига қовушиб, бу можаро яхшилик билан тугайди. Аксарият ҳолларда ошиқнинг ҳолига вой, маъшуканинг тақдирига мушуклар йиғлайди.

Бизнинг қаҳрамонларимиз "ёмон кўздан ташқарида" бахт-саодат оғушида, гоҳо сокин, гоҳида жўшқин умргузаронликни давом эттиришарди. Бу пайтга келиб, Ботир Аҳмедович раҳбарлигидаги қўшма корхона чет эллик инвесторлар ташаббуси билан учта мустақил заводга айлантирилди. Ана шулардан бирига Ботирнинг ўзи бошлиқ бўлиб қолди. Аниқроғи, ўзи шуни истарди. Чунки, у ортиқча даҳмазалардан зерикканди. Топиш-тутиши мақтангудай даражага етмаса ҳам, тинчлик ва руҳий хотиржамлик айни муддао эди. Салкам икки юз киши ишлайдиган жамоани бошқариш тажрибали ишбилармонга ортиқча машаққат туғдирмасди.

У Баҳорнинг уйида қолганида, чин маънода дам оларди. Ишдан келишига илиқ сувда роҳатланиб, душ қабул қилади. Анбарий мушк шимдирилган сочиққа ўралиб чиққанида, қишда иссиқ қаҳва, ёзда эса муздай пиво ёки мева шарбати дастурхон устида турган бўлади. Кейин уй кийимларини кийиб, юмшоқ креслога чўкади. Бу пайтда таъбига қараб телевизор, ёки мусиқа маркази "ишга" тушади. унга қадар Баҳор шошилмай, жуда эътибор билан мазали таом тайёрлайди. Орада икки, уч бор майин табассум, агар қалбидаги ҳиссиётлар жўш уриб кетса, ўтли бўса, нафис панжалар билан сочини силаб эркалашлар оқшом ҳордигига ёқимли "десерт" сифатида қўшилади. Ана шундай пайтларда Ботир сездирмай ўрнидан туриб, ошхона столида нимадир тўғраётган Баҳорнинг орқасидан маҳкам қучоқлайди. Худди шу лаҳзаларни кутгани каби жувон ҳам бахтидан икки юзи лов-лов ёниб, чарос кўзларини юмганича туйғулар қуршовида оҳиста энтикади.

Баҳорнинг сочларидан таралган самовий бўй, очиқ елкасининг нафис таровати, йигит қулочида ҳозиргина эримоққа шай бўлиқ бадани Ботирнинг бардошини чил-чил синдиради: газ печкасидаги олов ўчиб, ўт алангаси икки вужудни ёндирмоққа шайланади...

Бундай воқеалар кўп бора такрорланган. Агар қалб ишққа лиммо-лим тўлса, бу "шароб"га ташналик асти тутамас, аксинча саҳройи чанқоқ яна ва яна висол талабидан чекинмас экан. Севги қаримайди,

аксинча у ҳар бир дилда қайтадан туғилиб, ҳаёт бардавомлигини таъминлайди, деганлари шудир-да.

Бугун Баҳорнинг кайфияти бошқачароқ эди. Ботир ваннадан чиққанида, у арк тоқчасидаги товус гул япроқларига термулиб ўй сурарди.

– Баҳор!

Аёл қарашга шошилмади. Бу ҳолат йигитни сергаклантирди.

– Нима гап, жоним, тинчликми, биров хафа қилдими?

Аёл кўрсаткич бармоғи билан кўз ёшини артиб, севгилисига жилмайиб боқди.

– Шунчаки, ўзим. Гоҳо кўнглим тўлиб кетади.

Ботир ёрининг хипча белидан авайлаб қучиб, ўриндиққа ўтиргизди. Ўзи унинг тиззалари ёнига тиз чўкиб, бошини кўтариб савол назари билан боқди.

– Адашмасам, сизни биринчи марта шу аҳволда кўраяпман.

– Гапингиз тўғри, — дарров эрининг таъкидини тан олди у. — Сиз илк бора кўряпсиз.

– Демак, менга сездирмай йиғлаб ҳам тураркансиз-да.

Баҳор бошини сарак — сарак қилди.

– Йиғламайман, фақат ўзим билан ўзим суҳбатлашаман.

Ботир бу важни тушунмади.

– Жуда ажойиб. Хўп, майли, келинг, орамизда сир ётмасин. Яширмай бор ҳақиқатни ўртага ташланг. Агар бирон муаммо туғилган бўлса, биргаллашиб ечамиз. Эҳтимол, ота-онангизни, ўглингизни соғингандирсиз.

– Мен уларни ҳамиша соғинаман.

– Унда йиғлаб ўтиришга не ҳожат? Курраи заминнинг учдан икки қисмига учган одам Тошкентга қанот ёзолмайдими?

Баҳорнинг юзига яна хомушлик соя ташлади.

– Биласизми, ночор одам қанақасига қийналади?

– Биламан, рўзгорга пул тополмаганига жони ҳалаклиқдан.

– Тополмадиз. Ночор киши бошига тортса оёғи очилади, оёғини беркитса, боши совқотади. Ана, муаммо.

Йигит соддадиллик билан кулиб деди:

– Бу муаммонинг сизга мутлақо алоқаси йўқ.

– Жўн фикрласангиз шундай.

– Аслида-чи?

– Аслида, ҳозирги ҳаётим ҳам ўша бечора турмушига монанд. Фарқ шундаки, мен сизни ўйласам, назаримда ота-онамни унутаетгандайман, уларни десам юрак зирқирайди.

- Ҳаммамиз бус-бутунлигича қалбингизга сигмаймизми?
- Кошки, шундай бўлса?
- Бунга нима халал беряпти?
- Наҳотки, ўзингиз тушунмайсиз?
- Рост, ақлим панд беряпти.
- Ақлингиз жойида. Сизнинг ақлингиз ҳеч қачон панд бермайди.

Ботирнинг оғзи очилиб, пешонаси тиришди. У ҳеч қачон маъшуқасининг бундай асабийлашганини сезмаганди.

– Баҳор, жонгинам. Ҳозир жумбоқ ечадиган пайт эмас. Яхшиси, дилингиздаги гинани очиқ баён этинг.

Баҳорнинг ўйчан қиёфаси ўзгармади.

– Агар айтганим билан бирон нарса ўзгаришига ишонсам эди.

Йигит унинг сўзини бўлди.

– Нима ўзгариши керак?

Баҳор чурқ этмади. Ўрнидан туриб, яна товус гулига тикилди. Оч қизил, заъфарон рангдаги нозик япроқларни узун, худди қил каби тиконлар муҳофаза қиларди.

– Мен кутиб чарчадим! — деди у гўё ўз-ўзига гапиргандай. — Мен умримда севги, муҳаббат, висол, ҳаёт завқи деган тушунчалар борлигини пайқадим. Бу туйғуларга сиз туфайли эришдим. Аммо, назаримда, худди тушда ёки эртақлар оламида яшаётган одамга ўхшайман. Бир қарасам, жаннатий ҳаёт, бир қарасам, бари бировники... Нега бахтим бут эмас? Нега ёстиғимнинг ярми бўш? Нега мен бахтли-ку, ўзга аёл бахтсиз? Нега ўз бахтимни бировнинг бахтсизлиги эвазига қурмоқчиман? Нега келиб-келиб оилали одамни севиб қолдим? Ўлай агар, ҳозир сизни айбламоқчи эмасман. Бу Бермуд учбурчагида ҳеч биримиз айбли эмасмиз, аммо, энди сеза бошладимки, ҳар биримиз ўз ҳолимизча бахтсизмиз. Сиз касал, бечора аҳли аёлингиздан воз кечолмайсиз. Бунга комил аҳлоқингиз, виждонингиз йўл қўймайди. Айни пайтда мендан ҳам айрилолмайсиз, чунки энди севгисиз бир дақиқа яшамоққа тоқатингиз етмайди. Гўё икки соҳил орасида чопаётган денгизчига ўхшайсиз, нажот қай бирида эканлигини билмайсиз. Мен эса биламан, бахтим, умидим, келажагим сиз эканлигингизни биламан. Бироқ, сиз айнан меники эканлигингизни биллолмайман. Ёлғиз илинжим, орзуларга ўралган ширин хаёлларим... Бу хаёллар саробми ёки рўё, кошки маъносини чақолсам...

Ботир Аҳмедович чурқ этиб оғиз очолмай қолди. Энг даҳшатлиси, Баҳор ҳақ эди, унга эътироз билдириш учун заррача асос топилмасди. Бундай пайтларда оқимга қарши сузмоқ хатарли тадбир

ҳисобланарди. Қолаверса, асаби бузилган, руҳан қийноққа тушган аёл худди ёнаётган ўт каби яқинлашган одамни ёндириши бор гап. Шу боис ҳам Ботир индамай бориб, Баҳорни қайноқ қучоғига олди.

Улар энди унсиз дардлашардилар.

Бу, танишиб, умр деб аталмиш оғир карвон жиловини бирлаштирганларидан буён кузатилган биринчи дилсиёҳлик эди.

### 3

Тушлик пайти кабинетига қамалиб, ҳисоботларни кўздан кечираётган Ботир Аҳмедовичнинг қўл телефони "тил"га кирди. У шошилмайгина кафтдай қути қопқоғини очди.

— Эшитаман!

Даста ичидан келган йўғон товуш соҳибини даставвал билолмаган Ботир яна бирпас кутди.

— Ботиржон, ўғлим, мен дадангизман!

Бу, Баҳорнинг дадаси Наримон ака эди. Ҳозир Тошкентдан қўнғироқ қилаётган эди. Одатдаги салом-алиқдан сўнг отахон мақсадга кўчди.

— Баҳорнинг пулини қайтариб беришдими?

Йигит учун бу янгилик эди.

— Қанақа пул, ким қайтариши керак?

Наримон отанинг таажжублангани овозидан сезилди.

— Ие, ҳали сизнинг хабарингиз йўқми? Салкам бир йилдан буён қизим бечора қийналиб кетди-ку. Наҳотки шу кунгача сезмадингиз? Ўзи ҳам қизиқ, ахир дардини очиқ-ойдин тўкиб солмайдими? Ҳа, майли, унда менинг бу масалага аралашганимни унга билдирмай қўяқолинг.

Овоз тиңди. Ботир ҳайратланди. У ўзича Баҳор меңдан сир яширмайди, деб юрарди. Адашган экан. Бекорга аёл кишининг қийласи қирқ туяга юк бўлади, дейишмас экан-да.

Демак, тунов кунги жанжалнинг боиси бошқа тарафда экан-да. Бечора кимгадир пул берган-у, ололмай қийналяпти, руҳан эзиялпти.

Бироқ, шу вақтга қадар улар ўртасида пул, мол-дунё масаласида суҳбат очилмаган эди.

Ботирнинг ҳафта-ўн кунда қиладиган харажатини ҳисобга қўшмаганда, асосан рўзғор учун Баҳор пул сарфлайди. Доим "Сизнинг маошингизда ўғлингиз, хотинингизнинг ҳаққи бор, меники ўзимга етади", дея уни уринтирмайди...

Ботир шинам безатилган залга кўз қирини ташлади. Телевизор ўчиқ, мусиқа маркази умуман токка уланмаган. Ечиниб, ваннада

роҳатланиб ювинди. Енгил кийиниб, секин ётоққа қаради. Баҳор ҳеч нарсадан хабарсиз, худди ўн тўрт кунлик ойдайд тўлиб ухлаб ётарди. Ботирнинг оёқ товушларини эшитиб, ўрнидан ирғиб турди. Умуман, бу жонсарақ аёл қуш уйқусида ҳордиқ чиқарарди. Агар донг қотиб ухлаётган бўлса ҳам эрининг келганини билиб, истиқболига пешвоз чиқарди.

Ҳозир ҳам юз-кўзларини оппоқ, узун панжалари билан тўсиб ювиниш хонасига чиқди. Ўзини тартибга келтириб чиқди-да, Ботирнинг бўйнига осилди.

— Энди келмассиз, деб хавотирландим.

Кечадан буён соғинган юрак соғинтирган вужуд тафтидан "жаз" этиб ҳузурланди.

— Сизни унутмоқ осонмас!

— Барибир, кеча бекорга ранжитдим.

Ботир кўзларини ярим юмиб, айёрона боқди.

— Ҳечам бекорга эмас-да.

— Хўш, унда нега кайфиятингизни бузибман?

— Негаки, пулингизни қайтаришмаганига изтироб чекяпсиз?

Баҳор қўлларини тортиб олди. Чарос кўзларида хижолатчилик зуҳурланди.

— Бу "хушxabар"ни ким суюнчилади?

Йигит ёлғондакам қовоғини уйди.

— Бир йиллик дардни сезмайманми?

Аёл эрининг лабларига панжасини қопқоқ қўйди.

— Унақа деманг. Бу, дард эмас, дарддан Аллоҳ асрасин. Бу, шунчаки кўнгилсизлик холос.

— Хўп, яхши! Нега ўша кўнгилсизлик тўғрисида мени хабардор қилмадингиз?

— Тик тураверамизми? — ингичка қошларини чимирди бека.

— Албатта, токи мен ҳақиқатнинг тагига етмагунча.

Баҳор Ботирнинг қўлидан ушлаб, меҳмонхонага етаклади. Икковлон эрон диванига ўтиришди.

— Очиги, бу ишга сизни жалб этишдан тортиндим. Шундоғам бошингизда минг хил ташвиш. Қолаверса, ўзим пиширган ошни ўзим "ичавераман", деб ўйлабман.

— Буниси шундай ҳам аён. Сиз пулни кимга, нима сабабдан ва қанча миқдорда берганингизни айтинг?

Аёлнинг чеҳрасидаги ясама қувноқлик сўнди. У ортга йўл йўқлигини англади. Бироз ўйга толиб, сўнг фикрларини жамлагач, тиш ёрди.



— Бундан бир йил илгари миллий сўмимизни валютага айлантириш муаммо эди. Қора бозорда бир одам бу масалада менга ёрдам бераётганди. Аста-секин ишончимни қозонди. Сўнгги бор катта миқдордаги пулимни олиб, жуфтакни ростлаб қолди.

— Катта деганингизнинг миқдори қанча?

— Йигирма тўрт минг.

Ботирнинг кўзи косасидан чиққудай очилди, ранги ўчди.

— Кўкиданми?

Баҳор индамай бош ирғади.

— Ўша аблаҳ шу ерликми? Уйини биласизми?

— Биламан, Бўстон даҳасида яшарди. Яқинда эшитдим, уй-жойини сотиб, номаълум шаҳарга қочиб кетибди.

— Нега шу маҳалгача доақал маслаҳат сўрамадингиз? Наҳотки, бир-биримизга ишонч шу қадар заиф бўлса?

Аёл эрининг юзларини панжаси орти билан эркалади.

— Ҳаммаси Аллоҳдан. Демак, қайсидир ишим ёқмабди-ки, бошимга шу кўргуликни солди. Ўзи бериб, ўзи олди.

Йигитнинг узун бармоқлари мушт бўлиб тугилди.

— Мен уни ер остидан бўлса ҳам топаман.

... Аммо, товламачи топилмади. Ботир Аҳмедович жамики танишлари, ёру дўстларини оёққа тургизди, лекин, қаллоб киши қумга синган сувдай изсиз йўқолди. У билан бирга йигирма тўрт минг доллар ҳам кўкка совурилди.

Шу воқеалардан сўнг Баҳор қолган-қутган маблағини тўплаб Бирлашган Араб амирликларига йўл олди.

Ботир уни Фарғона тайёрагоҳидан кузатиб қўйди. Тонгда учган самолёт ортидан нигоҳини узолмаган йигит негадир бу сафар руҳи сўниб бораётганлигини сизди. Гўё Баҳор эмас, юрагининг бир парчаси самога парвоз қилгандай. Аслида-ку, юрак билан бу суюкли инсон мақоми тенг.

Оппоқ "Нексия" Андижонга қараб шўнғиркан, у кўз очиб юмгунча ўтган фурсатда севгилисига нисбатан тизгинсиз соғинч уйғонганидан оромини йўқотди. Бу, қандай ҳол, қандай туйғу? Наҳотки, Баҳор унинг учун худди сув ва ҳаво каби биринчи ҳаётий эҳтиёжига айланиб қолди? Наҳотки, озгина айрилиқ залвори ҳам юрагига оғирлик соляпти? Унинг кўзига мана шу болаларча соддадиллигини йўқотмаган, беғубор ва меҳрибон Баҳордан бошқа ҳеч ким кўринмаётгандай. Ҳатто ухлаётганида термулиб гурурланадиган ўғли ҳам дил тўридан бироз четга тушгандай. Севги деганлари шунақа дардами? Ишқ оташи одамни ўтсиз

қовураверадими? Муҳаббат шаробидан тотган одам ўзини ёруғ олам султонидай ҳис қилади-ю, аммо бир бандага қуллигини билмайди. Гоҳида тутқундан баттар ҳолатга тушганида ҳам, гўё ўзи шоҳлар каби еттинчи осмонда юради, ичмай, чекмай сархушлик дарожотига етишади. Бу, Аллоҳнинг жазосими ёки неъматиди? Бу оғриқдаги азоб қайда-ю, ҳаловат қайда. Неча йиллар ўтса-да, муштдай юрагида ёнаётган олов тафтидан бутун олам ёнгудай. Нега бу моҳитобон париваш чеҳрасига боқиб тўймайди, суҳбатидан толиқмайди, васлига интилаверади? Ҳозир шу мақомдаки, вужудида ўн саккиз ёшли йигит туйғуси жунбишга келаётгандай, томирида оқаётган қондан ҳам Баҳорнинг анбарий бўйи анқиб тургандай.

Йигит тафаккури фақат ҳижрон, висол, соғинч, севги деган сир-синоатли тушунчаларга лимо-лим тўлиб-тошгандай. Қизиги шундаки, Баҳор ҳам айнан шу кайфиятда, қани иложи топилса-ю, уни бир нафас оғушидан бўшатмаса, қайноқ бағридан уфураётган меҳр-муҳаббатида такрор ва такрор чўмилтирса, юрагидаги ишқ куйини куйлаб адо этмаса?..

Ҳозир ҳам самолёт нарвонига чиқаётганида нигоҳини ундан узмай, бир калима сўз айтишга қурби етмай, лекин юрак титроғини сездирмасликка уриниб анча туриб қолди. Эгнига кўк либос кийган кўҳликкина қиз оҳиста тирсагидан ушлаб, ичкарига таклиф этмаганида, бу ҳол қанча давом этиши ёлғиз Аллоҳга аён...

Машина Андижон остонасига кириб келганда, ҳали Ботир баҳорий кечинмалар уммонида сузарди.

— Ишхонага борамизми?!

Фарруҳнинг сўроғи худди ер остидан эшитилгандай туюлди. Шу боис, бироз иккиланди, қўлидаги соатига қаради. Ҳали вақт эрта, бирров уйига кириб ўтгани маъқул.

Ботир дарвозадан ичкарига қадам босганида, йўлакда кабутарларига дон бераётган ўғлига кўзи тушди.

Бола дадасига қараб югурди, бўйнига осилиб қучоқлади.

— Онанг қани? — Ботир ўғлини қучоғидан бўшатиб сўради.

Қодир бўйнини қисди.

— Ётибди, ҳозиргина "скорий" келиб-кетди.

— Оғрияптими?

— Шунақа шекилли...

Қодир дадаси билан ёзилиб гаплашолмасди. Бу, отанинг кўпинча иш билан бандлиги, дастурхон атрофида кам ўтириши, унинг ички дунёси билан қизиқмаслиги таъсири эди.

Ичкаридан Олиянинг қаттиқ йўталгани эшитилди. Хонадон

соҳиби туфлисини ечиб, зинапоядан юқори кўтарилди. Ойнаванда айвон эшигининг бир қаноти очик эди.

— Келдингизми? — аёлнинг овози заиф чиқди. У дераза ёнидаги диванда чўзилиб ётарди. Ҳар галгидай эрига пешвоз чиқмоқ умидида бош кўтарди. Аммо мажоли етмай, яна бошини ёстиққа ташлаб юборди.

— Тинчликми, юрагингиз безовта қиляптими?

Олиянинг юзи оқариб, қовоқлари салқиб қолганди. Аммо ўзини анча осойишта тутарди.

— Аяган кўзга чўп тушмай ўлсин, — деди у хиёл энтикиб. — Шу топдаям грипп бор экан. Ҳаводан ўтди, шекилли.

Боғир каравот четига чўқди. Хотинининг озгин қўлидан ушлаб, секин силади. Энди боягина соғинч ва ҳижрон тирнаётган юракни жуфти ҳалолига ачиниш туйғуси ҳам забтига олди. Бир зумда босиб ўтган оилавий ҳаёти хаёлидан лип-лип ўтди. Ўйлаб қараса, бир ёстиққа бош қўйишибди-ю, бироқ, дил рипталарини боғлашмабди. Аниқроғи, битта кўрғонда яшаб, ўзларига алоҳида-алоҳида дунё яратишибди. Ҳар иккиси ҳам ўз оламида яшайди, ҳаргиз бир-бирига халақит бермайди. Зоҳиран бири иккинчисига меҳрибон, дилкаш, аслида бу оқибат, тавозе ҳузури қалба зуҳурланмайди. Гўё ҳар иккиси ҳам яхшилаб такомилга етказилган роботнинг ўзи.

— Нега шундай?

Бу саволга кошки жавоб топилса. Одамлар бир-бирларидан инсоний меҳр кутишади. Уни кўрган зот ўзини бахтли сезади. Бироқ бу хислатнинг уларга даҳли йўқдай. Эр-хотин ҳам ўша меҳр бор, аммо, бахт йўқ. Хурсандчилик руҳсори кўринмайди, интиқлик ва самимият сезилмайди.

Бу ҳолат Ботирнинг йўлида Баҳор пайдо бўлганидан кейин янада яққолроқ билинмоқда. Қизиги шундаки, Олия соғлигида ҳам, боши касалдан чиқмаётган кунларда ҳам бирдай оғир-вазмин. "Дунёни сув босяпти", деган хабарни эшитганида ҳам сабр-бардош либосини ечмайди, таҳликага тушмайди. Агар бошқа аёл шу кунларни кўрганида, эҳтимолки, эрининг ёқасига ёпишиб: "Мен сендан нима кўрдим, нега кун ора қоранг ўчади, хаста хотинингни ташлаб, қаёқларда юрасан, билсанг, мени шу кўйга солган сенсан" дея айюҳаннос кўтариши мумкин эди. Бироқ, елкасига тоғ қўйсанг, тишининг оқини кўрсатмайдиган бу аёл бардошига тан бермасликнинг иложи йўқ. У ҳамisha сокин чайқалаётган кўлга ўхшайди, сира ўзгармайди, овозини баланд қўймайди, қийналганида зорланиб, шодлигида севинчини кўз-кўзламайди.

— Дўхтирлар келишдими? — Ботирнинг товуши қалтираб чиқди. Негадир ҳозир аёли касаллигида ўзини айбдордай ҳис қилаётганди.

Олия ётган жойида рўмолини қайта ўраб, сочларини тузатди.

— Синглим дарров ваҳима қилаверади-да. Йўқ, тузук эканман.

— Тузуклигингни шифокорлар айтишдими ёки чиндан ҳам ўзингни яхши сезяпсизми?

Аёл ўнғайсизланди. Афтидан, у ҳадеб дардини айтишга ийманаётганди.

— Айтдим-ку, яхшиман деб. Худо хоҳласа эртага оёққа туриб кетаман. Ўзингиз қандайсиз, меҳмонлар кетишдими?

Ботир ҳайрон бўлди.

— Қанақа меҳмон? — шу гап лабидан учди-ю, хатога йўл қўйганлигини фаҳмлади. Ахир, кечқурун Баҳорнинг уйдан "идорага меҳмон келган, мен улар билан биргаман", демовдими? У тезда ўзини ўнглаб, изоҳ берди:

— Ҳа, уларми? Саҳар Тошкентга кузатиб қўйдим...

Ботир бирдан Олиянинг нигоҳи ўзига қадалганини ва бу қарапда ишончсизлик аломати сезилаётганини англади. Бироқ, ортиқча тафсилот шубҳани орттириши мумкин эди. Шунини ўйлаб, гапни қисқа қилди.

Ҳовли тарафдан ерга тўкилган олмаларни челаққа солиб қайтаётган Саломат ая ўғлининг йўлакдаги туфлисини кўриб, тўхтади. Томоқ қириб ташрифидан дарак берди. Сўнг зинадан секин кўтарилиб, айвонга оёқ босди. Ботир онаси билан кўришгани чоғланди-ю, авзои бузуқлигини пайқаб, ўзини тортди. Онаизор келинининг диққатини жалб этмаслик мақсадида, ўғлининг елкасидан олиб, қуруққина "ке, болам, тинч-омонмисан, ишқилиб", деди. Кейин имо билан меҳмонхонага чорлади. Ичқаридаги бурчақли диванга ўтирдилар.

— Кейинги пайтларда жуда ўзгариб кетдинг, болам, — деди Саломат ая овозини пастлатиб.

Ботир бошини қуйи эгди.

— Биласиз-ку, иш кўп.

Бу важ-қарсон онага қор қилмади.

— Ишни кундузига чиқарган, кечаси эркак киши уйини топиши керак.

— Бўпти, ойижон!

— Бу сафар хўп билан қутилмайсан!

— Унда нима қилай?

— Ўзинг биласан. Хотининг кундан-кунга сўлиб бораёпти. Мен

оғир ишга ярамасам. Яхшики, Олиянинг синглиси Нозима бор, уй юмушларини уддалаяпти.

— Демак, сизнинг-ча, ишдан бўшаб, рўзғорга қарашворишим керак экан-да.

— Йўқ, озиқ-овқат, супуриб-сидириш ўзимиздан ортмайди. Сен бечора ожизани яхшироқ дўхтирларга кўрсатишинг керак.

Ботир онасининг гапини бўлмай эшитди.

Охири "барча айтганларингизни бажо келтираман, Олияни эртага клиникага ётқизаман", — деб сўз берди.

#### 4

Баҳор билан бирга Дубайга учганлар чартер рейсида қайтиб келинди. Ботир қўлидаги гулдастани бағрига босганича соғинтирган маъшуқани кутарди. Аммо, ҳадеганда таниш чеҳра кўринмасди.

Ниҳоят, энг сўнггида қизил ҳошияли узун чакмонга монанд халат кийган йигит самолётдан чиқди. Унинг ўнг оёғи протез, шекилли, шох ташлаб юрарди.

Ботирни ваҳима босди. Ортига қайтиб, тайёрагоҳ саҳнига чиқди. Кўк қопларни "Волга" юкхонасига авайлаб сиғдираётган ўрта ёшли аёл ёнига борди.

— Кечирасиз, сиз Баҳорни танирмидингиз?

Аёл қоратўридан келган, кўзлари дум-думалоқ, сочлари шокила-шокила, серҳаракат эди. Олдидаги Мирзо Анвар каби келишган йигитга қараб чиройи очилди.

— Вой, сиз Баҳорнинг турмуш ўртоғимисиз?

— Ҳа, шундай, ўзи қани? — Ботир юраги қаттиқ ураётганини эшитди.

— У Дубайда қолди. Бечора терлаб туриб, музхонадан ширали ичимлик ичувди. Томоғи чиппа бўғилиб, ҳарорати ортиб кетди.

— Аҳволи оғирми? — Бетоқатлик билан сўради йигит. Савдогар аёл уни тинчлантирди.

— Ҳозир яхши, аммо, яна бир ҳафта касалхонада ётиши керак.

— Энди чартер рейси борми?

Аёл бош чайқади.

— Илоҳим, у ерни елкамнинг чуқури кўрсин. Қайтгунимча кўзим тўрт бўлди. Биласизми, у ерда эркаклар жуда суқ экан. Бизга беҳаёларча қарашганига ўлайми?

— Агар махсус самолёт қатнамаса, бирон яқинроқ юртларга бордир...

— Фарғонадан йўқ, аммо, Тошкентдан ҳафтасига бир марта

қатнайди, деб эшитгандим.

Ботир бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Бегона юрда ҳеч кими йўқ севгилиси аҳволини ҳис қилишнинг ўзи юрагига нашта қабил ботар, чорасизлигидан бошини деворга ургиси келарди.

– Менга бошқа гапингиз йўқми?

У ўзига келди. Кўзлари уйқудан уйғонган қабил оҳиста очилди. Рўпарасида ҳамдардлик ила қараб турган хуштабиат жувонга нима дейишини билмасди. Ниҳоят, миясига ярқ этиб бир фикр келди.

– Сиз у ётган касалхонани биласизми?

Ҳамсуҳбати индамай ён сумкасини кавлаб, тапширф қоғози узатди. Сўнг эринмай тушунтирди.

– Мана шу қоғозга биз билан алоқа ўрнатган фирма манзилгоҳи ёзилган. Улар Баҳорнинг қаердалигини айтиб беришади. Ўша қоғозда телефон рақамлари ҳам бор.

– Раҳмат сизга, мушкулимни енгиллаштирингиз.

Аёл яна бир бор йигитга ҳавасланиб боқаркан, елкаси билан шох ташлаб кулди.

– Вой, унақа деманг...

Ботир тезда хайрлашиб, хизмат машинаси тўхтаган жойга чопди.

## 5

Баҳор кўзини очиб, ўтган воқеаларни эслашга уринди. Аммо назарида мияси тормосланган қабил хотираси ёришмади. Энди ётган жойига разм солди. Оппоқ хона. Деразаларга қора пардалар илинган. Шифтда паррак айланиб, ҳавони салқинлаштиряпти. Дераза раҳига терилган гуллар худди уйидагига ўжшаш. Ёнидаги пастак каравот бўм-бўш.

Бирдан ақли "ишлаб" кетди. Демак, Дубайдаги касалхонага тушибди. Ўтган куни ҳаво ҳаддан ташқари исиб кетди. Ўзбекистонда қуёш қиздиргани билан намлик кўтарилмайди. Дубай денгизга яқин шаҳар, иссиғи ҳам, совуғи ҳам одамни эсанкиратиб, тинка-мадорини қуритади.

У жуда кўп мамлакатларни кезди. Эс таниганидан буён умри самолётда ўтаяпти. Аввалига собиқ Иттифоқ шаҳарларини кўрди, кейинчалик Фарбий Европа мамлакатларига йўл олди. Оддий сайёҳлик мақоми савдогарликка айланди. Тижоратга шу қадар қизиқиб кетди-ки, ҳатто энг севимли касби-муаллимликни ҳам ташлади. Илгари ривожланган, маданийлашган давлатларга интилган бўлса, ҳозир бозори арзон ва чаққон юртларга парвоз қилмоқда. Ҳиндистондан дори-дармон ташиди, Эрондан уй жиҳозлари,

Малайзия, Таиланддан турфа хил матолар келтирди.

Тўғри, тижоратнинг ёзилмаган қонун-қоидаларига жавоб бериб, ортиқча бойиб кетиш қийин кўчди. Бироқ, елиб-югуришлари самарасиз кетмади, ёмон яшамаяпти. Уйда барча шароитлар яратилган. Ота-онасига пойтахтдан ҳовли-жой сотиб олиб берди. Бундай мурувватни эркаклар ҳам ўрнига қўйишолмайди. Ёлғиз ўғлига тўрт хонали "дом" маҳтал. Яна қаердан денг, Тошкентнинг энг маркази, гавжум даҳасидан. Муҳими, ота-онасининг ҳовлисига бир қадам. Дадаси набирасининг "дом"ини кўргани келганида, кенг ва баҳаво балконига чиқиб, "Ие, уни қаранглар, бу ердан ҳовлимиз кўриниб тураркан", деганди. Чиндан ҳам ҳовлиси эмас-ку, бироқ, ўша маҳалла кўзга ташланиши бор гап.

Ўйлаб қараса, Баҳор ўттиз ёши арафасидаёқ олдиға қўйган муҳим орзуларига эришибди. Меҳрибон ота-онаси ҳам ҳали бардам, ўғли соғлом ўсяпти. Шукр, қўлини қаёққа узатса етади. Тўғри, шахсий ҳаётида бахт ундан "аразлади". Аммо, эвазига чин муҳаббат совға қилди. У ишқ лаззати қанчалар ҳузурбахш жон озиги эканлигини дилдан туйди. Аслида ёруғ оламдаги энг тотли, энг титроқли ва энг фараҳбахш туйғу – севги қудрати экан. Жуда қизиқ-да, Андижонда туғилди, ўрта мактабда таҳсил кўрди, беш йил тиллар педагогика институтида ўқиди. Не-не осмондаги юлдузни бенарвон урадиган йигитлар Баҳорнинг нозик, жажжи юрагини ўзларига ром этишолмади. Қанчаси орқасидан юрди, кўнгил қўйди, меҳрини қозонишга уринди, аммо, ҳаммаси бефойда. Қовоғидан қор ёғиб, олдидан келса тишлаб, ортидагини тепадиган жиддий ҳуриликлар ҳам вақти-соати билан муҳаббат домиға тоб беришолмади. Йигитларни жини суймайдиган қанча қизлар юрагига чўғ тушди. "Ота-онам севиб турмуш қурсам, ўлдиради" деганлар ҳам ишқ изтиробидан нажот излаб қолишди. Фақат Баҳор қалби забт этилмади. У худди ўнинчи синф ўқувчиси каби ҳамон соддадил, ишонувчан, беғубор қизалоқ эди. У билан бир бора сўхбатлашган йигит қувончдан боши кўкка етиб, "мен уни қўлга киритдим", дея ҳайқирарди. Бироқ, орадан вақт ўтиб, осон чақиладигандай туюлган ёнғоқ пўстиға темир тиш ҳам ўтмаслиги аёнлашарди.

Тақдирни қарангки, ҳусн-жамолда яғона, одоб-ахлоқда тенгсиз, меҳри чексиз шундай қиз худди Обломов каби ўзидан ўзгани тан олмайдиган куёвға дуч келди. Бу, эҳтимолки, унинг ҳажрида ёниб, бағри кабобға айланган мухлислари кўз ёшлари касридир. Балки, севгини тан олмаганларнинг жазоси шудир.

Ҳарҳолда бечора қиз бу кўргуликка чидади. Эрининг табиатини

ўзгартириш учун жон олиб-жон берди, киймай кийинтирди, емай едирди... Аммо, бўлмаганга бўлишганининг ҳолига вой... Эр бечора зўра ишга боради, поликлиникада бир амаллаб тушликка қадар ўтириб, тезда изига қайтади. Энг ёқимли машғулоти уйқу, севган жойи – диван.

Баҳор бунисига ҳам кўниқди. Фақат бир одати билан сира келиша олмади. У болалигидан ёзда уч марта, қишда бир марта ювинишга одатланган, покизалик қон-қонига сингиб кетган эди. Қани, эр жонивор ҳеч йўқ оёғини ювиб ётса.

Оппоқ крахмалланган чойшабга худди тупроққа ағанаган туя каби чўзилиши унинг сабр-косасини тўлдирди. Бор гапни онасига тупшунтирди. Онаизор уни инсофга чақирди, уйига қайтарди. Яна ҳаёт учун кураш бошидан бошланди. Бироқ, касал тузаларкан, ёмон одам аста – секин яхшиликка эгиларкан, аммо, нодонга жавоб сукут, деб бежиз айтилмаган экан. Эр ўзгармади, ёмони ўзгаришга хожиши сезилмади.

Баҳор яна ота кўрғонига қайтди. Бу сафар онаси уни тушунди. Бироқ, қаттиққўл отаси анчагача қовоғини очмай юрди.

У, бу кўргуликни ҳам Яратганининг синови, деб билди. Мактабда эрталабдан, кечгача ишлади, ким илтимос қилса, ўрнига дарсини ўтди, жамоат ишларидан четда қолмади.

Мактабда бир опа бор эди. Бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудирини ҳисобланарди. Баҳорни ўз қизидай яхши кўрар, тинимсиз ишлаётганидан ташвишланар, гоҳида қаттиқ танбеҳ ҳам берарди. Аммо, дарс соатини сира қисқартирмасди, кичик танаффусларда ҳам озгина бутерброд билан бир пиёла чойни муаллимлар хонасидаги столи устига келтириб қўярди.

Баҳор ҳаётда билган энг меҳрибон инсон шу Ҳадича Ибрагимовна эди.

Орадан бир ярим йил ўтди. Тўплаган пули уч хонали уйга етди. Уйни олди-ю, кўчиб киришга шошилмади. Олти ой мобайнида таъмирлатди. Топган пулини емоқ-ичмоқ ва киймоқ ҳузуридан тийиб, шу уй таъмирига чалади. Яхшики, усталар ёнида дадаси туриб берди. Ҳартугул, ёлғизлиги сезилмади.

Янги уйнинг "оёғи" ярашди. Асосан ёзги ва қишки таътилда борадиган тижорат сафарлари катта фойда келтирди. Ҳиндистондан дори олиб келиб, улгуржи савдони йўлга қўйгач, пулининг ҳисобига етолмай қолди. У энди Андижонда узоқ ўтиролмасди. Бир сафарги дориларни дорихоналарга тарқатиб, аввалги сафарги "моли"нинг маблағи ҳисобига яна Деҳлига учарди. Ора-орада яқин Шарқ



мамлакатларига ҳам "кўз ташлаб" кўярди.

Ана шундай "юлдузли" онларида Ботир билан боғланди-ю, қалбини ўз эгасига топширганини тушунди. Бу камгап, эътиборли, муомала маданияти юксак йигит айни унинг дидига мос эди. Шу боис, ўзи сезмаган ҳолда уни қаттиқ севиб қолганини англади. Аммо, шунда ҳам тишининг оқини кўрсатмасликка, мустақиллигини йўқотмасликка анча уринди. Сездики, бу бора-бора қийин кўчаяпти. Аксинча, Андижонга келиши билан ҳамиша севгилиси суҳбатига аржумандлик истар, унинг оғушидаги ҳаловатни дунёнинг ҳеч қандай лаззатига алишмасди.

Вақт ўтиши билан юрагидаги сокин муҳаббат худди ўжар дарё каби борлигини ўз домига торта бошлади. Энди унинг истаклари доираси ҳам кенгайди. Илгари бир марталиқ висол бир ҳафталик таскин бағишласа, аста-секин ёр васлига етишмоқ, унинг дийдорига тўймоқ, қулоғига шивирлаб айтганида, бутун вужудини куйдиргувчи изҳори ишқ куйини тингламоқ ташналиги тобора кучайиб, ҳаловатини ўғирларди.

У болалигидан мағрур ўсганди. Ана шу ғурур қон-қонига сингиб кетганди. Шу боис ҳам Ботирни ҳеч маҳал керагидан ортиқча ҳузурига чорламас, қалби ташналик дардида куйиб-ёнса-да, чурқ этиб оғиз очмас, алалхусус, ёрини ноқулай вазиятга тушириб қўйишдан истиҳолада яшарди. Сезардики, иложи топилса-ю, Ботир ҳам бир нафас ёнидан жилмаса, атрофида парвонадай айланса, бағридан бўшатмаса. Лекин, ҳаёт улар ўйлаганидан кўра мураккаброқ экан. Бир тарафда катта корхона залвори йигитнинг елкасида. Иккинчи тарафда касалванд хотини, қариңдош-уруғ, маҳалла-кўй. Баҳор ўтган муддат ичида севгилиси сийратини беш панжасидай билиб олди. Агар бошқа одам бўлганида, Баҳор учун эмас, чин муҳаббати учун ҳамма нарсасидан воз кечиши мумкин эди. Эҳтимол, Ботир ҳам бутун дунёсидан кўз юма олар, фақат хастаҳол, касалванд хотинидан эмас. Бундай йўл тутишига унинг виждони чидамайди. Баҳор ҳам бировнинг бахтсизлиги эвазига бахт қасрини қуролмайди, буни ўтакетган ноинсофлик, деб тушунади. Айни пайтда толе унга оилали кишини рўбарў қилганидан ўкиниб, сўнгсиз ўй-хаёллар гирдобиди ғарқ бўлади...

Баҳор ҳозир ўзининг нақадар ёлғизлигини илк бор ҳис этди. Бегона юртда уни йўқлар кишиси борми? Бу ёғи қандай кечади? Бор-будини "товар" олиб, жўнатворган. Қўлидаги чипта ҳам оддий қоғозга айлангани табиий. Энди қонундан бошқа нарсани тан олмайдиган мамлакатдан қандай чиқиб кетаркин? Паспортидаги

виза бор-йўғи бир ҳафтага очилган. Касалхонада даволангани учун қанча сўрашаркин. Унинг ёнида нари борса уч-тўрт юз доллар бордир. Агар Ботирга телефон қилса, икки-уч минг топа олармикан? Топганида ҳам кимнинг номига жўнатади? Маҳаллий кишилардан бирон таниши йўқ-ку. Мабодо чартер қатновини уюштирган фирмадан биронтасининг номига пул юборса-чи? Бу расмиятчилар бунга розилик беришармикан?

Асли касал ҳолатида ҳам самолётга чиқиб кетиши керак эди. Ўзига қолса, шу йўлни танларди. Бироқ, дугоналари дарров касалхонага ётқизишни маъқул топишибди. Эҳтимол, ҳушини йўқотганига кўрқиб кетишгандир. У ҳолда кейин қандай қайтишини нега ўйлаб кўришмади? Ё тавба, қизиқ гапларни гапиради-я. Ахир гуруҳида унинг энг яқин дугонаси бормиди? Ҳаммаси кўз таниш, ҳаммаси рақобатчи. Андижонда битта харидорга тўрт-беш миждоз талпиниб турибди. Улар учун биттаси камлиги ҳам ҳарна-да. Юртдошининг кейинги ҳаёти қандай кечиши билан кимнинг иши бор!

Унинг кўнгли бузилиб кўзларига ёш келди. Барибир, ёлғизлик ёмон экан. Агар Ботир расмий эри бўлганида-чи, у ҳеч вақт қулоқ қоқиб қараб турмасди. Хўп, Ботир-ку шунчаки жазмани, собиқ эри-чи? Ў, уни эслашга ҳам ҳожат йўқ. Биров "хотининг ўляпти", деса ҳам пинагини бузмасди.

Баҳор дарров ўзини қўлга олди. Ахир, шу ёшгача бутун муаммоларини ўзи ечиб келган одам нега ҳозир ҳис-туйғулар асирасига айланяпти. Аввал оёққа турсин, кейин вазият ойдинлашади. Энг муҳими, тан-жони соғ, ақл-ҳуши жойида. Қолганини изга солиш ҳеч гап эмас. Ботирдан ҳам бекорга ўксияпти. Аввало, у ҳали нима гаплигини билмас, қаердан билсин, савдогар аёллардан ҳеч ким уни танимаса.

У беҳуда ўйлардан чарчаб, кўзларини юмди. Тушида Ботирни кўрди. У ҳамон тайёрагоҳ ҳовлисида кутиб ўтирганмиш. Кўзларидан дув-дув ёш оқармиш. Баҳор унга қараб талпинармиш. Аммо, сира ўрнидан қўзғалолмай, жони ҳалак бўлармиш. Бирдан Ботир кўз ёшларини артиб, тайёрагоҳ йўлига чиқиб олибди. Баҳор кетидан чопибди. Йўқ, қуш каби учибди. Ёнидан шувиллаб ўтган севгилисини кўриб, Ботир жон ҳолатда "Баҳор, Баҳор" дея ҳайқирибди. Унинг овозидан тоғлар ларзага келибди, Нил дарёси чайқалибди, ҳавони чанг-тўзон қоплабди.

— Баҳор, Баҳор, жоним!

Баҳор чўчиб уйғонди-ю, унга энгашиб турган Ботирга кўзи тушди.

Аввалига тушим давом этапти, деган ҳадиқда кўзларини юмди. Баҳор бу туши узоқ давом этишини, сира-сира тутамаслигини истарди. Беихтиёр кўзлари ёшланди... Бироқ, ўша дудоқ, ўша бўй димоғига урилганида, гап нимадалигини англаб, ётган жойида Ботирнинг кучоғига отилди.

## 5

Олия айвондан пастга тушиб, ҳовли саҳнидаги райҳонларга сув сепа бошлади. Келинининг саломатлиги яхшиланаётганидан қувонган Саломат аянинг кўзларига ёш қалқиди.

— Вой йўлингизга жоним паёндоз, болам, гуллар оралаб юрсангиз, уйингизнинг файзи яна ҳам ортиб кетаркан-а? Туф-туф, кўз тегмасин.

Келин худди ўз онасидай меҳрибон, тезда ёниб, тез ўчадиган, жаҳли ҳам, қаҳри ҳам, меҳри ҳам тилининг учида турадиган қайнонасига қучоқ очди.

— Сиз менинг паноҳим, меҳрибонимсиз. Сизсиз менинг ҳолим не кечарди, ойижон?

Хурсандчилик бирпасда изтиробга айланишидан хавотирланган онахон дарров суҳбат мавзусини бурди.

— Бутун тушликка юмшоққина шавла қилайликми? Ё кўнглингиз бошқа таом тусаяптими?

Олия эрқалангиси келиб, яна қизиққон аяга суйқалди.

— Агар хўп, десангиз, ўз қўлим билан қиймали мастава пишириб бермоқчиман.

Саломат ая келинининг сўлғинлигига қарамай, кўркини йўқотмаган чиройли юзига айёрона нигоҳ ташлади. Унинг бутун орзу-умиди қиз набира кўриш эди.

— Вой, жон болам, мастава ичмоқчимисиз? Кўнглингиз шуни тусаяптими? Нега аввалроқ сезмадим-а? Бўпти, сиз масаллиқни олиб чиқинг, қозонни иккаламиз қайнатамиз.

Олия ошхонадан гўшт, сабзи, пиёз олиб чиқиб, гуллар орасидаги чорпояга қўйди. Бу ер анча сўлим ва серсоя эди. Саҳн бўйлаб қатор экилган игна баргли арчалардан ҳамиша Кавказ бўйи анқиб турарди. Арчалар оралигидан каттагина ариқча ўтган, унинг икки қирғоғида хурмо ва нок кўчатлари барқ уриб ўсарди. Умуман 15 сотиҳлик ҳовли шинам боғ-роғдан қолишмасди.

— Тушликка Ботир акамни чақирсак, келармикан? — ийманибгина онахоннинг юрагига қўл солди келин.

Саломат ая ўзида йўқ хурсанд эди. Чунки Олия унга нафақат

келин, айни чоғда синглизининг қизи ҳам эди. Хола она ўрнида дейишади. У мана шу оқила, камсуқум қизни болалигидан яхши кўрар, еру кўкга ишонмас, ҳатто синглизини Кароматойдан ҳам қизганарди. Дастлаб бу никоҳга Ботир кўнмади. "Синглимдай қизни оламанми", деб оёқ тираб, "ҳунар" кўрсатди. Кейин ёзги таътилда холасига қарашгани келган навниҳолгина қизга кўзи тушди-ю, бу уч-тўрт йил аввалги қизалоқ эмаслигини идрок этди. Ўшанда Анвар ҳам шу ерда эди.

— Ўҳ — ҳў, Ботир, ким у нозанин, қара, гунча лаблари роса бўсага мос эканми? — деб ҳазиллашди. Шу ҳазил туфайли юрагида ожизгина рашк уйғонди. Жуда галати. Аслида аввал севги, сўнг рашк бошланарди. Ботирда бу туйғу тескарисига кўз очди. Нима бўлганида ҳам тоғаси гап очганида аввалгидай рад жавобини бермади.

Уларнинг тўйи камтарона ўтди. Ёлғиз ўғилни ҳам ота, ҳам она сифатида вояга етказган Саломат аяда ортиқча сармоя йўқ эди. Синглизини анчагина бадавлатлигига қарамай, мол-дунёни сочиб юбормасди. Эрининг топганларини гўё она қоллон каби қаттиқ ҳимоялаб, доимо камбағаллик ҳадиғида яшарди. Шу боис, Олиянинг сепи ўзига аталган биттагина хонани ҳам жуда безаб юборолмади. Лекин, холаси ҳам, Ботир ҳам бунақа дунёвий икир-чикирларга аҳамият берадиганлар тоифасидан эмасди. Муҳими, бу камтарона оилага тезда элакишиб, ҳатто кўни-кўшнилари билан тил топишгани эди. У наинки ўз оиласида, ҳатто маҳаллада ҳам қўл-оёғи чаққон келин сифатида оғизга тушди. Ботирнинг ёрдами ва қистови билан институтда ўқиди, ёнидаги мактабга ишга кирди.

Бу маҳалда Ботирнинг ҳам омади чопаётганди. Ёш мутахассиснинг гайратли, ишга масъулиятли эканлиги тезда раҳбарлар эътиборига тушди. Оддий чилангарликдан муҳандис ўринбосари лавозимига, сўнгра техника хавфсизлиги бўйича муҳандисликка кўтарилди. Хусусан, унинг оғир, вазмин мулоҳаза юритиши, ҳар қандай вазиятда тўғри, адолатли қарорга кела олиши, камчиликларга мурасасизлиги катталарга ёқарди.

Шу орада ўғли туғилди-ю, Олиянинг сиҳат-саломатлигига дарз кетди. Худди шовва қирғоқни емиргандек турфа хил касаллик чиқиб, бечора аёлнинг асабини кемирарди. Шу сабаб эр-хотин ўртасида кўнглисизликлар, англашилмовчиликлар кўндаланг кела бошлади. Аёл ортиқча инжиқ эди. Унга битта кам, иккитаси ортиқча... Ботир бу ҳаётга ҳам кўниқди. У хотини табиатидаги ўзгаришлар сабаби кетма-кет касалликлар исканжасига тушиб қолганлиги оқибати деб тушинарди. Шу боис, мураса йўлини танлади, уйдаги шароитни

Олия диди ва эҳтиёжига яраша мослаштирди. Бошқарув жilовини меҳрибон ва жонсарак онаси қўлига тутқазди.

Эҳ-ҳе, ўтган йиллар мобайнида Олияни кўрсатмаган шифокори, олиб бормаган сиҳатгоҳи қолмади. Лекин, хасталик инсон баданига бир чанг соддими, тамом, эгаллаган жойини омон қўймас экан. Олия 28 ёшида жарроҳлик столига ётди. Ўшанда Ботир илк бора бу инжиқ ва талабчан, гоҳида ювош ва мўмина аҳли аёлига нақадар ўрганиб кетганини юракдан сезди. Токи операция тутамагунча Олия ётган палатадан бир қадам жilмади, бировга тишининг оқини кўрсатмади, юрагидаги хуруж бўронини ҳеч кимга сездирмади. Хаёлида фақат бир жумла айланарди: "Ё Раб, хотинимни мендан тортиб олма, унга шифо бер, ёлғиз ўғлимни чирқиратиб, ўзимни етим қўзидай тентиратиб қўйма!"

Жарроҳнинг қўли энгил экан, Олиянинг ҳаёти сақлаб қолинди. Жони омонлигига севинган аёл тез орада бу неъмат залворини англаб етди. Чунки киши вужудидан кесиб ташланган ўша аъзо вазифасини бошқаси уддасидан чиқолмас, натижада бу ҳолат асаб ва юрак зўриқишига олиб келар экан. Дардга полвон Олия бу синовгада дош берди, жони кўзига кўринганида мум тишлади, ҳадеб нолийвериб, одамларни ўзидан бездириб қўйишдан чўчиди. Қолаверса табиатидаги оғир, босиқлик ҳам қўл келди.

— Маставани хом ташлаймизми, қизим?

Ошхона тарафдан келган овоз Олиянинг хаёлини бўлди. У шошилмай ўрнидан қўзғалди. Ҳали чорпоядан тушиб улгурмай, озрингина Саломат ая унинг қаршисида ҳозир бўлди.

— Сиз уринманг, овқат тайёрлаш жону дилим эканлигини ўзингиз яхши биласиз.

Худди шу тобда дарвозахона тарафдан уч эшик нарида яшовчи Таннозхон кўринди. У доимо "Маҳаллада дув-дув гап" филмидаги Ойпарчага тақлид қилишни ёқтирарди. Ҳозир ҳам ёғоч ўтказилган атлас астарли елпуғичини айлантириб келар экан, эшик ёнидан шовқин солди.

— Ҳой овсинча, тузикмисиз, бай-бай жудаям очилиб, ўн тўрт кунлик ойдаи бўлиб кетибсиз-ку. Буни қаранг, қачон қарасам, касалман деб, Ботиржонни юрагини ёрасиз-а.

Таннозхон Олиянинг тенгдоши, иккаласи бир йилда келинлик либосини кийишган. Шунга қарамай, у ўз тенгдошларидан анча каттага ўхшар, гап сўзлари ҳам шунга яраша олди-қочдидан нари ўтмасди.

Саломат ая бу эркак, шода аёлни кўпам хушламасди. Бироқ,

одамнинг юзи иссиқ, кўчадан кириб келган меҳмонни кўкрагидан итариб бўлмаса...

– Вой гиргиттон, хўп вақтида келдиз-а. Бугун келинимнинг чеҳраси очиқ соғлиғи яхши. Одам тафтини одам олади, дейишади. Сизлар чақ-чақлашиб ёзилинглар, мен ошхонага бора қолай.

Олия қайнонасига эътироз билдирмоқчи эди, Саломат ая келинини қўлидан ушлаб, жойига ўтиргизди.

– Сиз туриб кетсангиз, Таннозхон зерикиб қолмасин яна... Мен ҳозир...

Таннозхон қадам товушлари сўнгач, суҳбатдошига суқланиб қаради.

– Олия, сизни биров дард тортган одам демайди, ҳалиям янги тушган келинчақлардан қолишмайсиз-а?!

Мезбон уялиб "қўйинг, унақа деманг ўртоқ", деб қўйди. Аммо, Таннозхон негадир шу мавзуни давом эттиришга мойил эди.

– Эрингиз тилла йигит-да, одамлар хотинини кифтида кўтарса, сизни кафтида авайлайди. Бизникилар аллақачон совиб қолган. Эркакми ёки гўлами фарқига боролмайман.

Олия кулиб, ўртоғининг бўлиқ сонига шапатилади.

– Ажойибсиз-да, бунақа гапларни қаердан топасиз?

Таннозхон кўксига қўл қўйди.

– Ичимда гап пиширадиган хумдон бор. Хоҳлаган масалада, хоҳлаган одам тўғрисида маълумот топилади.

Шу аснода Нозима ҳам мактабдан эртароқ қайтиб қолди. У опасининг дугонаси билан суҳбатлашиб ўтирганини кўриб, севинди. Югуриб чорпоёга келди, Олияни бўйнидан қучоқлаб кўришди. Сўнг меҳмон билан саломлашгач, зинапоядан сакраб-сакраб чиқиб ётоғига кириб кетди.

Шу синглингиз сизга жуда меҳрибонда, – унинг орқасидан ҳавасланиб қараган Таннозхон кўзларига ёш олди.

– Қанийди, ҳеч йўқ мана шундай оқила, чаққонгина битта қизим бўлса. Ёш умрим хазонга айланяпти.

Олия дугонасининг феълени биларди. У бир зумда ёниб яна тезда ўчар, кўз ёшлари кипригига илингани каби, кулгиси ҳам лаблари орасида пайт пойлаб турарди.

– Ҳали ёшсиз, қаратинглар, ахир, ҳозир тиббиёт жуда илгарилаб кетган.

– Вой ўртоқ, намуноча соддасиз, бу савил эркакка ўша сиз айтган тиббиётнинг ҳам кучи етмаяпти-да. Ё ўзи емайди, ё бировга бермайди...

Мезбон тилини тишлади. Бу оилада ҳар қандай ҳангома одоб чегарасидан чиқмас, ички маданият, муомала тартиби, худди рисоладагидай сақланарди. Ўртоғининг сукути меҳмонга бошқача таъсир кўрсатди.

— Мен доимо сизни ўйлайман, — деди Таннозхон энди бутунлай бошқача қиёфада. — Сиз эса ҳеч қачон фикримни маъқулламайсиз, гапимга гап қўшмайсиз.

— Ундай деманг, — Олия хижолат тортиб кўзларини олиб қочди, — Фақат бу масалада биласиз-ку, уқувим йўқ. Шер ака яхши одам, оилапарвар.

— Э ўргилдим ўша номи шер-у, амали қуён акангиздан. Хўп, бу ёғи шунақа экан, ҳеч йўқ эркакка ўхшаб бир дўппосласа ҳам рози эдим. Қачон қараманг, кўзимга тикилиб, аксирсам, лаббай, дейди. Латтанинг ўзи. Мана, Ботиржон доимо сири билан туради, виқорли, меҳрини ҳам қоғозга ўраб беради. Ё шундай эмасми?

— Қайдам? Сўнгги йилларда ёстиқдан бош кўтаролмаяпман. У бечорага қийин. Бир томондан иши масъулиятли, иккинчи тарафда менинг ташвишим. Унга раҳмим келади-ю... Не қилайки, дадил оёққа туролмаяпман. Уч кун соғман-у, яна тўрт кун хастаман.

Таннозхоннинг бодом қовоқлари орасидаги мовий кўзларида шум нигоҳ жилваланди.

— Кўпам куюнаверманг, овсин, эрингиз ҳам жуда анойилардан эмас.

Олия сергакланди.

— Тушунмадим, ўртоқ? Бу билан нима демоқчисиз?

— Хўп, майли, айтсам, айта қолай. Яқиндан буён эрингизнинг машинасида бир аёлни икки бор кўрдим. Кўнглингизга олманг-у, биринчиси тасодифдир, аммо, иккинчиси зарурият юзасидан шекилли. Хуллас, эҳтиёт чорасини кўрмасангиз, оғзингиздаги ошни олдириб қўясиз.

Олиянинг лаблари оқарди, чеккаларидаги сезилар-сезилмас ажинлар қуюқлашди. Аммо, дардга ботир аёл сир бой бермади, ўзини мардона тутди.

— Сиз уни яқиндан кўрдингизми?

Таннозхон елпуғичини гир-гир айлантиришдан тўхтаб, Олиянинг ёнига сурилди.

— Бир куни анови корейслар ресторанида учратдим. Ишонасизми, овқат музлаб бўпти, худди икки фолбинга ўхшаб, бир-бирини кўзи билан ютвораман, дейди. Шу топда дунёни сув босса тўпигига чиқмаслиги аниқ эди. Аммо, хафа бўлманг-у, зорманда бу

дунёнинг одами эмас, худди фариштанинг ўзи. Юзи лоҳурдай, ингичка томоқлари оппоқ, ҳатто ютинса сезиляпти. Кўзлари бирам чиройли, яна хумор боқишини айтмайсизми? Агар эркак сифатида яралганимда, Ботирни доғда қолдириб, ўзим узоқларга олиб қочардим.

Таннозхон ҳиссиётга берилиб ортиқча гапириб қўйганлигини, дугонаси юрагига ниш урганини тушунди. Тушунди-ю, энди кеч эди. Жонҳолатда Олиянинг ҳилвираб турган гавдасини қучоқлади.

– Мени кечиринг, овсин, билмасдан гуллаб қўйдим. Аммо сизга ачинганимдан гапирдим. Ҳар ҳолда олдини олган яхши. Уларнинг муносабатлари чуқурлашмасдан аввал эҳтиёт чорасини кўринг. Керак бўлса, куну тун пойлаб, қўлга туширинг. Ўшанда қилт этолмайди. Оғзингизни очиб, индамай уйга қамалиб ётсангиз, бир куни пушаймон чекасиз.

Меҳмон Олияни қучоғидан бўшатиб, чорпоя четидаги ёстиққа суюнди. Адолат юзасидан айтмоқ жоизки, у бу янгиликни дугонасидан суюнчи олиш ёки уни "ер билан яксон қилиш" учун ошкор этмаганди. Одатда маҳмадона, лақма дўстлардан шундай "илтифот" кутиш мумкин. Улар ўзларича яхшилиқ қиляпман, ёрдам қўлини чўзяпман деб ўйладилар-у, амалда душмандан баттар азият етказадилар.

Хонадон соҳибаси ичидан зил кетса-да, иззат-нафси, ғурури топталишига йўл қўймади.

– Бу гаплардан ўзимнинг ҳам ҳабарим бор, – деди у хотиржам қиёфада.

Таннознинг бошидан хуши учиб, кўзлари мувозанатини йўқотди.

– Наҳотки... Демак арғамчини узун ташлабсиз-да.

– Ҳа, худди шундай, – деди кулимсираб Олия. – Шундай узун ташладимки, ҳатто унинг учини ҳам қўлдан чиқарганман.

– Яъни?!

– Яъни мен эрининг орқасидан пойлаб юрадиган аёллар тоифасидан эмасман.

– Унда, вақти келиб бева қоласиз-ку ёки шу қисматни истаяпсизми?

– Йўқ, оила бузилишини қайси хотин хоҳлайди? Лекин, масала фақат бир кишининг истагига боғлиқ эмасда. Агар эрим ўзга бир маъшўқага кўнгиб берса, мен уни қандай қилиб, ўз бағримга қайтаришим мумкин? Албатта, расмий қайднома ва никоҳ ҳурмати, унинг сурати мен билан бўлар, лекин, кўнгли барибир ўша ёрда қолади-ку.

– Жуда қизиқ-ку, демак, Ботиржоннинг ихтиёри ўзида, сиз эса



оддий томошабин каби унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турасиз, холос. Бунақада бировнинг боғини оралаган эркак қайтиб ўз қароргоҳига қиё боқмаслиги ҳам мумкин. Ёки эрингиздан кўнглингиз қолганми?

Олиянинг қоп-қора кўзларига илк бора мунг чўқди. У ариқча кирғоғига қатор экилган садарайҳон баргига қўнолмаётган сариқ рангли қушга тикилиб ўтирарди. Ниҳоят, кўндаланг қўйилган савол залвори миясига урилди, шекилли, оҳиста тиш ёрди.

— Мен Ботир акамни жонимдан ҳам ортиқ кўраман. Фақат ўз билганимча, ўз ҳолимча. Мен муҳаббатимни мадҳ этишни, кунига юз бора пешонасига тақиллатишни, тўтиқушдай такрорлашни хуш кўрмайман. Севги бу — реклама эмас. Уни ҳар ким ўз заковати, ахлоқи ва ҳиссиёти салоҳияти даражасида англай билади. Мен Ботир акамни кунига "севаман" деган сўзлар билан сийлашим осон. Лекин, бу билан ҳеч нарса ўзгармайди, севгим бир мисқолча ортиб ёки камайиб қолмайди. Ҳозир менда муҳаббатимни ҳимоя қиладиган имконият йўқ. Жони кўзига кўринган инсонга севгидан кўра, ҳаёт ширинроқ туюларкан. Қолаверса, эримни айбламоқчи эмасман. Ахир, навқирон эркаклик даврини касал хотини кўзига қараб ўтказиш осонми? Яна ҳам раҳмат, доимо ёнимда, ҳамиша менга паноҳ, мустаҳкам қоя...

...Яна бир гап, мен Ботир акамни сиздан кўра яхшироқ биламан, у ҳеч маҳал мени ёлғиз ташлаб кетмайди. Унинг виждони бунга йўл қўймайди. Йўлдан чалғиш, адашиш, одамга хос камчилик. Беайб парвардигор, деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун сиз Ботир аканинг қадамини санагандан кўра, Шер аканинг кўнглини иситинг, зора, муродингиз ҳосил бўлса...

Таннозхон умрида бунчалик таъзирини емаганди. Унинг кепак сепилгандек сепкилли юзи тундлашиб, афти буришди. Ингичка қошлари чимирилди, пешонасида нўхатдай тугун кўринди. Ҳозир Олиянинг муомаласига муносиб жавоб беролмаслигини фаҳмлаб, индамай дарвозага юзланди.

Қўлида елим халта кўтариб келаётган Ботирнинг қистовига ҳам кўнмай, хайр-хўшлашиб ўзини ташқарига олди.

## 7

Баҳор Дубайдан қайтганидан кейин Ботирга нисбатан муҳаббати ўн чандон ортди. Муҳими, ёруғ дунёда уни истагувчи, йўқлагувчи ҳифзу ҳимоясига олгувчи азиз инсон борлигидан боши кўкка етди.

Муҳаббат аёл қалбини бутунлай ишғол қилиб, севгилисига бўлган

меҳрини янада кучайтирди. Гоҳо уйда ёлғиз пайтларида юрагининг қат-қатига сингган ишқ тугёнидан беихтиёр ўзи ҳам ларзага тушар, Ботирни бутунлай ёнидан жилдирмаслик тўғрисидаги хаёллар оғушида эс-хушини йўқотарди.

Жуда қизиқ-да. Одам боласи билиб туриб ўзини ўтга уради. Бировлар сиҳат-саломатликка кушанда эканлигини англагани ҳолда тамаки чекишдан тийиолмайди. Бошқалари ичкиликка ружу кўяди. Худо сақласин, энг оғир гуноҳга қўл урадиганлар қанча? Баҳорнинг назарида севги ҳам шунақа кайф қилдирувчи, кишининг инон-ихтиёрини занжирбанд этувчи, яхши ва ёмонлиги мудом сирлигича қолувчи тизгинсиз ва илоҳий бир туйғу. Аммо, севгида ёмон бир майл томир отиб боравераркан. У ҳам бўлса, кўнгил кўйган кишисини ҳеч вақт, ҳеч қачон ўзгага бермаслик ёки бировнинг ёнида кўришдан қўрқув ҳавотири экан. Дастлабки кезлари бировнинг бахтига шериклик мақомини эгаллаганидан изтироб чеккан аёл бугун ўша бахтнинг қолган қисмига ҳам даъвогар бўлиб турибди-ку. Илгари Ботирни ишга кузатяпман, деган гўзал тушунча билан ўзини, ўзи овутиб яшаётганди. Энди унинг қораси йўқолди, дегунча, кўз ўнгида ҳали нигоҳи тушмаган Олиянинг заъфарон ва газабнок қиёфаси гавдаланаверади, гавдаланаверади... Яхшики, бу шубҳали хаёллар йигит эшиқдан кириб келиши ҳамона тумандай тарқаб, ич-этини кемираётган рашк азоби босилар, хавотир ва ҳадик қочган маконга ҳаловат, деб аталмиш руҳий сокинлик кириб келарди.

Бироқ тинч оқар дарёнинг ҳам асов тўлқини бор, деганларидек, аста-секин сокин дарё мавжи ҳам кучая борди. Атрофида яқин дугоналари бўлмаган, ота-онаси-ю, ёлғиз ўғлидан олисда яшаётган Баҳор учун якка-ю ягона суҳбатдош, дардкаш Ботирнинг ўзи эканлиги боис, унинг дийдорига муштоқлик ҳаётий зарурият даражасидан ҳам ортиб кетди. Гўё шу оғир-вазмин йигитсиз кенг дунё тор, ёруғ олам қоронғудай.

Аслида Ботир ҳам худди шу ҳолатни бошидан кечирарди. Иш вақти тугаши билан оёқлари беихтиёр Баҳорнинг хонадонига етаклар, унинг қайноқ бағрида жамики ҳаёт ташвишларини унутиб, гўёки балоғат остонасидаги йигит каби ҳис-туйғулар уммонига шўнғиб кетарди.

Лекин, икки дилга бахт улашмоқ, икки инсон кўнглини овламоқ худди мағрибдаги ўчоққа машрикда туриб ўт ёқиш билан баробар экан. Айниқса, турли байрам ва янги йил оқшомлари у бир жонини иккига бўлолмай, меҳр кутган дилларга меҳр улашолмай, ҳалак бўларди, қийин аҳволга тушиб, руҳан эзиларди. Бир тарафдан тобора

кексаиб бораётган онаси, кўзлари йўлига нигорон ўгли, касалванд аёли, иккинчи тарафда дунёларга алмаштирмас муҳаббати ва Баҳори...

Янги йил арафасида онаси ўглини суҳбатга чорлади.

— Кўзингни оч, ўғлим, хотинингнинг дарди сира аримаяпти. Бир кун келиб, пушаймонлик азобида қолмагин.

Ботир гап нишоби қаерга бурилаётганига тушунганига қарамай, секин ўсмоқчилади.

— Мендан нима истайсиз ўзи?

Саломат ая ўғлининг киртайган кўзларига ачиниш билан қаради.

— Эҳ болам-а, болам-а... Мунча ўзингни қийнайсан? Нега кўрпангнинг бир учини бошингга тортсанг, оёғинг очилишини тушунмайсан? Агар хотиржам яшай десанг, елкангдаги юкни енгиллаштиришни истасанг... Ўша аёлдан воз кеч. Эшитишимча, мол-дунёси бисёрмиш, бойлиги етти пуштига етармиш, мана, мени айтди дейсан, асти ёлғиз қолмайди.

Ботир онасидан бунақа дадиллик кутмаганди. Бир муддат кўз олди қоронғулашиб, талмовсираб, қандай жавоб айтишни билмай қолди. Сўнг ўзини ўнглаб, тиш ёрди.

— Сиз уни биласизми?

Она боласининг бошини бағрига босди.

— Наҳотки, шунчалар соддадилсан, болам? Ахир, ойни этак билан ёпиш мумкинми? Бу гапдан ҳаммамиз хабардормиз.

Йигит қаддини ростлади.

— Ҳаммамиз деганингиз Олия ҳамми?

— Билмадим! Олия ўз дарди билан овора. Қолаверса, у огир-вазмин жувон, мабодо сезганида ҳам менга тишини оқини кўрсатмайди. Сен бу ишончни суиистеъмол қилмаслигинг керак. Агар у соғ-саломат юрганида ҳам майли эди. Бечоранинг дардига дард қўшиб, нимага зришасан? Наҳотки, виждон азобидан кўрқмайсан? Яхшиси, гапимга қулоқ сол. Ўша бойвуччадан кеча қол, ўзингни ҳам, уни ҳам, келинни ҳам ҳаётини хароб қилма. Айтчи, сенга нима етишмайди ўзи? Амалинг бор, обрў-этиборинг жойида, Олия ҳам бинойидай аёл. Фақат касаллик ранги-рўйини сомондек сарғайтиряпти. Соғайса, ойлардай бўп кетар...

Йигит илк бора онасининг кўзларига тикилди. Энди ортга йўл йўқлигини билди, юрагини очишга жазм этди. Бироқ, қутилмаганда гаплари маъносиз, тўмтоқ ва пала-партиш чиқди.

— Буви, энди бу идаога ҳожат йўқ, энди кеч, жуда кеч...

Онаизорнинг кўзлари жовдираб, атрофга олазarak қараб олгач,

ўғлига яқинроқ сурилди.

– Бу, нима деганинг болам? Сен у аёлдан қарздормисан ёки тилинг қисикми?

– Тилим эмас...

– Хўш, очиқроқ гапир.

– Мен уни севаман. Жонимдан ҳам ортиқ кўраман. Усиз менга дунё қоронгу...

Саломат ая кўрагига туфлади.

– Э хайрият-е... Одамни ҳам қўрқитиб юбординг-а. Мен эса қаёқдаги хаёлларга борибман. Ишқилиб пул-мул қарзинг йўқми?

Онасининг жудаям соддалиги Ботирни ҳайрон қолдирди. У англадики, севги-муҳаббат ҳақидаги тушунчаларнинг катталар учун пуч ёнғоқчалик аҳамияти йўқ. Қолаверса, умр бўйи отасининг чизган чизигидан чиқмай, бутун ҳаёт моҳиятини эр тафаккури орқали қалбидан ўтказган муштипар кампир бу туйғу азобини қайданам билсин.

– Топдингиз, буви, – деди Ботир гўё ўзига-ўзи сўзлаётгандай. – Мен ундан катта миқдорда қарздорман. Аниқроғи, бутун бойлигим ўша хонимда.

Саломат аянинг ранги ўзгарди. Юпқа лаблари хиёл титради.

– Вой шўрим, қанақа боласан ўзи? Уйинг, жойинг бўла туриб, синамаган отнинг сиртидан ўтасанми, бойлигингни бировга ишонасанми?.. Бу қандай кўргилик-а, болам.

Ая бирдан оғзини ёпди. Яна орқасига хавотирли нигоҳ ташлади.

– Кўпмиди?

Ботирнинг кулгуси қистади. Аммо шу топда куладиган вазият эмасди, тилини тишлади.

– Жуда кўп, буви!

– Ана айтдим-а, бу боланинг топишида барака кам деб. Мунча ишонувчансан? Энди у тоняптими?

– Йўқ, тонмайди, аммо, қайтариб ҳам беролмайди...

– И-е, омонатга хиёнат қилиб-а. Унда, ўзим бораман, аввал яхшилаб ўқтираман, агар муғомбирлик йўлига ўтса, бошлаб адабини бераман. Хўп, айт-чи, берганинг пулми ёки тилла?

Ботирнинг чеҳраси ёришди.

– Пул ҳам, тилла ҳам эмас...

– Демак, ҳалиги нимайди, қимматбаҳо қоғоз, дейишадими, шунақами?

– Йўқ, буви, акция ҳам эмас.

– Унда, нима ўзи, одамни хит қилвординг-ку.

Ботир онасининг томирлари бўртган панжаси ортига қўлини босди.

— Эҳ бувижон, наҳотки, тушунмайсиз? Мен унга қалбимни берганман... Энди билдизми?

Саломат ая ўғлига бироз анграйиб тикилди-ю, этак силтаб ўрнидан тураркан, қатъий ҳукм чиқарди:

— Янги йил дастурхонида уйда бўл. Бошқа гап йўқ!

Одамзоднинг табиати қизиқ. Ҳар ким ўз бошидан ўтказган хасталикнинг табибига айланади. Кимдир шу дард ҳақида шикоят қилса, унга таскин беради, муолажа йўлларини эринмай ўргатади, ҳеч йўқ, хайрихоҳлик билдиради. Аммо муҳаббат азобини тортаётганлар доимо бировга дил қулфини очолмай, очишга дилкаш дўст учратолмай, учратганида эса, жўяли маслаҳат ололмай овораи сарсон. Умуман, аксарият киши ишқ шаробидан сармаст одамга енгил-елпи баҳо беради, буни оддий майллар қаторида баҳолайди. Ҳаттоки, ёмон назар билан қарайди. Ҳолбуки, ёруғ дунёда севги дардидай изтиробли, азобли хасталик йўқ. Ҳаттоки тиш оғриғига даво бор, аммо...

Ошиқ қалбидаги олов тафтини маъшуқагина босади, унга ором бағишлайди, кўнглини овлайди.

Шу тобда Ботир ишхонасига бориши зарур эди. Бироқ, дил ғалаёни олдида ана шу зарурият ҳам ҳеч гап бўлмай қолди. У таскин излаб, Баҳор васлига ошиқди.

Декабрнинг сўнгги кунлари бўлишига қарамай, ҳамон қордан дарак йўқ. Яланғоч дарахтлар новдаларини чанг-ғубор қоплаган. Қуёш нурлари тобора қиличини яланғочлаётган қиш дамани кесишга ожиз. Вужудни жунжуктирувчи қуруқ изғирин қулоқлар остида ҳуштак чалиб, одамларни иссиқ хонадонларга ҳайдаётгандай.

Баҳор юзи совуқдан кўкариб кетган Ботирни маҳкам кучоқлаб, қайноқ бағрида иситмоқчидай анчагача қўйиб юбормади. Кейин қилт этмаган куйи майин лутф ила гинасини изҳор этди.

— Сизни шунчалар соғиндимки...

Йигит бояги суҳбат таъсирида эди, маъшуқанинг руҳий оламига киролмади.

— Ахир, эрталаб хайрлашдик-ку!

Аёл индамади, у ҳамон йигит кўксидаги бошини кўтаришни истамай дил изҳорида давом этди.

— Барибир, соғиндим. Билсангиз, сизнинг юзингизга боқиб, висол чашмасида чўмилаётган онларимда ҳам юрагимни соғинч ҳисси тарк этмайди. Сизга шунчалар кўникдим-ки, гўё менинг жоним

сизнинг қўлингизда. Аслида ҳам шундай, фақат буни сиз билмайсиз.

Ботирнинг вужудига иссиқлик югурди. У севгилиси сочларини силади. Оппоқ яноқларига юзини босиб, ич-ичидан келаётган ҳиссиётларига эрк бермаслик учун секингина маъшуқаси кучоғидан чиқишга уринди. Аммо, кун бўйи уйда ёлғиз ўтирган жувон ҳанузгача соғинч ташналигини қондиrolмаганди. Шу боис, ошиқ йигит пинжига яна ҳам маҳкамроқ суқилди.

— Сизни қўйворгим келмаяпти...

У шундай деди - ю, кўп ўтмай ортга чекиниб, маъшуқанинг устки кийимларини ечишга ёрдамлашди. Эгнидаги палто, оппоқ шарфини йўлақдаги шкафга илди. Ойнага қараб, сочини тараб олиши учун қўлига юмшоқ тишли тароқ тутқазди.

Айвонда газ плиткаси ёниб турганлиги учун уй анча иссиқ эди. Ботир одатига кўра, меҳмонхона билан айвон оралиғида очилган арк ёнига ўтирди. Бу ерга ўрнатилган узун батареялардан чиққан иссиқлик тиззаларига хуш ёқарди. Гоҳида юмшоқ креслони четга суриб, гулли полостга тўшак солиб, қайноқ батареяга суяниб дам олишни хуш кўрарди.

Хонадон соҳибаси кунгурадор оппоқ столни Ботирнинг олдига гилдиратиб олиб келди.

— Қаҳва ичасизми? — назокат ила сўради у. Йигит бош ирғаб розилик билдиргач, тезда гулли идишга қаҳва тайёрлаб стол четига қўйди.

— Сиз сут қўшишни ёқтирмайсиз, шунақами?

Ботирда ҳазилга мойиллик уйғонди. Кулимсираб деди:

— Сутга чайилгандай сулув оғушида яна бузоқнинг ҳақиға хиёнат қилишга не ҳожат?

Баҳор худди гул бутоғига қўнган қуш мисоли эркаланиб унинг тиззасига чўқди.

— Қаранг, янги йилга ҳам уч кун қолибди.

Йигит қалқиб кетди. У шу тобда айнан Янги йил ҳақида сўз очилишини ич-ичидан хоҳламаётганди. Ўйлаб қараса... Кейинги йилларда бу байрамни оиласи даврасида ўтказмабди. Ҳар сафар Баҳор иккаласи Тошкентга боришиб, энг қимматбаҳо ресторанда тун ярмига қадар бир - бирига ширин тилаклар тилашиб, янги йилни кутишади. Кейин қайнотаси уйдан унча узоқда бўлмаган уч хонали домда қолишади. Бу хонадон бир вақтлар Баҳорнинг иш юритадиган офиси эди. Кейинчалик, иши орқага кетгач, офисни ёпиб, энг зарур уй жиҳозлари келтириб, Ботир иккаласи ҳордиқ чиқарадиган шинам оромхонага айлантириб қўйганди. Э-ҳе, бу хонадон Ботир учун

нақадар қадрли...

Ботир бу жойда ўзини доимо эркин ҳис қилар, худди мўъжаз бассейни эслатувчи учбурчакли ваннада соатлаб чўмилар, кейин ойна ёнидаги телевизорни қўйиб, юмшоқ гиламга узала тушиб ётишни ёқтирарди. Очиғи, Баҳорга нисбатан муҳаббати сабаб қанча қийинчилик, таъна-дашномларга дуч келган бўлса, эвазига ўн баробар ортиқча севги шаробидан бахтиёрлик сезган, дунёда ўзини энг бахтли инсонлар қаторига қўшган.

— Янги йил таърифидаги саволим жавобсиз қолди-ку, яхши йигит.

Ботир хаёлини жамлаб, ўзига кулиб боқаётган чиройли чеҳрага лаб босди.

— Мен учун шу хонадонга ташрифимнинг ҳар куни янги кун, янги бахт!

Баҳор ўрнидан туриб, ётоқхонага қараб юрди. Кўз очиб юмгунча қайтиб, йигитнинг қўлига бир варақ қоғоз тутқазди. Бу байрам дастурхони менюси ва шу муносабат билан иккаласи йўқлайдиган қон-қариндош, дўсту ёрлар рўйхати эди.

— Бу сафар Тошкентга бормасак, — деди Баҳор тўлқинланиб. — Биринчидан, ишимиз бошимиздан ортиб турибди, иккинчидан, ҳаво совуқ, довонга қор тушиши эҳтимоли ҳам бор.

— Майли-ку, ота-онангиз ранжиб қолишса-чи?

Ҳозир Ботир бир гапни ўйлаб, мутлақо бошқа фикрни ўртага ташлаганди. Бу ҳол зийрак хонимнинг эътиборидан четда қолмади. Аммо, кайфияти яхшилиги учун енгил ёлғонга ортиқча аҳамият бермади.

— Улар билан келишганман.

— Ўғлимиз-чи? У зерикмасмикан?

— Йўқ, у энди катта йигит бўп қолди. Хуллас, байрам байрамдагидай ўтиши учун қўлимдан келган барча пазандалик санъатимни кўрсатаман.

— Мен-чи, менга қанақа хизмат бор.

— Сизнинг шу уй тўрисида жой олишингиз мен учун катта бахт. Фақат... У тарафдагилар ҳам сиздан хафа бўлишмасин.

— Бирам кўнгилчансиз-ки, — Ботирнинг оғзидан чиққан лутфда киноя оҳангги мўлроқ эди. Буни Баҳор сезди. Сезди-ю, дарров кайфияти ўзгарди.

— Бу дунёда ҳамма ўзини ўйлайди. Менинг кўнгилчанлигим замирида ўз манфаатим бор. Айтмоқчи, буни сиз жуда яхши биласиз.

Ботир икки ўт ўртасида ёнишини кўз ўнгига келтирди. Онаси

ҳеч маҳал масалани бунча кўндаланг қўймаганди. Аммо, унинг ҳолатини тушуниш мумкин. Онаизор келинининг умри қисқа бўлиши мумкинлигидан, келаси йили янги йилгача қандай воқеа юз бериши мумкинлигини билмаслигидан хавотирда эди. Хўп, бу вазиятни тушунди, лекин, фақат Ботирни деб Андижонда яшаётган, кекса ота-онасидан узоқлашишга - да чидаган аёл руҳиятини ҳам унутиш осонми? Олия касал, лекин, унинг атрофида қанча одам парвона? Баҳор эса, бутунлай ёлғиз. У Ботир учун ҳатто яқин дугоналари суҳбатидан воз кечди, ҳаётини шу йигитга, муҳаббатига бағишлаб келяпти.

Ҳозир вазият қалтис, ўйламай айтилган бир оғиз сўз бомба каби портлаб, иккала қалбни парчалаб ташлаши ҳеч гап эмас. Баҳор қанчалар хушодоб, хуштабиат бўлса ҳам, муҳаббат бобида жуда нозик ва эҳтиёткор. Гоҳида тўғри маънода айтилган фикр ҳам юрагида оғриқ уйғотиб, феълени айнитиб қўяди. Ювош одамнинг қаҳридан Аллоҳ асрасин. Акс ҳолда бутун олам бир зумда зимистонга айланади.

— Байрам тадоригига эътироз йўқ, раҳмат сизга...

Хайрият, дилдаги булут асоратсиз ўтиб кетди. Соҳибжамол жувон ёш боладай севиниб чапак чалди, ўрнида ирғиди, кейин ўзини севгилиси қучоғига ташлади.

Йигит хотиржамлик билан маъшуқасининг сочларини силаб, ўткинчи хаёллар исканжасидан қутилдим, деганда, қўл телефони мусиқаси янгради. У эринибгина аппарат қопқоғини очди. Ёрдамчиси Акмал экан. Айтишича, буюртмачилардан эътироз келибди, енгил саноат вазири ўринбосари уни йўқлаётган эмиш.

Баҳор бундай пайтларда Ботирнинг ишга қайтишига монелик кўрсатмас, аксинча, эшик ёнидан кузатаркан, доимо "ўзини эҳтиёт қилишлигини" алоҳида таъкидлашни унутмасди.

Вазир ўринбосари оқ-сарикдан келган, ёшлигига қарамай сочлари сийрак, кенг пешонали, очиққина йигит эди. У Ботирни кўриб, ўрнидан қўзғалди.

— Келдингизми? — деди юзидаги хавотирни сездирмасликка уриниб.

Биргалашиб раҳбарнинг хонасига кирдилар. Узун столнинг қоқ белидан — қарама-қарши тарафдан жой олдилар.

— Ботир Аҳмедович, — деди вазир ўринбосари Дониёр Даминович стол устидаги биллур кулдонни ўзига тортиб. — Яқиндан буён сизнинг маҳсулотингизга кетма-кет икки бор эътироз келди. Вазир корхона тақдири тўғрисида анча ташвишланаяпти.



Бу гап янгилик эмасди. Охир-оқибат бир куни худди шундай ҳолатга тушиб қолишлари мумкинлигини ҳаммадан илгари Ботирнинг ўзи вазирликка билдирганди. Лекин, унинг расмий хат ва таклифлари вазирлик столида ҳаракатсиз қолганди. Энди эса икки оёқ бир этикка тиқилганида, бутун масъулиятни корхона раҳбари зиммасига ағдарिशмоқчи.

Лекин, масаланинг моҳияти фақат шугина эмас. Мақсад корхонани банкротликка тушириб, кейин бирон бойвачча ёки амалдорга пуллаш режаси ҳам йўқ эмасди. Чунки ана шундай ишхоналардан аксарияти бели бақувват сармоядорлар қўлига ўтган ва улар аллақачон талон-тарож қилиб бўлинганди.

— Нега индамайсиз, нега фикрингизни айтмайсиз? Ёки шундай салоҳиятли корхона тақдири сизни мутлақо қизиқтирмайдими? — қизиққонлик билан сўроққа тутди муовин.

Ботир айни шу дамни кутганди. Бутун вужуди ғазабдан қалт — қалт титрашига қарамай, ўзини босди, вазминлик билан гап бошлади.

— Дониёр Даминович, мени қачондан буён биласиз?

Меҳмоннинг энсаси қотди. Гўё "бу саволнинг нима кераги бор?" — дегандай катта бошини илкис кўтариб, мезбонга қаттиқ тикилди. Ботирнинг юзидаги қатъият ифодаси унинг попилатиригини бироз пасайтирди.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Демоқчиманки, мен пинҳона ўйинларни ёқтирмайман. Гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолмайсизми?

— Айтдим-ку, маҳсулотингиз сифати ёмон, сиздан шерикларингиз ҳам хафа. Адашмасам, янги йилдан тахта-ўқловини йиғиштиришмоқчи.

Ботир Дониёр Даминовичнинг стол устига қўйилган қўлидан маҳкам ушлади.

— Ҳозиргина сизга ошқора мулоқотни таклиф қилдим. Сиз эса яна отдан тушмаяпсиз. Майли, мен ҳам йўригингизга юрай. Биринчи саволингизга жавоб шуки, бундан беш-олти йил илгари корхонадаги ишлаб чиқариш дастгоҳларини бутунлай янгилаш зарур эди. Мен бу ҳақда ўз таклифларимни юқорига ёзганман. Бироқ, улар сувга тушган тош каби изсиз чўқди.

— Нималар деяпсиз, — вазир муовини шошиб қўлини тортди. — Ахир, жиҳозлар айнан беш йил илгари янгиланди-ку?

— Ҳа, баракалла! Худди шу пайтда Туркиядан сотиб олинган технология илгари Германияда ишлатилганлиги, маънавий эскирганлиги, шунинг учун янгисини сотиб олиш ҳақида ўз

мулоҳазаларимни баён этгандим. Бироқ, бу гапларга қулоқ солгувчи одам топилмади. Чунки бу жиҳозларни сотиб олганлар учун корхона тақдири бир пул эди. Уларни фақат чўнтакка тушадиган мўмай даромад қизиқтирарди, холос. Энди бутун айбни бизга юкламоқдан тап тортмаётганимлар жуда кулгили. Билиб қўйинг, сиз айтмоқчи "провинцияларда" ҳам ақли-хуши жойида, елкаси устида тош эмас, бош кўтариб юрганлар ишлайди.

— Сал ўзингизни босинг, ука. Бу даъво учун ҳали тегишли жойда жавоб берасиз. — Вазир ўринбосари суҳбат бу маромда кетишини сира ўйламаганиди, бирпасда ўзини йўқотиб қўйди.

— Албатта, оғиздан чиққан калом учун доимо масъулман. Лекин, шу масъулликни сизлар ҳали унутмасликларингиз керак эди. Энди иккинчи масалага ўтайлик. — Ботир темирни қизиғида босди. — Бу, перикларга таалуқли муаммо. Очиғи, улар ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулот сифатидан кўнгиллари тўлмаганидан эмас, аксинча, ишлаб чиқаришга доир бўлмаган "олди-сотди"лардан, асоссиз текширувлардан, жамоа маблағига кўз олайтиришлардан безиб кетишди.

— Демак, вазирлик қора-ю, сиз суддай оппоқ экансиз-да.

— Мен ўз фаолиятимни хаспўшламоқчи эмасман. Тўғри, камчиликлар бор. Хатоим шуки, ўз қарашларимда қатъий турмадим, топилган фойда ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш тўғрисида бош қотиришим зарур эди. Афсуски, унинг ўрнига юқоридан берилган буйруқлар, таг-замини йўқ ажратмалар, шубҳали жамғармалар ариғига сув очиб юраверибман.

Дониёр Даминович ўрнидан оғир қўзғалди. У шу тобда зах жойда ухлаган одамдай бутун бадани увишиб, кўнглига қоронғулик тушганини сезди. Ҳамма бало шундаки, ҳозирги гиналарда ҳақиқат қилич дамидай ярақлаб, турарди. "Ишқилиб, бу корхонага вазирнинг амакиси кўз тикканини билиб қолмаса гўрга эди". Ҳали бу фикр миясини тарк этмай, Ботир худди оғриқ нуқтага найза санчди.

— Агар кимдир корхонани хусусийлаштирмоқни кўзлаган бўлса, чучварани хом санабди. Мен энди оддий томошабин каби қўл қовуштириб туролмайман. Жамоани кўзгатаман, умум манфаатини каттиқ ҳимоя қиламан.

Дониёр Даминович миқ этиб оғиз очолмай, қўлига қалин муқовали дафтарини ушлаганича, ташқарига йўналди. Бироздан сўнг Ботир ҳам унинг орқасидан чиқди.

Йўлақда раҳбарлар қадамига пешвоз турган йигитлар тезда ўзларини четга тортишди. Вазир муовини зинапоядан чопқиллаб

тушди. Бироқ, машинага чиқипга унчалик шошилмай, Ботирни кутди. Сўнг у билан хайрлашиш учун кучоқ очаркан, аста қулоғига, пичирлади.

— Хўп, ука! Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин, бу ёғи бир фикрга келармиз.

У шундай деб, яп-янги "Эсперо" машинасининг орқа ўриндиғига ўзини урди.

## 8

Янги йил арафасида қалин қор ёғди. Дарахтларнинг мўрт шохлари қарс-қарс синди. Беҳи, олма каби дарахт новдалари "елка"даги оғир юк залворидан қадди замин қадар эгилди. Табиат бир зумда оппоқ либосга бурканди.

Ботир Аҳмедович буйругига кўра, қўшма корхонада тушликдан сўнг иш тўхтатилди. Анчадан буён мўмай пул кўрмаган ишчилар қўлларига мукофот теккач, тезда янги йил совғалари харид қилиш учун бозорга чопишди.

Раҳбар ёрдамчиси Акмални чақирди. Қадди-баста курашчиларни эслатувчи, бўйни йўтон йигит кўлига қора чарм муқовали дафтар кўтариб кирди.

— Қоровулар ишончлими? — қоғоздан бош кўтармай сўради бошлиқ.

— Худди шундай, — ҳарбийларга хос шиддат билан жавоб қайтарди Акмал.

— Жуда соз. Унда, сенга ҳам жавоб.

Бироқ, ёрдамчи жойидан қилт этмади. Бироздан сўнг Ботир Аҳмедович маълумотномадан кўз узиб, ҳамон қоққан қозикдай турган йигитга савол назари билан боқди.

— Айтдим - ку кетавер, деб...

Акмал тараддудланди. Сўнг юрак ютиб дилига туккан гапини айтишга ўзида журъат топди.

— Ботир ака, Баҳор опамни байрам билан табриклаб қўйинг.

Шу бир оғиз лутф, арзимас туюлган эътибор раҳбарнинг кайфиятини кўтариб юборди. У индамай туриб бориб, Акмалнинг кенг елкасидан кучоқлади.

— Раҳмат, ука! Сен ҳам ота-онангни янги йил билан менинг номимдан қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик тила!

Акмал шу мулозаматдан кейин ҳам кетишга шошилмади. Ботир орқасига ўтирилиб, унга ҳайрон тикилди.

— Яна нима дейсан?

— Ҳозир Саломат ая кўнғироқ қилувди.

— Нима гап экан?

— Тинчлик, овқат қилиб қараб ўтирибмиз. Тезроқ келсин, деб тайинладилар.

— Яхши, ҳозир бораман!

Акмал хайрлашиб чиқиб кетгач, Ботир дераза ёнидаги креслога чўқди. Соатига қаради. Вақт ўн беш дақиқа кам ўн тўрт. Унинг тушликка боришга оёғи тортмаётганди. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, онаси "Янги йилни биз билан бирга кутасан", деб тинчлик бермайди. Иккинчидан, Олиянинг сўзсиз мискин қарашлари, ўғлининг ётсираб туришларини кўриб юраги эзилади. Аммо, оила дастурхонидан давра тўриси яна эгаллаб, хонадонга файз киритишининг асло иложи йўқ. Унда байрам ўз аҳамиятини йўқотади. Ахир, Баҳор бир ҳафтадан буён бу кунни орзиқиб кутаяпти.

Ҳойнаҳой, янги либос тиктирган, уйни ёғ тушса ялагудай артиб-тозаллаган. Аслида-ку, тозаллик бу аёлга теккан касаллик. Ҳафтада бир марта барча хоналарни эринмай артиб чиқади. Ҳар кеч ётишдан аввал мебеллар, ошхона жиҳозлари, ванна унинг назаридан ўтказилади, игнанинг учидай губорни қўймайди. Гоҳида Ботир ҳазиллашиб, "Бу одам яшайдиган уйми ёки касалхонанинг жонлантириш бўлимими?" — деб қўяди. Шунда у ҳам чеҳраси очилиб: "Тўғри! Жонлантириш гўшалиги айни ҳақиқат, фақат шифохонанинг эмас, бизнинг ихчамгина кулбамизнинг" — дейди.

Умуман, Ботир Баҳорни ҳанузгача тушуниб етмади. Энди бутун табиатини беш панжамдай билиб олдим, деганида, мутлақ кутилмаган фазилати ёки феъл-атворига дуч келиб, ҳатто эсанкираб қолади. Унинг назарида бу ажойиб аёл бутун вужудингни ўзига тортадиган катта китоб, фақат фарқ шуки, бу китоб саҳифаси ҳеч қачон тугамайди. Аниқроғи, ҳар бир кун ўзгача бир саҳифа. Ана шундай битиклар битилган варақни ўқиган сари бош кўтаролмайсан, кун оша қизиқишинг кучайгандан кучайиб бораверади. Арзимаган эътибор ёки бир даста гул билан кайфияти тоғдай ўсади, айни чоқда лабдан учган ихтиёрсиз бир сўз дилига наштар каби санчилиб, анчагача ўзига келолмайди. Яхшики, Ботир унинг "ўнгу терс" хислатларини мукамал ўрганиб олган. Шу боис ораларидан мушук ўтадиган дамлар жуда оз. Оз-у, барибир ўтади. Бундай пайтларда йигитнинг тавба-тазарруси, кечирим сўраши, эркалашлари Баҳорнинг оғриган кўнглига малҳам бўлолмай қолади. У "ўзи оғриб, ўзи тузалади". Унга қадар ошиқ қалбига ўт кетади, ўз ёғига-ўзи қовурилади, фироқ азобида эс-хушини йўқотарлик даражага етади.

Аммо, эрка аёлнинг нози ҳам ярашади. Ҳижрон азоби вужудини қақшатиб, саратон тигидаги тошдай қиздиргани бир сари, шунинг баробарида ярашганларидан сўнг икки ташна қалбнинг "жиз" этиб бир-бирига қўшилиши ҳар қандай таърифу тавсифдан ташқари. Висол оғушидаги сархуш изҳори ишқлар китобларда битилмаган, ашъорлар қатига сингдирилмаган. Агар ўша тобдаги сўзлардан шеър битилса, мисралардан фикр эмас, олов сачраган бўларди.

— Сизсиз ўтган дамларни умрим сарҳисобидан ўчирганман, — дейди Баҳор кўзларига ёш олиб.

— Дунёдаги барча қийноқларга мингдан, минг розиман, фақат сизнинг фироқингизгамас, — дейди Ботир севгилисининг майин сочларига бош суқиб.

— Севги шунақа оғриқли, изтиробли кечадими, — қирмизи дудоқлар сокин пичирлайди.

— Ишқдайин қувонч, бахт бормикан бу оламда? Билсангиз, унинг озорида ҳам тенгсиз ором мужжасам. Муҳаббат худди ўткир тигли ханжарга ўхшайди. Фарқи шуки, юрагингга санчилганида жароҳатлайди-ю, ўз жароҳатига ўзи малҳам ясайди. Бу ханжардан заҳар эмас, бол томади.

— Ботир ака, мунча яхшисиз. Менга сизни тухфа этган Яратганга шуқр.

— Сиз эса, қалбимнинг доимий баҳорисиз. Сизни учратганимдан буён бошқа фаслларни илғамай қўйганман. Мен учун йилнинг тўрт фасли баҳор. Менинг Баҳорим ҳамиша ёнимда, ёдимда, ҳамиша бағримда. Сиз чиндан-да бағримдаги Баҳоримсиз.

— Қанийди туннинг умри узоққа чўзилса. Қанийди ҳализамон оппоқ тонг отиб, сизни қучоғимдан тортиб кетмаса.

— Ё тавба, мен ҳам худди шу тилакни тилайман. Сиз ширин уйқуга чўмган пайтларингизда сокин чеҳрангизга тикилиб, руҳан осойиш топаман. Биласизми, ҳатто ухлаётганингизда ҳам ойдай юзингиздан ҳаё кўтарилмайди. Гўё фаришталар бошингизда саловат айтиб туришгандай.

— Жоним, наҳотки бедорлигингиздан беҳабар хотиржам уйқуга кетган бўлсам. Мени хижолатга қўйманг.

— Хижолатга ўрин йўқ. Бағримдан бешик ясаб, нигоҳим билан эркаласам-у, шунда ҳам ором олмасангиз, бундай ошиқ ҳолига вой эмасми?

Баҳор шундай пайтларда севгилиси пинжига яна ҳам яқинроқ суқилади.

— Тилингиз бунчалар бийрон...

— Қизиқсиз-да. Ғунча завқ бермаса, булбул берилиб сайрармиди? Энди, айтинг, айб гулдами ёки булбулда?

Баҳор енгилгина тин олиб, Ботирнинг дудоғидан секингина ўлиб кўяди. Кейин оқ билагини бўйнига ташлаб, "Бўлди, энди ухланг, эртага ишга кеч қоласиз" — дея дам олишга чорлайди.

Эҳ-ҳе, бундай сирли кечалар неча бор уларнинг висол кўшиғига гувоҳ бўлмади, дейсиз...

Тўсатдан телефон жириглаб, Ботирнинг тотли хаёллари бўлинди. У стол устидаги телефондан қай бири чақираётганини билолмай, бир зум кутди. Кейинги кўнғироқдан сездики, шаҳар телефони экан. Гўшакни қулоғига яқинлаштириши билан юракни орзиқтирувчи овоз эшитилди.

— Жоним!

— Ассалому алайкум, қулоғим сизда, хоним.

— Менга қулоғингиз эмас, ўзингиз кераксиз. Байрам дастурхони соҳибига мунтазир.

Ботир ўйланиб қолди. Айни шу дамда уйдагилар ҳам йўқлашганди. Сизгир қиз бу андишани тушундими, дарров елкасидаги тошни туширди.

— Ҳазиллашдим. Ҳозир салонга бораман, у ердан онамнинг дугонасини табриклагани кираман. Қисқаси кеч соат бешларда уйга қайтаман. Унга қадар сиз ҳам бўшаб қоларсиз. Ҳа, айтмоқчи, ойингизни, Олияхонни, Қодирбекни янги йил билан табриклаб кўйишни унутманг. Хўп, оқшомгача хайр!

Ботир кўшма корхона цехларини яна бир бор кўздан кечириб, навбатчиликка қолаётган ўринбосари Аҳрор Суюновичдан ҳушёрликни оширишни тайинлади.

Ташқари анча совуқ эди. Ёғаётган қор пасайибди, аммо укпар каби ҳавода учиб юрган қор парчалари кўз ва киприкка кўниб, дарров эриб кетади.

Фаррух машина суянчиғини йиқитиб, магнитофондан Охунжон Мадалиевнинг ашулаларини эшитиб ётганди. Бошлиқни кўриб, дарров суянчиқни тиклади.

Ботир орқа эшикни очди. Унинг кайфияти яхши эди. Салонга кириб-кирмай, ҳайдовчисига ҳазиллашди:

— Аканг нима деяпти?

Фаррух атрофга аланглади.

— Қайси акам? — Кейин гапнинг мағзини чақиб, ҳозиргина ўчирган магнитофон тугмачасини босди. Бояги кўшиқ янгради.

— Бирин эркалайман дудоғим билан,

Бировин эркалаб нигоҳим билан.

Яшарман савобу гуноҳим билан,

Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр...

Қўшиқ тиңди. Фаррух ҳижолат тортиб раҳбарига ийманиб қаради.

— Ашула деб айтишаверар экан-да.

Ботир Аҳмедович ҳайдовчи елкасига қўл ташлади.

— Қайси уйга, деб сўрашга ботинолмааяпсан чоғи?

Бояги мулзамлик бу луқма олдида ҳолва экан. Фаррух базўр жилмайган эди, бурни устида майда ажинлари пайдо бўлди.

— Хижолат тортма, биродар, буни тақдир, дейдилар. Қани "чу" демайсанми?

— Қаёққа бурай, хўжайин?

— Бошинг оққан тарафга.

— Баҳор опамникигами?

— Адашдинг, Баҳорникига бош эмас, кўнгил оқади. Ҳозир уйга бур.

Саломат ая ўғлини кўриб, севиниб кетди. Иссиқ уйда китоб титкилаётган Қодирни чақирди.

— Ўғлим, югур, даданг билан кўриш.

Ичкари хонадан ўзига оро берган, ясан-тусан қилган Олия ҳам чиқиб келди. У эрининг қўлидан телпагини оларкан, "Янги йилингиз билан" деб қиё боқди. Бироқ, Ботир ўз хотинини шу тобда Баҳорга ўхшатолмади. Шу боис кўзига жуда тўпори кўринди. Фақат ич-ичига ботган кўзлари, эрта ажин инган юзларига қараб, дилида ачиниш ҳисси уйғонди.

— Бугун жуда очилиб кетибсизми? — деди у Олиянинг озғин панжаларидан ушлаб. Эркалашни унутган аёл эркалатишни ҳам ёдидан чиқаради.

— Унақа деманг, — деди у худди ўғирлик устида қўлга тушгандай ҳадиксираб. — Бувимнинг ёнида...

Ботир индамай дастурхон безатилган хонага кириб, хонтахта тўридан жой олди. Қодирбек ҳам унинг қаршисига ўтирди. Олия овқат сузгани кўзгалган пайти онаизор яна зрталабки пўписасини бошлади.

— Бугун бир қадам ташқарига чиқмайсан. Бас, беш-олти йилдан буён тишимни-тишимга босиб келяпман. Ахир, менинг ҳам неча кунлигим бор, хотининг бу аҳволда. Сезяпсанми, бора-бора ўз оилангга бегоналашиб кетдинг. Ҳатто бор-йўқлигинг билинмай қоляпти. Мендан кейин уйнинг чироғини ўчирмасанг гўрга эди...

Шу амру маъруфдан сўнг Саломат ая йиғлашга тушди. Аммо, бу

йиғи юрак изтироби эмас, навбатдаги "профилактика" эканлиги билиниб турарди.

Ботир онасининг муштдай гавдасини ўзига тортиб, эркалатди.

— Хўп дедим-ку, ойи. Шундай қутлуғ кунда ҳам кўз ёши тўкасизми?

Саломат ая дарров тўхтади. Ўғлига астойдил тикилди.

— Мунча бағринг тош-а, болам? Қанийди ҳаммага бирдай бўлсанг? Аммо, айримларга шундай ийиб кетасан-ки.

— Ойи, ҳозир бу мавзу мавриди эмас, илтимос, яхши гаплардан гапиринг.

Олиянинг синглиси Нозима патнисда тўртта коса кўтариб кирди. Хонани қайнатма шўрва ҳиди тутди.

Барчалари жамулжам бўлиб таом тановул қилди. Ўзаро гурунқ қизиди. Олия камгап эди. У ҳамманинг оғзига қараб, сўлгин жилмайиб қўяр, гоҳ-гоҳ эрига ўғринча нигоҳ ташлаб, шу йўл билан меҳрини сездирмоққа уринарди.

Аммо, меҳр қанақалигини бошқа маскандан топган одамга бундай хатти-ҳаракатлар эриш туюлар, шу боис ҳеч нарса билмагандай ўзини хотиржам тутарди у.

Ботир ҳовли саҳнига чиқди. Яхшики, йўлак бўйлаб сепилган майсазор ёпиқ айвон остида экан. Уч қадам нарида қор тахлаяпти, рангли шифер тагидаги хиёбон эса, унга баҳорни эслатяпти. Баҳорни эслашнинг ўзи нақадар ҳузурбахш. Унинг назарида кўклам Баҳоридан андоза олгандай. Ҳар иккиси ҳам гўзал ва дилни яшнатувчи.

Ботирнинг назарида орадан йиллар ўтгандай эди. Шу тобда севгилисининг хумор кўзларини жуда-жуда соғинганини ҳис қилди. Аслида, бу туйғу юрагининг мезбонига, йўқ, султонига айлангандай. Севгининг сийратини меҳр ва соғинчдан чизибганми?!

Айвоннинг икки табақали эшиги секин очилди. Ботир ортига ўтирилди. Онаси, деб ўйлаганди, адашибди, Олия экан. У ёғоч қуббага суяниб, жилмайиб қараб турарди. Анчадан буён чеҳрасига бунақа табассум қўнмаганди. Устидаги кўйлаги қимматбаҳо эди, аммо, шошилиб кийиб олганлигидан нозик қоматига катталиги билиниб қолибди.

— Бугун байрам таомини ўзим пиширмоқчиман, сиз нима дейсиз?

Ботирнинг қулоғига Баҳорнинг овози эшитилгандай туюлди. Эрталаб у ҳам худди шу маънода гапирганди. Фақат фарқ шуки, у эркаланиб, ноз ила оғиз очган, ҳар бир сўзига меҳрдан безак кийдирганди.



Олиянинг товушида маҳзунлик ва ялинчоқлик оҳанги кўпроқ эди. Ботир худди шу муомаладан қўрқади. Негаки, ўзидан паст келган одамга ҳеч қачон терслик қилолмайди.

Олия сездирмай, ичкарига кириб кетди. Йўқ, сездирди, аввал совқоттанлигини билдирди, кейин томоқ қирди, сўнг индамай ўзини иссиқ уйга олди.

Яхшиям шундай бўлгани, чунки у эшикни ёпиши билан Ботирнинг қўл телефони овоз берди.

— Жоним! Мен уйдаман. Тезроқ кела қолинг.

— Ҳозир етиб бораман.

Ботир кўчага чиқди-ю, Фарруҳга жавоб бериб юборгани ёдига тушди. Аксига олиб йўл сирпанчиқлиги учун қатнов кам. У тор кўчадан тез-тез юриб, шоҳкўчага ўтди. Бахтига битта "Нексия" чайқалиб келиб, уч-тўрт қадам нарида тўхтади.

— Ўтиринг ака, обориб қўяман.

Сариқ мўйлови ўзига ярашган йигит Ботирга илтифот кўрсатиб, олд тарафдаги эшикни очди. У раҳмат айтиб, ўриндиққа жойлашди.

— Эски шаҳаргами, ака?

— Шундай!

Йигит сўзамолгина экан.

— Эски шаҳарга боришимни қаердан биласиз? — деб сўрамадингиз ҳам.

— Ким билади, назаримда, ҳамма уйига чопаётгандай.

— Сизни ўша томонда кўп кўрганман. Оппоқ "Нексия"да юрасиз.

— Жуда синчков экансиз.

— Раҳмат, ҳайдовчи синчков бўлмаса, йўлини топа олармиди? Ҳозир индамай туринг, мен сиз борадиган домнинг ёнида тўхтаман.

Бу гап Ботирнинг гагини келтирди. "Сиз борадиган дом" эмиш.

Чиндан ҳам сариқ мўйлов мўлжални тўғри олди. Бироқ Ботир унга сир бой бергиси келмади.

— Сал адашдингиз, яна озроқ юринг.

Ҳайдовчи мулзам тортиб, машинани жадаллатди.

— Энди тўхтанг, — деди Ботир чўнтагини кавлаб пул узатаркан, "Адашганингизга хижолат чекманг, бўп туради", деб кесатиб ҳам қўйди.

Нақшинкор эшик қия очиқ эди. Ботир йўлакка туфлисини ечди, пальтосини шкафга илиб, секин меҳмонхонага мўралади. Биллур қандил остидаги ёнғоқдан тайёрланган стол гўё сингудай ноз-неъматларга тўла безатилганди. Дастурхонга курраи заминда

етиштириладиган барча мевалар тортилган. Цитрус мевалари алоҳида саватчага дид билан терилган. Анвойи шарбатлар, маъданли сувлар, турли ичимликлар бурчакдаги ойнали столдан жой олибди. Шундай кенг столга бор-йўғи иккита стул қўйилган. Сал нарида Эрон шкафи устида қандолатчилик маҳсулотлари жажжи ликопчаларга солинган.

Ботир хонадон соҳибасининг ўткир дидига яна бир карра тан бериб, ошхона томонга чиқди. Лекин, Баҳор бу ерда ҳам йўқ эди. Энг муҳими, шарпаси сезилмасди. Наҳотки, уни кутгани пастга тушган? Йўғ-е, ташқарида турса кўриниш берарди-ку. Энди у узун йўлақдан юриб, чап томондаги ётоқхона эшигини очди. Очди-ю, ҳайратдан кўзлари ёнди, юраги гурс-гурс ура бошлади.

Дум-думалоқ ойна ёнида Баҳор янги йил либосида худди қор қизлардай, яна ҳам аниқроғи, малика Дианадай виқор билан уни кутиб олди. Оқ ҳарир ипак матодан тикилган кўйлагининг этаги гиламга ёйилган. Бўлимли, гавҳардай билаклари очиқ, аммо панжаларига итальянлар қўлқопини кийибди. Қулоғидаги бриллиант чироқ нурида минг хил тусда товланади. Юзидаги чирой, нафосат олдида ўша зумрад, ёқут тошлар ҳам хира тортгандай.

Ботир кундузи бир даста гул олиб, ваннахонага беркитиб қўйганди. Яхшиям, эсининг борида отини қамчилаган экан. Акс ҳолда шундай ҳурилиқони гулсиз тасаввур этиш мумкинми?

Ботир гулдастани севгилисига узатаркан, унга бахт-саодат тилади. Эвазига худди шу тилакка эш битта бўса инъом этилди.

— Мен сизни узоқ кутдим, — деди Баҳор унинг қучоғидан бўшагиси келмай.

Биргалашиб меҳмонхонага киришганида аёлнинг кайфияти яна ҳам кўтарилиб кетди.

— Қандай, байрам дастурхонимиз сизга ёқадими?

Ботир унинг яноғидан ўпди.

— Ҳали бу бизга тегишлими?

Баҳор ҳайратланиб қаради.

— И-е, ўз уйимиздаги неъмат ўзимизга аталади-да.

— Э, хайрият. Мен адашиб шоҳлар саройига кирибман, деб ўйлаётгандим.

Энди Баҳор уни таажжублантирди.

— Сиз жуда тўғри ўйлагансиз. Чиндан ҳам Таиланд ва Малайзияда ҳукмдорларга шундай зиёфат тақдим этилган. Ҳозир ҳам бу стол атрофидан севги салтанатининг шоҳи ва маликаси жой олади.

Ботир завқланиб Баҳорнинг елкасидан қучди.

— Биласизми, бир мен эмас, сизнинг ҳам тилингиз лутфга чечан.

— Гап тилдамас. Агар инсон ўзини бахтли сезмаса тилига алиф келмайди. Тилни тушовлайдиган нарса оғир қисмат, жиловини ечадиган қудрат, бу чинакам омад, бахт.

— Ҳақ гап. Аммо мен ўзимни бахтиёр сезганим ҳолида тилим лол-ку. Бунисига нима дейсиз?

— Диллар боғланган пайтда тилга не ҳожат, азизим. Қани, гурунгни кейин давом эттирасиз. Тезда ювиниб чиқа қолинг.

Ботир унинг феъл-атворини билса-да, атайлаб, қаршилиқ кўрсатди.

— Янги йил кечаси ҳам ваннага ҳайдайсизми. Аввал вужудни иситиб олай.

— Танангизни ичимлик билан қиздиришга ҳожат бормикан. Наҳотки менинг ҳароратимни сезмаяпсиз?

— Ў, бугун сизга гап топиш қийин. Хўп, мен кетдим. Мени кутгил ва мен қайтарман...

Ботир ваннахонадан чиққанида, токи ички кийимларидан тортиб пайпоғигача, янги кўйлақдан тортиб, фаранг костюмигача муҳайё қилиб қўйилганди.

— Бу Янги йил совғаси...

Ботир хижолат тортганидан пешонасида реза-реза тер пайдо бўлди.

— Ахир мен...

— Тўғри, сиз чиндан ҳам мен учун топилмас, ноёб совғасиз. Қани, тезда кийиниб чиқинг.

Ботир ўн — ўн беш дақиқаларда янги сарполарни кийиб, меҳмонхонада ҳозир бўлди.

— Янги сарполар муборак, илоҳим, янги йил фақат яхшилиқ келтирсин! — дея чин дилдан тилак билдирди Баҳор.

Ботир аёлини дастурхонга таклиф этди. Шампан виносидан қуйиб, унга узатди. Ўзи ўрнидан туриб, қадаҳ сўзи айтишга чоғланди. Бироқ, кутилмаганда кўнгли бузилиб, томоғига муштдай нарса тугилди, кипригида ёш ҳалқаланди.

Бу кайфият Баҳорга таъсир қилди. У столни айланиб ўтиб, рўмолчаси билан севгилисининг кўз ёшини артди.

— Мана шу томчилар ўтаётган йилимизнинг энг сўнги кўнглисизлиги бўлсин, янги йилда фақат... Фақат бирга бўлайлик.

— Менинг ҳам бирдан-бир орзуим шу, Баҳор... Мен сизни жуда севаман, сиз менинг ҳаётимсиз. Сизсиз жоним ҳалак. Айтганингиз

каби кутаётган йилимизда фироқ дарди ариб, висол шарбатидан тотаверайлик.

Иккаласи ҳам бир қултумдан ичиб, фужерларни стол устига қўйдилар. Ботир энди дастурхонга қўл узатган эди, Баҳор "ҳай-ҳай"лаб уни тўхтатди.

— Аввал уйни бир айланиб чиқинг. Ўзгаришларни кўринг, маъқул тушса, мени мақтанг.

Ботир айвондаги стол-стуллар янгиланганлигини пайқаманган эди. Арк ораллигидаги парда ҳам алмаштирилибди. Эрон мебелларидан фақат сервант қолибди, олти оёқли диван ўрнига немисларнинг юмшоқ креслоси қўйилибди.

Энг катта янгилик ётоқхонада кўзга ташланди. Икки кишилик диваннинг бош тарафига Сингапурдан келтирилган шокила-шокила гуллар илинибди. Қизиғи шундаки, ёруғлик нурига қараб, новдалардаги гуллар очилиб, ёпиларди.

— Мана шу ҳаракатларимнинг барчаси сиз учун, — деди Баҳор Ботирнинг орқасидан кучоқлаб.

— Аллоҳ сиздай меҳрибон аёлга рўбарў қилганлиги учун минг бора шукр қиламан. — Йигитнинг овози қалтираб чиқди. Умуман, бу оқшом унинг қалбида хилма-хил туйғулар тугён урар, назарида Баҳор билан ҳам, Олия билан ҳам хайрлашаётгандай туюлаверарди.

Бу ҳиссиёт байрам дастурхонига ўтирганларида ҳам юрагини тарк этмади. Аксинча, неча йиллар орасида шу файзли хонадонда — бахтидан масрур ҳолатида илк бора Олия учун дили ачишди. Ва айни пайтда унинг ёнига боролмаслигини ҳам яхши тушунарди.

Баҳор эса, аксинча, жуда хурсанд кўринарди, бир гапириб, ўн кулар, иложи борича, Ботирнинг кўнглини овлашга интиларди. Олдидан ўтаётганида ҳам уни-буни баҳона қилиб гоҳ сочини тузгитар, гоҳ елкасидан кучар, гоҳ юзларини силаб қўярди. У гулли ликолчадаги тузланган қўзиқоринни санчқига санчиб, Ботирнинг оғзига тутди. Йигит қўзиқоринни тишлади-ю, чайнашга улгуролмади. Телефони халақит берди.

Баҳор иддамлик билан телефонни қўлига ушлади.

— Керак эмас, бугун оилавий байрам...

— Тўғри, унда ўчириб қўйинг.

Жувон телефонни ўзига узатди.

— Яхшиси, ўзингиз!

Ботир секингина ойначага нигоҳ ташлади. Сўнг аёлига ўтирилди.

— Онам экан...

Баҳорнинг чехрасига ташвиш қўнди.

- Ишқилиб, хотинингиз тинчмикан?
- Билмадим, сал тоби қочиб турганди...

Орага жимлик чўқди. Ҳозиргина солинган овқат совиди. Баҳор ётоққа кириб, уст-бошини ўзгартириб чиқди. Энди унда бояги жўшқин кайфиятдан асар ҳам қолмаганди. Ботирнинг сукут сақлаётгани баттар ғашини келтирди. Аммо, унга ҳам осон эмаслигини билгани боис, тилини тийди. Барибир, кўнгли тинчимади.

- Ботир ака, ўзингиз кўнғироқ қила қолинг.

У шундай таклифни ўртага ташлади-ю, ичида барибир гапимга унамайди, деган таскин ётарди. Кутилмаганда йигит телефон рақамларини тера бошлади-ю, бирдан ранг-қути ўчиб кетди. Тезгина бошқа хонага ўтди.

- Буви, сизми? Нима бўлди, оғирми, ҳозир бораман!

Ботир изоҳ бермаса-да, ҳамма гап тушунарли эди.

– Мени кечиринг, байрамингизни буздим, – деди у чиқиб кетаётиб. Баҳор бу сўзлар дилдан эмас, шунчаки муроса тарзида айтилаётганини англаганида ичида нимадир чирс этиб узилди.

Ботир зиналардан пастликка қараб югирди. Баҳор анчагача унинг ортидан қараб ўйга толди. Сўнг беихтиёр эшикни қаттиқ ёпди-ю, ўзини юмшоқ ўриндиққа отди.

У келиб-келиб, Янги йил оқшоми уйда ёлғиз бир ўзи қолишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди. У бу тунни орзиқиб кутганди. Бу кеча ҳаётидаги энг лазиз, энг бахтиёр дамлар қаторидан жой олиши керак эди. Афсуски, орзулари қўлдан тушган чиннидай чилчил синди. Ўйлаган ўйлари саробга айланди. Илк бора суянган тоғи омонатлигини, ишонган боғи ўзгага мансублигини дилдан туйиб, юм-юм йиғлади, ўксиб-ўксиб кўз ёши тўқди. Оппоқ пар ёстиқ жиққа нам бўлди.

Унинг кўнглига ботгани Ботирнинг каловланиб, тилига тош солгани эди. Наҳотки, не-не ниятлардан тахт ясаб, осмону фалақда парвоз қилаётган аёл ҳолатини тушунмасди? Наҳотки беш дақиқа тўхтаб, бор гапни айтиб, икки калима сўз билан кўнглига таскин бериб кетиш шунчалар қийин? Ахир, ўша Кумушой ўлиб қолмагандир-ку. Борди-ю, омонатини топширганида ҳам, минг югургани билан жонини сақлаб қололмасди-ку. Ёки санамини шу қадар севадими? Унда, неча йиллардан буён Баҳорни лақиллатиб юрганмиди? Бу эркак зотини англаш шунчалар мушкулми? Аёлнинг ҳийласи қирқ туяга юк бўлади, дейдилар-у, бироқ, шу қирқ туя ҳийла эркак кишининг битта хушодади, аддови, риёкорлигига бас келолмайди. Чунки аёлнинг ҳийласида эркакка муҳаббат, уни

бағридан бўшатмаслик истаги ётади. Эркак найрангида бошқа қалбни ўғирлашга иштиёқ мужассам. Буни Баҳор илгари билмаганди, ҳозир билди. Билгани боис, ўз-ўзига ачиниш туйғуси кучлироқ алангаланди.

## 9

Орадан беш ой ўтди.

Баҳор оёқлаётган кезлари эди. Кутилмаганда Тошкентдан Анвар Чориевич қўнғироқ қилди. У алақачон докторлик ишини ёқлаб, Фанлар академиясига қарашли илмий текшириш институтида раҳбар лавозимига кўтарилганди.

— Илмий маърузам учун водийдаги институтлар билан боғланишим керак. Телефонда иш битмаяпти. Шунинг учун эртага тайёрага ўтираман, баҳонада сени ҳам кўриб келаман, — деди у иложи борица қисқа гапиришга уриниб.

Анвар Чориевич белгиланган вақтда Андижон тайёрагоҳига қўнган самолёт ичидан кулимсираб тушиб келди. У анча тўлишган, юзларидаги майда тиришлар ёзилиб, бодом қовоқлари таранг кўринарди.

— Ёшартириш эликсирини ичяпсанми? — ҳазиллашди Ботир у билан қучоқлашиб кўришаркан.

— Ичмаяпман, бағримда олиб ётибман, — Анвар Чориевич ўзи гапириб ўзи тайёрагоҳни бошига кўтариб кулди. У уч йил аввал қишлоғидан ёшгина жувонга уйланган, ҳаётда омади юришаётган, ишқ туфайли чеккан заҳматлари ажрини олаётган эди.

— Тўлғоной яхшими? — сўради Ботир Анварнинг спортчилар сумкасини Фарруҳга узатаркан. Шубҳасиз, савол меҳмонга мойдай ёқди.

— Яхши ҳам гапми, зўр! Худо хоҳласа, яқинда яна кўпайишиб қоламиз!

Ботир унинг тирсагидан тутиб, "Эсперо"га таклиф қиларкан, ҳазилга мойиллик сезди.

— Бу докторлик ишини шундан ёздингми, биродар?

— Тўғри топдинг. Ёш хотиннинг уддасидан ўтиш докторлик ҳимоясидан ҳам қийин кўчаркан. Ҳа, майли, ўзингдан гапир. Баҳор миҳдайми?

Бу сўроққа Ботир дадил жавоб айтолмади.

— Борганда, биласан!

Анвар дўстининг ич-ичига ботган тим қора кўзига тикилди.

— Аслида, мени меҳмонхонага жойлашганинг қулайроқ эди.

— Қизиксан-да оғайни. Андижонда иккита уйим бўлатуриб, сени етим боладай мусофирхонага тиқиштираманми? — деди Ботир машинага ўтиришганида. — Ҳа, айтмоқчи, Баҳор ўзи сени йўқлаётганди. Келаётганигни эшитиб, кайфияти анча кўтарилиб кетди.

Чиндан ҳам хонадон бекаси Анварни туғишган оғасидай кутиб олди. Меҳмонхонага ёзилган дастурхон Янги йил оқшомидагидан қолишмасди.

— Э қойил, — ҳаяжонини босолмай ҳайқирди Анвар. — Бунақа столни Швецияда ҳам учратмагандим. — У шундай деб орқасидан кириб келаётган Баҳорга ўгирилиб, — Кел, азизим, мана шу қўлларингдан бир ўпай, — деди.

Жувон ялт этиб Ботирга қаради. У кулимсираб турарди.

— Бу, қўл эмас, нақ мўъжизанинг ўзи. Аллоҳ берганга қўш қўлаб узатаверар экан. Ҳам ҳурилиқосан, ҳам покиза, ҳам пазанда, энг муҳими, бадавлатсан. Дарвоқе, сенлаганимдан хафамасмисан?

Бека бошини қуйи эгиб деди:

— Асло, ахир, синглингизман-ку.

Анвар бу фикрни дарров маъқуллади.

— Оддий сингил эмас, жонажон жигарбандимсан. Қани, олдикми?

Гапга Ботир аралашди:

— Олишдан аввал ўтириш керақдир!

Анвар ҳазилни давом эттирди.

— Ҳой бола, ўтиргунимизча қанча вақт кетишини кошки билсанг. Қани, манави "Оқ айиқ"ни кўрайлик-чи.

Шундай, дея Анвар тўрга ўтириб, қўлларини дуога очди.

— Илоҳим, икковинг қўша қаринглар. Омин.

Баҳор чой дамлаб келтирди. Тезда бир ҳўпламдан ичдилар.

Шундан сўнг Анвар дўстининг қўлидаги шипани олди.

— Жониворни жуда эзғилавординг-ку. Бунга ҳам жазманга ўхшаб муомала қилиш керак. Эй, сен бу фикр мағзини чақиб бўпсан.

Қадаҳлар уч-тўрт айлангач, суҳбат жиддий тус олди. Ботир янги йил кечаси юз берган воқеани шошилмай сўзлаб берди.

Бу пайтда Баҳор дўстларни ёлғиз қолдириб, ошхона деразасидан ташқаридаги қийғос гуллаган гилос шохларига тикилиб, ўй сурарди.

— Аҳволинг анча мушкул! — чўзиб гапирди Анвар. — Очиғи, сенинг ҳолатингни ҳавас қилолмайман. Биламан, бу нозанин юрагингдан урган. Аммо, ҳаётда ишқдан ташқари виждон, масъулият деган туйғулар ҳам бор-да! Агар Олия соппа-соғ юрганида бир нави эди. Борди-ю, ҳаммасига тупуриб, Баҳор билан яшасанг ҳам,

тўқис ҳаёт кечиролмайсан. Сен унақа одамлардан эмассан. Афсус, худди бир қўлини қутқариш учун иккинчи қўлидан воз кечиш керак бўлган ночор одамга ўхшайсан. Бироқ, гап шуңдаки, қайсинисидан ажралсанг, талофат камроқ бўлади? Уф, бошим оғриб кетди. Яхшиси, мияга дам берайлик, қани, қуй.

Ички изтироб оташида ёнаётган Ботир адашиб чой узатди. Анвар дўстининг юзига таажжубланиб қаттиқ тикилди.

– Устимдан куляпсанми, чойингни араванинг гупчагига қуй?

Ботир ҳам бўш келмади.

– Шиша ёнингда-ку!

Анвар индамай қадаҳни тўлатди. Суҳбатдошига қарамай, лиқ этиб ютиб юборди. Анчагача газакка қўл узатмай, ичимлик таъмини томоғида сақлаб, ҳузурланди. Сўнг "уфф" деб нафас чиқарди-ю, ликоподаги тўғралган бананга санчқи урди.

– Мен сени огоҳлантиргандим. Эркак киши севгини елкасига опичлаб олмаслиги керак. Инсоннинг инсонга муҳаббатида маъно йўқ, ҳикмат йўқ. Ишқ худди пуч ёнғоққа ўхшайди, сирти қаттиқ, чиройли, мағзи бўш. Уқдингми?!

Анварнинг кайфи ортиб бораётганди. Суҳбат мавзуси унинг эски яраларини тирнагани буришган юз ифодасидан аниқ-равшан билинаётганди.

– Севсанг, менчалик севарсан. Охири қандай тугади? Шу кўнгил кўзимга чўп санчди, шу кўнгил ғуруримни топтади, шу кўнгил айни йигитлик давримни ботқоққа ботирди, бошимни эгди. Мана шу "эртак"дан хабаринг бормиди, бориди. Билиб туриб, ари уясига бош суқдинг, қайнаётган қозонга ўзингни ташладинг...

Ботир ҳозир эътироз билдирадиган фурсат эмаслигини сизди. Аммо, дил тилни қитиқлади.

– Анвар, одам боласи ўз хоҳиши ёки буюртма билан бировга кўнгил қўя оладими? Йўқ, ҳеч қачон! Севги дегани дард эмасми? Яна шуңдай дардди, келиши ялла, кетиши аза. Муҳаббат ташрифидан юрак яшнайди, қайтишидан гул каби сўлийдди. Кошки, бу дард давосини билолсам? Назаримда, мен эмас, жаҳондаги энг буюк адиблар ҳам, зўр ҳакимлар ҳам бу оғриқ малҳамини тополмагандир. Акс ҳолда, Навоийдай буюк зот Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун юрагига ишқ оловини ёқиб, сўнг бу олов тафтини босолмай, охир, оқибат ўзларини ўлимга рўбарў қилиб қўя қолармиди?

Меҳмон мудрай бошлаган эди. Бироқ, дўст ҳасратини эшитди.

– Сен хотирингни жам қил. Ўлмайсан. Мен ўлиб қолдимми, йўқ, сен айт, ҳеч ўлганманми? Асло ўлмадим, аммо, севгимни мана шу



қўлларим билан бўғиб ўлдирдим. Ҳозир менга Назокатми, Нозимами ёки бошқаси... Тупураман, билдингми? Сен эса жаҳлимни чиқариб, қиз болага ўжшаб кўз ёши тўкасан. Яхшиси, аргамчини узун ташлаб қўй. Насриддин ҳақида ўзинг айтгандинг.

— Қайси Насриддин?

— Э анави Ҳўжа Насриддин бола-чи. 40 йилда ё подшо, ё эшак, ёки мен ўламан деган-чи. Ҳа, ўша афанди. Хуллас, болта тушгунча кунда дам олади. Сен Штирлиц каби ҳаракат қил. Қайси уйда ётсанг ҳам ҳушёрликни унутма. Ҳа, бу ёғини ечадиган зот бор... Энди мен ухлайман.

Анвар ўрнидан турди. Ботир кўмагида ваннада юз-қўларини ювиб чиқди. Сўнг ечиниб, оппоқ чойшаб ёзилган жойга узала тушиб ётди. Худди ёш боладай дарров уйқуга кетди.

Эрталаб нонуштагача қиймали мастава тайёрлаган Баҳор шаънига мақтовлар ёғдирган Анвар Чориевичнинг кайфияти аъло даражада эди. У меҳмондорчилик учун миннатдорлик билдириб, туришга изн сўраганида, хонадон соҳибаси ўн дақиқа кутишини илтимос қилди. Бу, одатдаги илтифот эмасди. Баҳор юмшоқ стулни суриб, йигитлар қаршисидан жой олди.

— Сизга маслаҳатим бор, — деди у сиполик билан.

Меҳмон ҳушёр тортди. "Наҳотки, кечаги алжирашимни эшитди?! — кўнглидан кечгани шу бўлди. — Тузимни еб, тузлигимга тупуришингиз нимаси, деб қолса-я. Оббо, роса қовун туширибман-ку". Аммо, бу ҳадиги беҳудалиги дастлабки луқмаданоқ аёнлашди.

— Мен Европага кетмоқчиман!

Бу хитоб наинки Анвар, айна чоқда Ботир учун ҳам янгилик эди.

— Европага, тижоратгами? — шошиб сўрашди ҳар иккови.

Аёл мутлақо хотиржам қиёфада жавоб қайтарди.

— Бутунлай.

Анвар ёнидаги дўстига савол назари билан боқди.

— Бу фикрдан дўстингизнинг хабари йўқ.

Орага нокулай жимлик чўқди. Ботирнинг ранги ўзгарди, лаблари пир-пир уча бошлади. Чап кўкрагида суст оғриқ туйди.

— Тушунтириброқ гапиринг, синглим, — илк бора Анварнинг овози титраб чиқди. У вазият бунақа қалтис тус олишини хаёлига келтирмаганди.

— Мен жуда чарчадим!

— Чарчадим? Тижоратданми?

Ботир шу тобда нима деяётганига ўзи ҳам ҳайрон эди.

— Тижорат одамнинг вужудини чарчатади, мен руҳан эзилдим. Мен Ботир акамни кутиб яшашдан безор бўлдим. Мен осмондаги ой нурига исинмоқчи эканман. Бировнинг ёрини ўзимники, деб адашганлигимни билмабман. Хуллас, узоқ ўйлаб, шу қарорга келдим...

— Сиз адашяпсиз. Ҳеч бўлмаса, севгингизни ўйламайсизми?

Баҳор ялт этиб Анварнинг кўзларига тикилди.

— Севгини битта тараф ҳимоя қилолмайди...

— Нега унақа деяпсиз, ахир, Ботир сизга хиёнат қилмади-ку?

Баҳор ҳазин кулди. Бу, кулги эмас, дилдаги оғриқ руҳсори эди.

— Сиз эркаклар хиёнатни жуда оддий баҳолайсизлар. Хиёнат фақат бузуқлик эмас. Менинг назаримда аёл бахтини бутун қилиб беролмаслик ҳам хиёнат, ёстигининг ярми бўш қолиши ҳам, хоҳлаганида изини тополмай қайғуга чўмиши ҳам, кўча-кўйда эркин юришига шароит яратолмаслиги ҳам хиёнат! Мен шу пайтгача ўзимни ўзим адаб келибман, энди билдимки, бу ёруғ дунёда мендан мискин, мендан бахтсиз маъшуқа йўқ экан. Энди ўзимдан, Ботир акамдан ва севгимдан қочиб, узоқларга кетишни ният қилдим.

— Шошманг, етти ўлаб бир кесган маъқул. Қани, Ботирдан ҳам эшитайлик-чи, эҳтимол, унда бошқача — икки томон учун фойдали таклиф бордир.

Баҳор асабийлашиб, овозини баланлатди.

— Олти йилда айтилмаган таклиф, бир — икки дақиқада ўртага ташланармиди?

— Сиз унинг оғзини ёпманг-да, синглим, — энди Анвар ҳам ўзини қўлга ололмай қолаётгани.

Қизиқки, Ботир гўё бу баҳс-мунозаранинг унга алоқаси йўқдай жим эди.

— Агар Ботир оиласи билан келишиб, сиз билан яшаса, аҳдингизни ўзгартирасизми? — меҳмон ҳамон муроса йўлини ахтарарди.

Беканинг катта-катта чарос кўзларида ҳалқаланган ёш, кириклари орасидан сизиб ёноғига оқди.

— Мен бу ҳақда кўп илтижо қилдим. Ҳозир ҳам такрорлайман. Майли, бутун бойлигингиз, мол-дунёингиз Олия опамга қолсин. Ҳатто бегона аёл билан яшаётганингизни сездирманг, бу унга қанчалар оғир ботишини ўз бошимдан ўтказяпман. Уларга Тошкентда ишламоқчиман, деб тушунтиринг. Тагингизга янги "Нексия" олиб берай, шу корхонангизнинг пойтахтдаги бош бошқармасига ишга жойлашинг, ҳар ҳафтада оила аъзоларингизни кўргани келиб туринг, деб ялиндим, ёлвордим. Бироқ, бу киши тарозининг бир палласига

топган обрў-эйтиборини, яқинларини қўйиб, иккинчи палласига севгисини жойлаганида, афтидан, бизнинг салмоғимиз енгил келди, шекилли.

Анвар Чориевичга бу таклиф жўяли туюлди, шекилли, дўстининг елкасига туртди.

— Рости ҳам шу. Юр, Тошкентга. Менга яқин бўласан. Уй-жойинг тайин, иш топилади, машина, муҳими, севган аёлинг билан бирга умргузаронлик қиласан. Яна сени нима қийнайди? Ахир, оиланг ҳеч нарсани сезмайди-ку.

Ботир иягига мушт ўтказиб юборган боксчи каби карахт эди. У шу тобда ҳеч нарсани англамасди. Ҳаттоки, тили семириб, лунжига сигмай қолаётгандай тушунарсиз гўлдирашдан нари ўтмасди.

Бу ҳол Баҳорнинг баттар жаҳлини қўзғатди.

— Кўрдингизми, асли кўнглида йўқ. Бўлса, бирон тайинли гап айтарди. Майли, зорим бору зўрим йўқ. Ҳар ҳолда сиз мени айбламасангиз, бас. Мен ўзим хоҳлаб кетаётганим йўқ. Ҳар кунги йўл пойлашлар, ҳар тунги фироқ оғриқларидан безиб, бу ҳаётдан қочмоқчиман.

Анвар яна Ботирга ўтирилди.

— Нима бало, оғзингга талқон солганмисан?

У бундан ҳам аччиқроқ дашном бермоқчи эди, бироқ, дўстининг эс-ҳуши ўзида эмасдай туюлди.

— Ботир, тузукмисан?

Баҳор йиғлаб, арк ортидаги айвонга югурди. Анвар дўстига сув берди.

— Ўзингни қийнама, ҳаммаси ўтиб кетади. Билиб қўй. Севгидан биров ўлмаган. Кетса ўзи билади, ахир, уни сен ҳайдамаяпсан-ку.

Ботирнинг кўз ёшлари пиёладаги сувга тўкилди-ю, нафаси очилди.

— Анвар, уни менинг журъатсизлигим еди, лоқайдлигим чарчатди. Не қилайки, қайси бармоғимни тишласам ҳам оғриятпти. Иккисига ҳам жоним ачийди. Мен туфайли иккиси ҳам ўз ҳолича бахтсиз. Аммо, уларга бахт илингандим, яхшиликни соғингандим. Берганим қийноқ, дарду алам бўляпти. Айт, ким айбдор бу савдога, ким?!

— Ўзингни қўлга ол! Ўзини севмаган одам бошида таёқ синаверади. Сен, аввало, ўзингни сев, кейин бошқаларни, хумпар, нега меңдан, менинг қисматимдан хулоса чиқармадинг? Бу ёруф дунёда севги-муҳаббатдан ким рўшнолик кўрибдики, сен ўзингни қийнайсан, жон олиб, жон берасан? Айтдим-ку, вақт ўтиши билан ҳаммаси ёмон тушдай унутилади. Унганча бардошли бўл. Аллоҳнинг

синовига чида.

— Анвар, дилинг йиғлаб турибди-ю, менга ақл ўргатасан-а. Эркакмисан, тўғриси айт, ҳалиям Назокатни яхши кўрасанми, соғинасанми, эркаликлари кўз-ўнгингдан ўтиб турадимми? Ичичингдан келган хўрсиниқни босолмай, бошингни қайси деворга уришни билолмай фарёд чекасанми? — Ҳа, тан олиш қийин, аммо тонолмайсан. Сен яхши дўстсан-у, ёмон муаллимсан...

Анвар Ботирни маҳкам кучди.

— Барибир ўлмадим-ку!..

Ботир беихтиёр инграб юборди.

— Ўлмаганинг учун ҳар доим ўлимингга розисан! Севги қон билан кирибдими, жон билан чиқади, шекилли.

— Унда нега иккиланасан? Олияни ташлаб, Баҳорни бағрингдан узоқлаштира.

— Не қилайки, виждон азоби севги оғриғидан ҳам оғирроқ экан.

— Унда ишққа кафан бичавер!

— Ўша ишқ ичида ўзлимим бор, ушалмаган орзуларим бор. Наҳотки, ҳаммаси саробга айланса?

— Унда, Баҳорни яхшилик билан йўлга солайлик...

— Вақти келганда, Баҳор ҳам ўрнини бошқа фаслга алмаштиради. Менинг Баҳорим ҳам шундай, шекилли. Уни ортга қайтариш, фаслларни ортга қайтариш билан баробар.

Анвар Чориевич бу фикрга мутлақо қўшилмади. Кутилмаганда тамомила бошқача фикр изҳор этди.

— Ҳой бола, эсинг бўлса, асло ишқ билан ўйнашма! У ҳам худди грипга ўхшайди, ўзидан асорати ёмон. Уқдингми? Унда, кетдик, тамом-вассалом. Худо хоҳласа ҳаммаси яхшилик билан тугайди.

Меҳмон остонада туриб уй соҳибасига товуш берди.

— Баҳор, Баҳорой, хайрлашишга ҳаддимиз сизгадими?

Айвон (балкон) тарафдан кўзлари қизарган ҳолда Баҳор чиқиб келди. У бошини кўтармай, Анвар билан хайрлашди, Ботирга қараб ҳам қўймади.

## 10

Бошқарув ҳайъати мажлиси ниҳоясига етиб, сўнгги ходимнинг оёғи узилганида, телефон жиринглади. Ботир хушламайгина дастани кўтарди. Аммо, қулоғига эшитилган овоз бутун вужудини ларзага солди.

— Жоним!

Йигит юрак-юрагига сингиб кетган бу нафис овозни

эшитмаганига роппа-роса бир ҳафта бўлганди. Чунки севгилиси ўша кунги гурунган сўнг бир ҳафта ўтказиб, Тошкентга, ота-онасининг олдига кетганди.

— Қачон келдингиз? — деди Ботир ўз ҳиссиётларини базўр босиб.

Даста ичидаги товуш оҳангидан Баҳорнинг кайфияти яхши эканлигини сезиш қийин кўчмади.

— Ҳозиргина самолётдан тушдим.

— Илгари менга қўнғироқ қилиб қўярдингиз, — очиқчасига гинасини сездирди йигит. Аммо, бу саволга ҳам жўяли жавоб топилди.

— Авваллари замон бошқача эди, ариқларда сув ўрнига мой оқарди.

— Энди давр ўзгардим, дарёлар қуридим, ҳис-туйғулар босилдим?

Ботир сал қуюшқондан чиқаётганлигини фаҳмлаб, бу ёғига дамани ичига ютди. Баҳор сукутни афзал билди. Сўнг ялинчоқ оҳангда эркаланди.

— Мен сизни соғиндим!

Шу бир оғиз лутф дилдаги исён тафтини босди. Гўёки қайнаётган қозонга совуқ сув қуйилди.

— Мен эса эсим оғудай аҳволдаман, — дарров очиқчасига тан олди йигит.

— Худо сақласин, сиз ҳаммамизга керакли одамсиз, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Айниқса, мен учун жуда кераксиз...

Ботирнинг яна тили жиловидан бўшаб кетди.

— Жуда қизиқсиз-ку, гапингиз худди дор остидаги одамга "бутун ҳаёт олдинда" дея тасалли бераётган роҳиб лутфи каломини эслатади. Ҳар икки соатда сўзлашмай туролмайдиган одам худди сувга отилган гавҳар каби ному нишонсиз йўқолса...

Баҳор қиқирлаб кулди. Чиндан ҳам унинг кайфияти аъло даражадалиги билиниб турарди.

— Мени гавҳарга қиёсладингизми? Кечагина олтиним, ёқут кўзли бриллиантим, деб алқаган ким эди? Сизни қаранг-у?

Ботир чиндан-да ўзини йўқотиб қўйди.

— Ана, енгилдингиз! — дастадан қувноқ овоз эшитилди. — Энди мени ўйнатасиз. Мен сиз билан шаҳар кезмоқчиман, Андижон хиёбонларида сайр этмоқчиман, вақтингиз борми?

— Албатта, ҳозироқ етиб бораман...

— Яна бир илтимосим бор эди.

— Бемалол, Баҳорим.

– Бугун қоласизми?

– Саволингиз шуми?

– Ҳа, шуни хоҳлаятувдим.

– Наҳотки, кўнгил истаги илтимос билан адо этилса... Ахир, ўзим васлингизга ташна, зорман-ку.

– Ростданми, сиз ҳам мени соғиндингизми? Сиз ҳам мендай азобдамисиз...

Бу ёғига Баҳорнинг овози чиқмай, енгил хўрсингани эшитилди.

Ботирнинг қалбида ғашлик уйғонди.

– Ҳозир ёнингизда бўламан! – У шундай деб ташқарига отилди.

Биринчи қаватда ёрдамчиси Акмалга дуч келди. Бугун кечгача "зарур иш" борлигини айтиб, машинага ўтирди.

Гул юзли санами уни катта кўча бошида кутиб турган экан. Йигит "Нексия"дан тушибоқ, одамлар кузатувиغا эътибор бермай, маъшуқасини маҳкам қучоқлади.

– Бундан кейин иссиз йўқолманг, мен ҳажрингизда куйиб-ёндим, – деди у ҳаяжон ила.

– Ҳайдовчингизга жавоб берворинг, – гапни бошқа тарафга бурди санам.

– Фарруҳ, сен дам олавер!

Шундай, дея Ботир ўзи рулга ўтирди. Баҳор илк бора машинанинг олдинги ўриндигига жойлашди.

– Ярашдимми? – деди у яна гул-гул ёниб.

Ботир ундан кўз узолмасди. Оқ кофта билан қора юбка кийиб, сочига лола янглиғ тўғнағич қадаган Баҳор худди коллеж талабаларидай кўркам ва навқирон кўринарди.

– Маликаи дилоромнинг кўнгиллари нимани истайди?

Аёлнинг кўзларидан ўт чақнади.

– Сиз мени бошингиз оққан томонга олиб қочинг.

– Қаршилиқ билдирмайсизми?

– Нега энди, ўзим шуни хоҳлаяпман-ку.

Машина шаҳар кўчаларида елдай учиб борарди. Бир зумда болалар боғи, Конституция майдони, бош бекат ортда қолди. Янги бозор ҳудудида секинлаб юрдилар. Йўлнинг икки томонидаги муҳташам иморатлар, кўркам бинолар Баҳорнинг диққатини ўзига тортди.

– Эссиз, ақл билан иш тутганимда шу ерда бизнинг ҳам компьютер марказимиз қад ростларди, – деди у ўйчан қиёфада.

– Зарари йўқ, Худо хоҳласа, тез орада фабрика қурамиз.

– Хаёлпарастликда Герберт Уэльсдан қолипмайсиз, – деди Баҳор

жилмайиб.

Ботир ўз фикрида туриб олди.

– Мен айна ҳақиқатни айтяпман.

– Шундайми? Икки ёрти бир бутун бўлиб рисоладагидай оила яратолмадиг-у, сиз алақандай корхона ҳақида орзулайсиз-а.

– Начора, орзуга айб йўқ.

– Адашдингиз, рўёбга чиқмайдиган орзуда айб кўп.

Йигит бошини ўтириб, ёнидаги сулувнинг кўзларига тикилди.

– Яна кайфиятингиз бузиляптими?

– Асло! Аксинча, кўнглим сайр-томоша истайди.

Улар Боғишамолдаги "Тандиркабоб" қаҳвахонасида бироз тамадди қилишгач, Дилкушодга йўл олишди. Қир устида Андижон – Ўш йўлидаги узумзорлар, боғ-роғлар яққол кўзга ташланарди. Ўрикзорлар остидаги ўт-ўланлардан кўклам ифори тараларди. Баҳор кўм-кўм баргли арчалар остида тўхтади.

– Бу худди Ялта табиатини эслатади, – деди у атрофга суқланиб боқаркан.

Йигит машина юкхонасидан янги тўшак олиб, гиёҳлар устига ташлади.

– Бемалол ўтириб дам олинг.

– Эссиз, – деди аёл тўшакчани секингина қайириб. – Қанча ўт – ўланлар уволига қолдингиз.

– Ўсимлик эзилгани билан илдиздан чайлайверади, худди буғдой, шוליға ўхшайди. Демак, кўнглингиз оғримасдан жойлашаверинг. – Ботирнинг бу фикрига жувон яна эътироз билдирди.

– Илдиз чайлаши мумкин, аммо, топталган, эзгиланган майса қайта ўсмайди-да. Ҳолбуки, у табиат қўйнида ўзига аталганини олмоқчи, эркаланиб кўкка бўй чўзмоқчи эди. Сиз эса унинг ҳаётига зомин бўлдингиз. Инсон табиатнинг "оҳ"ига қулоқ солганида эди, ўз шаънига билдирилган таъна-дашномлардан бошини кўтаролмай қолармиди?

Йигит гап оқими қаёққа бурилганини илғай олмай хижолат тортди. Ўзини ҳимоя қилиш мақсадида мозийга чекинди.

– Ёдингиздами, Шоҳимардон тоғларидан гул уздириб, гулчамбар ясаттирганингиз? Ўшанда ёввойи гуллар пайҳон бўлиши ҳақида эслатмагандингиз ҳам.

Кутилмаганда Баҳор хатосини тезда тан олди.

– Ўшанда табиат билан у қадар ўртоқ эмасдим. Бутун эс-ҳушимни тижорат билан сиз эгаллаган эдингиз.

— Энди-чи?

— Энди тижорат тўғрисида камроқ қайғурипман.

— Мен ҳақимда-чи?

— Ҳа, сиз ҳақингиздами, Зайнаб ўйласин, — деди Баҳор муғомбирона.

Ботир каловланиб қолди. Сўнг саволини яна такрорлади. Баҳор бирдан жиддийлашиб, сукутга толди.

— Сиз... Сиз эса барибир ўзимники бўлмайсиз.

Ботир Баҳордан бундай зарба кутмаганди. У ҳамма гапга ўша Анвар Чориевич келган кунги воқеа сабаб, деган иштибоҳда эди.

— Жоним, жаҳоним Баҳор, айтинг, фақат сизники эканлигимни қандай исботлай, нима қилай? Ахир, шу пайтгача юрагимга қулоқ солиб улгурмадингизми, борлигимни, туйғуларимни англамадингизми?

Баҳор индамай келиб, севгилисини ёнига ўтирди. Унинг елкасига бош қўйди. Шундайгина юзига тегиб турган губорсиз арча шохини ҳидлаб, сўнгсиз хаёлларга берилди. Бу ҳолатда ҳам севги, ҳам армон, ҳам сокинлик, ҳам сир-синаот қоришиқ эди.

— Мени кечиринг, — деди Баҳор ҳудди ўзига-ўзи сўзлаётгандай. — Назаримда, кўнглимда икки туйғу бош кўтаргандай. Уларни мурасага келтириш бир ўзимга қийин кўчяпти. Инсон ҳеч қачон ўзини-ўзи тушунолмас экан. Ҳозир мен шундай аҳволдаман. Сизни ҳам қийнаб юбораётганимдан нечоғли хижолат чекаётганимни билсангиз эди. Бу рашк ўти фақат бир ўзингни эмас, сенга энг яқин одамни ҳам биргаликда куйдиришни хуш кўради, шекилли. Ичимдаги дардни ўзимга сиғдирилмаяпман. Бу бало қайдан ёпишди, нега эс-ҳушимни ўғирлади, нега тинчлик бермаяпти, ўзим ҳам ҳайронман. Шоирлар севгидаги тенгсиз ҳузур-ҳаловат, инсонийлик, раҳмдиллик сифатларини улуғлайдилар. Аммо, унинг "ўздан бошқасини" тан олмаслигини, ҳаттоки ёвузлигини, орзу-мақсади йўлида учраган ҳар қандай тўсиқни яксон этишини ҳеч ким таърифламайди. Гоҳида ишқ қудрати атомдан ҳам хавфлимикан, жиловланмаган тошқинга ўхшармикан, деб ўйлаб қоламан. Майли, бу беҳуда фикрларга қулоқ солманг. Бугун мен сизни фақат ўзимники, деб ҳис қилмоқчиман. Бугун сизга меҳримни бермоқчиман. Неча кунлик қийноқлардан озорланган дилингиз чандиқларини ёзиб юбормоқчиман.

Баҳор шундай, деб Ботирнинг бағрига сингиб борар, нозик билаклари билан белидан маҳкам қучоқларди... Ҳудди шу ҳис-туйғулар файзли хонадонга, неча йиллик ишқ шароби сарҳушлигига гувоҳ гўшака кўчди.



Ботир анчадан буён ўзини бу қадар бахтиёр сезмаган ва, табиийки анчадан буён Баҳор ўзини бу қадар соғинч, севги ҳиссиёти ила ёрига бағишламаган эди. Бир кечалик висол лаззати юракдаги бутун оғриқ, гина-қудурат изтиробига малҳам қўйган эди.

Ботир интиқ туйғулар таъсирида, вужудида ширин чарчоқ туйганича кўзини очди. Во ажаб, сочларини шамолдай тўкиб, тунги кўйлақда пари, пайкар мисол Баҳор унга таъриф тавсифдан ташқари меҳр билан тикилиб ўтирганди.

Йигит икки қўли билан санамини яна бағрига тортди. Маъшуқа оҳиста унинг кўксига бош қўйди. Қалин сочлар йигит кўкрагига ёйилди, ундан таралган муаттар бўй ошиқ қалбини яна маст қилди.

... Эрталаб Ботир нонуштадан сўнг кийинмоқ мақсадида ётоққа кирганида, орқасидан ўзига зеб берган, юз-кўзларидан нур ёғилаётган зебоси кириб келди.

— Мумкинми, сизга ёрдамлашворсам?

— Ў, бундай марҳаматга мамнунлигимни билдираман, холос.

Баҳор Ботирни меҳрга йўғрилган қайноқ қалб ҳарорати билан ясантирди. Стулга ўтиргизиб пайпоғини кийдирди, бўйинбоғини қайтадан тўғрилади. Сўнг қўлидан ушлаб, ҳар галгидай остонагача олиб борди. Аммо, ҳар галгидай остонада тўхтамади, севгилисини меҳмонхонага бошлади.

Ботир ҳайрон қолди.

— Тинчликми, жоним?

Жувон мутлақо хотиржам эди.

— Илтимос, ўн дақиқа вақтингизни аямасангиз.

— Ўн дақиқа... Бунча камтарсиз, сиз бутун умримни сўранг.

Аёлнинг юзидаги майин табассум жилоси хира тортди.

— Ботир ака!

Баҳорнинг нафаси ичига тушиб, гапиролмай, кўзларини йигитга тикди.

— Қулоғим сизда, малагим.

Малакнинг рангги оқарди, нафис, қирмизи лаблари титради, сурма тортилган киприклари пирпираб уча бошлади.

— Яна нима гап?

Бу сўроқ худди унинг қовоғида димланган ёшлар дамбасини суриб юборди-ю бир-бирини қувлаган қайноқ томчилар оппоқ яноғига оқиб тушди. Ботир жойидан қўзғалиб, маъшуқаси томон юрганида, Баҳор уни тўхтатди.

— Илтимос, менга тегманг!

Йигит ҳеч нарсани англамай жойига ҳолсизгина чўқди. Хонадон

соҳибаси бироздан сўнг ўзини қўлга олгач, кўнглини очди.

— Акажоним, бу бизнинг сўнги кечамиз эди, шу оқшом ёдингизда бир умр муҳрланиб қолиши учун бутун борлигимни тикдим. Энди бир умрга хайрлашиш фурсати етди.

Ботир ўқ еган бургут мисол назарида ўзини жарликка кулаётгандай сизди. Бу чиндан-да лутф эмас, сон-саноксиз ва аёвсиз пайкон эди, бу сўз эмас, оғирдан-да-оғир палаҳмон тоши эди. Шу ваддан у "нега" деган сўроқдан нари ўтолмади. Ботирнинг назарида бирдан момақалдироқ бўлиб, довул туриб, совуқ дўл ёғаётгандай туюлди.

— Мен биронинг чорбоғидан гул узишдан чарчадим. Шу чоққача ўзгага тегишли бахтни ўзимники, деб ишонтириб келдим. Энди қанчалар уринмай, бу рўё менга таскин беролмаяпти. Мен сиздан, ўзимдан, севгимдан қочиб кетаяпман. Мени тўғри тушунинг, бошқа иложим йўқ. Ботир ака, мен жуда чарчадим. Энди чидай олмайман. — Мижжаларида шашқатор ёш сизаётган Баҳорнинг овози қалтираб чиқди.

Ўзининг на тирик, на ўликлигини англолмаётган Ботир ниҳоят бир-икки сўз айтмоққа куч топди.

— Мендан, ўзингиздан қочиб қутиларсиз, аммо, шу чоққача биров севгисидан узоқлашолмаган. Чинакам муҳаббат руҳ билан кириб, жон билан чиқишини билмайсизми?

— Биладан, — деди Баҳор кўзларини тўсган қалин сочларини тўғрилаб. — Жуда яхши биладан, аммо, билатуриб шу ҳақиқат иддизига болта уришга жазм этдим. Ахир, бу йўлда кимдир ўзини қурбон қилиши керак. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлиши мумкин.

— Мен-чи, мени ўйламаяпсизми?

— Шу пайтгача сизни ўйладим. Ўйлаб билганим шу бўлди-ки, салкам олти йиллик ҳаётимиз давомида сиз ҳеч нарса йўқотмабсиз. Жамиятдаги мавқеингиз ўша-ўша, гарчанд касал бўлса-да хотинингиз ёнингизда, ўғлингиз бор, қариндош-уруғингиз қуршовингизда. Йўқотган фақат менман.

— Сиз нима йўқотдингиз?

— Мен ҳаловатимни, жону жаҳонимни йўқотдим, оромимни йўқотдим, секин уриб турувчи юрагимни йўқотдим. Энг яқин дўстларимдан ва ота-онамдан узоқлашдим. Сизнинг-ча бу камми? Агар булар кам, деб ўйласангиз шу тобда жонимни ҳам беришга тайёрман. Ҳаёт мен учун ўз моҳиятини йўқотди. Ортиқ кутиб яшашга тоқатим қолмади.

Ботир бутунлай саросимага тушиб, айтар сўзини-да тополмасди.

У Баҳорнинг хатти-ҳаракатини мутлақо тушунолмай карахт эди. Ахир, биров мушугини пишт демаса, кун ора учрашиб, ҳол-аҳволдан хабардор юрса, оғирини енгил, узоғини яқин қилса... Тўғри, оиласидан бутунлай воз кечолмаяпти, лекин, бунинг ҳам сабаби бор — ку. Бу тўсиқни ўзи яхши билади-ку. Қизиқ, ҳозирги гаплар навбатдаги рашк хуружими ёки айна ҳақиқат? Йўқ, Баҳорсиз Ботирга яшаш қийин. Ахир, ҳаётда ягона қувончи шу аёл бўлса... Бунга асло йўл қўйиш керак эмас.

— Баҳор, хоҳласангиз, шу бугуноқ ёнингизга кўчиб келаман. Фақат мени қўрқитманг, сизсиз хароб бўламан, ўтиниб сўрайман, мени ташлаб кетманг.

Баҳор ўзини анча тутиб олганди. Шу боис, шошилмай, салмоқ билан жавоб қайтарди.

— Акажоним, энди поезд жойидан жидди. Мен қатъий қарорга келганман. Бу фикримни ота-онам ҳам маъқуллашди. Аслида мен сизнинг йўлингиздаги тўсиқ эканман. Ишингизга ҳалақит бераман, оилангизда мен туфайли қанча муаммо туғиляпти. Бояги гапингизга эса мутлақо қўшилолмайман. Сиз касал хотини, кекса онаси, ёлғиз фарзандидан юз ўгириб, хотиржам айш сурадиган эркаклар тоифасидан эмассиз. Сизнинг қўлингиздан бундай худбинлик келмайди. Ҳаттоки, қўйингизда мен эмас, Клеопатра ётганида ҳам барибир хаёлингиз иложсиз ўшаларга қараб учаверади. Шундай экан, эсимнинг борида этагимни ёлганим яхши. Ана шунда ҳаммамизга ҳаловат қайтиб келар экан. Келинг, Ботир ака, сиз ҳам умрингизда бир марта мардлик қилинг. Таклифимга "хўп" денг.

Ботир сакраб ўрnidан туриб кетди. Қўлларини қаёққа қўйишни билмай ён-верига ўтирилди. Гўё Баҳорни энди кўраётгандай унинг олдига келиб, тиз чўқди, тиззаларини кучоқлади.

— Жонгинам, бу аҳдингиздан қайтинг. Қандай шарт қўйсангиз розиман, фақат мени бунчалар азобламанг. Наҳотки, ҳижрондан ҳаловат қидирсангиз? Сиз қаттиқ адашяпсиз, сиз иккимизнинг бошимизни ўз қўлларингиз билан айрилиқ сиртмоғига тутиб беряпсиз. Билмадим, қайси шайтон йўлдан оздиряпти, лекин, олти йиллик умр зарварақларини хотирадан ўчириш осон эмас. Соғинч азоби тириклай еб қўяди. Бу хавфни ҳозирнинг ўзидаёқ сизнинг нигоҳингиз кўз ўнгимдан ўчмай туриб аниқ сезаяпман. Сиз ҳеч қачон бундай қилолмайсиз. Сиздан айрилиш мен учун ўлим демақдир...

Бироқ, Баҳор худди мумиёланган каби қилт этмади. Ҳар сафар бундай пайтларда севгилисининг сочларидан силаб, кўнглига таскин

берар, иш ва оиладаги кўнгилсизликлар муҳаббат қувончи олдида ҳеч нарса эмаслигини обдон уқдирар, яноқларидан ўпиб, суйиб эркалар, хуллас, кўнгидаги губор кўтарилгунча қўлидан келганини адо этарди. Ҳозир ўша нозик бармоқлар гўёки занжирбанд қилингандай. Гўёки, юракда бир оғиз ширин гап қолмагандай. Ботирнинг назарида Баҳорни кимдир бошқа аёл билан алмаштириб қўйгандай.

— Соат 11 да Тошкентга учаман, пешинга яқин эса Европага йўл оламан. Ота-онам, ўғлим тайёрагоҳда кутиб туришади, кузатиб ҳам қўйишади. Илтимос, сиз орқамдан борманг. Акс ҳолда тайёрагоҳ зинапоясидан кўтарилишим қийин кўчади. Мен бу кунга жуда узоқ тайёргарлик кўрдим. Ўзимни Тўмарисдай шижоатли тутишга ҳозирладим. Бироқ ёрга таб бермоқ олдида ёвга тик турмоқ энгилроқ шекилли... Энди ишингизга боринг, мени унутинг. Мен ҳам сизни юрагимдан чиқариб ташлашга уринаман. Энди йўлларимиз, тақдиримиз қайтиб туташмайди. Хайр, Ботир ака! Бахтли бўлинг. Яхши қолинг...

Ботир бошини кўтариб, Баҳорнинг сокин сиймосига узоқ тикилди. Чиндан ҳам ҳар доим кўнгилчан, деб ўйлайдиган аёлдаги сабрбардош, метин иродага тан бермай илож йўқ эди.

Йигит девордаги осма соатга нигоҳини бурди. Унинг миллари ҳали тўққизга ҳам етиб бормаганди. У ўзини эшикка урди. Ҳозир бир фикрга келган эди. "Нима бўлса бўлсин, ҳаммасига тупуради, иш топилади, оиласига моддий ёрдам бериб туради. Фақат севгисидан воз кечмайди. Баҳор қаерга борса, ҳамиша у билан ҳамроҳ, ҳамдардлигича қолади. Ахир, жони унинг қўлида бўлгач, бошқа қандай иложи бор. Одамлар нима деса десин, ўз билганидан қолмайди".

Йигит шу мулоҳаза билан ташқарига чиқди. Фарруҳ катта йўлнинг нариги тарафида қатор экилган акациялар соясига ўтиб турган экан. Машинага ўрнашгач, ёрдамчисига қўнғироқ қилиб, Тошкентга чипта сотиб олишни буюрди. Ернинг тагидан бўлса ҳам соат 11 даги рейсга оласан, деди. Телефондаги гап тугамай, ўзи ҳам офисга етиб келди. Ҳеч ким билан сўрашмай, тўғри хонасига кирди. Қоғоз олиб ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди. Сабабини тушунтириб ўтирмади. Сўнг биринчи ўринбосари Ҳамиджонни чақирди. Узоқ муддатли сафарга отланганлигини айтиб, раҳбарлар бир фикрга келгунларича ишлаб чиқариш суръатини бўшаштирмаган ҳолда жамоани бошқариб туришни тайинлади. Унга тезда жавоб бериб, бурчақдаги пўлат сандиқдан бисотидаги икки

минг доллар пулини олиб, чўнтагига солди. Паспортини олишни ҳам унутмади.

Энди уйдагилар билан хайрлашиш қолди, холос. У шу ниятни дилига тутиб, яна "Нексия" га ўтирди. Бир зумда қўш табақали ёғоч дарвоза рўпарасига етиб келишди.

– Сен жойингдан қимирлама! – ҳайдовчига шундай деб ичкарига югурди. Саҳн ўртасида онаси Саломат аяга дуч келди.

– Онажон!

Саломат ая ўғлини кўрди-ю, унинг қучоқ очиб келишига парво қилмай буйруқ берди.

– Келдингми, тезда шифокорга югур, Олиянинг аҳволи оғир.

– Ойижон мен...

Саломат ая унинг нидосига қулоқ солмай, алақандай гиёҳларни кўтариб, уйга кириб кетди. Ботир Фарруҳни таниш докторга жўнатиб, қайтиб кирди. Бир кўнгли такси ёллаб, тайёрагоҳга жўнавормоқчи ҳам бўлди. Аммо, ўғли Қодиржон билан хайрлашмай кетишга виждони йўл қўймади. Аксига олиб Қодиржон кўринавермагач, истар-истамас Олия ётган уй эшигини итарди.

Не кўз билан кўрсинки, неча йил бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдоши ранглари оқ-сарик тусга кирган, кўзлари ярим юмуқ ҳолида ўлим билан олишиб ётарди. Саломат ая ўзича куймаланиб нима қилаётганини ҳам билмай, атрофида тентираб, зир-зир айланарди. Бирдан ўғлига кўзи тушиб, бутун заҳрини тўкиб сочди.

– Ҳалиям шу ердამисан, югурсанг-чи барака топкур. Билсанг, уни сен шу аҳволга солдинг, сен меҳрингни аяб келяпсан. Бунча бағринг тош?.. Бировнинг боласига раҳминг келмайдими? Ёлғиз ўғлинг етим қолишидан қўрқмайсанми?

Онасини сира бу аҳволда кўрмаган йигитнинг эсхонаси ўйнаб кетди. Вазият ўзи ўйлаганидан анча оғирлигини энди тушунди. Югуриб хотинининг тўзғиган сочлари устидан бошини ушлади. Пешонасидаги совуқ тердан сесканди, юраги орқасига тортиб кетди. Ана шундагина диванда беҳуш ётган, умр бўйи овозини кўтармаган, рўзгорнинг бор-йўқлигига қаноат қилиб, сокингина яшаган жуфти ҳалоллига қанчалар ўрганганлигини тушунди. Усиз бу хонадондан файз-барака кўтарилишини ҳам англади. Англади-ю, кутилмаганда йиғлаб юборди. Аммо, тезда ўзини қўлга олиб, Фарруҳнинг телефон рақамини терди.

– Тезроқ келмайсизларми, ахир!

Бу саволга жавобан эшик очилиб, Фарруҳ "Тез ёрдам" гуруҳи билан кириб келди.

— Биз шу ердамиз, Ботир ака!

Баланд бўйли, билакларини қора сепкил босган дўхтир дарров беморга кислородли ёстиқча улади. Сўнг юракни кучлантирувчи дори юборди. Қон босими юқори юрадиган кишининг босими пастлаб кетса шундай ҳол юз бериши мумкинлиги ҳақида йўл-йўлакай гапириб ўтди. Салкам бир соатга чўзилган муолажадан сўнг Олия ўзига келиб, кўзини очди.

— Тузукмисиз? — Сўради Ботир унга юраги ачишиб. Олия беҳолгина бош ирғади. Гапиришга мажоли етмаётганлигини шундан ҳам билиш мумкин эди.

Шифокор Ботирни бир четга имлаб чақирди.

— Энди гап бундай, — деди у қўлини совунлаб юваркан. — Бугун-эрта хавф бор, индинга қадар юраги панд бермаса, саломатлиги тикланиб кетади. Лекин, бу, бутунлай соғаяди, деган мулоҳаза эмас. Касаллик хуружи чекингач, тиббиёт институтининг клиникасига кўчирамиз. У ерда кучли мутахассислар бор. Айниқса домламиз Неъматжон Солиевичнинг муолажаси ўта ишончли. Фурсатни бой бермай, хотинингизни, албатта, профессорга кўрсатинг. Ҳозирча мана шу укол ва дориларни олиб туради. Айтмоқчи, биронта тажрибали ҳамшира ёлласангиз, дегандим...

Дўхтир шундай орқароқда жилмайиб турган хушрўйгина, қалин, қоп-қора сочлари нозик елкасига тушган, ўрта бўйли тиббиёт ходимасига ўтирилди.

— Хурсаной, сизнинг вақтингиз қалай?

Хурсаной одоб сақлаб, секин юриб дўхтирга яқинлашди.

— Агар ёрдамим тегса, бемалол, дўхтир!

Ботир ҳамширага миннатдорлик билдирди, телефон рақамини ёзиб берди.

— Бўш пайтингизни айтсангиз, машина юбораман.

"Тез ёрдам" кетди-ю, бироқ Олиянинг аҳволи яхшиланмади. У ҳали ҳам гоҳ беҳуш, гоҳ қарахт бир ҳолатга тушиб, ҳамманинг юрагини ёрарди.

Саҳндаги сўрига суяниб, астойдил йирлаётган Қодиржонга кўзи тушган Ботирнинг кўнгли бузилди. Битта-битта босиб бориб, уни кучоқлади.

— Нега йиғлаяпсан, ўғлим?

Қодиржон дадасининг пинжига бош суқиб, энди астойдил ҳўнграб юборди.

— Аям ўлиб қоладими, дада?

Ботирнинг томоғига тангадай нарса қадалди, юраги эзилди.

— Нега унақа деяпсан, болам? Сенга бу гапни ким айтди?

Бола бурнини тортди.

— Ҳеч ким. Фақат қўрқиб кетаяпман. Сиз доим ишдасиз, аям...

— Бас қил..., — Ботир ўғлини тинчлантирди. — Аянг отдай бўлиб кетади. Зўр шифокорларга кўрсатамиз ҳали. Ўғил бола кўзига ёш олмайди.

Қодир ялт этиб дадасига тикилди.

— Унда, нега ўзиз ҳам йиғладиз?

Ота уялиб юзини яширмоққа чоғланди.

— Оббо маҳмадона-ей. Мен йиғламадим, кўзимга бир нарса кирди, шекилли.

Бола ишонди.

— Мен бўлсам йиғлаяпти, деб ўйлабман.

Ботир болани кучоғидан чиқариб, Олиянинг ёнига кирди. У ҳамон ярим беҳуш ҳолатда эди. Ҳаттоки ёнидаги одамларни ҳам зўрға таниётгандай туюлди.

— Олия, аҳволингиз қандай?!

Хаста вужуд қилт этишга мажоли йўқлигини билдиролмай жони ҳалаклигидан яна пешонасига майда томчилар ёғилди. Шак-шубҳасиз эр бечора ҳам айна чоқда "Бундай қисмат душманнинг ҳам бошига тушмасин", деб ўйлади. Наҳотки, қалбида илдиэ отиб, ўзига мустаҳкам қўрғон қурган муҳаббат салтанатининг умри шунчалар қисқа, Наҳотки, неча йиллар қониб ичган ишқ шароби энди ҳаётини эҳтиёжи даражасига етганида бу чашма ўз-ўзидан қуриб, Ботирнинг ҳам гулдай ҳаётининг қуруқ ҳазонга айлантиради? Наҳотки, айрилиқ азоби унинг паймонасига човут солади?

У шошиб соатига қаради. Ундаги рақамлар "мени қувиб етолмайсан, лоақал бир сония тўхтатолмайсан", деб мазақ қилаётгандай, аёвсиз ўзгариб, илгарилаб борарди.

Олиянинг қуруқшаган лаблари хиёл ҳаракатга келди.

— Сув!

Ундан олдин кўзлари қизарган қайин сингисини Нозима чаққонлик қилди. Пиёладаги сувга пахтани ботириб, опасининг қақраган лабига босди. Бу ҳаракат уч-тўрт бор такрорланганида гўёки сўлиётган ниҳолга сув қуйилганида жонлангани каби Олия ҳам кўзларини очди.

— Мен қаердаман?! — секин пичирлади у.

Ботир энгашиб жавоб берди.

— Уйдасиз, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади, Худо шифосини берди, энди яхшисиз.

— Ҳа, Аллоҳга айтганим бор экан.

Олия чиндан-да ўзига кела бошлади. Чунки у сўзлаётганида шишган қовоқлари орасида ёш кўринди, киприклари намланди.

— Ботир ака, менсиз сизга қийин бўлади, мен сизни ташлаб кетолмадим!

Бу, оддий калом эмас, юракка урилган ханжар эди. Ҳолбуки, у ҳали ҳам аҳдидан қайтмаган, хотини ўзига келиши билан тайёрагоҳга ўқдай учадиган даражада турарди.

Ташқарида оёқ товушлари эшитилди. Кўп ўтмай, оқ халатли кишилар кириб келишди. Яна текширув, яна муолажа. Қил устида ўтирган Ботир ипсиз боғланганлигини тушунди. Гарчи бир-икки бор кўнглида ғулу кўтарилаганига қарамай, хотинини шу ҳолатда ташлаб кетгани виждони йўл қўймади. Аммо тезда ўзига таскин берди. "Тошкентга навбатдаги рейс бордир".

Шифокорлар беморга ёрдам кўрсатишаётганида, у Акмал билан боғланди. Ёрдамчисидан чиптани кейинги рейсга алмаштиришини сўради. Афсуски кейинги учадиган самолёт айти пешин вақтига зиклаб қоларкан.

— У ҳолда Наманган билан боғлан, Фарғонага кўнғироқ қил, хуллас, пешинда Тошкентда бўлишим керак.

У ўзича барибир улгураман, деган фикрда эди.

Телефон қопқоғини ёпганида, докторлар ҳам қайтиб чиқишди.

— Худога айтганингиз бор экан, хуруж ўтиб кетди. Энди касални клиникага кўчирамиз.

Ботир шошиб сўради:

— Қачон, эртагами?

Жавоб кескин чиқди.

— Ҳозир амбуланс чақирдик. Вақт кутиб турмайди.

Худди шу пайт соткасида мусиқа янгради. Акмал экан.

— Ботир Аҳмедович, соат 13 да ўзимиздан чартер самолёт учаркан!

Бу хабар йигитга қайта жон бағишлади.

— Раҳмат, Акмал!

Улар дарвозага етишганида остонага яп-янги амбуланс келиб тўхтади.

## 11

Кийимлари солинган жамадонни таксига юклаб, неча йиллик ҳаёти ўтган хонадонга қайтиб кирганида, Баҳорнинг юраги орзиқиб, хатога йўл қўйганини тушунди. Нега у шошилди, нега муҳаббатига



болта урди? Ахир, Ботирнинг хотини касаллигини биларди-ку. Ахир, салкам олти йил тинчгина бахтли ҳаёт кечирди-ку? Севгилиси доимо оғзига қараб, айтганини муҳайё қиларди, жонидан ортиқ кўрарди, меҳрини аямасди. Аммо, бу гамхўрлик унга камдай туюлди, озига қаноат қилолмади. Ботирнинг келиб-кетишлари гўёки ўзини камситилгандай тушунишига сабаб бўлди. Унинг фалсафаси шундай эди: "Мен уни севаман, у ҳам мени қўярга жой тополмайди. Шундай экан, нега бирга яшамаймиз, нега ўз бахтимиз учун курашмаймиз?"

Баҳор ақл билан Худони таниганида, Ботирнинг ҳолатини тушунган, оғир дамларда унга суянчиқ бўлган бўларди, аммо, ҳиссиётлар исён кўтарганида, ўзини жиловлай олмай ёлғизлигидан, ёши бир жойга бораётганига қарамай тўкис бахт эгаси бўлолмаётганидан изтиробга тушарди. Аввалига дайди шабададай эсан хаёллар аста-секин қалбига худди ўргимчак тўрларидай ин қурди. Бутун фикри-зикри муҳаббатини ҳимоя қилишга қаратилди. Юрса ҳам, турса ҳам шу ҳақда ўйлайверди. Бора-бора ширин висол онлари даҳанаки жанжалларга айланди. Ботир у билан бирга яшашга чин дилдан рози, фақат оилавий аҳволи бунга имкон бермаётган эди. Баҳор эса, вазиятни билиб туриб ҳеч нарсани тушунишни истамасди. Боз устига, унинг тижорат ишлари орқага кетди. Катта миқдордаги пули товламачи қўлида йўқолди. Иккинчи тарафдан ота-онаси ҳам Тошкентдан туриб "қачон келасан", деган қийин – қистовни кучайтираверишди. Шуларнинг ҳаммаси бирлашиб, Баҳорнинг муҳаббатини нафратга, ғазаб ва зулмга айлантирди. Лекин унинг ўзи бундай мушоҳада юритишга қодир эмасди. У ҳаётда севгидай баҳоланадиган бурч, масъулият, андиша каби туйғулар ҳам борлигини тан олгиси келмасди. Муҳаббат барчасидан устун, деган ақида унинг жон-жонига сингиб кетганди.

Алалхусус, у ишққа қарши исён кўтарди. Тошкентга борганида, чет эл фирмаларидан бирининг таклифига осонгина кўнди. Осонгина кўнганининг боиси шу эдики, у "Барибир, Ботир ака мен билан бирга боради, ёлғизлатиб қўймайди, ҳеч йўқ, беш-олти йил хорижда ишлаб, келажак учун замин ҳозирлаймиз. Энг муҳими, доимо бирга бўламиз", деган мулоҳазада эди.

Тўғриси ҳам шу эди. Аммо... Ботир қаршисидаги икки йўлдан қай бирини танлаши бу қадар қийин кўчишини у ҳисобга олмаган экан.

Хонадон эшигини ёпаётганида, худди ўз бахтини ўз қўли билан беркитаётгандай туюлди-ю, яна ички бир хуруж юрагини алғов-далғов қилиб юборди. Лекин, Баҳор кўчага чиқиб кетаётганлиги

боис куч билан ўзини босди. Акс ҳолда, юз бўёқлари чаплашиб, яна изига қайтишига тўғри келарди.

Андижон кўчалари бу қадар қадрдон, бу қадар файзли эканлигини энди билди. У нафақат уйи, нафақат севгилиси, балки киндик қони тўкилган она Ватанини ҳам тарк этаётганлигидан чуқур изтиробда ёнарди. Тайёрагоҳга яқинлашгани сайин бу азоб ўти тобора кучайиб, юрагини ўйиб борарди.

Хеч қачон вақтида учмаган самолёт бу сафар холини холига қўйиб парвозга шайланди. Баҳор божхона хизматчилари билан узоқроқ суҳбатлашди, анави кузатув дарчасидан ўтаётганида вақтни чўзди, тилло букюмлари-ю, соткасини беркитмади. Унинг бутун эътибори тайёрагоҳ эшиги тарафда эди. У Ботирнинг етиб келишига жуда ишонган эди.

Худди шу ўйи самолёт зинапоясида ҳам давом этди. У зинанинг ҳар бир пиллапоясини секин-аста босиб юқорига кўтариларди. Ниҳоят, сўнгги босқичга оёқ қўйиб, ортига ўтирилди. Юрагидаги ички бир сезги кўзи севгилисига тушишига кафолат бераётган эди. Аммо тайёрагоҳ ҳовлисида фақат бўйинбоғи шамолда учаётган кузатувчи йигит турарди, холос.

Энди чиқмаган жондан умид деганларидай, сўнгги илинж қолди. У Ботирнинг, ортидан пойтахтга етиб боришини жуда-жуда орзулаган ва шу ниятининг амалга ошишини Аллоҳдан сўраган ҳолида кўкка парвоз қилди.

\*\*\*

Клиникага жойлаштирилган Олиянинг аҳволи тезда яхшиланди. Афтидан, касаллик хуружи ўтиб кетганди.

Ботир Олиянинг укаси Азизбекни чақирди.

— Зарур иш чиқиб қолди, сиз опангизнинг ёнидан бир нафас жилманг, сиҳат-саломатлиги ҳақида мени хабардор қилиб тулинг, қолган гапни кейин телефон орқали тушунтираман, — деб тезда тайёрагоҳга жўнади.

Чартер рейс муддатидан кеч қолиб учди. Ботир Тошкент тайёрагоҳига қўниши билан халқаро қатнов биносига ўтди. Бу ерда ит эгасини, мушук бекасини танимасди. Афтидан, Европага учадиганлар яқинлари билан хайр-хушлашмоқда эдилар. У Деҳли, Владивосток, Париж, Люксембургга учадиган йўловчилар орасидан Баҳорни тополмади. Сўнг бошига келган фикрдан дили ёришиб, тўғри радиоалоқа хонасига кириб борди.

— Илтимос, Баҳор исмли аёлни кутаётганлигимни эълон

қилсангиз.

Орадан уч дақиқа ўтар-ўтмас қуйидаги эълон ўқиб эшиттирилди.

— Андижонлик Баҳорой! Сизни маълумотнома хонасида Ботир Аҳмедович кутяпти!

Эълон уч бора такрорланди-ю, ҳадеганда, Баҳорнинг дараги чиқавермади. Йигитнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, бошини эгиб, кутиш залига ўтди. Шу тобда унинг кўзига ҳеч ким кўринмасди. Мияси ари уясидай тинимсиз гўнғиллар, хаёли бодроқдай сочилганди. Энг муҳими, қаёққа бош уриши, кимдан ёрдам сўрашини ҳам билмасди. Севимли ёрини атиги бир бора кўриш умиди узоқлашгани сари юрагидаги оғриқ тобора кучайиб, ит азобига соларди.

У оёқлари толиққанлигини сизди. Ташқаридаги заранг остига ўрнатилган ўриндиққа ҳолсизгина чўкди. Кўнгли бузилиб, киприклари намланди.

Кўзини қоплаган хира парда ортида Баҳорнинг маъюс қиёфаси жонланди. Гўёки у "Сиздан шуни кутганмидим, лоақал кузатиб қўйишга ярамадингиз", дея сўроқлаётгандай. Чиңдан ҳам қисмат у билан оғир ҳазиллашди. Баҳорнинг кетиши билан Олиянинг хасталаниши айнаи бир пайтга тўғри келиши ақл бовар қилмайдиган ҳолат эди. Айнан "ақл бовар қилмайдиган" воқеа рўй берди-ю, Ботирнинг режалари барбод бўлди. Худди қўлига қўниб турган булбул ногоҳон учиб кетгандай... Энг ёмони, Баҳор кейинги воқеалардан мутлақо хабарсиз эди. Энди у Ботирни сира кечирмайди. Энди ҳаммаси тамом, ҳаммаси ширин туш каби қалбда ёқимли таассурот қолдириб, олис-олисларга учиб кетди. Ўтган олти йиллик ҳаётдан фақат тотли таассуротлар қолди, холос. Тақдир энди уларни яна қайта учраштирармикан? Уларни бир-бирига қайта боғлайдиган қандай ришта бор? Нега Баҳор бунчалар тез ўзгарди? Ёки Ботир олдидан оққан сувнинг қадрига етмадими? Йўқ, у имконияти даражасидаги барча ишга қўл урди, юрагини берди, ҳурматини жойига қўйди, ёлғизлигида мустаҳкам қоя каби ҳимоя қилди. Лекин, эътибор қанча кучайгани сари эҳтиёж ортаверди. Баҳор Ботирга бутунлай суяниб, унинг ҳар бир ҳижронини оғир қабул қилишга ўрганди. Йигит эса дардманда хотинини ташлаб, ўз бахти этагидан маҳкам ушлашга ҳадди сизмади.

Энди бу айрилиқ умр бўйи елкасида оғир юк бўлиб юраверади, унинг ўткир тиканлари эса елкасини эзаверади, эзаверади. Энди қалб жароҳати ҳеч нима эмас. Бироқ, Ботир ҳамон Баҳорнинг ташлаб кетганига ишонгиси келмас эди.

Ботир шомга яқин Баҳорнинг ота-онасиникига кириб борди. У қариялардан ёруғлик чиқмаслигини биларди. Чунки Баҳор Ботир туфайли беш йил улар айтмоқчи "тупканинг тагида" қолиб кетди, Тошкентга кўчиб келмади. "Яримта эр" га ишониб ота-онаси, ўғлини дийдоридан маҳрум этди. Шунинг учун ҳам кексалар сиртқи куёвини кўпам хушлашмас, фақат зарурият юзасидангина суҳбат куришарди. Аслида Баҳорнинг бундай тез "бир қарорга" келишида ота-онасининг беминнат "хизмати" борлигини ҳам йигит юракдан англаб етганди. Шунга қарамай, у "йўлини йўқотганида" Аҳрор ака хонадонига қадам босди. Кутганидай, мезбонлар уни совуққина қарши олишди. Аммо, ҳайтовур ўтиришга таклиф этишди.

— Баҳор қайси мамлакатга кетди, — сўради у бошини ердан узолмай.

Аҳрор ака пишиллаб оғир нафас олди. Қўлидаги сочиқни стол устига ташлаб, зарда аралаш деди:

— Етар, энди Баҳорни хаёлингиздан чиқариб ташланг.

Ботир эрталабдан буён битта ширин гап эшитмаганди. Буниси ортиб тушди. Ўзини тиёлмай деди:

— Нега менинг туйғуларимни топтайсиз? Мен қизингизни севаман, усиз яшашим қийин.

Аҳрор аканинг дум-думалоқ кўзлари совуқ йилтиради.

— Бунақа эртакни бошқа одамга айтасиз. Севар эмиш! Севадиган эркак бирга яшайди, шохдан-шохга қўниб юрмайди. Сиз ўзингизни ўйлаб, икки аёлни бахтсиз қилдингиз. У ёқда хотинингиз тўшакка михланиб ётибди, агар тек қўйсам, қизимни ҳам шу қўйга солардингиз. Сиз, биласизми, қанақа одамсиз, эгоистсиз...

Ботир бу ерда рўшнолик кўрмаслигини тушунди. Хайрлашмасдан чиқиб кетди. Таксига ўтириб, тайёрагоҳга борди. Вақт алламаҳал эди, атрофда одамлар сийрак, кундузги тўс-тўполон анча тинчиган эди.

У барча чиптахоналарга учраб, Аҳророва Баҳорнинг қайси мамлакатга учганини суриштирди. Ниҳоят, 7-чиптахонада тайёрагоҳ ходимаси барча умидларини чил-чил синдирувчи жавоб берди.

— Тайёрагоҳ бошлиғи Аҳророва ҳақидаги маълумотни бировга айтишимизни ман қилган, яхшиси, овора бўлманг!

Тайёрагоҳнинг йўловчи ташиш бўлими бошлиғи, тепакал киши ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлади...

Ботир Аҳмедович эрталаб ишга етиб келди. Биринчи ўринбосари Ҳамиджонни чақириб, "Ёпиқлик қозон шундайлигича қолсин", деб тайинлади. Столи устидаги аризани йиртиб ташлади. Азизбекка

телефон қилиб, Олиянинг соғлиғини суриштирди.

У иш бошлашидан аввал Баҳор ҳақида ҳеч нарса ўйламасликка ўзига-ўзи сўз берди.

## 12

Орадан икки йил ўтди. Ботир Аҳмедович севги ва севгилиси ҳақида ўйламасликка аҳд қилиб қаттиқ адашган экан. Ботир юрсатурса, кўз олдида Баҳорнинг гўзал чеҳраси тавдаланаверди. Қулоқлари остида эса унинг овози. Шу ўтган икки йил Ботир учун йигирма йилдай, бир асрдай туюлди. Лекин, бирор кун, бирор лаҳза бўлмади-ки, Ботир Баҳорни эсламаган, соғинмаган бўлсин. Кун ўтган сайин Баҳорга нисбатан соғинчи кучайса-кучайдики, асло камаймади. Ботирнинг назарида Баҳор кулиб кириб келадигандай. Ҳа, юракка ҳеч қачон буйруқ бериб бўлмаслигини у жуда кеч тушунди. Ҳижрон оташида ёнавериб, бир парча гўштга айланган юрак муддатидан аввал чарчай бошлади. Ботир "Ўтиб кетар", деб парво қилмади. Шифокорга учрашни эп кўрмади. Ботирни ардоқлайдиган Баҳор бўлмагач, унинг соғлиғи кимга керак?

Навбатдаги йиғилишни ўтказаетган бошлиқ одамлар кўз ўнгида тўсатдан ҳушидан кетиб йиқилди.

У ўзини йўқотган паллада профессор Неъмат Солиевич 5 ёшли набираси Нозиманинг рақсига маҳлиё бўлиб, қувончдан ял-ял ёниб ўтирган эди.

Қўл телефонида ўша хабарни эшитгач, зудлик билан клиникага етиб борди. Мана, бир ҳафтадан ортдики, беморнинг ҳолатида сира ўзгариш йўқ. Аксига олиб, Германиядаги ҳамкасби ҳам жим. Юрак, буйрак, ўпка ва жигар фаолиятини тетиклаштирувчи муолажалар ўз таъсирини ўтказмаётганига сира тушиниш қийин. Беморда руҳий стресс кучлига ўхшайди. Бироқ, энди ўзидан "гап олиш" осонмас. Лекин, бу шак-шубҳасиз даволаш жараёнига ёрдам берарди.

Неъмат Солиевич ички бир умид билан қаршисидаги мониторинг очиб, Давид Васильевичдан бирон янгилик келдимикан, деган мақсадда "почта қути" сини титкилади. Во ажаб, чиндан-да хат келибди: "Азизим Неъмат Солиевич, афтидан, касалинг руҳий зўриқишга учраган. Сен мана шу томонини ҳисобга ол. Бирон гап топилса, дарров менга етказ. Сени қучиб, Давид!"

Қизиқ, ҳозиргина ўзи ҳам шу ҳақда мулоҳаза юритиб турган эди. Демак, фикр бир жойдан чиқаяпти. Энди "руҳий зўриқиш" сабаби, аниқроғи, ўчоғини топиши керак. Бу хасталикни келтириб чиқарувчи омиларни тезроқ аниқлаши керак. Биринчиси, ишдаги

муаммо. Бироқ, корхонада айтарли чалкашлик йўқ. Иккинчиси, оилавий келишмовчилик. Бу ҳам ишончли омил эмас. Хотинининг сурункали касаллигини ҳисобга олмаганда, ҳаёти бинойидек. Дўст-душманлари-чи? Буни ҳам аниқлаган. Бу йигитда дўст ҳам, душман ҳам йўқ, шекилли. Унда яна нима қолди. Эҳтимол, севги дардидир. Айнан шу дардни бировга айтолмайди, кўнглини ёзолмайди, ўзи ҳам сезмаган ҳолида ич-этини еб бораверади. Айниқса, Ботирнинг ёшида бу ҳолга тушишнинг ўзи бўладими.

Таассуфки, профессор умрида бировга қаттиқ боғланмаган, унинг энг буюк муҳаббати тиббиёт, севинчи — оиласи, қувончи — беморларга шифоси эди. У мазҳаббошимиз имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан бир қулни озод этиш фазилатлари тўғрисида маъруза қилишини сўраганида, аввал бозордан қул сотиб олиб, бир ҳафта ишлатиб, озодликка чиқаргачгина жума маъвизасини шу мавзуга бағишлаганини эслади. Қулни озод қилиш туйғусини қалбидан ўтказганлиги учун ҳам айтган ваъзи кўп қулдорлар юрагини юмшатган экан. Аммо, бундай тажриба ўтказишнинг иложи йўқ, бутун вужуди илмга қоришиқ одам севги, муҳаббат бобида ёш йигитчалик салоҳиятга эга эмасди. Бироқ, профессор йўлда ётган тошни тепиб ўтиб кетаверадиганлар тоифасидан эмасди. У, аввало, бу тош қаердан, ким томонидан, нима сабабдан қўйилганлиги ва уни четга суришдан биров азият чекмаслигини обдон мушоҳада қилишга одатланганди.

У кабинетдаги узун китоб жовонига кўз югуртирди. Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" ни яна бир бор varaқлади. Унда ёзилишича, ишқ дардига мубтало кишининг юрак уриши гоҳ тезлашиб, гоҳ секинлашар экан. Ранг-рўйи сомондай сарғайиб бораркан. Ички аъзолари мўътадил ишласа-да, фаолиятида ўзгаришлар рўй бериб тураркан. Булар тушунарли, аммо, муолажаси қандай? Даво усули жуда оддий — фақат висол. Оддий-у, ўта қийин савдо. Бу йигит — севги дардига учраган бўлса, севгилиси ким, қаерда, ҳаётдан кўз юммаганми?..

Аввал шу саволларга жавоб излаши керак. Лекин, бу, айтишга осон. Ахир, Неъмат Солиевич сеҳргар эмас-ки, ҳамма нарсани бир қуф-суф билан ҳал этиб қўйса. Бироқ, шу ҳолатда ҳозир у қўл қовуштириб ҳам туролмайди. Тезроқ бирон чора топмаса навқирон бир йигитнинг умрига зомин бўлади.

Неъмат Солиевич китоб жавонининг "Руҳий ҳолатлар" ҳақидаги бўйлимини очиб, Эммет Фокс исмли муаллифнинг "Тоғдаги ваъзхонлик" китобини қўлига олди. Чунки бу асарда ҳам қимматли

фикрлар кўп эди.

Унинг диққати қуйидаги сатрларга тушди. "Ҳақиқий муҳаббат бартараф этолмайдиган қийинчиликлар йўқ, муҳаббат доволай олмайдиган касалликлар ҳам; муҳаббат очолмайдиган эшиклар ҳам; ҳақиқий муҳаббат тилаб ололмайдиган гуноҳлар ҳам..." Жуда ажойиб.

Шу китобнинг ёнида Адам Жексоннинг "Соғлом бўлишнинг ўнта сири" асари турган экан. У китобнинг 10-бўлими — "Муҳаббат кучи" ни ўқишга киришди.

— "Муҳаббатнинг соғломлик учун муҳимлиги шундаки, — деб ёзилганди унда. — У - ҳаёт асоси. Муҳаббатсиз умр ўз аҳамияти ва маъносини йўқотади ва инсон депрессияга тушади. Муҳаббат тан, ақл ва руҳга озиқ беради. Ўзларига нисбатан муҳаббат туйғусини сезиб турувчи бемор бошқаларга нисбатан тезроқ тузалади. Чунки инсон муҳаббатни ҳис этганида унинг вужудида оқ қон таначалари миқдори ортиб, томир оқимида оғриқ ва стресслар билан курашишга ёрдамлашувчи маҳсус гармонлар қўшилади ҳамда бундай инсоннинг аҳволи бутунлай ўзгаради.

Коинотнинг кўпгина қонуниятлари мавжуд ва буларнинг барчаси бенуқсон, лекин булар ичида энг асосийси — муҳаббат қонуни, чунки муҳаббат абадий барҳаёт. Бу коинотдаги энг қудратли куч. Муҳаббат туфайли барча муаммоларни ҳал эта оламиз ва касалликлардан халос бўламиз. Мен кўплар нима учундир менсимай қарайдиган муҳаббат соғайишда асосий омиллигига қатъий ишонаман. Ва асл муҳаббатсиз асл саломатликка эришиш мумкин эмас, деган фикрга менда заррача шубҳа йўқ".

Дафъатан кабинет эшиги секингина чертилди. Розилик билдирилгач, оппоқ халат кийган, бошига оҳорли қалпоғини кўндирган чиройли ҳамшира қиз ичкарига бош суқди.

— Домла, бемор Ботир Аҳмедовичнинг турмуш ўртоғи сиз билан суҳбатлашмоқчи экан...

Неъмат Солиевич столи устидаги қалин ойнага гўштор панжаларини босиб, ихтиёрсиз ўрнидан турди.

— Айни муддао, айтинг, кирсин.

Кейинги икки йилда Олиянинг саломатлиги яхшиликка юз буриб, ранг-рўйи тиниқлашган, чеҳрасида аёллик нафосати барқ урган, руҳияти тетиклашиб, яшашга иштиёқи кучайган эди. У табиатида мос равишда бироз тортиниб профессор кўрсатган дивандан жой олди.

— Мен Ботиржон акамнинг аҳволидан ташвишда қолдим... — Олия бу ёғини гапиролмай лабини тишлади.

Неъмат Солиевич шифокорлик фаолиятида бундай суҳбатларни кўравериб, мижозлар кўнглига йўл топишнинг анча ҳадисини олганди. Аслида беморга нисбатан унинг яқинлари ҳам ёрдамга муҳтож, — деб ўйларди у. — Чунки хаста киши атрофидаги инсонлар табиатан хушчақчақ, ҳаётга чанқоқ, муҳими руҳий бардам юришлари керак. Бемор айнан уларнинг кайфиятига қараб ўз ҳолатини уқишга интилади.

— Келганингиз жуда яхши бўлибди, — мулоим оҳангда гап бошлади профессор. — Ўзим сиз билан мулоқот қилмоқчи эдим. Келинг, очиқчасига суҳбатлашамиз. Бусиз мақсадга эришолмаслигимиз аниқ.

— Албатта, мен ҳам шу мақсадда олдингизга кирдим. Эҳтимол, бирон ёрдамим тегар.

— Баракалла! Айни ҳақ гапни айтдингиз. Ҳозир бизга беморнинг жонини омон сақлаб қолиш муҳим, қолган масалалар кейинчалик ўз-ўзидан ечилаверади.

Олия муддаони тушунмаса ҳам бош ирғаб маъқуллади.

— Энди, мени кечирасиз-у, сизга бир савол, эрингизнинг сиздан бўлак яқин кишиси бормиди?

Олия шу "нарс" турмуш ўртоғининг саломатлигига қандай алоқаси борлигини тушунмай, кўзларини катта-катта очиб, дўхтирга тикилди. Бироз ўйлаб, сўнг тиш ёрди.

— Аниқ билмайман. Мен ўз дардим билан овора эдим. Очиғи, у кишига дурустроқ эътибор ҳам қилолмаганман. Бечора менга қараб юриб охири ўзи... ётиб қолди. — Олиянинг кўнгли бузилиб, кўзларидан ёш қуйилди. — Кечирасиз, асабим бўшроқ, — дея хижолат чекди.

— Ташвишланманг. Фақат саволимга жавоб берсангиз кифоя.

Олия юпаниб, бироз тин олгач, яна ўйга чўмди.

— Биласизми, бизнинг орамизда қандайдир парда бор эди. Мен у кишининг бировга кўнги қўйганини аниқ эслай олмаяпман. Эҳтимол, шундайдир. Бироқ, мени эҳтиётлаб сездирмагандир.

— Яхши, унда энг яқин дўстини айтинг.

— Андижонда жуда "ош-қатиқ" бўлган ўртоғини билмайман. Ҳа, бир курсдош оғайниси бор, лекин Тошкентда. Илгари тез-тез келиб турарди.

— Телефон рақами борми?

— Бор. Ҳозир айтолмайман. Бир жойга ёзиб қўйгандим. Уйга бориб, сизга кўнгироқ қиламан.

— Жуда соз. Билингки, бу одам бизга жуда керак.



Олия остонага яқинлашганида яна ортига ўтирибди.

— Домла, Ботир акам оёққа туриб кетармикан?

Профессор саволга савол билан жавоб қайтарди.

— Сиз неча йил оғридингиз?

— Ўн йилдан ортди.

— Мана, оёқда турибсиз-ку. Худо хоҳласа, Ботиржонни ҳам соғайтирворамиз. Сиз руҳингизни туширманг...

Орадан анча фурсат ўтгач, Олия доктор билан боғланди. Неъмат Солиевич телефон рақамини стол устидаги ёзув дафтарига муҳрлаб, дарров Тошкентга телефон қилди.

— Лаббай! — даста ичидан виқорли овоз эшитилди.

— Кечирасиз, Анвар Чориевич, мен Андижон тиббиёт институти профессори Неъмат Солиевичман.

— Ассалому алайкум, Неъмат Солиевич. Андижонлар яхшими, ўзингиз соғ-саломат хизматларни бажарябсизми, димоғ чоғми? — Анвар Чориевич бундай такалуфни водийликлардан ўрганган эди. Ҳозир бор маҳоратини ишга солди.

— Анвар Чориевич, сизнинг Ботир Аҳмедович исми дўстингиз борми?

Даста ичидаги овоз жаранглаб кетди.

— Ў, борми деганингиз нимаси? Ишқилиб, соғ-саломат юрибдиларми?

— Ҳамма гап шундаки, дўстингиз анча бетоб...

Анвар Чориевич чуқур ўйга чўмди. Сўнг гапни қисқа қилди.

— Эрталаб ҳузурингизга етиб бораман.

Анвар Чориевич ваъдасида турди. Касалхонада "обход" бошланмасидан илгари у профессор қабулига кириб келди.

Неъмат Солиевич меҳмонни илиқ қаршилади, андижонликларга хос мулозамат кўрсатди, бир пиёла чой қуйиб узатаркан, касбига хос синчковлик билан унга назар ташлади.

Ўтган йиллар мобайнида Анвар анча тўлишган, кенг елкалари, йўғон бўйни, жиддий қарашлари унга ўзгача салобат бахш этарди. Овозидаги ўктамлик, мулоҳазақорлик, суҳбатдоши фикрини эринмай тинглай билишлик хислатлари унинг маданиятли зиёлигидан далолат берарди.

Гурунг давомида профессор ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб изларди.

— Ҳақиқатан, Ботир бир аёлни севарди. Ҳатто уларнинг никоҳига гувоҳлик вазифасини ўтаганман. Очиги, бундай севги тарихи камдан-кам учрайди. Ҳар иккаласи ҳам бир-бири учун жонини

бермоққа шай эди.

— Ҳозир ўша аёл қаерда? — Темирни қизигида босди шифокор.

Анвар Чориевич бошини диван суйанчигига ташлаб бир муддат ўйга чўмди. Сўнг мутлақо кутилмаган фикрини ўртага ташлади.

— Муҳтарам профессор, сизнингча Ботир ишқ дардида шу аҳволга тушган, тўғрими?

Неъмат Солиевич суҳбатдошига яқинлашиб келди.

— Худди шундай, барча тахминлар мана шу ташҳисга йўл очяпти.

Меҳмон бош чайқаб эътироз билдирди.

— Очигини айтсам, муҳаббат куйида мен асфаласофилинга учишим керак эди. Аммо, кўриб турганингиздай, соппа-соғман, ҳатто жин урмади ҳам.

Бу, қизиқ мавзу эди. Меҳмон ортиқча зориқтирмай бошидан кечган воқеаларни қисқагина айтиб ўтди. Хулоса мезбондан эди. Шундай бўлди ҳам.

— Биласизми, Анвар...

— Анвар Чориевич! Анваржон, деб атасангиз ҳам розиман.

— Бу ўринда сизнинг қисматингиз сал бошқачароқ. Сизни асраб қолган ҳолат биласизми нима?

— Мутлақо хабарим йўқ.

— Сизни жароҳатлаган ҳам, асраган ҳам хиёнат. Ҳа, ҳа, худди шундай.

Анвар ўрнидан туриб дераза ёнига борди.

— Фикрингизни тушунмадим...

— Сизга аёнки, муҳаббат ва нафрат эгизак юради. Гоҳида рашк, хиёнат ёки алдов маҳбуб ёки маҳбуба қалбидаги севги оташини газаб оловига айлантиради. Сизнинг ҳаётингизда ҳам айнан шу ҳолат юз берган. Сиз хиёнатни кечира олмагансиз. Яъни соф муҳаббат соҳибасидан эмас, балки бевафо аёлдан ажралгансиз. Тўғри, хиёнатни ҳам унутиш осонмас, лекин, юракдаги ишқ ловиллаб ёнаётган пайтда ҳижрон заҳматига дуч келишдан Аллоҳ асрасин. Сиз севгингиз роҳатини ҳам кўргансиз, яъни оилавий ҳаёт қургансиз. Хоҳлайсизми, йўқми оилавий турмуш барибир ўртадаги ошиқлик тафтини анча пасайтиради. Ботиржон эса севгилиси тимсолида ўз идеалини яратиб олган. Унинг ижобий фазилатлари миясига муҳрланиб, қусурлари кўздан йироқ бўлган. Худди шу вазиятда маъшуқасидан айрилиб, ўзи тезмаган ҳолда дард орттирган. Энди бу дарднинг давосини қидириб топиш фақат менга эмас, сизга ҳам боғлиқ. Демак, ўша номтаълум санам манзилгоҳи қаерда?

Анвар Чориевичнинг ранги ўзгарди, унинг бодом қовоқлари

қисилиб, юзига хижолатчилик соя ташлади.

– Буни қаранг. Иш шу аҳволга боради деб хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Профессор унинг кўнглига қўл ташлади.

– Илтимос, бирон сир қолмасин, дўстингизнинг ҳаёти қил устида турибди.

– Унинг шу аҳволга тушишига мен ҳам айбдорман.

Неъмат Солиевич таажжубланиб меҳмонга сирли қаради.

– Сиз айбдор? Бунисини кутмагандим.

– Баҳор чет элга отланганида, Ботир менга учради. Айтишича, севгилсининг ота-онаси уни қаерга кетганини яширишган экан. Мендан шу сирни билиб беришни илтимос қилди. Афсуски, бу масалага жиддий эътибор бермадим. Кейин у телефон орқали қисти-қафасга олавергач, чекинишга иложим қолмай, Аҳрор ака билан танишдим. Шубҳасиз, Ботирнинг дўсти эканлигимни сездирмадим. Учинчими ёки тўртинчи улфатчилигимизда, у қизи Баҳорнинг Германияда ишлаётганлигини гуллаб қўйди. Шу заҳоти хатосини фаҳмлаб, бу ҳақда бировга сўз очмаслигимни сўраб олт ичдирди. Албатта, олт ўз йўлига, мен Ботирни қайтадан "касалланишини" хоҳламаганим учун, унга ҳеч гап айтмадим. Назаримда, у ишда ҳам, оилада ҳам ҳаётини изга солиб олгандай туюлди. Илтимосини охирига етказмаганлигим учунми ёки Тошкентни унутиш ниятидами, ҳар ҳолда жуда кам гаплашардик. Кейинчалик Баҳор тўғрисида чурқ этиб оғиз очмади. Мен ҳам уни ёддан чиқарди, деб ўйлабман. Буни қаранг-а!

– Майли, бу ерда сизни айблаб олмайман. Яхшиси манзилни ёзиб беринг. Ҳозироқ интернет орқали Давид Васильевич билан боғланаман. Демак, Цайтунг штрассе, 28, бульвар 13, уй 49, Аҳророва Баҳор. Қандай бахт! Яхшики, Америка ёки Канадада эмас экан. Давиджон бу манзилни шесть секундда топади. Сизга минг раҳмат. Сиз нажот фариштаси бўлдингиз. Сизни менга Худо етказди.

Неъмат Солиевич худди ёш боладай яйраб кетди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Анвар Чориевични Ботир ётган палатага бошлаб кирди. Бу пайтда унга сунъий нафас улаб қўйишган, беморнинг ранг-рўйи бир ҳолатда эди.

– Ботир, мени танияпсанми? Сенга нима бўлди, дўстим?

Анвар ўзини тутолмай, кўзига ёш олган эди, профессор уни қўлидан ушлаб, четроққа тортди.

– Ҳозир ҳамма нарсани сезиб ётибди. Кайфиятингиз унга ёмон таъсир қилиши мумкин. Ўзингизни қувноқ кўрсатинг. Худо хоҳласа,

тез орада оёққа туради.

Ботирнинг кўзлари ҳиёл очилди-ю, лекин, Анварни танимади. Худди мажоли қолмагандай яна уйқуга кетди.

Анвар Чориевич касалхонадан тўғри дўстининг хонадонига борди. Саломат ая, Олия, Қодиржон билан кўришиб, уларнинг кўнглини кўтарди. Ўша куни Қодиржон билан гаплашиб ётди. Эртаси доридармонга деб пул қолдириб, яна Тошкентга қайтди. Унинг бирдан-бир мақсади Аҳрор акани йўлга солиш эди.

### 13

Давид Васильевичдан хушxabар келди. Ўзбекистонлик Баҳор Аҳророва Германия – Швейцария – Ўзбекистон қўшма корхонасида таржимон бўлиб ишлаётган экан. Аммо, у Ботир Аҳмедовичнинг бетоблиги тўғрисидаги хабарни сиполик билан қабул қилган эмиш... Бу ёғи унинг виждонига ҳавола, деб ёзибди Давид ака.

Баҳорнинг топилгани Неъмат Солиевични чексиз севинтирди. Бироқ севгилисининг хасталигига ортиқча урғу бермаганлигидан хавотирга тушди. Вақт эса, ўтиб боряпти. Бугун роппа-роса ўнинчи кун.

Эҳтимол ҳамкасби масаланинг моҳиятини яхшироқ тушунтирмагандир. Ундай деса бутун жаҳонга номи кетган олим ҳақида бундай иштибоҳга боришнинг ўзи ноқулай. Наҳотки икки йил мобайнида қиз қалбидаги туйғулар сўнган бўлса? У ҳолда Ботирни ҳеч қандай муолажа тузатолмаслиги аниқ. Унга фақат севги, меҳр, муҳаббат кучи керак.

Профессорнинг боши қотди. Шу кетишида бемор яна бир ҳафтага чидаши мумкин. Кейин... у ёғини ўйлаш ҳам оғир. Агар унинг ҳаёт шами сўнса, дунёда Севги деган тушунчага минг лаънатлар ўқийди. Ахир, не-не алломалар, адиблар ишқни гўзаллик, яхшилиқ, поклик, комиллик тимсоли сифатида таърифлаган эмасмиди? Бугун эса у гулдай умр иддизига болта урмоқчи. Қани, адолат, қани, садоқат?! Қани, китобларда битилган Лайлию Мажнун, Тоҳиру Зуҳролар? Қани, Фарҳоду Ширин? Бундан хулоса шуки, одамзод севгимуҳаббатдан ўтдан қочгандай узоқ юришлари керак экан-да? Ана, бу тузоққа тушганлардан бири ақлу хушидан ажралиб ётибди. Эртага ким билади, майса устидаги шудрингдай омонат жон худди маъшуқаси каби танга бевафолик қилар. Нима бўлганда ҳам энди қирқ ёш бўсағасидаги навқирон йигитнинг осонгина, жимгина риҳлатга юз тутиши адолатдан эмас. Профессор тиббиёт эришган барча кашфиётларни ишга соляпти. Энг замонавий дори-

дармонларни қўллаяпти, бутун маҳоратини сарфляяпти, аммо, бу ишқ дардининг давоси бўлак бўлса, на илож.

Шу тобда ўша Баҳор исмли аёл кўзига илондан совуқ кўриниб кетди. Иложи топилса-ю, боплаб адабини берса, қотиликда айбласа, хуморини ёзса. Афсуски, бунинг сира имкони йўқ. У номаълум гўзал бошқа сарҳадда, бошқа орзулар оғушида эркаланиб, эҳтимолки, яна бир ўлжаси жонига кўз тикиб юргандир. Эҳ, бевафо дунё...

Эшик огоҳлантиришсиз очилди. Хонага навбатчи шифокор шошилиб кирди.

– Профессор, Ботир Аҳмедовичнинг аҳволи оғирлашди!

Бу гап Неъмат Солиевичга "беморингиз ўлди", дегандай совуқ эшитилди. Ҳаётида илк марта мўлжални йўқотди, тиззалари ўзига бўйсунмай ўрнидан туролмай қолди.

– Проф...

– Чиқ! Тезда кўзимдан йўқол! – Беихтиёр ғазабини босолмай бақирди у. – Наҳотки, тиббиёт шунчалар ожиз, мамлакатга таниқли олимнинг қўлидан ҳеч нарса келмаса. Бу, нима деган гап?

Неъмат Солиевич жонлантириш бўлимига деярли чопиб борди.

Йўлақда йиғлаб ўтирган қайнона-келин, зинапояда тик турган таниш – билишларга эътибор бермай, Ботирнинг ёнига яқинлашди.

– Қон босимини ўлчанг!

Кўк халатли врач дарров жавоб берди.

– Ўлчадиқ, 50 га 70...

– Юрак уриши қандай?

– Пульс пасайяпти...

Неъмат Солиевич Ботирнинг қовоғини очиб, кўз қорачиғига узоқ тикилди.

Бўйнига қўлини қўйиб, томир уришини кузатди, фонендоскоп орқали юрагини эшитди.

– Йигитлар, шу ҳолатдан чиқариб олсак, марра бизники. Қани, қўшимча муолажани бошладик. Кислород борми, яхши. Оёғини музлатманглар. Сен, ҳамшира, томирига туш, дорини аста-секин юбор, қўрқма.

Муолажа авжига чиққанида, ташқарида навбатчи ҳамширанинг "Кирманг, мумкин эмас, кирманг!" деган хитоби янгради.

Неъмат Солиевич жаҳли чиқиб, зарда билан эшикни очди. Очди-ю, бир нафас ҳайратланиб туриб қолди. Худди шу фурсатда хонага аёл қоматли, сочлари ёзилган, опшоқ юзларида баҳор ифори таралаётган гўзал аёл кириб келди. У ҳеч кимга қарамай, ҳатто салом-аликни ҳам унутиб, бемор қаршисида тиз чўқди. Нозик бармоқлари билан унинг

сочлари, пешонаси, ёноқларини силади. Сўнг юзини - юзига босиб, оҳиста пичирлади.

— Мен келдим, Ботир ака!

Неъмат Солиевич Баҳор келганини англади-ю, қалбида бояги исёндан асар ҳам қолмади. Боз устига, кўнгли бўшашиб, кўзларида ёш ҳалқаланди.

— Муолажа тугади, энди беморни ёлғиз қолдирамиз.

Врач аёлга нигоҳ буриб сўради:

— Бу хоним-чи!

— Бу, хоним эмас, Баҳор! Баҳор шу ерда қолади.

Шифокорлар ташқарига чиқишди. Аёлнинг илтижоси давом этди:

— Ботир ака, мени эшитяпсизми, Баҳорингизман?

Ботир ҳеч нарсани сезмасди.

Кеч тушиб, қоп-қора тун бошланди. Баҳор ҳамон бошини беморнинг кўксига қўйиб, тиз чўкиб ўтирарди. Эртаси тун ярмидан оққанида жим-жит хонада бир сас эшитилди.

— Баҳор, Баҳор!

Аёл бир сесканиб, ўрнидан туриб кетди. Юраги қинидан чиққудай урарди.

— Баҳор, қаердасиз?!

— Мен ёнингиздаман, жоним. Кўзингизни очинг. Сизни соғиндим...

Қарийб бир ҳафта бир-бирига чирмашган киприклар беихтиёр ҳаракатга келди. Улар орасидан томчидай йилт этган нур кўринди. Ва шу заҳоти:

— Баҳор, сиз Баҳормисиз? — деган ожиз сўроқ эшитилди.

— Ҳа, мен сизни қийноққа солган, оромингизни ўғирлаган ўша Баҳорингизман. Мени кечиринг, жоним!

Неъмат Солиевич бу кеч хонасида тунаётган эди. Ботирнинг тилга кирганини эшитиб, палатага ўқдай учиб кирди. Беморнинг умумий ҳолатини кўздан кечиргач, кайфияти чоғ бўлди.

— Ботир, иним, мени танияпсанми?

Бемор базўр жилмайди.

— Профессор!

— Ҳа, баракалла! Энди бир гап айтаман-у, аянгнинг ёнига қочаман. Аммо-лекин, дард чексанг арзийдиган маъшуқанг бор экан. Бу ёнига қўлдан чиқарма, жон бераман, деб овора ҳам бўлма. Ҳали ҳаёт олдинда. Дард келади, кетади, севги — барҳаёт...

Профессор худди ёш боладай сакраб "Яшасин, севги! Яшасин, мангу муҳаббат!" дея чапак чалиб юборди.

Баҳор қаддини ростлаб кутилмаганда, профессорнинг яноғидан ўпиб, миннатдорлик билдирди.

Неъмат Солиевичнинг кайфияти аъло эди.

— Ана, холос, ишқилиб бу дард бизга юқмаса эди, — дея кулиб ҳазиллашди.

— Хавотир олманг, профессор, бу, юқумли эмас, — ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Баҳор.

Севишганлар ёлғиз қолишди. Баҳор яна жойини эгаллаб, Ботирнинг соқоллари ўсган юзларини одатича панжаси орти билан силади.

— Ботир ака, севгини қалбга кўмиб бўлмас экан. Икки йиллик ҳижрон менга минг йилдай туюлди.

Йигитнинг кўзларида севинч порлади:

— Мен уни кўмишга интилмадим, фақат ўзим билан бирга олиб кетмоқчи эдим.

Санамнинг юзлари хижолатдан анор тусини олди.

— Энди ҳеч қачон, ҳеч қаерга кетиш йўқ, — деди у энтикиб.

Ботирнинг қўллари унинг нозик елкасини қидириб топди.

— Қочиш ҳам денг...

Баҳорнинг лабларидан томган жон шираси Ботирга қайтадан ҳаёт бағишлади.

2006 йил, апрель — сентябрь.

1800

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

ДАРД

*Қисса*

Муҳаррир *Шукур Қурбон*  
Бадий ва техник муҳаррир *Рустам Исакулов*  
Мусахҳиҳлар *Назира Шакарова*  
*Муҳаматжон Турдиев*

Босишга рухсат этилди. 7.08.2007 й.  
Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>  
Босма табағи 11. Адади 1000 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 105

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмаҳонаси.  
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33